

Нажмуддин Умар ибн Муҳаммад  
ибн Аҳмад ан-Насафий

**АЛ-ҚАНД ФИЙ ЗИКРИ УЛАМОИ  
САМАРҚАНД**

[Самарқанд уламолари хотирасига доир  
қанд(дек ширин китоб)]



“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”  
Давлат илмий нашриёти

H27

Нажмуддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий.  
“Ал-Қанд фий зикри уламон Самарқанд”/“Самарқанд  
уламолари хотирасига доир қанд(дек ширин китоб)”. – Т.:  
“Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2001. – 304 б.

ББК 86.38+63.3(5У-8)

Арабчадан УСМОНХОН ТЕМУРХОН ўғли  
ва БАХТИЁР НАБИХОН ўғли таржимаси

И  $\frac{0403000000}{М 358-01}$  2001

JSBN 5-89890-037-03

© “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”  
Давлат илмий нашриёти, 2001 й.

## МУҚАДДИМА


Шарқ мамлакатлари, айниқса Мовароуннаҳр уламолари ўз она шаҳарлари тарихи ва улардан етишиб чиққан машҳур зотлар ҳаёти ва фаолияти хусусида махсус асарлар тасниф этишга ғоятда катта эътибор берганлар. Бу ҳақда аллома Абу Аҳмад ал-Ҳоким ан-Нишопурий: “Мен Хуросон ҳамда Мовароуннаҳрдаги ҳар бир шаҳар тарихига доир кўплаб асарлар яратилганини ва улар айнан ўшал шаҳарлар уламолари томонидан ёзилганини яхши биламан”, – дейди. Мовароуннаҳр шаҳарлари, хусусан кўҳна Самарқанд тарихи ва унинг алломалари ҳақида биринчи бўлиб асар ёзган Абу Саъд Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ал-Идрийсий ал-Астрободий (ҳижрий 405 й. вафот этган), кейин Абулаббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий (ҳижрий 432 й. вафот этган), сўнг Нажмуддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафийдир.

Имом, аллома, муҳаддис Абу Ҳафс Нажмуддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн Муҳаммад ибн Али ибн Луқмон ан-Насафий (сўнг ас-Самарқандий) асли Насаф аҳлидан бўлиб, Самарқандда яшаган. Ҳижрий 461 ёки 462 (милодий 1069/1070) йилнинг (муборак) ойларидан бирида Насафда дунёга келиб, ҳижрий 537 (милодий 1142) йил жумод ал-увло ойининг 12-куни Самарқандда оламдан ўтган.

Насафий (Оллоҳ таоло ғарийки раҳмат, шойистаи жаннат айласин!) кўплаб машойихлардан илми ҳадис ўрганган ҳамда ҳадис ривоят қилган бўлиб, у ўз устозлари исmlарини жамлаб, “Умарнинг машойихлари рўйхати” номли рисоласида келтирган ва уларни алифбо тартибига риоя қилмаган ҳолда, юқоридан пастга бир қатор қилиб жойлаштирган. Бу борада “Ал-Ҳидоя” асарининг муаллифи Бурҳонуддин ал-Марғи-ноний (? – 1196): “Мен Нажмуддин Умарнинг “Камина 550 машойихдан ҳадис ривоят қилурман” деб айтганини эшит-

ганман”, – дейди. Масалан: Исмоил ибн Муҳаммад ан-Навҳий, Ал-Ҳасан ибн Абдулмалик ал-Қозий, Маҳдий ибн Муҳаммад ал-Алавий, Абдуллоҳ ибн Али ибн Исо ан-Насафий, Абулйуср Муҳаммад ибн Муҳаммад ан-Насафий, Ҳусайн ал-Кошгарий, Абу Муҳаммад ал-Ҳасан ибн Аҳмад ас-Самарқандий, Али ибн ал-Ҳасан ал-Мотурийдий, Абулқосим ибн Баййон ва бошқалар Насафий устозлари жумласидандир. Насафийнинг шогирдлари ҳам кўп бўлиб, Умар ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Уқайлий, Муҳаммад ибн Иброҳим ат-Турайштий, Абу Ҳафс Умар ибн Аҳмад аш-Шабибий ва унинг ўғли Абуллайс Аҳмад ибн Умар ва бошқалар ундан ҳадис ривоят қилган. Кўплаб уламолар Насафийнинг дин илми, тарих ва жуғрофия фанларига кўшган хиссасини юксак баҳолаганлар. Жумладан бу хусусда Аз-Заҳабий “Сийар аълом ан-нубало” номли асаридеда бундай деган: “Нажмуддин Умар кўплаб илмлар билимдони бўлиб, ҳадис, тафсир ва шурутга оид китоблар ёзган, уларнинг адади юзга яқин”. Ас-Симъоний “Таҳбийр” деган китобида: “Насафий фақиҳ ва имом бўлиб, илми мазҳаб ва адаб билимдонидир, у фикҳ ва ҳадисга доир бир қанча китоблар тасниф этган”, – дейди. Ибн Нажжор ан-Насафий эса бундай деб зикр қилади: “Ул киши йирик фақиҳ, муфассир, муҳаддис, адиб ва етук инсондир. У тафсир, ҳадис ҳамда шурутга оид қатор асарлар битган”.

Насафий юқорида зикр қилганимиздек, йирик аллома, тафсир, адаб, тарих ва ҳадис илмлари билимдони бўлиб, ҳадис ва тарихга доир кўплаб маълумотларни жамлаб китоб тасниф қилиш борасида ҳам шуҳрат қозонган. Асарларининг адади, Аз-Заҳабий зикр этганидек, юзга яқиндир. Масалан: “Ал-Ижозот ал-мутаржама бил-хуруф ал-муъжама”, “Ал-Ишъор бил-мухтор мин ал-ашъор”, “Ал-Акмал ал-атвал фий тафсийр ал-Қуръон”, “Ат-Тайсийр фий илм ат-тафсийр”, “Ал-Мавоқийт”, “Манзумат ал-хилофиййот”, “Баъс ар-рағоиб ли-баҳс ал-ғароиб”, “Таъдод аш-шуйух ли-Умар”, “Қайд ал-авобид”, “Таърийху Бухоро”, “Таърийху Марв”, “Ал-Қанд фий зикри уламои Самарқанд”, “Назм Ал-Жомий ас-сағийр лиш-Шайбоний фий фуруъ ал-фикҳ ал-ханафий”, “Татвийл ал-асфор ли-тахсийл ал-ахбор”, “Ал-Жумал ал-маъсура”, “Ал-Ҳасоил фил-масоил”, “Ал-Ҳасоил фил-фуруъ”, “Даъавот ал-



мустағфирин”, “Ужолат ан-Нахшабий ли-зойфиҳи ал-Мағрибий”, “Тилбат ат-талаба”, “Ал-Ақоид ан-Насафиййа”, Шарҳ Ас-саҳийҳ ал-Бухорий – “Ан-Нажоҳ фий шарҳи китоби ахбор ас-саҳоҳ”, “Мажмаъ ал-улум” ва бошқалар.

Насафийнинг қўлингиздаги “Ал-Қанд фий зикри уламои Самарқанд” [“Самарқанд уламолари хотирасига доир қанд(дек ширин китоб)”] номли асари, асосан самарқандлик машхур кишилар ҳаёти ва фаолияти ҳамда улар ривоят қилган ҳадисларга бағишланган бўлиб, унда Мовароуннаҳр тарихи, географияси, топонимикаси ҳамда Ислом тарихига доир муҳим маълумотлар мавжуд. Асарга киритилган машхур шахслар таржимаи ҳоли араб алифбоси тартибида жойлаштирилган бўлиб, унинг бизгача тўлиқ етиб келмаган қўлёзма нусхасининг “хо”дан “коф” ҳарфларигача бўлган қисмигина сақланиб қолган. Шундай бўлса-да, бу асар мустақил юртимиз ўтмишига доир бўлак манбаларда учрамайдиган маълумотларга эга эканлиги боисидан ниҳоятда муҳимдир. Биз ундаги 1010 та таржимаи ҳолдан биографик маълумотлари етарли ва келтирилган ҳадислари Имом ал-Бухорийнинг “Ал-Жомий ас-саҳиҳ”ларидаги ҳадисларга зид бўлмаган 423 тасини танлаб олиб, ровийлар сонини қисқартирган ҳолда таржима қилдик.

Мазкур қўлёзма 11-асрга мансуб бўлиб, 98 варақдан иборат. У Туркиядаги “Тархон волидаси” номли кутубхонада 70-рақам остида сақланади.

Ушбу китобнинг нашр этилишига беминнат молиявий ёрдам кўрсатган Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаси раҳбариятига самимий миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

كَثْرَتْ قَالَ حَدَّثَنَا أَبُو كَاتِبٍ يَمِيدُ بْنُ أَحْمَدَ  
 بْنُ يَزِيدَ عَنْهُ قَالَ حَدَّثَنَا خَلْفُ بْنُ خَلِيفَةَ عَنْ  
 ذَكَوَادِي وَرَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّهُ قَالَ لَا يُؤْتَى بِأُمَّتٍ  
 اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ إِنَّ الْمَسْجِدَ بِوَسْطِ  
 زُجْجٍ وَالزُّجْجُ وَالْمَجَازُ عَلَى الْعِرَاقِ

وَعَنْهُ أَبُو الْهَيْمِ مُحَمَّدُ بْنُ عَمْرٍو بْنِ حَمْدِ بْنِ  
 عَبْدِ الْمَلِكِ قَالَ أَخْبَرَنَا جَعْفَرُ بْنُ مُحَمَّدِ بْنِ  
 مُحَمَّدٍ وَحَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ أَبِي الْهَيْمِ بْنِ مُحَمَّدِ بْنِ  
 رَوْفٍ وَجَيْفٌ قَالَ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَمْرٍو بْنِ  
 قَالَ حَدَّثَنَا أَبُو الطَّيَّافِ كَارِزُ بْنُ مَطْرِبَ  
 تَابِعُ يَقُولَانِ حَدَّثَنَا أَبُو الطَّيَّافِ  
 حَتَّى تَمَّتْ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الطَّوْلِ  
 كَثْرَتْ مَا تَصْنَعُ

30  
 Kni  
 Yer  
 Esk  
 Tas

منخطوطه

(қўлёзгани)

يزيد بن عن مالك بن أنس دفع بن أبو يزيد روى عنه أحمد  
 فوج البنين أن ابن أبي بكر بن أبي القاسم أو بن أبي القاسم  
 الذي كانه لم يردم أبو يزيد من رفاقه إلا أنه قد راجع  
 إلى كثر ما خرج منها إلى الخ قال محمد بن سنان أن  
 فلان كبره وضممت صحبته إلى أبيه الف سديت فلان  
 ثم جملته إلى عثمان الأديب سديت وسبب الخرابه أن  
 فملكان أمير خراسان قال إن الركن في الجوز ليس من ثمر  
 ثمرات الشجرة بل أن لها الثمر حاق من ثمرات الشجر  
 ثم يخبرني ومن أحسن ما يثرب الحديث فقال له إذا  
 كعبه من ثمر الشجر كعبه من ثمر الشجر المذمومة  
 إلى ما قلته وسبكي أنه قال له أنطانت في سماح أقت على  
 عليه السلام عن إقامة المذموم في المسجد وصين  
 سلة والنبي عليه السلام عن المشقة ومن أبو يزيد  
 كما جملته على يزيد وصنانتان إلى أبو الجوز فاقول  
 كما تسمى ما أنزل به ما أنزل به في مساجد وجهه إلى  
 بيهما فاسم على أبيه ما أتت به رسالة القبط فلا أشد  
 من ثمره وصار يزيد منه وقتب الجهنمية من ثمره  
 أشد ما أشد الشجيرة الإسماعيلية عشر من أحمد السليبي  
 بن أحمد الكفايين قال أخبرنا أبو الجوز فاقول أبو سديت  
 بن أحمد بن أبي القاسم السديت الذي جملته  
 سنان البنين أبو بكر قال حد ثنا جعفر بن فوج قال حد ثنا  
 قال حد ثنا فوج بن أبو يزيد أبو جهمه عن ذكوان

• الصفحة الأولى

биринчи бети)

**АБУ МУЪОЗ (ХОЛИД) ибн СУЛАЙМОН ал-БАЛХИЙ** – Аҳмад ибн Наср ал-Аткий, Муҳаммад ибн Азҳар ал-Балхий ва Ҳимму ибн Нуҳ ал-Балхийнинг ривоят қилишича, Абу Муъоз йирик фақиҳ ва Қуръону ҳадис ҳофизларидан бўлиб, Самарқандга келганида Хуросон амири Али ибн Исо ибн Моҳон унга дарра урдирган, сўнг Фарғонага бадарға қилган. Шунда Абу Муъоз Фарғонадан Балхга қайтаётиб, ҳижрий 190 (милодий 807) йили Самарқандга кирган, ундан Кешга, Кешдан эса Балхга равона бўлган.

Муҳаммад ибн Салма (Салама) бундай дейди: “Абу Муъоз 100 минг ҳадисни ёд биларди. Кексайиб, хотираси заифлаша бошлагач, уларнинг сони 70 мингга, Али ибн Исо ибн Моҳон дарра урдириб, Фарғонага қувғин қилгач эса 10 мингга тушиб қолди”.

Абу Муъознинг Самарқанддан бадарға қилинишининг сабаби шуки, Хуросон амири Али ибн Исо ибн Моҳоннинг қозиси Абу Муҳаммад ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ал-Аъмаш: “Намознинг рукуъ ва саждалари фарз эмас, балки суннатдир”, – деганда Абу Муъоз унга: “Сен кофир бўлдинг! Чунки, намоз бошидан охирига қадар фарздур” – деб айтган экан. Шунда Ал-Аъмаш Хуросон амири Али ибн Исо ибн Моҳоннинг ҳузурига бориб, унга: “Абу Муъоз мени кофир деди, кимки қозини кофир деса, унга ҳадд (дарра) урилиши даркор” – деб шикоят қилди. (Амир ҳақиқатни суриштириб ўтирмай, қозига): “Боргил, унга ҳадд ургил!” – деб буюрди. Қози Абу Муъозни жомеъ масжидига олиб бориб ечинтирдида, дарра урди. Шунда Абу Муъоз унга: “Эй Ҳасан, шу ҳам дарра уриш бўлдимиз?!” – деди. Қози (унинг бу гапидан аччиғланиб) бир кўзада сув олиб келди-да, устидан қуйиб юборди, сўнг соч-соқолини қириб Фарғонага бадарға қилди.

Ўшанда Абу Муъоз қозига бундай деб айтган экан: “Сен қуйидаги ҳолларда хато (ғуноҳ) қилдинг: (аввало) менга ноҳақ ҳадд урдинг, бунинг устига жомеъ масжидида урдинг. Жаноб

Пайгамбаримиз алайҳиссалом бўлсалар, масжид (биноси ичи)да ҳадд урмоқдан қайтарганлар. (Иккинчидан) сен устимдан сув куйиб, соч-соқолимни қириб ташладинг. Буларнинг барчаси сазойи бўлиб, Жаноб Пайгамбаримиз алайҳиссалом (муъмин-мусулмонни) сазойи (изза) қилишдан (ҳам) қайтарганлар”.

Шундан сўнг Абу Муъоз Термиз ва Сағониёндан тортиб то Вашжирд (Вазгирд)гача бўлган ҳудуд қозиси Абдулазиз ибн Холид ибн Зиёд ибн Жарвалнинг ҳузурига борди. У Абу Муъозни (якши кутиб олиб), бир бошпана берди, унга иззат-ҳурмат кўрсатиб, (хўп) яхшиликлар қилди. Бу гап (Хуросон амирининг мазкур қозиси) Ал-Аъмашнинг қулоғига етгач, у ўз одамларини юбориб, қози Абдулазизнинг бошига ҳам Абу Муъознинг бошига солган кулфатларни солди, сўнг уни (ҳам) Фарғонага бадарға қилди. (Шу тариқа) Оллоҳ таоло Шош ва Фарғона аҳлига бу икки (солиҳ бандаси) орқали (беҳад) мурувват кўрсатди – улар туфайли юз мингта яқин киши мусулмон бўлди.

Абу Мутийъ Балх қозиси этиб тайинлангач, собиқ қози Абу Муҳаммад ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ал-Аъмаш у ердан қочиб Марвга борди ва у туфайли Марвада жажмийя (“Оллоҳ таоло инсонга ҳеч қандай ихтиёр ато этмаган” деб эътиқод қилувчилар) мазҳаби юзага келди. (Ал-Аъмашнинг, қозиликдан туширилгач, Балхдан Марвга қочганидан вокиф бўлган) Абу Муъоз ва Абдулазиз ўзларининг Балхдаги масканларига қайтдилар.

Химму ибн Нуҳ ал-Балхий: “Абу Муъоз бизга Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг қуйидаги ҳадиси шарифларини ривоят қилганди”, – дейди:

*Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилганлар: “Дарҳақиқат Оллоҳ таоло залолатга қарши турмоғингизда сизларга мададкордур, эҳтиёт бўлингизларки, (яна) аҳли ботил аҳли ҳақ устидан солиб келиб қолмасин!”.*

**АБУЛҲАЙСАМ ХОЛИД** ибн **АҲМАД** ибн **ХОЛИД аз-ЗУҲЛИЙ** – Бухоро ноиби, ҳижрий 269 (милодий 883) йили Самарқандга келиб, ҳадиси шарифлардан ривоят қилиб берган.



Иброҳим ибн Мужоҳид ал-Муаддиб бундай дейди: “Ҳолид ибн Аҳмад ибн Ҳолид ҳижрий 264 (милодий 878) йили ҳам Самарқандга келганди, шунда уни (Самарқанд ҳокими) Наср I ибн Аҳмад (ибн Асад ас-Сомоний) (?–893) “Ғадовид” йўлида истикболига чиқиб кутиб олганди. Ўша куни пайшанба бўлиб, шаъбон ойининг ўн куни ўтган эди. Сўнг, Ҳолид ибн Аҳмад Самарқандни ҳижрий 265 (милодий 879) йили тарк этиб, Марвга равона бўлганди. Ўша куни эса сешанба бўлиб, муҳаррам ойининг етти куни қолган эди”.

Ҳолид ибн Аҳмад қуйидаги шайхлардан ҳадис ривоят қилган: Али ибн Ҳажар ас-Саъдий, Муслим ибн ал-Ҳажжож ан-Нишопурий ва бошқалар. Ул кишидан эса қуйидагилар ҳадис ривоят қилган: Ҳошид ал-Бухорий, Исҳоқ ал-Ҳанзалий ва бошқалар.

Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Умарнинг айтишича, Ҳолид ибн Аҳмад қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан:

*Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Ҳалол аниқ, ҳаром ҳам аниқ, аммо уларнинг орасида кўп кишилар (ҳалол ё ҳаромлигини) билмайдиган шубҳали нарсалар мавжуд. Кимки шубҳали нарсалардан тақво қилса, динини ҳамда ўз обрўсини (ҳаромдан) сақлаган бўлур ва кимки шубҳали нарсаларга қўл урса, ҳаромга қўл урган бўлур. Бу шунга ўхшайдик, бир кўриқхона (кириш таъқиқланган бог ёки ўтлоқ) мавжуд бўлиб, унинг атрофида (подасини) боқиб юрган чўпоннинг(қўйлари) унга кириб кетиши ҳеч гап эмас. Дарҳақиқат, ҳар бир подшоҳнинг ўз кўриқхонаси бор, Оллоҳ таолонинг кўриқхонаси эса унинг ҳаром қилган нарсаларидур”.*

**АБУ ЯЗИД ҲОЛИД ибн ОМИР ат-ТАВОВИЙСИЙ** – аввал Иштихонда яшаган, сўнг Самарқандга келган. У Аҳмад ибн Наср ал-Аткий ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса Абд ибн Саҳл аз-Зоҳид ҳадис ривоят қилган.

Солиҳ ибн Ҳамдон ал-Бухорийнинг айтишича, Ҳолид ибн Омир қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан:

*Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилганлар: “Кимки онасининг икки кўзи орасидан ўпса, (охиратда) онаси унга жаҳаннам оташидан (пана қилгувчи) парда бўлур”.*

**АБУ ҲОМИД ХАЛАФ ибн ал-ФАРАЖ ас-САМАРҚАНДИЙ** – Абу Муқотил ас-Самарқандий, Суфён ибн Уяйна, Абдурраззоқ ибн Хумом, Абу Муовия аз-Зарийр ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. Ул кишидан эса Абу Яъқуб Юсуф ибн Али ал-Аббор ва бошқалар ҳадис ривоят қилган.

Абу Ҳомид ҳижрий 231 (милодий 846) йили, шаввол ойидан тўққиз кун қолганда, якшанба куни вафот этган.

Фатҳ ибн Абд ас-Самарқандийнинг айтишича, Абу Ҳомид куйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан:

*Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Уч нарсада бахтсизлик мавжуд: хонадон (ҳовли), хотин ва отда. Хонадондаги бахтсизлик, бу унинг (масжиддан азон эшитилмайдиган масофада узоқ ва) қўинисининг ёмон эканлигидадир. Отдаги бахтсизлик, бу унинг (газот учун боқилмаётганлиги, минилмаётганлиги ёки) асов эканлигидадир. Хотиндаги бахтсизлик эса, унинг қаноатсиз, айтишқоқ ёки туғмас эканлигидадир”.*

**АБУ СОЛИҲ ХАЛАФ ибн МУҲАММАД ибн ИСМОИЛ ал-ХАЙЁМ ал-БУХОРИЙ** – Бухородан Самарқандга келиб, ул ердаги қишлоқлардан бири – Бурнамадда истиқомат қилувчи Яҳё ибн Муъоз ар-Розийнинг дўсти Абдуррахмон ибн Муъоздан ҳадислар ёзиб олган. У Бухорода илми ҳадис бўйича энг йирик мутахассис бўлиб, Солиҳ Жазара ва Бухоро, Насаф ҳамда Мовароуннаҳр ахлидан ҳам ҳадислар ёзиб олган.

Халаф ибн Муҳаммад ҳижрий 361 (милодий 981) йилнинг охирида ёки 362 (милодий 982) йилнинг бошида Бухорода вафот этган.

**АБУ ЯҲЁ ХИДОШ ибн ХАЛАФ ас-САМАРҚАНДИЙ** – манбаларда бу кишининг исми Халаф ибн Хидош, лақаби эса Абу Мансур деб ҳам келтирилган, аммо юқоридаги тўғри.

Хидош ибн Халаф ҳижрий 252 (милодий 867) йили вафот этган бўлиб, у Марвон ибн Муовия ал-Физорий, Муслим ибн Холид аз-Занжий ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса Абу Яъқуб ал-Аббор ва бошқалар ҳадис ривоят қилган. Абу Яъқуб ал-Абборнинг айтишича, Хидош ибн Халаф куйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан:

*Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Кишининг саховати унинг дини(дан), одоби – ақли(дан) қадрияти (обрў-эътибори) эса хулқи(дандир)”.*

**АБУ ИЛЁС ал-ХАЗИР ибн ЮСУФ** – Самарқанд ахлидан ҳисобланади. Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ ан-Назравий ас-Самарқандий: “Мен Абу Илёс ал-Хазир ибн Юсуфнинг китобида унинг Самарқанд ахли уламолари қаторида зикр этилганини кўрдим, ул киши куйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган”, – дейди:

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Ҳар бирингиз биродарингиз учун (айбини кўрсатувчи) оинадурсиз, кимки биродарида бирор айб кўрса, уни (дарҳол) ундан маҳв этсин!”.*

**АБУ САЪИД ал-ХАЛИЛ ибн АҲМАД ибн МУҲАММАД ибн ал-ХАЛИЛ ибн МУСО ибн ОСИМ ибн ЖАНК ас-СИЖЗИЙ** – умрининг охириларида Самарқанд қозиси бўлган. Ал-Имом Абулаббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирий бундай дейди: “Қози Абу Саъид ал-Халил ибн Аҳмад ас-Сижзий Бухорода бизга ўз тили билан ва ёдаки тарзда бир ҳадисни ривоят қилди-да, менга: “Эй Насафий, бул ҳадисни ёдлаб ол, уни Насафга етказурсан!” – деб амр қилди, ўшал ҳадис куйидагича:

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Илм олмоқ фарздур” – деб марҳамат қилганлар.*

**ИМОМ АБУ МУҲАММАД ал-ХАЛИЛ ибн АҲМАД ибн МУҲАММАД ибн АБДУЛЛОҲ ибн МУҲАММАД ан-НАСАФИЙ** – икки имом – Муҳаммад ва Ал-Ҳасаннинг падари бузруквори. Ул кишининг ўғилларидан бири – Аш-Шайх ал-Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Халил ибн Аҳмад: “Қиблагохим менга хижрий 448 (милодий 1057) йилнинг зулҳижжа ойида куйидаги ҳадис шарифни ривоят қилган эдилар”, – дейди:

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилганлар: “Агар банда “Астағфируллоҳаллазий ло илоҳа илло ҳувал-ҳаййул-қаййум ва атубу илайҳи!” деса, Оллоҳ таоло унинг гуноҳини, гарчи у орадан қувғин қилинган бўлса-да, кечади”.*

**ШАЙХ АБУ МУҲАММАД ал-ХАЛИЛ ибн АҲМАД ибн МУҲАММАД ибн ЮСУФ ибн ИСМОИЛ ал-ҲАСИЙРИЙ ан-НАСАФИЙ** – Аш-Шайх ал-Имом ал-Хатийб Абулаббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирийдан куйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган:

*Пайгамбаримиз алайҳиссалом Оллоҳ таолонинг башоратини маълум қилаётиб: “Ўн киши жаннатда: Абу Бақр жаннатда, Умар жаннатда, Усмон жаннатда, Али жаннатда, Аз-Зубайр жаннатда, Талҳа жаннатда, Ибн Авф жаннатда, Саъд ва Саъид жаннатда, Абу Убайда жаннатда (яъни, жаннати бўлур)” – деб марҳамат қилдилар.*

**АБУ МАНСУР ХУШНОМ ибн АБУ ал-МИҒВОР** – Самарқанд аҳлидан ҳисобланади, Абу Муъоз ал-Балхийдан ҳадис ривоят қилган, ул кишидан эса Иброҳим ибн Наср ҳадис ривоят қилган.

Иброҳим ибн Насрнинг айтишича, Абу Мансур Хушном куйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан:

*Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Жумъа ўзидан кейинги жумъагача бўлган оралиқдаги (кичик) гуноҳларга каффоратдур” – деб марҳамат қилдилар. Шунда бир киши ўрнидан туриб: “Ё.Расулalloҳ, ўзидан кейинги жумъагача бўлган оралиқдаги (кичик) гуноҳларга каффоратми?” – деди. Жаноб Расулulloҳ унга жавобан: “Ҳа, шундай ва яна уч кун” – дедилар.*

**АБУ НАСР ХУШНОМ ибн ал-МИҚДОД ал-ОБИД** – Абу Муъоз ал-Балхий, Азҳар ибн Юнус, Аҳмад ибн Наср ал-Аткийдан ҳадис ривоят қилган. Ул киши ҳижрий 271 (милодий 885) йилнинг сафар ойидан 8 кун қолганда, сешанба кунин Самарқандда вафот этган, амир Луқмон ибн Наср ибн Аҳмад жаноза ўқиган, асрдан кейин “Майдон” деган жойга дафн қилинган.

Яҳё ибн Бадрнинг айтишича, Абу Наср Хушном куйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан:

*Пайгамбаримиз алайҳиссалом бундай деб марҳамат қилдилар: “Бирортангизнинг ичингиз (Оллоҳ таоло ва унинг Расулини зикр қилмайдиган) шеър бирлан тўлганидан кўра, йиринг бирлан тўлгани афзалроқдур!”.*

**АБУЛФАРАЖ ХАЙР ибн АЛИ ибн ИДРИС ибн ал-ФАЗЛ ибн МУҲАММАД ибн АЛИ ибн ЯҲЁ ибн ИДРИС ибн ал-ҲАСАН ибн МУҲАММАД ат-ТАРСУСИЙ** – Шомнинг душман тажовуз қилиб турган ерларидан Хуросон ва Мовароуннаҳр мусулмонлари томон юборилган элчи бўлиб, у ул ерлардан ваҳимага тушганча йўлга чиқиб, тўғри Самарқандга келди, сўнг Бухоро, Насаф ва Кешга ҳам борди, мазкур шаҳарларнинг ҳар бирида бир неча йил истиқомат қилди. У ҳижрий 390 (милодий 1001) йилдан кейин Самарқандда вафот этган.

Абу Саъднинг айтишича, Абулфараж Самарқандда эканлигида қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилиб берган:

*Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Оллоҳ таоло икки хулқни яхши кўриб, икки хулқдан нафратланади. Оллоҳ таоло яхши кўрадиган икки хулқ саҳийлик ва кечиримлилик бўлиб, у нафратландиган икки хулқ эса хасислик ва бадфеълликдир. Агар Оллоҳ таоло бирор бандасига хайриятни истаса, у уни одамларнинг ҳожатини чиқаришга сафарбар этур”.*

**АБУ СУЛАЙМОН ДОВУД ибн АБУ ДОВУД ас-СИМСОР ал-МАРВАЗИЙ** – Самарқандда яшаган, Марв аҳли (Марв муҳаддислари)дан ҳадис ривоят қилган, ундан эса Масъуд ибн Комил ас-Самарқандий, Абу Али Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳорис ас-Самарқандий ал-Ҳофиз ҳадис ривоят қилган. У Самарқанд қоғоз бозорида даллоллиқ қилган бўлиб, ҳижрий 281 (милодий 895) йил, шаввол ойининг 18-куни, сешанбада вафот этган.

Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳорис ас-Самарқандий ал-Ҳофизнинг хабар беришича, Абу Сулаймон қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан:

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ёки Оиша разияллоҳу таоло анҳо бундай деб ривоят қилганлар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қурбонлик қилмоқчи бўлсалар, иккита семиз, шохдор ва чиройли қўчқор сотиб олиб, улардан бирини тавҳид ва рисолатга шаҳодат келтирган чўрилари номидан, иккинчисини эса Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам, ва ул зотнинг авлодлари номидан забҳ қилур эрдилар”.*

**ДОВУД ибн ал-АББОС ибн ХОШИМ ибн АБУ ЖУР** – Довуд ибн ал-Аббос ибн Хошим ибн Нобижур деб ҳам аталиб, Балх ҳокими бўлган. Амакиси Довуд ибн Нобижур эса Мовароуннаҳр ҳокими эди. Уни бу мансабга Хуросон ноиби Ҳарсама ибн Аъйан Самарқандни фатҳ этиб, (халифага қарши бош кўтарган) Рофиъ ибн ал-Лайс ибн Наср ибн Сайёрни ўлдиргач, таъйин этганди. Ўшанда Ҳарсама Самарқанд тахтига аввал Яҳё ибн Муъозни ўтказганди, у икки йил ҳокимлик қилгандан кейин эса унинг ўрнига Довуд ибн Нобижурни таъйин этганди. Бу воқеа ҳижрий 197 (милодий 814) йилнинг шаъбон ойида содир бўлган бўлиб, Балх ҳокими Довуд ибн ал-Аббос биродари Довуд ибн Нобижур ихтиёрига топширилганди. Довуд ибн ал-Аббос Балхга Яъқуб ибн ал-Лайс бостириб киргач, у ердан қочиб Самарқандга келди. Шунда ҳижрий 258 (милодий 873) йилнинг зулҳижжа ойдан 12 кун ўтган бўлиб, душанба эди. Бу вақтда Исмоил ибн Аҳмад ас-Сомоний биродари Наср ибн Аҳмад ёрдамида Самарқанд тахтини эгаллаган бўлиб, у ерда Довуд ибн ал-Аббосга Наср ибн Аҳмаднинг иззат-икром бирла йўғрилган мактуби-ю, эҳсонлари етиб келди. У шундан сўнг Самарқандда ҳижрий 259 (милодий 874) йилнинг сафар ойи бошларига қадар, Солиҳ ибн Умар ўлдирилган кунгача яшаб қолди. Сўнг, у Самарқандни тарк этиб, ўз ватани бўлмиш Балхга келди-да, саройининг (Яъқуб ибн Лайс томонидан) вайрон қилинганини кўриб ғам-ғуссадан юрак-бағри пора-пора бўлди ва ўн беш кундан кейин вафот этди.

Довуд ибн ал-Аббос халифа Маъмуннинг куйидаги қавлини ривоят қилган: *“Илм учтадир: фикҳ, тиб ва ҳисоб. Булардан ташқари нимаики бўлса, у илм эмасдир”*.

**ДОВУД ибн ЮСУФ ас-САМАРҚАНДИЙ** – Маъруф ибн Ҳассон ас-Самарқандийдан ҳадис ривоят қилган бўлиб, у куйидагича:

*Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Кимда-ким кабутарбозлик, яъни қушбозлик илса, қашшоқликка мубтало бўлмай туриб ўлмас!”*.

**АБУ СУЛАЙМОН ДОВУД ибн ал-МИХРОҚ ал-ФОРЁБИЙ** – асли форёблик бўлиб, у ердан Самарқандга келган. У сийрак соқол, тишлари яккам-дуккам, новча, қотмадан келган киши эди, Наср ибн Жобирнинг работида Вакийъ ибн ал-Жарроҳ ва Суфён ибн Уяйнадан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса Абу Яъқуб ал-Аббор ас-Самарқандий ҳадис ривоят қилган. У ҳижрий 240 (милодий 855) йилдан кейин вафот этган.

Абу Яъқуб ал-Абборнинг хабар қилишича, Абу Сулаймон Довуд ибн ал-Михроқ куйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан:

*Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Олим ўз илмини яширмаслиги даркор, жоҳил (илмсиз) ҳам ўзининг илмсиз эканлигини беркитмаслиги лозим, чунки Оллоҳ таоло ўз ояти каримасида: “Агар билмасангизлар, билгувчилардан сўрангизлар!”, – дейди (“Ан-Наҳл” сураси, 43-оят, “Ал-Анбиё” сураси, 7-оят).*

**ДОВУД ибн ЮНУС ибн ИСМОИЛ ал-КИССИЙ** – ҳижрий 444 (милодий 1053) йили дунёга келиб, ҳижрий 521 (милодий 1128) йил, 24 рабийъ ул-аввал (ойи)да, сешанба куни Хушминжакас деган ерда вафот этган.

Ушбу китоб муаллифи Нажмуддин Умар ан-Насафийнинг хабар беришича, Довуд ибн Юнус куйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан:

*Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Дарҳақиқат, Оллоҳ таоло панжшанба куни жаннат, жаҳаннам ва фаришталарни яратди. Кимки панжшанба куни асрдан кейин қирқ мартаба “Кул хуваллоҳу аҳад”ни ўқиб, Оллоҳ таолога қирқ мартаба истиғфор айтса, парвардигор Қиёмат куни жаннатда унга жаннату жаҳаннамдаги нарсалар ададича шаҳар, 80 мингта ҳур хотин ато этгай ва қанча фаришта бўлса, барчасининг бир йиллик ибодати савобини унинг номаи аъмолига ёзиб қўйгай, ўқиган ҳар бир ояти учун минг бор шаҳид бўлганлик савобини ато этгай, истиғфорининг ҳар бир ҳарфи учун эса 60 тадан фаришта яратгай, улар то Қиёмат Оллоҳ таолога тасбиҳ айтгайлар. Қиёмат бўлганда мазкур киши ўз номаи аъмолига боқиб, ундан гўзалроқ хулқни кўрмагай ва у ул номаи аъмоли ила жаннатга киргай”.*

**АБУ СУЛАЙМОН ДОВУД ибн АБДУЛЛОҲ ибн ШАҲИЙД ибн ЯҲЁ ибн ЗАКАРИЙЁ ал-ҒАНЖАРАКИЙ ас-САККОК**

– Самарқандда Ибн Нукрон кўчасида истиқомат қилган, ҳижрий 480 (милодий 1088) йилнинг 3 жумодал аввал(ойи)да, жумъа куни вафот этган ва Чокардиза қабристонига, шаҳидлар қабрлари рўпарасига дафн этилган.

Абу Сулаймон Довуд, ўгли Аш-Шайх Абу Муҳаммад Муҳаммад ибн Довуд ал-Адийбнинг хабар қилишича, қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан:

*Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Тиламчини, гарчи у пешонаси қашқа ва тўрт илиги оқ от миниб келган бўлса-да, бирор нарса бермай ортига қайтармангиз! Агар гадо тиламчилик қилиб ўзига қандай гуноҳ орттираётганини билганда эди, бировдан нарса сўрамаган бўларди ва агар сўралгувчи ҳам гадони қуруқ қайтараётгани учун ўзига қандай гуноҳ орттираётганини билганда эди, бирор нарсани қизганмаган бўларди!”*

**ЗАКВОН ас-САМАРҚАНДИЙ** – Али ибн ал-Хаттоб, Аҳмад ибн Муовия ва Мусо ибн ал-Қосим ас-Самарқандийларнинг улфати бўлган.

Аҳмад ибн ал-Ҳасан ибн ал-Ҳусайн ал-Каробийсий ас-Самарқандий бундай деб хабар қилади: “Ҳузуримизга Аҳмад ибн Шаббуйа келиб эди, дўстларимиз – Али ибн ал-Хаттоб, Заквон, Аҳмад ибн Муовия ва Мусо ибн ал-Қосим унинг қошида тўпланишиб, (илми ҳадис хусусида) ўзаро баҳслаша бошладилар. Шунда уларни Ибн Шаббуйа енгди. Сўнг, Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон келиб қолди. Дўстлар бундан хурсанд бўлишди. Кейин, Абдуллоҳ билан Ибн Шаббуйа (мазкур мавзуда) ўзаро баҳсга киришиб, ҳатто ғоятда нозик масалалар борасида ҳам тортишишди. Барча Абдуллоҳнинг қувваи ҳофизаси беҳад кучли эканлигидан таажжубда қолди, баҳс пировардида у ғолиб келди”.

**Ас-САЙЙИД ал-ВОЪИЗ АБУ ас-САМСОМ ЗУЛФИҚОР ибн МУҲАММАД ибн МУЪАББАД ал-ҲАСАНИЙ** – узоқ вақт Самарқандда яшаган. Ҳижрий 509 (милодий 1116) йили



гузарга келиб оммага ваъз қилишга киришган ва бу хайрли амалини ундан кейинги йилларда ҳам давом эттирган. У куйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган:

*Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар:*

*“Кимки (одамларни) тўғри йўлга даъват қилса, даъватига эргашганлар савоби янглиг савобга эришгай ва ул эришган савоб эргашганлар савобидан заррача кам бўлмагай. Шунингдек, кимки (одамларни) залолатга даъват қилса, даъватига эргашганлар гуноҳи янглиг гуноҳкор бўлгай ва унинг гуноҳи эргашганлар гуноҳидан заррача кам бўлмагай”.*

**РУФАЙЪ ибн МИХРОН (АБУЛОЛИЯ ар-РИЁХИЙ ал-БАСРИЙ)** – уни Бану Риёҳ қабиласидан бўлмиш бир аёлнинг озод қилган кули – Йарбуъ қабиласига мансуб Ибн Феруз деб ҳам айтишади. У Абу Бакр ас-Сиддиқ разияллоҳу анҳу халифа бўлганларидан икки йил кейин Исломни қабул қилган, хижрий 93 (милодий 713) йилнинг шаввол ойида, душанба кун вафот этган. Лекин, баъзиларнинг айтишича, у хижрий 90 (милодий 710) йили оламдан ўтган эмиш.

Руфайъ ибн Михрон Ҳазрат Умар ибн ал-Хаттоб, Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Аббос ва Савбон разияллоҳу анҳумдан ҳадислар тинглаган, Абу Бакр ас-Сиддиқ разияллоҳу анҳунинг хузурларига кириб, ул кишининг гўшт тановул қилгач, таҳоратларини янгиламаганларини кўрган.

Руфайъ ибн Михрондан Катода, Ар-Рабийъ ибн Анас ва бошқалар ҳадис ривоят қилган.

Руфайъ ибн Михрон Ҳазрат Усмон ибн Аффоннинг ўғиллари Саъид билан биргаликда Жайхун (Амударё)дан биринчи бўлиб кечиб ўтиб, Мовароуннаҳрда биринчи бўлиб азон айтган зотдир. Ўшанда Саъид ибн Усмон ибн Аффон исми Руфайъ, куняси Абулолия бўлган кишининг дарёдан биринчи бўлиб кечиб ўтиб, биринчи бўлиб азон айтганини эшитиб: “Бу ғалаба қозонажагимизнинг дарагидир” деб хушнуд бўлди, чунки Руфайъ – рифъат “олий мақом, юксалиш”, Абулолия эса “юксакликка, чўққига кўтарилган” деган маънодадир. Саъид дарёдан кечиб ўтгач, қирғоқда икки рақъат намоз ўқиди, сўнг у бир кишининг ўз ҳамроҳини “Эй Зафар!”

деб чақирганини эшитиб: “Иншоаллох, зафар қозонажакмиз!” – деди. Яна биров: “Эй Улвон!” деб ҳамроҳини чақирган эди, у: “(Эй мусулмонлар!) Иншоаллох, мартабангиз улуғ бўлур!” – деб айтди.

Савид ибн Жаноҳ ал-Бухорий “Ал-Кибла” китобида бундай дейди: “Кейин, улар Самарқанд аҳлини мақбул кўриб, Самарқандда қолдилар. Самарқандда қолганлар қуйидагилар: Қусам ибн ал-Аббос, Савид ибн Усмон ибн Аффон, тобеъийлардан – Муҳаммад ибн Восиъ, Анас ибн Моликнинг озод қилган кули Бурд, Аз-Заҳҳок ибн Музоҳим, Лайс ибн Абу Салим, Анас ибн Моликнинг ровийси Зиёд ибн Михрон, Хулайд ибн Хассон, Абулолия (Руфайъ ибн Михрон) ва бошқалар. Кейинчалик Руфайъ ибн Михрон Басрада фитна содир бўлганидан хабар топиб Самарқандни тарк этмоқчи бўлди-ю, аммо хотифдан “Эй мутаваккил!” (яъни, “Эй Оллоҳга таваккал қилгувчи!”) деган овозни эшитиб, у ерда қолди.

Осим ал-Аҳвалнинг хабар беришича, Руфайъ ибн Михрон қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан:

*Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Кимки (қўл чўзиб) ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамасликка менга кафолат берса, мен ҳам унга жаннатга кирмоғига кафолат берурман”.*

**АБУЛМУЗАФФАР РОФИЪ ибн ал-ЛАЙС ибн НАСР ибн САЙЁР ал-КИНОНИЙ** – (Ислом ва халифага қарши исён кўтарган) Самарқанд ҳокими бўлиб, Ҳарсама ибн Аъйан унга қарши бир неча йил уруш қилган, сўнг уни асирга олиб хижрий 194 (милодий 811) йили Самарқанддан бадарға қилган.

Аҳмад ибн Наср ал-Аткийдан ҳикоя қилинадики, Абулмузаффар Рофиъ ибн ал-Лайс ал-Киноний Самарқандда исён кўтарган кунлари уйда ўлтирар, одамлар эса тун бўйи навбат билан шаҳар деворини кўриқлашар эди. Сўнг уни одамлар уйдан ташқарига чиқишга мажбур қилишиб эди, у бир ёғоч қилични кўлида тутганча чиқди, лекин қиличининг ёғочдан эканлигини ҳеч ким билмади. У ўша кун тун бўйи намоз ўқиди, охири (толиқиб) кўзи уйқуга кетди. Шунда бир киши унинг тепасига келиб дағаллик билан: “Ҳали шу аҳволда сен мусулмонларга қарши жангга чиқасанми?” –

деди. У: “Менинг кулолим йўк, мана бу қиличим эса ёғочдан ясалган” – деб жавоб қилди. Бояги киши унга: “Қиличининг ёғочдан эканлигини ким ҳам биларди, ахир одамлар уйингдан қилич кўтариб чиққанингни кўришдику!” – деди. Шунда у бояги кишига қурқув билан бир қараб қўйди-да, (уйига) қайтиб кетди, кейин уларнинг олдига мутлақо чиқмади.

Ас-Саломий ўзининг тарихга доир рисоласида зикр қилишича, Ҳарсама унга омонлик бергани хусусида нома йўллаган, аммо у буни рад этган. Шунда Ҳарсама бу ҳақда халифа Ҳорун ар-Рашидга мактуб жўнатган. Халифа эса мактубга қуйидаги байтни битиб, имзо чеккан-да, Ҳарсамага юборган:

“Кимки рад этди омонликни, инон,  
Мустаҳикдур ул балога, бегумон”.

**АБУ МУҲАММАД РАЖО ибн ал-МУРАЖЖО ал-ҲОФИЗ ал-МАРВАЗИЙ** – Самарқандга келиб, бир неча йил ўша ерда яшаган, манзили Ал-Лайс кўчасида эди. Сўнг, у Самарқандни тарк этиб, Шошга борган, кейин яна Самарқандга қайтган. Ундан сўнг Марвга кетган. Унинг қаламига мансуб кўпгина асарлар мавжуд. Улардан “Ал-Жомий” ва “Ар-Риқок” номли рисолалар шулар жумласидандир.

У Ан-Назр ибн Шамийлдан, Ироқ ҳамда Хуросон аҳлига мансуб кўпгина шайхлардан ҳадис ривоят қилган, ундан эса Абу Ҳафс ал-Бужайрий ва Самарқанд ҳамда Хуросон аҳли ҳадис ривоят қилган. У ҳижрий 249 (милодий 864) йили Бағдодда вафот этган.

Абдуллоҳ ибн Убайдуллоҳ ибн Сурайжнинг хабар беришича, Абу Муҳаммад Ражо ибн ал-Муражжо ал-Ҳофиз ал-Марвазий қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан:

*Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Ҳар бир яхшилик, у хоҳ бойга ва хоҳ фақирга қилинган бўлсин, садақадир”.*

**АБУ ТОЙИИБ РАЙҲОН ибн МУҲАММАД ибн АЙЮБ ал-УСРУШАНИЙ** – Самарқандда яшаган бўлиб, ҳанафий мазҳабига мансуб фақиҳ ва воъиз эди. У Абу Аҳмад Ҳомид ибн Исо ал-Усрушанийдан ҳадис ривоят қилган, ҳижрий 357

(милодий 969) йили вафот этган, қабри Навкамийн работида. Бу ҳақда унинг ўғли Абдулмалик ибн Райҳон зикр қилган.

Ҳадислар ҳофизи Абу Саъд Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ал-Идрисийнинг хабар беришича, у куйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан:

*Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Дарҳақиқат, ишлар ниятга боғлиқдир, дарҳақиқат киши ният қилган нарсасига эришади. Кимки Оллоҳ таоло ва унинг Расулини деб ҳижрат қилган бўлса, демак унинг ҳижрати Оллоҳ таоло ва унинг Расулини деб қилинган ҳижрат бўлур ва кимки бир аёлга уйланиш ёхуд мол-дунё орттириш учун ҳижрат қилган бўлса, демак унинг ҳижрати бир аёлга уйланиш ёки мол-дунё орттириш учун қилинган ҳижрат бўлур”.*

**Аш-ШАЙХ ал-ОЛИМ ал-ҲАЖЖОЖ АБУЛФАРАЖ РУСТАМ ибн ал-АББОС ал-БАҒДОДИЙ** – ҳижрий 519 (милодий 1126) йили халифа (Ал-Мустаршид Биллоҳи) (1118–1135)нинг буюк (қорахоний) ҳокон (Арслонхон) Муҳаммад ибн Сулаймон (Тегин)(1102–1130) ҳузурига юборган элчиси – Атийя ибн Али ибн Атийя ал-Қурашийга ҳамроҳ бўлиб Самарқандга келган. У Аш-Шайх ас-Сика Абулҳасан ал-Муборак ибн Абдулжаббор ибн Аҳмад ибн ал-Қосим ас-Сайрафийдан куйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан:

*Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Подшоҳнинг ўз фуқаросига адолат бирла ҳукмронлик қилгани ибодат қилгувчининг ўз уйидаги юз ёки эллик йиллик ибодатидан афзалдир!”.*

**АБУЛАЗҲАР ЗОҲИР ибн ХОЛИД ибн АМР ал-ВАРРОҚ** – Самарқанд аҳлидан. Айтишларича, асли бухоролик бўлиб, Самарқандда яшаган, ишончли муҳаддис ва адиб сифатида элга танилган. Муҳаммад ибн Юсуф ал-Фарёбий, Муҳаммад ибн Касийр ал-Масисий, Абу Убайд ал-Қосим ибн Салом ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. Ҳижрий 256 (милодий 871) йилнинг шабон ойида, шанба куни кечкурун вафот этган ва яқшанба куни Самарқанднинг Санг Резистон деган ерига дафн қилинган.

Саҳл ибн Шозуянинг хабар қилишича, Абулазҳар куйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан: *“Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Дарҳақиқат, Оллоҳ таоло илмни одамлардан тортиб олиши йўли билан тортиб олмагай, балки уламоларни маҳв қилиши йўли билан тортиб олгай. Бирорта ҳам олим қолмагач, одамлар ўзларига жоҳил (нодон)ларни бошлиқ (имом, муфти) қилиб олгайлар. Ул нодон бошлиқлар эса бирор масала сўралганда илмсиз бўла туриб фатво бергайлар-да, ўзлари ҳам йўлдан озгайлар, бировларни ҳам йўлдан оздиргайлар”.*

**АБУ ҒОЛИБ ЗОҲИД ибн АБДУЛЛОҲ ибн ал-ХАСИЙБ ас-СУҒДИЙ** – Муғкон қишлоғидан. Саҳиҳ ҳадислар ривоят қилувчи муҳаддис сифатида ишонч қозонган, Абд ибн Хумайд, Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон, Муҳаммад ибн Аслам (Самарқанд қозиси), Имрон ибн Идрис ал-Истаҳний ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. Хижрий 321 (милодий 934) йили вафот этган.

Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Солихнинг хабар беришича, Зоҳид ибн Абдуллоҳ ас-Сугдий куйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан:

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Агар бирор мўмин вафот этиб, руҳи танасини тарк этса, арвоҳлар уни кутиб олади-да, сафарга кетган одамдан уйига қайтганда (“Фалончини кўрдингми, аҳволи қалай, у не қилаётир?” деб) сўрашгандек: “Фалончи не қилаётир?” – дея уни саволга тутишади. Шунда бояги руҳ: “У вафот этибди” – деса, арвоҳлар: “Худо ҳақи, унинг руҳи бизнинг ҳузуримизга келмади-ку?! Демак, унинг руҳи тўғри жаҳаннамга юборилибди-да?!”, – дейишади. Кейин, бояги руҳга бир эшик очилиб, у (охиратда) жаннатдаги борор жойини кўради”.*

**АБУ МУҲАММАД (АБУ ЯҲЁ) ЗАКАРИЙЁ ибн ал-ХУСАЙН ибн ЯЗИД ибн ИБРОҲИМ ибн ЯЗДОД ан-НАСАФИЙ** – Абу Зуръа ар-Розий, Аҳмад ибн Ҳанбал, Абдуллоҳ ибн Хасқ ал-Антокий, Ал-Ҳасан ибн Арафа, Ар-Рабийъ ибн Сулаймон ал-Жийзий, Исмоил ибн Яҳё ал-Музанийдан ҳадис ривоят қилган. У Имом аш-Шофиъий талимотини биринчи бўлиб Насафга келтирган шахс бўлиб,

ҳижрий 284 (милодий 898) йилнинг зулҳижжа ойидан тўрт кун қолганда, сешанба кечаси вафот этган. Ундан Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ва бошқалар ҳадис ривоят қилган.

Ибн ал-Маккийнинг хабар қилишича, Закарийё ибн ал-Хусайн куйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан:

*Жобир разияллоху анҳу бундай дейдилар:* “Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам “Алиф-Лом-Мим танзийл” ва “Таборақ (Ал-Мулк)” сураларини тиловат қилмай уйкуга ётмас эдилар”.

**ЗИЁД ибн МИҲРОН ал-АЗДИЙ** – Анас ибн Моликнинг ровийи бўлиб, Саъид ибн Жаноҳ ал-Бухорий ўзининг “Китоб ул-қибла” номли рисоласида уни Самарқандга ташриф буюрган фотиҳлар қаторида санаб ўтган. У жумладан бундай дейди: “Кутайба ибн Муслим уламолардан Муҳаммад ибн Восиъ, Зиёд ибн Миҳрон ал-Аздий, Лайс ибн Абу Салим, Хулайд ибн Ҳассон ва Убайда ал-Амий ҳамроҳлигида Самарқандга келди ва мазкур уламоларнинг розилиги билан у ерда меҳроблар бунёд этилди”.

**АБУ ҲОМИД ЗАЙД ибн ТУФАЙЛ ибн ЗАЙД ибн ТУФАЙЛ ибн ШАРИЙК ибн ШАММОС ибн ЗАЙД ибн ал-ҲОРИС ан-НАСАФИЙ ат-ТАМИМИЙ** – Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф ибн Туфайлнинг амакиси бўлиб, у отаси Туфайл ибн Зайднинг бундай деб айтганини эшитган экан: “Тамим ва Ал-Азд қабилалари ўртасида жанжал чиқди. Шунда ҳар икки қабила кўшин тўплаб, ўзаро жанг қилди. Сўнг, Тамим қабиласи кўшини енгилиб, (отам) Туфайл ибн Шарийк қочганча Хуросонга бориб қолди ва тушкун бир аҳволда дарёни кечиб ўтиб, Ар-Рабийънинг уйига келди. Ар-Рабийъ уни иззат-иқром билан кутиб олди. Шу вақт Ар-Рабийънинг аҳли байти келиб: “Бу киши олижаноб, бообрў, зодагон ва хизматкорлари кўп инсон кўринади, биз унинг бирор ғарази борлигига ва уни деб сенинг бошинг ғалвада қолишига ишонмаймиз” – дейишди. Ар-Рабийъ уларга жавобан: “Мен бор мол-мулкимдан ажрасам ҳам, ундан ажрамасман ва у хушламаган ишни қилиб, унга озор етказмасман!” – деди-да, уни холи қолдириб ўз ишига кетди...

Туфайл ибн Шарийк солих киши бўлиб, тунларни бедор ўтказар ва уларнинг баъзисида ибодат ҳам қиларди. Возих исмли бир ғулом унга ҳамроҳлик қилган бўлиб, унинг қоп-қора, бирорта ҳам оқ доғи йўқ ити бор эди. Ул ит ортларидан эргашиб келганди.

Тунлардан бирида Туфайл ибн Шарийк ибодат бирла машғул эди. Бояги ит эса инига қамаб қўйилганди. Шу вақт бир киши келиб қолди. Ит унга: “Қаердан келаётирсан?” – деди. У: “Шу кеча Ирокдан келдим, ул ердан келтирган хабарим шуки, халифа вафот этди. Бирор егулигинг борми?” – деди. Ит: “Бизнинг хожамиз солих киши, у бирор нарсани у ердан бу ерга олиб қўймайди, фақат Оллоҳ таолонинг зикри билан машғулдир. Аммо, анави ғулом бир қушни товада ковриб қўйганди, ўша това ҳов анави ерда. Агар истасанг, ўшани ея қол!” – деди. Тун тугаб, тонг отгач, ғулом Туфайл ибн Шарийкнинг хузурига келиб, эшик олдида турганча унга салом берди. Туфайл унга: “Эй Возих, кеча кечаси ажиб бир воқеани кўрдингми?” – деди. Ғулом: “Эй хожа! У қандай воқеа?” – деди. Туфайл: “Ит қаерда? Мен ибодат қилиб турган эдим, бир киши келиб бизнинг итимиз билан сўзлашди” – дея тунда бўлиб ўтган воқеани бирма-бир айтиб берди. Шунда ғулом: “Эй хожа! Бу гапни сиздан бўлак кишидан эшитганимда ишонмаган бўлур эдим, аммо сизнинг гапингизни қандай инкор қилишим мумкин, уни дарҳол қабул этурман!” – деди. Сўнг, Туфайл итни: “Буёққа кел, буёққа кел!” – деб чақирди, ит келгач эса унга: “Кеча сендан не иш содир бўлди?!” – деди. Шунда ит бошини ҳам қилганча бир сапчиб қочиб кетди-да, қайта кўзга кўринмади. Сўнг Туфайл ғуломга қоғоз-қалам олиб қилишни буюрди-да, мазкур воқеа содир бўлган кун ва санани ҳамда халифанинг вафоти хусусидаги гапларни битиб қўйди. Кейинчалик текширилганда воқеа тарихи билан халифа вафоти тарихи ихтилоф қилмади”.

**ЗАБРАК ал-АЪРАЖ** – Самарқанддаги ғозийлар қўшини сардори. Хижрий 248 (милодий 863) йилнинг зулҳижжа ойида Самарқандда вафот этган. Унга амир Наср ибн Аҳмаднинг халифаси Ал-Хасан ибн Хилком жаноза ўқиган.

Абу Исҳоқ Яъқуб ибн Юнус ал-Хаффоф ас-Самарқандийнинг хабар беришича, Забрак ал-Аъраж қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан:

*Оиша онамиз разияллоҳу таоло анҳо бундай деб хабар қиладилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламдан ҳижрат хусусида сўрашиб эди, ул зот “Фатҳдан сўнг ҳижрат йўқ (яъни, Макка фатҳ қилинди, энди бу ердан бирор ерга ҳижрат қилинмайди), аммо жиҳод ва ният (ҳижрат қилганлик савобига эришмоқни ният қилиб жиҳод қилмоқлик) бордур. Агар газотга чиқмоқларингиз талаб қилинса, чиқингизлар!” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ УСМОН САЪИД ибн УСМОН ибн АФФОН ибн АБУЛЬОС ибн УМАЙЯ ибн АБДУШАМС ибн АБДУМАНОФ ибн ҚУСАЙЙ ибн КИЛОБ ибн МУРРА ибн КАЪБ ибн ЛУАЙ ибн ҒОЛИБ ибн ФИХР ибн МОЛИК ибн ан-НАЗР ибн КИНОНА ибн ХУЗАЙМА ибн МУДРИКА ибн ИЛЁС ибн МУЗАР ибн НИЗОР ибн МАЪАДД ибн АДНОН ал-ҚУРАШИЙ** – Амр ва Аббоннинг биродари бўлиб, отаси (Усмон)дан ҳадис ривоят қилган. У халифа Муовия ибн Абу Суфён ҳукмронлиги даври (661–680)да Самарқанд фатҳига раҳбарлик қилган, сўнг Мадинага қайтган. Бу воқеа Жаноб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ҳижратларидан 55 йил кейин (яъни, милодий 676 йили) содир бўлганди. Муовия разияллоҳу анҳу ўғли Язидни ўзига ворис қилганда Мадина аҳли норози бўлиб бундай деганди:

“Бўлолмас халифа Язид мутлақо,  
Аламдан бурнини тишласа ҳатто.  
Халифа ўрнига ўлтирсин Саъид,  
Нечунким бу мансаб унгадир раво”.

Мадина аҳли ўзининг юқорида келтирилган назмий эътирозиди Саъид ибн Усмоннинг халифа бўлмоғи даркорлигини назарда тутганди. Шунда бундан хабар топган Муовия Саъидни Хуросонга ноиб этиб тайинлади.

Нажмуддин Умар ан-Насафий: “Мен Ас-Саломийнинг тарихга доир рисоласида қуйидагиларни битиб қўйганини



кўрдим”, – дейди: “Саъиднинг бир кўзи Самарқанд дарвозаси олдида дайди ўқ тегиб кўр бўлиб қолди. Шунда у соғ кўзига ҳам бирор зиён етиб, кўр бўлиб қолишидан чўчиди-да, тунги юришни тўхтатди. Саъиднинг бир қора чодирни бўлиб, у кенг бўлгани учун ичига отини яшириб қўярди. Уни Ал-Ҳажжож ибн Юсуфнинг амакиси Абдуллоҳ ибн Абу Уқайл кўриқларди. Сўнг, Саъид Ироққа қайтди-да, бир бой хотиндан бир қанча деҳқон болаларини гаровга олди, сўнг уларни шаҳардаги экинзорига олиб чиқиб ишлатди. Бир куни улар унга ханжарлари билан ташланишиб, ўлдиришди, кейин ўша атрофдаги бир тоққа қочиб чиқиб беркинишди. Одамлар қувиб бориб, уларни қамал қилгач, ташналикдан ўлиб кетишди”.

Абдуллоҳ ибн Абдулҳолик ибн Абдуллоҳ ал-Марвазийнинг хабар қилишича, Саъид ибн Усмон ибн Аффон хутбада қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан:

*Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Сизлардан кимки жумъага келса, гусл қилиб келсин!”.*

**АБУ ТАВБА САЪИД ибн ҲОШИМ ибн ҲАМЗА ибн МАЙМУН ибн АБДУЛЛОҲ ал-АТКИЙ ал-КОҒАЗИЙ ас-САМАРҚАНДИЙ** – Салм ибн Абу Муқотил (Ибн Ҳассон), Али ибн Исҳоқ ас-Самарқандий, Абдуллоҳ ибн Язид ал-Муқриъ ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса Саҳл ибн Шозуя ал-Бухорий, Масъуд ибн Комил, Абд ибн Саҳл аз-Зоҳид, Иброҳим ибн Наср ва бошқалар ҳадис келтирган.

Абу Тавба ҳижрий 259 (милодий 874) йилнинг рабийъ ул-аввал ойидан 10 кун қолганда, душанба куни Самарқандда вафот этган, унга Исмоил ибн Аҳмад ибн Асад (Сомоний) жаноза ўқиган. У Бану Ножиya деган жойга дафн этилган.

Иброҳим ибн Насрнинг хабар қилишича, Абу Тавба қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан:

*Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Оллоҳ азза ва жалла бундай деди: “Мен Ар-Раҳмонман (раҳмдил, меҳрибон), (бачадон) эса ар-раҳм (меҳру оқибат, қариндошлик) бўлиб, мен унга ўз исмиmdан исм ажратиб берганман ва уни хулқимдан бир бўлак олиб яратганман. Кимки*

уни (мехру оқибат, қариндошлик риштасини) боғласа, мен ҳам у билан (раҳмдиллигим, меҳрибонлигим риштасини) боғлайман ва кимки (мехру оқибат, қариндошлик риштасини) узса, мен ҳам ундан (раҳмдиллигим, меҳрибонлигим риштасини) узаман!”.

**АБУ УСМОН САЪИД ибн МУҲАММАД ал-БУХОРИЙ** – Самарқандда, “Ал-Лаббодун”(кигиз босувчилар) кўчасида истикомат қилган. У Исбот ибн ал-Ясаъ ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ ибн Абу Ҳафс ал-Кабийр, Самарқанд қозиси Муҳаммад ибн Аслам ал-Марвазий ва Бухоро ахлидан ҳадис ривоят қилган. Абу Усмон ҳижрий 311 (милодий 924) йили Самарқандда вафот этган.

Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Шоҳнинг хабар қилишича, Абу Усмон Саъид ибн Муҳаммад ал-Бухорий Самарқандда куйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан:

*Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Кимки (маст қилгувчи) ичимлик ичса, унга дарра урингизлар, агар яна такрорласа, яна дарра урингизлар, яна такрорласа, яна дарра урингизлар, кейин тўртинчи бор ҳам такрорласа, ул ҳолда уни ўлдиригизлар!”.*

**АБУ САЪИД САЪД ибн ДОВУД ал-ВАРРОҚ ас-САМАРҚАНДИЙ** – Абд ибн Саҳл аз-Зоҳид ундан ҳадис ривоят қилган. У ҳижрий 282 (милодий 896) йил, рамазон ойининг 24-куни, чоршанбада вафот этиб, панжшанбада дафн қилинган. Амир Яъқуб ибн Аҳмад ибн Асад унга жаноза ўқиган.

Абу Саъид Саъд ибн Довуд ал-Варроқ ас-Самарқандий хабар қиладики, Абу Бакр ат-Тарсусий Абдурахмон ибн Умар (Рустах)нинг бундай деб ривоят қилганини эшитган экан: “Биз Абдурахмон ибн Маҳдийнинг ҳузурда эдик. Шу вақт бир киши келиб эди, Абдурахмон бироз сурилиб уни ёнига ўтқазди, сўнг унга ҳадис ривоят қилди. Кейин боягч киши кетди. Шунда биз Абдурахмонга: “Эй Абу Саъд! Бояги одам сенинг хусусингда ёмон гапларни тарқатиб юрибди ва ҳатто сени дин илми борасида ёлғончига чиқариб қўйди, аммо сен бўлсанг, унга ҳурмат бажо келтириб, ҳадис ҳам ривоят қилиб бердинг. Бу не қилганинг?!” – дедик. Абдурахмон бизга жавобан: “Бисмиллаҳир роҳманир

роҳийм!... Сиз (ёмонликни) ғоятда латиф муомала ила дафъ айланг, (шунда) ўрталарингизда адоват мавжуд бўлган киши (сизга) яқин дўст каби бўлиб қолур. Ва бундай (олижаноб фазилат) фақат сабру қаноат аҳлигагина ҳамда улуғ насиба соҳибларигагина муяссар бўлур (“Фуссилат” сураси, 34–35-оятлар)” – деб тиловат қилди-да, сўнг: “Оллоҳ таоло ҳақи, мен: “Биров Оллоҳ таолога осийлик қилса эди!” – деб ният қилмоқни (мутлақо) истамасман. Башарти истасам, ул ҳолда: “Барча одамлар мени (ноҳақ) маломат қилса эди!” – деб ният қилган бўлур эдим, (чунки ўзгани ноҳақ маломат қилгувчининг номаи аъмолидаги савоблардан бир қисми ўчирилиб, маломат қилинган кимсанинг номаи аъмолига ёзиб қўйилур). Киёмат куни тарозу палласида ўзинг қилмаган амали солихлар (яъни, ноҳақ маломат қилиниб жабрлангани эвазига маломатчининг номаи аъмолидан олиб берилган амали солихлар)ни кўрмоғингдан ҳам хузурбахшроқ нарса борми?!” – деди”.

**АБУЛҚОСИМ САЪД ибн САЪИД ал-ХОХСАРИЙ** – Муҳаммад ибн Юсуф ат-Тарбонийнинг хабар беришича, Абулқосим Саъд ибн Саъид ал-Хохсарий Абдуллоҳ ибн Абдурахмондан қўйидагини ривоят қилган экан: “Мужоҳид бундай деди: “Бир мўмин вафот этиши биланок фалак қирк тонг давомида йиғлағай. Ер ўзининг бутун сатҳини рукуъ ва саждага тўлдириб юборган бандага нечун ачиниб йиғламасин?! Фалак ўзининг бутун қўйинини беҳисоб боларилар чор-атрофни гувиллаган овозга тўлдириб юборгани янглиғ тасбиҳу такбирлари садоси ила тўлдириб юборган бандага нечун ачиниб йиғламасин?!”.

**САЪД ибн НАСР аз-ЗОҲИД ал-ВОЪИЗ ас-САМАРҚАНДИЙ** – Абу Муқотил ас-Самарқандийдан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса Савра ибн Ҳажар ал-Мукриъ ас-Самарқандий ҳадис ривоят қилган. У хижрий 231 (милодий 846) йилнинг шаввол ойидан 8 кун қолганда вафот этган. Сўнг амир Наср ибн Аҳмад унга жаноза ўқиб, қабрига тушган ва уни ўз кўли билан дафн қилган.

Савра ибн Ҳажарнинг хабар беришича, Саъд ибн Наср қўйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан: “*Башир ўгли Нуъмон билан биргаликда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва*

салламнинг ҳузурларига борди-да: “Ё Расулаллоҳ! Мен ўғлим Нуъмонга молимдан мунчасини ҳадя қилдим”, – деди. Жаноб Расулаллоҳ унга: “Қолган ўғилларингга ҳам Нуъмонга қилган ҳадягча ҳадя бердингми?” – деб марҳамат қилдилар. Башир: “Йўқ” – деб жавоб қилди. Шунда Жаноб Расулаллоҳ: “Бу (адолатсиз) қилмишингга мендан ўзгани гувоҳ қил! Ўғилларингнинг ўзингга нисбатан бир хил муҳаббатли бўлмоқлари сени хушнуд этмайдими?!” – деб сўрадилар. Башир ул зотга жавобан: “Ҳа, шундай! Уларнинг менга бир хил муҳаббатли бўлмоқлари мени хушнуд қилур”, – деди. Жаноб Расулаллоҳ: “Ул ҳолда ўғилларингни тенг кўргил!” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУ УСМОН САЪДОН ибн УБАЙДУЛЛОҲ ат-ТУСТУРИЙ (аш-ШУСТАРИЙ)** – Самарқандда бўлган, Шошда яшаган. Ундан Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Ҳофиз ал-Лихёний, Мусо ибн Шуъайб ас-Самарқандиййони ва бошқалар ҳадис ривоят қилган.

Абу Умайр Аҳмад ибн Ҳомид аш-Шошийнинг хабар қилишича, Абу Усмон Саъдон ибн Убайдуллоҳ ат-Тустурий қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан:

*Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: Уч нарсада барака мавжуд: сарийд (нон тўғралган гўштили иўрва)да, саҳар (туриб ибодат қилиш)да ва жамоат (билан намоз ўқиш)да”, – деб марҳамат қилдилар.*

**АБУ ҲОРУН САҲЛ ибн ШОЗУЯ ибн ал-ВАЗИР ибн ҲАЗЛАМ ал-БОҲИЛИЙ ал-ҲОФИЗ ал-БУҲОРИЙ** – Боҳила (қабиласи)нинг озод қилган кули бўлиб, соҳиби ғароиб эди. У Самарқандда бир мунча вақт яшаб, ҳадислар ёзиб олган, ҳадислар ривоят қилган. Ундан Аҳмад ибн Наср ал-Аткий, Муҳаммад ибн Исмоил, Али ибн Хашрам ва бошқалар ҳадис ривоят қилган. Кейинчалик у Бухорога кўчиб ўтган.

Халаф ибн Муҳаммад ибн Исмоил ал-Хайёмнинг хабар қилишича, Абу Ҳорун Саҳл ибн Шозуя қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан:

*Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Агар банда: “Ло ҳавла ва ло қуввата илло биллоҳи!” – деса, Оллоҳ азза ва жалла: “(Бандам менга) бўйин эгди, итоат қилди” – дейди”.*

**АБУ МУҲАММАД САҲЛ ибн ХОЛИД ат-ТУСУРИЙ (аш-ШУСТАРИЙ) ал-МУҚРИЪ** – Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Кабузбахкасий: “Абу Муҳаммад Саҳл ибн Холид менинг уйимда бизга ҳадис ривоят қилиб берди”, – дейди.

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Мусъада ал-Мукриънинг хабар қилишича, Абу Муҳаммад Саҳл ибн Холид ат-Тусурий (аш-Шустарий) қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан:

*Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Кимки ҳар куни юз марта “Ло илоҳа иллalloҳу ал-ҳаққул-мубийн!” деса, (мазкур дуо Оллоҳ таолонинг иродаси ила) унинг учун (бу дунёда) фақирликдан нажот, (у дунёда) қабрида ҳамдам ҳамда роҳат-фароғат бўлиб, жаннат эшигини қоқғусидир”.*

**САҲЛ ибн МАТТАВЙА ат-ТЕРМИЗИЙ** – (бир мунча вақт) Самарқандда бўлган. Ундан Яҳё ибн Бадр ал-Кураший ҳадис ривоят қилган.

Саҳл ибн Маттавайя қуйидаги ривоятни Ҳорун ибн Исҳоқ ас-Сижзийдан, у эса Али ибн Исҳоқ ад-Дорконийдан эшитган экан: “Мен (яъни, Али ибн Исҳоқ ад-Дорконий) Ибн ал-Муборак раҳимаҳуллоҳунинг хузурда эдим. Шу вақт унинг хузурига Шаббуя ибн Абдулазиз кириб келди-да, ундан бир масала хусусида сўради, у унга жавоб берди. Шунда Ибн ал-Муборакка дўстлари: “Эй Абу Абдурахмон! Тургил, таҳоратингни янгилагил, таҳоратингни бузиб қўйдинг! – дейишди. Ибн ал-Муборак уларга: “Таҳоратимни бузиб қўйганимни қаердан билдингизлар?” – деди. Улар: “Манави жаҳмий ( “Инсон эркисиз, Оллоҳ таоло унга ҳеч қандай ихтиёр бермаган” дегувчилар мазҳаби – жаҳмиййа вакили) билан сўзлашдинг-ку! – дейишди. Шунда Шаббуя уларнинг на кўзлари билан кўрмаган ва на қулоқлари билан эшитмаган нарса хусусида гувоҳлик бераётганларини таъкидлаб эди, Ибн ал-Муборак (азбарои энсаси қотгандан) “Шаббуя” дегиси келмай, унга: “Эй Шабб! Мен фақиҳман деб даъво қилувчи киши ҳали сенмисан?! На кўз билан кўрилмаган ва на қулоқ билан эшитилмаган нарса хусусида гувоҳлик бермоқнинг жоизлигини билмайсанми?! ” – деди. Шаббуя унга: “Эй Абу Абдурахмон! Киши на ўз кўзи билан кўрмаган ва на ўз қулоғи билан эшитмаган нарса хусусида қандай қилиб гувоҳлик бермоғи мумкин?!” –

деди. Ибн ал-Муборак унга жавобан: “Сенинг улар (жаҳмийлар) билан бирга ўлтирганингни, улар билан (ниманидир) маслаҳат-лашаётганингни, ўргаларингизда бир-бирларингизга нисбатан ишонч борлигини ва улар билан нима ҳақдадир ўзаро имо-ишора қилишаётганингни кўрган кимсалар сени “жаҳмий” деб гувоҳлик бермоқлари жоиздур”, – деди”.

**САҲЛ ибн МУҲАММАД ас-САМАРҚАНДИЙ** – (Самарқанднинг) ички мадинаси (яъни, ҳукмдор саройи агрофидаги мавзе)да яшаган. Ундан Абу Яъқуб Юсуф ибн Али ал-Аббор ас-Самарқандий ҳадис ривоят қилган.

Абу Яъқуб ал-Абборнинг хабар қилишича, Саҳл ибн Муҳаммад куйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан:

*Расулulloх саллalloху алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Мен яхшиликни қалбда нур, юзда чирой (файз) ва ишда қувват деб, ёмонликни эса қалбда қора доғ, юзда шувутлик ва ишда заифлик (ожизлик) деб билдим”.*

**АБУ УСМОН САЛМ ибн ҲАФС ал-ФИЗОРИЙ ас-САМАРҚАНДИЙ** – Абу Муқотил ас-Самарқандийнинг фарзанди бўлиб, кўп йил Самарқандда қозилик қилган, хижрий 211 (милодий 827) йили вафот этган, унга Аҳмад ибн Асад жаноза ўқиган.

Абу Усмон Салм ибн Ҳафс отаси, Молик ибн Анас, Ибн ал-Муборак, Ҳаммод ибн Салма, Ҳаммод ибн Зайд, Шарийк ибн Абдуллох, Абу Ҳамза ас-Суккарий, Абдулворис ибн Саъид ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса Аҳмад ибн Наср ал-Аткий, Самарқанд, Бухоро аҳли ва бошқалар ҳадис ривоят қилган.

Ҳикоя қилинишича, Абу Усмон Салм ибн Ҳафс: “Оллох таоло менга уч фазилат ато этган: 1) бир кишидан бир марта исмини сўрайман, кейин уни эллик йил кўрмасам ҳам, учратсам, исмини эслай оламан; 2) қаршимда икки киши ўлтириб бир масала хусусида гувоҳлик беради, шунда мен қайсиниси рост ва қайсиниси ёлғон гувоҳлик бераётганини билиб тураман; 3) менинг хузуримга икки киши келади, шунда мен уларга бир қараб, хайрли масала бўйича келганларми ё йўқми, билиб оламан”, – деган экан.

Аҳмад ибн Ҳишом ал-Иштихоний: “Абу Усмон Салм ибн Ҳафс куйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган”, – дейди:

*Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Аёлларнинг яхшиси юзига қараганингда дилингни хушнуд этадиган, бир нарсани буюрсанг, бўйинсунадиган, уйда йўқлигингда эса ишониб қолдирилган мол-мулк ва ўзи хусусида сени ҳимоя қиладиган аёлдир” – деб марҳамат қилдилар. Сўнг, Оллоҳ таолонинг “Эрлар хотинларга ҳокимдирлар...” деган ояти каримасини тиловат қилдилар (“Ан-Нисо” сураси, 34-оят).*

**АБУ ҒОЛИБ СОЛИМ ибн ҒОЛИБ ибн КАЙСОН ибн МАЙМУН ибн ҚИРОТ ибн ҚАТАН ибн АЛҚАМА ибн УТБА ибн ҲОРИСА ибн УМУРҮБ УТЛИЙҚ ибн АМР ибн ОМИР – ХУЗОЪА ибн ҲОРИСА ибн УМУРҮБ ул-ҚАЙС ибн ЗАЙД ибн ҚАҲЛОН ибн САБАЪ ибн ЙАШБУЪ ибн ЙАЪРУБ ибн ҚАҲТОН ибн ОБИД ибн ШОЛИХ ибн АРФАХШАД ибн СОМ ибн НУҲ ал-ХАВОЪИЙ ас-САМАРҚАНДИЙ** – Абу Муқотил ас-Самарқандийдан ҳадис ривоят қилган. У Салм ибн Абу Муқотил ас-Самарқандийнинг кизи Салимага уйланган бўлиб, ҳижрий 255 (милодий 870) йилнинг муҳаррам ойидан 12 кун қолганда, панжшанба куни вафот этган. Унга Абдуллоҳ ибн Абдуррахмон жаноза ўқиган. Чунки Абу Ғолибнинг ўзи ҳаётлигида Абдуллоҳга: “Ўлсам, жанозамни сен ўқигин!” – деб васият қилган экан.

Саҳл ибн Шозуянинг хабар қилишича, Абу Ғолиб куйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан:

*Оиша разияллоҳу таоло анҳо бундай дейдилар: “Мен Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг кийимларига теккан манийни (сув бирла) ишқалаб кеткизар эдим”.*

**АБУ ЯҲЁ СУЛАЙМОН ибн ДОВУД ибн ИСО ас-САМАРҚАНДИЙ** – Муҳаммад ибн Сулаймон ал-Пойкандий ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган, ундан эса Абу Абдуррахмон ибн Абуллайс ва бошқалар ҳадис ривоят қилган.

Абу Абдуррахмон ибн Абуллайснинг хабар қилишича, Абу Яҳё куйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан:

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Кимки ҳар куни эрталаб етти дона ажва хурмоси билан нонушта қилса, ўша куни унга заҳар ҳам, сихр-жоду ҳам зарар (таъсир) қилмас!”.*

**СУЛАЙМОН ибн НАСР ас-САМАРҚАНДИЙ** – Самарқанднинг Работ ул-Мураббаъа деган ерида унинг кўглаб вақфлари бор эди: У Абу Омир ал-Иқдий, Язид ибн Ҳорун ал-Воситий, Амр ибн Холид ал-Мисрий, Ваҳб ибн Жарир ибн Ҳозим ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса Абу Яъқуб Юсуф ибн Али ал-Аббор ал-Мустамлий ҳадис ривоят қилган.

Абу Яъқуб Юсуф ибн Али ал-Абборнинг хабар қилишича, Сулаймон ибн Наср ас-Самарқандий куйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан:

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Одам боласининг саодати унинг Оллоҳ таолодан ёлбориб хайрият тиламоқлигидир, Одам боласининг (яна бир) саодати унинг Оллоҳ таоло ўзига насиб этган қисматга рози эканлигидир. Одам боласининг бадбахтлиги эса унинг Оллоҳ таолодан ёлбориб хайрият тиламай қўйганлигидир, Одам боласининг (яна бир) бадбахтлиги унинг Оллоҳ таоло ўзига насиб этган қисматдан норози эканлигидир”.*

**СУЛАЙМОН ибн АҲМАД ал-ЖАЪФАРОБОДИЙ** – Самарқандда шайх ва имом Абу Бақр Муҳаммад ибн Ҳамзанинг уйида шайх Умар ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мукриъ ал-Кушоний ал-Асалободийдан куйидаги ҳадиси шарифни эшитган экан:

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Кимки “Ал-Каҳф” сурасини тиловат қилса, саккиз кун давомида бўлажак жамики фитналардан омон сақланади ва ҳатто ўшал саккиз кун ичида Дажжол чиқиб қолса, Оллоҳ таоло уни Дажжол фитнасидан ҳам асрайдир”.*

**САЛМОН ибн ИСРОИЛ ан-НАСАФИЙ** – Аҳмад ибн ал-Худр ибн Аҳмад ан-Нишопурийнинг хабар қилишича, Салмон ибн Исроил (Самарқандда) куйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан:



*Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Отангинг (сенга бўлган) меҳр-муҳаббати (нури)ни асраб-авайлагил, уни (зинҳор) сўндириб қўймагил, (акс ҳолда) Оллоҳ таоло ўзингинг нурингни сўндиргай!”.*

**АБУЛМАҲОСИН САЛМОН ибн АЛИ ибн АҲМАД ал-БАЛҲИЙ** – шайх, қози ва имом, Самарқандда истиқомат қилган, ҳижрий 509 (милодий 1116) йил, 18 рабийъ ул-аввал (ойи)да, жумъа куни вафот этган, шунда у 96 (?) ёшда эди. У султон Маҳмуд ибн Сабуктакин қазо қилган йили (1030) дунёга келганди.

Абулмаҳосин шайх Абу Саъид ал-Балхийдан бир неча ҳадис ривоят қилган.

**АБУ КАСИЙР САЙФ ибн ҲАФС ас-САМАРҚАНДИЙ** – Бухорода Шарф деган мавзе яқинидаги Сутхан қишлоғида яшаган, Бухоро ва Самарқанд аҳлидан ҳадис ривоят қилган. Улардан бири Абу Иброҳим Исҳоқ ибн Исмоил ал-Боб Киссийдир.

Абу Иброҳим Исҳоқнинг хабар қилишича, Абу Касийр куйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан:

*Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Кимки чоршанба, панжшанба ва жумъа кунлари рўза тутса, юзта қул озод қилганлик, Оллоҳ таоло йўлида (юзта гозийни) эгарланган, юганланган ва тўқим ёпилган юзта отга миндириб юборганлик ҳамда юзта жонлиг қурбон қилганлик савобига эришур”.*

**САЙФ ибн КАСИЙР** – Самарқанд волийси бўлиб, халифа Ҳорун ар-Рашиддан куйидаги ривоятни келтирган:

*Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу таоло анҳу бундай деб хабар қилган эканлар: “Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даврларида мунофиқларни ажрата олмас эдик, биз уларни Ҳазрат Али разияллоҳу таоло анҳуга душманлик қилганларидан кейингина билиб олдик”.*

**АБУ СОЛИҲ САВРА ибн ҲАЖАР ал-МУҚРИЪ ас-САМАРҚАНДИЙ** – Муҳаммад ибн Яъқуб ал-Муқриъ ас-Самарқандийдан ҳадис ривоят қилган, ундан эса Яҳё ибн Бадр ва Наср ибн ал-Фатҳ ибн Язид ал-Мураббаъий ҳадис

ривоят қилган. Абу Солиҳ ҳижрий 258 (милодий 873) йилнинг ражаб ойидан тўрт кун ўтганда, Абуллайс ал-Бухорий вафотидан етти кун кейин қазо қилган ва Чокардиза қабристонига дафн этилган.

Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ас-Сарром ас-Самарқандийнинг айтишича, Абу Солиҳ қуйидаги ҳадисни хабар қилган экан:

*Абу Бакра разияллоҳу анҳу бундай деб ривоят қиладилар: “Бир киши: “Ё Расулаллоҳ! Одамларнинг яхшиси ким?” – деди. Жаноб Расулulloҳ унга: “Узоқ умр кўриб, (умр бўйи) амали солиҳлар (хайрли ишлар) қилган киши” – деб марҳамат қилдилар. Бояги киши яна: “Ё Расулаллоҳ! Одамларнинг ёмони ким?” – деди. Жаноб Расулulloҳ унга: “Узоқ умр кўриб, (умр бўйи) аъмоли саййиъа (ёмон ишлар) қилган киши” – деб марҳамат қилдилар”.*

**САВРА ибн АБЖАР ад-ДОРИМИЙ** – халифа Хишом ибн Абдулмалик ибн Марвон даври (724–743)да Самарқанд волийси эди. Шунда Ал-Жунайд ибн Абдуррахмон ал-Ғатафоний Хуросон амири бўлиб, турклар подшоҳи Хоқонга қарши уруш қилмоқ қасдида ҳижрий 112 (милодий 731) йили Самарқандга келди ва Савра ибн Абжардан ҳарбий ёрдам сўради. Сўнг, у ўн минг кишилиқ кўшин билан Самарқанддан чиқиб, турклар подшоҳи Хоқон томон йўналди. Турклар подшоҳи Хоқон эса Хуросон амири Ал-Жунайд кўшини билан тўқнашувдан олдин Самарқанд ноибни Савра кўшини томон бурилиб жангга киришди. Жангда турклар мағлубиятга учраб, ғалабадан эсанкираб қолган мусулмонларнинг кўпчилиги ёвни пала-партиш таъқиб қилгани оқибатида ҳалок бўлди. Самарқанд волийси Савра шулар жумласидан эди. Сўнг, Хуросон амири Ал-Жунайд ва унинг кўшини етиб келиб туркларга ташланишди-да, уларни тор-мор келтиришгач, олдинга қараб йўлда давом этишди.

**АБУ МУЗОҲИМ ибн АБУ САЛАМА** – “Абу Музоҳим” бул кишининг, “Абу Салама” эса отасининг куняси (лақаби) бўлиб, тўлиқ исми шарифи Сибоъ ибн ан-Назр ибн Масъада ибн Бухайр ибн ан-Назр ибн Ҳабиб ибн Абдуллоҳ ибн Қатан

ибн ал-Мунзир ибн Хузофа ибн Хабиб ибн Саълаба ибн Саъд ибн Қайс ибн Саълаба ибн Убоба ибн Саъб ибн Али ибн Бакр ибн Воил ибн Қосит ибн ал-Бакрий ас-Самарқандийдир. Унинг қабри Визор деган қишлоқда. У Али ибн ал-Мадийний ва Яҳё ибн Муъаббаддан ҳадис ривоят қилган, ундан эса Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Лиҳйоний ал-Хофиз ас-Самарқандий, Абу Исо ат-Термизий ва Муҳаммад ибн ал-Мунзир Шақкар ул-Хиравий ҳадис ривоят қилган.

Абу Музоҳим ҳижрий 233 (милодий 848) йил, 14-рабийъ ул-аввал (ойи)да, панжшанба куни Ироқдан Самарқандга келган ва ҳижрий 269 (милодий 883) йил, 2 жумодал-увло (ойи)да вафот этган.

Ал-Хусайн ибн Али ибн Наср ат-Тусийнинг хабар беришича, Абу Музоҳим қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан:

*Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Мўмин битта ичаги тўлгунча (таом) ейди, кофир эса еттига ичаги тўлгунча (таом) ейди”.*

**АБУ МУҲАММАД САМЪОН ибн МУҲАММАД ал-КОШОНИЙ** – Юсуф ибн Абу Халаф ал-Кошонийдан ҳадис ривоят қилган, ундан эса Муҳаммад ибн Имрон ал-Бухорий ҳадис ривоят қилган.

Муҳаммад ибн Имрон ал-Бухорийнинг айтишича, Абу Муҳаммад Самъон ибн Муҳаммад ал-Кошоний қўйидаги ҳадисни ривоят қилган экан:

Салим ибн Қайс ал-Омирий бундай деб хабар қиладилар:

*“Ибн ал-Каввоъ Ҳазрат Али ибн Абу Толиб разияллоҳу таоло анҳунинг ҳузурларига бориб: “Эй мўминлар амири! Менга суннат, бидъат, жамоат ва фирқа хусусида хабар берсангиз?!” – деди. Шунда Ҳазрат Али разияллоҳу таоло анҳу унга бундай дедилар: “Эй Ибн ал-Каввоъ! Саволларни-ку, (яъни) ёдлаб олибсан, энди уларнинг жавобини ҳам (яъни) билиб ол! Суннат, Оллоҳ ҳақи, бу – Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларидир. Бидъат, Оллоҳ ҳақи, бу – неки Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларидан четга чиқибдур, ўшалдур. Жамоат, Оллоҳ ҳақи, бу – аҳли ҳақнинг, гарчи оз бўлсалар-да, ўзаро уюшувидир. Фирқа эса, Оллоҳ ҳақи, бу – аҳли ботилнинг, гарчи кўп бўлсалар-да, ўзаро бирлашувидир”.*

**СОРА бинти Ал-ИМОМ АМИЙР ул-ХОЖЖ АБУ БАКР МУҲАММАД ибн УСМОН ибн АБУ БАКР ад-ДАЙЙОС ас-САМАРҚАНДИЙ** – ушбу китоб муаллифи Нажмуддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафийнинг хабар беришича, Сора куйидаги ҳадиси шарифни Имом Абдураҳим ибн Абдулкарим ибн Ҳавозин ал-Кушайрийдан ривоят қилган экан:

*Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Кимнинг қалбида куйидаги уч нарса мавжуд бўлса, у иймон ҳаловатиға эришур: Оллоҳ ва унинг Расули унинг учун барчадан маҳбуброқ бўлса, бировни фақат Оллоҳни деб севса, кофирликка қайтмоқни ўт ёқилиб, ўзининг унга ташланмогини истамагани каби истамаса!”*

**ШАҚИҚ ибн ИБРОҲИМ аз-ЗОҲИД ал-БАЛҲИЙ** – (Балҳдан) Самарқандга келган. У Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳу, Иброҳим ибн Адҳам раҳимахуллоҳу ва Аббод ибн Касийрдан ҳадис ривоят қилган, ундан эса ўғли ва Хотим ибн Унвон ал-Асамм ал-Балҳий ҳадис ривоят қилган.

Абу Ҳафс аз-Зоҳид ас-Санжадизакий бундай деб хабар қилади: “Шақиқ Самарқандга келди. Шунда Абу Аҳмад аз-Зоҳид унинг хузурига бориб: “Мен 33 йилдан буён Абу Муқотилга шогирд (мурид)лик қилсам-да, ундан ўзим истаган нарсани сира ололмадим”, – деди. Шақиқ: “Ундан нени истаб эрдинг?” – деб сўради. Абу Аҳмад аз-Зоҳид: “Ўзимнинг Оллоҳ билан, Оллоҳнинг мен билан танҳо қолмоғини (яъни, Оллоҳ билан икки содиқ дўст ўзгалардан холи суҳбат қургани янглиф суҳбатлашиш даражасига эришмоғимни) истарман”, – деди. Шақиқ унга бундай деб айтди: “Мазкур истагинга куйидаги уч нарса орқали эришурсан: ризқ-рўзнинг ҳалоллиги, хокисорлик, бойликка нафрат. Агар киши икки юз йил яшаб ҳам куйидаги тўрт нарсани билиб олмаган бўлса, ул ҳолда унга жаҳаннамдан мустаҳикроқ нарса йўқдир! Уларнинг биринчиси – Оллоҳ таолони эътироф қилмоқлик. Иккинчиси – ўзни эътироф қилмоқлик. Учинчиси – Оллоҳ таолонинг амалини эътироф қилмоқлик. Тўртинчиси – Оллоҳ таолонинг душманини ҳамда ўзининг душманини эътироф қилмоқлик.

Оллоҳ таолони эътироф қилмоқлик хусусига келсак, бу – Оллоҳ таолодан бўлак ризқ ато этгувчи, Оллоҳ таоло ато этмоқни ирода қилган нарсага монелик қила олгувчи зот йўқ эканлигини дилда ҳам тилда ҳам эътироф этмоқлик. Ўзни эътироф этмоқлик эса, киши ўзининг (Оллоҳ таолога муҳтож эканлигини, ҳар нарсага қодир Оллоҳ таоло олдида) заиф, ожиз бир махлуқ эканлигини, унинг аҳкомларидан бирортасини ҳам рад эта олмаслигини эътироф қилмоғидир. Оллоҳ таоло амалини эътироф қилмоқлик, бу – Оллоҳ таолонинг фақат ҳолис ниятда қилинган амали солиҳни қабул этажagini эътироф этмоғингдир. Ниятнинг холислиги аломати эса, одамларга тамаъ қилмаслик, одамлар мақтовини истамасликдир. Энди, Оллоҳнинг душмани бирлан ўзингнинг душманингни эътироф қилмоғинг хусусига келсак, бу – Оллоҳ бирлан ўзингнинг душманингни дилингда махфий эътироф этмоғинг ва унинг душман эканлигини теран идрок этганинг ҳолда унга қарши то уни мағлуб этиб зафар қозонганинга қадар жанг қилмоғингдир”.

Шақиқнинг набираси Али ибн Муҳаммад ал-Балхий бундай деб хабар қилади: “Бобомнинг Балхда уч юзта қишлоқлари мавжуд бўлган бўлса-да, Вошжирдда ўлдирилган кунлари дафн учун ҳатто кафанлик ҳам топилмади, чунки ул киши ўз кафанликларини ҳам бировга тақдим қилиб юборган эдилар. Бобомнинг пойабзаллари билан қиличларини табаррук қилиб (ўша давр) соатига осиб қўйишганди, гўёки ул киши (уларни ҳозиргина ўзлари осиб қўйиб) ташқарига чиқиб кетгандек эди.

Бобом ривоят қилган бир воқеа қуйидагича: ул киши Ал-Харлахиййа деган бутпараст бир туркий қавм ерига катта савдо карвони билан борган эканлар. Сўнг, бир куни уларнинг бутхонасига кириб, у ерда соч-соқоли қирилган, тўқ қизил либос кийган кекса бутхона ходимига кўзлари тушибди-да, унга: “Эй чол! Сен турган мана шу (бутхона) ботилдир. Менинг ҳам, сенинг ҳам, анави қавмнинг ҳам холиқи (яратгувчиси) мавжуддир. Унга ҳеч нарса баробар келмагай, бу дунё бирлан у дунё ҳам уникадир, у ҳар нарсага қодир ва ҳар нарсанинг розики (ризқ ато этгувчиси)дир!” – дебдилар. Шунда мазкур чол бобомга: “Эй араб! Сенинг

сўзинг ишинга мувофиқ эмас!” – дебди. Бобом унга: “Нечун?” – дебдилар. Чол: “Сен ҳар нарсага қодир, ҳар нарсанинг розиқи бўлмиш холиқинг мавжудлигини таъқидладинг-ку, аммо ўзинг бу ерга ризқ талабида машаққат чекиб келгансан. Агар сен айтганча бўлганда эрди, розиқинг сенга ўз ватаниндаёқ ризқ берган ва сен ризқ талабида машаққат чекиб бу ерга келмаган бўлур эрдинг!” – дебди”.

Кейинчалик Шақиқ шу хусусда: “Менинг тарки дунё қилмоғимга ўша туркийнинг сўзлари сабаб бўлганди” – деган экан. Ул киши тижорат сафаридан қайтгач, бор мол-мулкани садақа қилиб, илм олмоққа киришган экан.

Одамлар Шақиққа: “Сиз ўзингиз эришган даражага қай йўсинда муяссар бўлдингиз?” – дейишганда, ул киши: “Уч нарса орқали. Биринчиси – ризқ-рўзимнинг Оллоҳ зиммасида эканлигини билгач, унга таваккал қилдим. Иккинчиси – жонимнинг Оллоҳ қўлида эканлигини билгач, у менга амр қилган нарсаларни мукамал адо этмоққа интилдим. Учинчиси – раббимнинг қалбимга назар солганини билганим ҳаманоқ у бирлан дилимни ислоҳ айладим” – деб жавоб қилган экан.

Яҳё ибн Холид ал-Муҳаллабийнинг айтишича, Шақиқ ибн Иброҳим қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан:

*Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Сизлар ҳар қандай олимнинг ҳузурда ўлтирмангизлар, фақат ўзингизни бу панжшанбадан у панжшанбага қадар (яъни, ҳафта бўйи) жаҳолатдан илмга, осийликдан тақвога, шубҳадан ишончга, кибрдан тавозега, ялқовликдан ибодатга даъват қилгувчи олимнинг ҳузурдагина ўлтирингизлар!”.*

**ШАҚИҚ ибн МУҲАММАД ибн АЛИ ибн АҲМАД ибн АББОС ибн САРКАБ ибн КАРТАМ ал-БАЛҲИЙ** – фақиҳ, (Балҳдан) бизнинг (яъни, шу китоб муаллифининг) ҳузуримизга – Самарқандга келган ва мен тўплаган ҳадисларим ҳамда рисоаларимни ёзиб олган.

Шақиқ ибн Муҳаммад қози ва имом Абу Али Исмоил ибн Аҳмад ибн ал-Хусайн ал-Байҳақийдан қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган:

Абу Хурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Оллоҳ таоло Иброҳим (алайҳиссалом)ни халл (хос дўст), Мусо (алайҳиссалом)ни нажийй (сирдош дўст), мени эса ҳабиб (суюкли дўст) тутди. Сўнг: “Иззатим ва буюклигим ҳақи, мен ҳабибимни халилим ва нажиййимдан сўзсиз афзал кўрурман!” – деди”.

**АБУ УСМОН ШАДДОД ибн ҲАКИМ ал-БАЛҲИЙ** – Зафир ибн ал-Хузайл, Абдуллоҳ ибн ал-Муборак, Аббод ибн Касийр ва Нух ибн Абу Марямдан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса Аҳмад ибн Наср ал-Аткий, Яъқуб ибн Юсуф ал-Луълуъий ас-Самарқандий ва Хуросон ҳамда Мовароуннаҳр аҳли ҳадис ривоят қилган. У Нух ибн Асад ибн Сомон Самарқанддан Шошга ғазот қилганда Балх қўшини сафида Самарқандга келган. Шунда душман (яъни, Шош аҳли) Нухга қарши қўшин тортгани, Самарқанд аҳли эса уларга қарши жангга чиққанди. Ҳикоя қилинадикки, Абу Усмон ўша жангдан сўнг: “Мен турклар томон камондан икки бор ўқ уздим, илгари бундан умидбахшроқ амали солиҳ қилмаган эдим!” – деган экан. Кейинчалик, Абу Усмон вафот этгач, уни биров тушида кўриб: “У дунёда не туфайли нажот топдинг?” – деб сўрабди. Шунда Абу Усмон: “Кофирларга ўша икки ўқ-ёй отганим туфайли” – дебди.

**ШУЪАЙБ ибн ШИЙРОН ал-БАНОКАСИЙ (ал-БАНОКАТИЙ)** – шайх ва имом. У Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Фазл ал-Форисийдан қуйидаги ҳадиси шарифни эшитган экан:

Сулаймон ибн Бурайда оталаридан бундай деб ривоят қиладилар: “(Оллоҳ таоло) Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга (Маккани) фатҳ қилиб берганда ул зот бир қабр дўнги олдига келиб ўлтирдилар. Саҳобалар эса ул зотнинг атрофларига келиб ўлтиришди, шунда Жаноб Расулulloҳ гўё хутба қилгувчи ҳолатида эдилар. Сўнг, ул зот йиғлаганча ўринларидан турдилар. Мазкур саҳобалар орасида Ҳазрат Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳу Жаноб Расулulloҳга мурожаат қилишига энг ботина оладиган шахс бўлганлари учун ҳам, ул

зотга яқин бориб: “Ё Расулаллоҳ! Ота-онам сизга фидо бўлсинлар! Сизни не йиғлатди?” – дедилар. Жаноб Расулуллоҳ: “Мана бу онамнинг қабрлари. Мен Оллоҳ таолодан зиёрат қилмоғимга ижозат сўраб эдим, изн берди, сўнг ундан онам хусусларида истиғфор айтмоғимга изн сўраб эдим, ижозат бермади. Шунда мен онаи зоримни хотирлаб, кўнглим бузилиб кетганидан йиғлаб юбордим” – деб марҳамат қилдилар.

Кейин Ҳазрат Умар: “Биз ул зотни ўша кунгидан аччиқроқ йиғлаганларини сира кўрмадик” – деб эдилар”.

**АБУЛФАЗЛ аш-ШАЪБИЙ ибн АБДУЛЛОҲ ибн МАНСУР ибн НАСР ибн ФОРИС ал-АФРОНИЙ** – Насаф кишлоқларидан бири (Афрон)да дунёга келган, лақаби – Аш-Шоҳ. Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф ан-Насафий, Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Анбар, Муҳаммад ибн Закарийё ибн ал-Хусайн ҳамда Самарқанд, Бухоро ва Суғд шайхларидан ҳадис ривоят қилган. Илм бобида мисоли бир хазина, ҳадис толиблари учун эса битмас-туганмас манба эди. У ҳижрий 383 (милодий 994) йил, муҳаррам ойининг бошида, якшанба куни вафот этган бўлиб, қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган:

Баҳз ибн Ҳакимнинг боболари бундай дейдилар:

“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “(Ислом) динига энг афзал мадад суннатни парваршиш қилмоқликдир!”.

**ШАЪБОН ибн РАМАЗОН ибн МУҲАММАД ибн ЮСУФ ибн АБДУРРАҲИМ ибн ал-ФАЗЛ ибн АБУ СОЖИД ал-КАСОДАНИЙ** – Касодан Самарқанд кишлоқларидан бири бўлиб, шайх ва имом Шаъбон ибн Рамазон ўшал ер аҳлидандир. Унинг тўлиқ номи Абу Бакр Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Шаъбон ибн Рамазон ал-Касоданий. Шаъбон ибн Рамазон қўйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган:

“Оиша онамиз разияллоҳу таоло анҳо бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирор йиғинда ўлтирсалар ёхуд бирор намоз ўқисалар: “Субҳонака Аллоҳумма ва биҳамдика, ло илоҳа илло анта, астағфирука ва атубу илайка!” – дер эдилар”.



**АБУЛҲУСАЙН аш-ШОҲ ибн МУҲАММАД ибн ЖИБРИЙЛ ибн СУҲАЙЛ ан-НАСАФИЙ** – куняси Абулхусайн, исми Муҳаммад, лақаби аш-Шоҳ бўлиб, у Маҳмуд ибн Анбардан ҳадис ривоят қилган, ҳижрий 377 (милодий 988) йилнинг рабийъ ул-аввал ойдан 11 кун қолганда вафот этган.

Абулаббос Жаъфар ибн Муҳаммад ибн ал-Муътаз ал-Мустағфирий ан-Насафийнинг хабар қилишича, Абулхусайн аш-Шоҳ ибн Муҳаммад ибн Жибрийл ҳижрий 376 (милодий 987) йил, шаъбон ойида куйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан:

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Бир киши одамларга қарз бериб турар ва хизматкорига: “Бир бечораҳол қарздорнинг қошига борсанг-у, (у қарзини узоқмаслигини айтса), кечиб юбор, шояд Оллоҳ таоло ҳам бизнинг гуноҳларимизни кечса!” – дер эди. (Дарҳақиқат, ўша киши вафот этгач), Оллоҳ таоло унинг гуноҳларини мағфират қилди”.*

**АБУ НАСР аш-ШОҲ ибн УСМОН ибн АБДУРРАҲМОН** – Ал-Котиб ан-Насафий кўшниси Абу Яъло Абдулмўмин ибн Халафдан Абу Насрнинг ҳижрий 387 (милодий 998) йил, рабийъ ул-охир ойдан 11 кун ўтганда вафот қилганини эшитган экан.

Муҳаммад ибн Аҳмаднинг хабар қилишича, Абу Наср аш-Шоҳ ибн Усмон ибн Абдуллаҳ қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган:

*Абу Ҳумайд ас-Собидий разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Агар бирортангиз бирор аёлга уйланмоқчи бўлсангиз, унга билдирмай кўз ташлангиз!”.*

**ШОҲ ибн АБДУЛМАЛИК** – шайх ва имом Али ибн Аҳмад ас-Сукконий раҳимаҳуллоҳу ҳижрий 445 (милодий 1054) йилнинг муҳаррам ойида Самарқандда ўз тили билан айтиб турган барча ҳадисларни ёзиб олган. Улардан бири куйидагича:

*Суроқа ибн Молик разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам менга: “(Эй Суроқа!) Мен сенга савоби жиҳатидан энг улуг садақа қайси садақа эканлигини айттайми? Бу шуки, қизинг эридан ажраб уйингга қайтиб келган-у, унинг сендан бўлак боқувчиси йўқ” – деб марҳамат қилдилар.*

**СОЛИҲ ибн ал-МУБОРАК ал-МУКРИҒ** – Масъуд ибн Солиҳ ал-Мукриғ ас-Самарқандийнинг отаси бўлиб, Абу Осим ан-Набийл ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса Абу Яъқуб ал-Аббор ва бошқалар ҳадис ривоят қилган.

Солиҳ ибн ал-Муборак Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Ансорийдан қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган:

*Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Биродарингга, у хоҳ золим ва хоҳ мазлум бўлсин, ёрдам бергил!” – деб марҳамат қилдилар. Мен: “Ё Расулalloҳ! Золимга нечун ёрдам берурман?” – дедим. Шунда Жаноб Расулulloҳ “Уни зулмдан қайтарурсан, ана шу сенинг унга қилган ёрдамнинг бўлур” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ БАКР СОЛИҲ ибн СОЛИМ** – Самарқандга келиб ҳадис ривоят қилган. Айтишларича, у Марв аҳлидан бўлиб, Шошда яшаган. Абу Яъқуб ал-Аббор ва бошқалар ундан ҳадис ривоят қилган. У Маккада ҳижрий 233 (милодий 848) йил, мино (ҳожилар Оллоҳ таолога қурбонлик қиладиган) кунлари вафот этган.

Абу Бакр Солиҳ Шароҳийл ибн Убайдуллоҳдан қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган:

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Умматимнинг яхшилари – эҳсон қилсалар, хушнуд бўлгувчилар, гуноҳ қилсалар, истиғфор айтгувчилар ва сафар қилсалар, намозни қаср ўқиб, рўзани очгувчилардир. Умматимнинг ёмонлари эса – бадавлат, сермаишат оилада туғилиб, турли-туман лаззатли таомларни тановул қилмоқ ҳамда баландпарвоз гапларни сўзламоқ бирла машғул бўлгувчилардир” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛФАЗЛ СОЛИХ ибн МИСМОР ал-КУШМИХАНИЙ** – хижрий 246 (милодий 834) йилнинг муҳаррам ва рамазон ойларида Самарқандга келиб, ҳадис ривоят қилган, Кушмиҳанда вафот этган. У Суфён ибн Уяйна, Муҳаммад ибн Убайд ат-Танофисий, Вакийъ ибн ал-Жарроҳ, Ибн Абу Фадик, Шуъайб ибн Ҳарб ал-Мадиний ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса Муҳаммад ибн Саҳл ал-Ғаззол ас-Самарқандий, Муҳаммад ибн Жаноҳ ас-Санжадизакий ас-Самарқандий, Исмоил ибн Муҳаммад ибн Аслам ал-Қозий ас-Самарқандий, Абу Абдуллаҳмон ибн Абулайс ал-Бухорий ва бошқалар ҳадис ривоят қилган.

Абулфазл Солих Ҳассон ибн Абдуллоҳдан куйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган:

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Вафот қилаётган кишиларингизга “Ашҳаду алло илоҳа иллаллоҳ”ни айтиб (ва айттириб) турингизлар, чунки у (бу дунёда) тил бирла айтиши осон, (охират) тарозусида эса вазни (беқиёс) оғир (калимаи шаҳодатдир). Агар “Ло илоҳа иллаллоҳ” тарозунинг бир палласига, осмон бирла ер ва улардаги жамики нарсалар унинг иккинчи палласига қўйилса, “Ло илоҳа иллаллоҳ” сўзсиз улардан оғирлик қилур!” – деб марҳамат қилдилар”.*

**СОЛИХ ибн АҲМАД ад-ДАБУСИЙ** – Юсуф ибн Абдадан куйидаги ҳадисни ривоят қилган:

*Макхул ад-Димашқий бундай дейдилар: “Ҳазрат Умар ибн ал-Хаттоб Шом аҳлига: “Болаларингизга сузиши бирла отишини ўргатингизлар!” – деб мактуб ёздилар”.*

**АБУ АЛИ СОЛИХ ибн МУҲАММАД ибн АМР ибн ҲАБИБ ибн ҲАССОН ибн ал-МУНЗИР ибн АММОР** – ўз замонасида қувваи ҳафиза, маърифат ва камолот бобида беназир эди. Мовароуннаҳрда Имом ал-Бухорийдан кейин ундан кўра кўпроқ ҳадис ёд билгувчи бўлмаган. У хижрий 267 (милодий 881) йили Насафга келиб, унинг аҳлига кўплаб ҳадис ёздирган, сўнг Самарқандга ҳам келиб, у ерда ҳадислар ривоят қилган. Абу Али Солих хижрий 294 (милодий 908) йили Бухорода вафот этган. У Амр ибн Марзуқ, Али ибн

ал-Жаъд, Ваҳб ибн Бақийа ва кўпгина ироқлик ҳамда шомлик шайхлардан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса бир гуруҳ юртдошлари ҳадис ривоят қилган.

Абу Али Солиҳнинг бир ҳазил-хузил гапи бор эди, у куйидагича: “Бир куни мен Дамашқ масжидига кирдим-да, бир наҳвий (тилшунос)нинг: “Балки, араблар “сод” (ҳарфи)ни “сийн” (ҳарфи)га, “сийн” (ҳарфи)ни “сод” (ҳарфи)га айлантриб кўйгандирлар” – деяётганини эшитдим”. Шунда мен атайлаб “сод” бирлан “сийн” ҳарфлари ўрнини алмаштириб, унга: “Эй Абу Солиҳ! Ассалому алайка!” – дедим. Чунки унинг лақаби Абу Солиҳ эди (“солиҳ” сўзи “сод” ўрнига “сийн” билан айтилса, “қуролдор, қуролли”, “ас-салом” сўзи “сийн” ўрнига “сод” билан айтилса, “қулоқ кесиш” деган маъно касб этади)”.

Бир куни Абу Али Солиҳга: “Нечун сени “Жазара” (савзи) деб аташади?” – дейишди. Шунда у бундай деб жавоб қилди: “Мен Шомдан келган бир шайх кўлида таълим олар эдим. У Ҳарийз ибн Усмондан бир ҳадисни ривоят қилди, (мен ёзиб олдим). Ўша ҳадиснинг унинг кўлидаги нусхасида “Кона ли-Аби Умома харазатун йарқи биҳол-марзо” (“Абу Уоманинг бир тасбиҳи бўлур эди, у унинг бирлан касалларга дам солур эди”) деб ёзилган эди. Аммо мен уни “Кона ли-Аби Умома жазаратун йарқи биҳол-марзо” (“Абу Уоманинг бир савзиси бўлур эди, у унинг бирлан касалларга дам солур эди”) деб ўқиб юбордим. Шундай қилиб, ўша кундан эътиборан менинг лақабим “Жазара” бўлиб қолди”.

Абу Али Солиҳ бундай дейди: “Мисрда Абу Абдуллоҳ ал-Жамал (туя) деган бир шоир бўлур эди. У менга лақабимни айтиб ниҳоятда қаттиқ ҳазил қилур эди. Шу боис мен Оллоҳ таолодан бир кун эмас бир кун уни хижолат қилмоғимга имкон бермоғини илтижо қилур эдим. Ниҳоят, бир куни биз бир йиғинда эдик, ўша Жамал елкасида бир қоп савзи кўтарганча масжид эшиги олдидан ўтиб қолди. Шунда у менга (мақтаниб): “Кўрдингми, нима олиб келаётирман?!” – деди. У бу гапни бир неча бор такрорлади, ҳатто менинг гашим келиб, унга: “Нимани ҳам кўрардим, устингда ўзимни кўриб турибман!” – дедим. У менинг бу гапимдан шу қадар хижолат бўлдики, ҳатто менга бошқа ҳазил қилмай кўйди”.

Абу Али Солиҳ қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган:  
*Ҳазрат Али разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:*  
“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қизлари  
Фотима разияллоҳу таоло анҳога (кўрпа-ёстиқ) ҳадя  
қилинди, бунга қадар бизнинг бир қўй пўстагидан бўлак  
ётарга кўрпа-ёстигимиз йўқ эрди”.

**АБУ МУҲАММАД СОЛИҲ ибн ОДАМ ал-КОШОНИЙ ас-СУҒДИЙ** – (жуда) кекса (бўлсада), (қулоғи) яхши эшитган. У ҳижрий 320 (милодий 933) йилдан илгари Музоҳим ал-Визорий ва Муҳаммад ибн аз-Зуъ ал-Кармийнийдан ҳадис ривоят қилган.

Абу Муҳаммад Солиҳ Муҳаммад ибн аз-Зуъдан қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган:

*Абу Мусо ал-Ашъарий разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:* “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Очларни тўйгазингизлар, касалнинг ҳолидан хабар олингизлар ва бечораҳолни қутқарингизлар!” – деб марҳамат қилдилар”.

**СОЛИҲ ибн ЖАЪФАР** – Самарқанд зоҳидларидан бўлиб, Иброҳим ибн Адҳам (? – 776/783) нинг дўсти эди. Ундан Иброҳим ибн Шаммос ҳадис ривоят қилган. У Бурнамад деган қишлоқда вафот этган. Бурнамад эса Самарқанддан икки марҳала (икки манзил) нарида бўлиб, унинг қабри ўша ерда.

Иброҳим ибн Шаммоснинг хабар қилишича, Иброҳим ибн Адҳамнинг дўсти Солиҳ ибн Жаъфар бундай деган экан: “Иброҳим ибн Адҳам бир қавм бирла турган эди, бир киши улов миниб ўтиб қолди. Шунда қавм уни масҳара қилди. Иброҳим ибн Адҳам (уларга эътироз билдириб): “Ё Субҳоналлоҳ! Кўнглингизда ўз (мўмин-мусулмон) биродарингизга нисбатан шундай қабоҳат мавжуд бўла туриб, охираатда қандай нажот топгайсизлар?!” – деди”.

Иброҳим ибн Шаммос яна бундай деб хабар қилади: “Биз душманларни излаб йўлга чиққан эдик, Солиҳ ибн Жаъфар ас-Самарқандий ҳам биз билан бирга эди. Шунда уни қаттиқ безгак тутиб қолди. Бир вақт қарасам, у бошини ерга қўйиб ётганча дағ-дағ титрапти. Мен ичимда: “Агар мен ҳозир унга

боши остига қўйиб олгали бирор нарса олиб борсам, албатта рад этади” – дедим. Сўнг, бир тўрвага сомон тўлдириб унинг олдига олиб бордим-да: “Оллоҳ таоло сенга раҳм айласин! Мана буни бошинг остига қўйиб олсанг, бўлармиди?!” – дедим. У менга: “Эй Абу Исҳоқ! (Охират роҳатига эришмөк учун бу дунёнинг машаққатига) чидаб келган банда яна бироз чидагай. (Қабр ва қиёматда азоб тортмөк учун бу дунёда) роҳатланиб келган банда эса яна бироз роҳатланур” – деди-да, тўрвага бошини қўйиб ётмөкни истамади. Сўнг, Бурнамадда ўша безгак касалидан вафот этди”.

**СОЛИХ ибн ИСО ал-ХУЛҚОНИЙ ас-САМАРҚАНДИЙ** – Ал-Хусайн ибн Исо ал-Бакрий ас-Самарқандийдан қўйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган:

*Ибн Умар разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам мужоҳид бирлан унинг оти учун уч ҳисса ўлжа ажратдилар, бир ҳисса мужоҳид учун, икки ҳисса от учун”.*

**АБУ МУҲАММАД СОЛИХ ибн МУҲАММАД ибн РУМАЙҲ ат-ТЕРМИЗИЙ** – Солих ибн Абу Румайҳ номи билан машҳур бўлиб, ҳижрий 294 (милодий 908) йили Самарқандга келиб, у ерда отаси Муҳаммад ибн Румайҳ ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган.

Солих ибн Абу Румайҳ ат-Термизий Абу Умора Муҳаммад ибн Аҳмад ибн ал-Маҳдий ибн Язиддан қўйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган:

*Муҳаммад ибн аз-Зуъ ал-Йамонийнинг бобоси Ас-Салсол ибн Далаҳмас бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимки менинг хусусимда атайлаб ёлгон гапирса, жойини жаҳаннамдан эгалласин!” – деб марҳамат қилдилар”.*

**СОЛИХ ибн МУҲАММАД ибн ал-МУТАВАККИЛ ибн ҚУДОМА ибн ЯҲЁ ас-СУҒДИЙ ал-ИШТИХОНИЙ** – Жибрийл ибн Муҳаммаднинг биродари бўлиб, у Муҳаммад ибн Яҳё ибн Абу Умар ал-Аданийдан қўйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган:

*Ҳазрат Али разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:*

*“Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга (ҳажга келтирган) жонлигларини (туяларини) забҳ қилмогимни ва унинг гўшт, тўқим ва териларини (одамларга) улашмогимни амр қилдилар”.*

**АБУ МУҲАММАД СОЛИҲ ибн МУҲАММАД ат-ТЕРМИЗИЙ** – Ибн Матт номи билан машхур бўлиб, Насафга келган ва у ерда ҳадис ривоят қилган.

Абу Муҳаммад Солиҳ ибн Матт ат-Термизий Солиҳ ибн Абдуллоҳ ат-Термизийдан қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган:

*Усома ибн Зайд разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Менга жаннат намоён қилинди, шунда мен унинг кўпчилик аҳли фақирлар эканини, зодагонлар эса ҳисоб-китоб ва савол-жавоб учун (жаннат эшиги олдида) тўхтатиб қўйилганини кўрдим. Кейин, менга жаҳаннам ҳам намоён қилинди. Шунда мен унинг кўпчилик аҳли аёллар эканини кўрдим” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ АҲМАД СОЛИҲ ибн ЯЗДОД ал-КАРОБИЙСИЙ ас-САМАРҚАНДИЙ** – Абдуллоҳ ибн Абдуррахмон ад-Доримийдан қуйидаги ҳадисни ривоят қилган:

*Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жуфти ҳалоллари Маймуна разияллоҳу таоло анҳо (? – 681) бундай дейдилар: “Жаноб Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам асрдан олдин икки ракъат (нафл) ўқир эдилар”.*

**СОЛИҲ ибн МАҲМУД ибн ал-ҲАЙСАМ ас-САМАРҚАНДИЙ** – Муҳаммад (ўғли) бундай деб хабар қилади: “Мен отамнинг китобларидан Абдуррахим ибн Ҳабиб ал-Бағдодийдан ривоят қилинган бир ҳадисни топдим, у қуйидагича:

*Ибн Умар разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қанчадан-қанча оқиллар Оллоҳ таолонинг аҳкомларини ақл тарозусида ўлчаб кўриб, уларни (бажарши ё бажармаслик оқибатлари не эканлигини теран) фаҳм этдилар. Улар одамлар назарида ҳақиру баднамо*

кўринсалар-да, эртага (охиратда) нажот топгайлар ва қанчадан-қанча гапга чечан кишилар одамлар назарида хушнамо кўринсалар-да, эртага қиёмат куни ҳалокатга учрагайлар” – деб марҳамат қилдилар.

**АБУЛФОРИСИЙ СОЛИҲ ибн ЖИБРИЙЛ ал-АРБА-ЖИНИЙ** – саҳиҳ ҳадислар ровийи бўлиб, Самарқандда қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган:

*Анас разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Буқайъда турган эдилар, бир киши: “Эй Абулқосим!” – деб чақириб қолди. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам у томон ўгирилиб қарадилар. Бояги киши: “Ё Расулаллоҳ! Мен Сизни чақирганим йўқ эди”, – деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга жавобан: “(Болаларингизга) кунямни эмас, исмиمنى қўйингизлар!” – деб марҳамат қилдилар.*

**АБУЛФАТҲ СОЛИҲ ибн МУҲАММАД ас-СУФИЙ ал-МУКРИЪ ал-МУАДДИБ ар-РОЗИЙ** – Самарқандга келиб ҳадис ривоят қилган. Шайх Абулбадий Мансур ибн Муҳаммад ибн Юнус ибн ал-Фатҳнинг хабар қилишича, Абулфатҳ Солиҳ ҳижрий 409 (милодий 1019) йил, жумодал-охира ойида қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан:

*Абдуллоҳ ибн Абу Авфо разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг “Кимки мен айтмаган (гап)ни “айтганлар” деб таъкидласа, жойини жаҳаннамдан эгалласин!” – деб марҳамат қилганларини эшитдим”.*

Шайх ва имом Абулфатҳ Солиҳ ҳижрий 532 (милодий 1138) йил, шаввол ойининг якшанба куни вафот этган, унга Ас-Сайид ал-Ажалл ал-Бағдодий жаноза ўқиган, жанозада жуда кўп одам қатнашган. У Чокардиза мазоридаги Имом ал-Мотурийдий қабри ёнига дафн қилинган.

Абулфатҳ Солиҳ имом, фозил, муттакий, муфтий, мударрис эди, у Дор ул-Жузжонийяда мударрислик қилар эди, илми фикҳ ва илми назар (илми калом) билим-дони эди.



**СОҲИБ ибн САЛМ ал-БАЛҲИЙ** – факих, зоҳид ва муттақий киши бўлиб, (Балхдан) Самарқандга келган. У Халаф ибн Айюбдан ҳадис ривоят қилган, ундан эса Ҳомид ибн Исо ал-Усрушаний ҳадис ривоят қилган.

Соҳиб ибн Салм (оддий кунлари) бир кеча-кундузда бир марта, рамазон ойида эса бир кеча-кундузда икки марта Куръони Каримни хатм қиларди. У: “Нафсим мендан бирор нарса талаб қилишга ботина олмайди, чунки у истагини бажо келтирмаслигимни билиб олган” – дер эди.

Соҳиб ибн Салм муттақий ва зоҳид бўлиши билан бирга икки тоифа кишиларга – бидъат аҳли ва золим ҳукмдорларга қатъий қарши эди. У Шаддод ибн Ҳаким, Халаф ибн Айюб, Исом ибн Юсуф ва шуларга ўхшаш кишиларнинг улфати эди, ўлими олдида: “Эй Парвардигорим! Дарҳақиқат, сен билурсанки, мен (бу) дунё (ҳаёти) учун на бир қамиш устига қамиш ва на бирор чўп устига чўп ва на бирор дирҳам устига дирҳам қўймадим (яъни, иморат курмадим, бойлик йиғмадим). Эй Парвардигорим! Агар сен мени ҳақиқатан ҳам шундай қилган деб билсанг, ул ҳолда мени мағфират айлагил!” – деганди. Сўнг (бизга): “Агар ўлсам, Навкамин работига борингизлар-да, болаларга айтингизлар, менинг ҳаққимга дуо қилишсин!” – деб айтганди. Шундай қилиб, Соҳиб ибн Салм Навкамин работига дафн қилинди. У куйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган:

*Ҳазрат Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Дарҳақиқат, ишлар (бирор) ният билан (қилинур), ҳақиқатан ҳам кишининг (ўз ишидан) кўзлаган (бирор) мақсади бўлур. Шунга кўра, кимнинг ҳижрати Оллоҳ таоло ва унинг Расули йўлида қилинган бўлса, демак унинг ҳижрати Оллоҳ таоло ва унинг Расули йўлида қилинган бўлур ва кимнинг ҳижрати бирор хотинга уйланиш ёки бирор бойликка эга бўлиш учун қилинган бўлса, демак унинг ҳижрати ўша ўзи ният қилган нарса учун қилинган бўлур” – деб марҳамат қилдилар.*

**АБУ АЛИ СОЪИД ибн НАСР ибн АҲМАД ибн аш-ШОҲ ибн АЛИ ибн ал-ҲУСАЙН ибн ШИБЛ ибн НАСИЙР ан-НАСИЙРИЙ ан-НАСАФИЙ** – қози ва имом, ҳижрий 493

(милодий 1101) йил, 18-зулҳижжа, панжшанба куни Самарқандда, “Ҳоиту Ҳаййон” кўчасидаги Саъд ал-Малик ҳовлисида 58 (ёки 59) ёшда вафот этган ва Чокардиза қабристонига, шаҳидлар хилхонаси ёнига дафн қилинган. У қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган:

*Абу Умома ал-Боҳилий разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг “Олти нарса хусусида (менга) кафолат берингизлар, мен ҳам сизларга жаннат хусусида кафолат берурман: ёлгон сўзламанг, омонатга хиёнат қилманг, ваъдага вафо айланг, нигоҳингизни қуйи қилинг, (ёмонликдан, ҳаромдан) ҳазар айланг, авратингизни (зинодан) асранг!” деб марҳамат қилганларини эшитдим”.*

**СИДДИҚ ибн АҲМАД ал-ХОМИДИЙ ан-НАСАФИЙ** – котиб. У Куръон ва ҳадислар ҳофизи Абу Ражо Кутайба ибн Муҳаммад ал-Усманийдан қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган:

*Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Мен уйқуда (кўрдимки, дастлаб) бир қоп-қора қўйнинг, кейин сира ҳам қора доғи йўқ бир оппоқ қўйнинг қошига келган эмишман” – деб марҳамат қилдилар. Шунда Абу Бакр разияллоҳу таоло анҳу ул зотга: “Ё Расулаллоҳ! (Аввал) бул араблар мусулмон бўлиб, ададлари ортади, сўнг ажамлар (араб бўлмаганлар) Исломи қабул қилади-ю, араблар уларнинг (кўплигидан) орасида кўринмай кетадимми?” – дедилар. Жаноб Расулуллоҳ ул кишига жавобан: “(Тушимни) тўғри таъбир қилдингиз, саҳарда фаришта (Ҳазрат Жаброил) ҳудди шундай таъбир қилган эдилар”, – дедилар”.*

**АЗ-ЗАҲҲОК ибн МУЗОҲИМ ибн ЗАЙД ибн ал-АҲТАМ ибн АБДУЛЛОҲ ибн ЯЪМУР ибн УҲАЙД ибн НАҲИЙК ибн АБДУ МАНОТ ибн ҲИЛОЛ ибн ОМИР ибн АБУ САЪСАЪА ал-ҲИЛОЛИЙ** – кунyasi Абулқосим бўлиб, уни Абу Муҳаммад деб ҳам аташарди. У асли балхлик бўлиб, ўша ерда муқим истиқомат қилган бўлса-да, баъзан Самарқандга келиб, бир мунча вақт у ерда яшарди. Самарқандда унинг

эхсон тариқасида курдирган турли бинолари ва бир масжиди бор эди. У Бухорога ҳам бориб турган ва у ерда бир мунча вақт яшаган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Унинг одати шарифи шундай эдики, болаларга Куръондан сабоқ бериб, эвазига ҳеч нарса олмасди.

Базийғ бундай дейди: “Биз Аз-Заҳҳок ибн Музоҳимнинг уч минг ўғил ва етти юз қиз болалардан иборат куттоби (бошланғич мактаби)да бўлдик. Аз-Заҳҳок эшагини миниб олиб ўқувчиларни оралаб юрарди”.

Ал-Идрисий бундай дейди: “Мен саҳобалардан бирортаси Аз-Заҳҳокни кўрган деб ҳисобламайман. Аз-Заҳҳокнинг Ибн Аббосдан ривоят қилган ҳадиси хусусига келсак, айтишларича у уни Саъид ибн Жубайрдан, Саъид ибн Жубайр эса уни Ибн Аббосдан Рай шаҳрида у билан учрашиб ундан тафсир илмини ўрганаётган кезларда олган экан.

Аз-Заҳҳокнинг Ибн Аббосдан ривоят қилган ҳадиси эса қуйидагича: *“Кимки Оллоҳга мутлақо пок ҳолда рўбарў бўлмоқчи истаса, озод аёл-қизларга уйлансин!”*

Аз-Заҳҳокнинг мазкур ҳадисни бевосита Ибн Аббосдан ривоят қилганлиги нотўғридир. Имом ал-Бухорий ўзларининг тарихга доир китобларида: “Аз-Заҳҳокнинг бу ҳадисни бевосита Ибн Аббосдан эшитганлиги нотўғридир”, – дейдилар. Абдулмалик ибн Майсара шу хусусда: “Мен Аз-Заҳҳокка: “Сен бу ҳадисни шахсан Ибн Аббосдан эшитганмисан?” – деганимда, у: “Йўқ, мен уни фалончи ва фалончидан олганман”, – деди” – деб айтганди”.

Аз-Заҳҳокнинг отаси Музоҳимнинг бешта ўғли бўлган, улар қуйидагилар: Муслим (баъзилар уни Солим деб ҳам аташади), Аз-Заҳҳок, Муҳаммад, Ясор, Ал-Кусам. “Аз-Заҳҳок”нинг маъноси “қулонғич” бўлиб, бундай исм қўйилганининг боиси шуки, унинг онаси унга икки йил давомида ҳомиладор бўлиб юрган экан. Сўнг, уни туққанида унинг оғзида иккита тиши бор бўлиб, нуқул кулар эмиш.

Абдуллоҳ ибн ал-Муборак: “Биз Аз-Заҳҳок ибн Музоҳим билан фахрланамиз”, – дейди. Ҳикоя қилинишича, Қутайба ибн Муслимнинг биродари Абдурраҳмон ибн Муслим бир беғуноҳ одамни ўлдириб қўйиб, Аз-Заҳҳок ибн Музоҳимга “Тавбамни Оллоҳ қабул қилурми?” деган мазмунда мактуб

йўллайди. Шунда Аз-Заҳҳок унга “Йўк” деб ёзиб юборади. Абдурраҳмон ибн Муслим дарғазаб бўлиб, Аз-Заҳҳокни Хуросондан Ар-Рай шахрига бадарға қилади. Ҳикоя қилинишича, у Марвда кишанбанд ҳолда зиндонда вафот қилган ва Тувайк (Тавийк) мақбарасига дафн қилинган. Унинг вафоти санаси ҳижрий 102 (милодий 721) йилга тўғри келади. Аммо баъзилар унинг ҳижрий 105 (милодий 724) йили Балхда оламдан ўтганлигини ва қabri Баруқон деган жойда эканлигини таъкидлашади.

Суфён ибн Уяйна бундай дейди: “Аз-Заҳҳок ибн Музоҳим: “Мен бутун тунимни султоним (Оллоҳим)ни ризо қиладиган сўзни ахтариб бедор ўтказаман, раббимни дарғазаб қиладиган сўзни айтиб қўймайин дейман, мен унга бундай сўзни сира айта олмасман!” – деб айтганди”.

Муҳаммад ибн Наср ат-Толиқоний эса бундай дейди: “Аз-Заҳҳок ибн Музоҳим ал-Ҳилолий Куфа аҳлидан бўлиб, у (халифаликнинг Ироқдаги ноиби) Ал-Ҳажжож (ибн Юсуф) уламоларни, жумладан Саъид ибн Жубайр ва бошқаларни қатл этган вақтда у ердан қочиб кетганди. Аз-Заҳҳокнинг акаси Солим (ёки Муслим) ибн Музоҳим Хуросоннинг фатҳ этилишида Қутайба ибн Муслим билан бирга эди. Қутайба Самарқандга юриш қилиб, (Фарғона водийсида) ўз аскарлари томонидан ўлдирилгач (у шу вақтда 36 ёшда эди) ва унинг сафдошлари ҳар томонга тарқаб кетгач, Аз-Заҳҳокнинг акаси Солим ибн Музоҳим Балхга кетади. Шундан сўнг, Аз-Заҳҳок унинг ҳузурига боради. Баъзиларнинг айтишича, у аввал Ҳиротга, сўнг Балхга акаси Солимнинг ҳузурига борган, кейин ўша ерда, Баруқонда вафот этган.

Аз-Заҳҳок ибн Музоҳим Ибн Аббос разияллоху анхудан қуйидаги ҳадисни ривоят қилган:

*Жаноб Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва салламнинг одати шарифлари шундай эдики, агар ўзларига дилларини хушнуд этадиган бир иш насиб бўлса, “Ё Парвардигоро, хайриятли (хайриятовар) неъматиндан ўргилай!” – дер эдилар ва агар (бошларига) ўзлари хушламайдиган бир иш тушса, “Ҳар қандай ҳолда ҳам Оллоҳга шукр!” – деб айтардилар.*

**АБУ МУҲАММАД ТАЛҲАТ ут-ТАЛҲОТ** – асл исми Талха ибн Абдуллоҳ бўлиб, уни Убайдуллоҳ ибн Халаф ал-Хузозий ал-Басрий деб ҳам аташади. Унинг отаси Ҳазрат Умар ибн ал-Хаттобнинг Куфа ва Басра девонидаги котиблари бўлган. Талханинг бир кўзи Самарқандда, у ерга Ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфра келганида (жароҳатланиб) кўр бўлиб қолганди. Саъид ибн Усмон унга Ҳиротдан хирож йиғиб олмоқ вазифасини топширганди. У Муовия ибн Абу Суфён разияллоҳу анҳуга ҳамнишин бўлмоқ ҳамда бир қанча саҳобаи киромларни кўрмоқ шарафига муяссар бўлган.

**А т - Т а л Ҳ о т (Т а л Ҳ а л а р) с а х о в а т а Ҳ л и г а м а н с у б б ў л и б, у л а р к у й и д а г и л а р:**

Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам жаннати эканлигини башорат қилган ўн саҳобадан бири – Талха ибн Убайдуллоҳ (Талхат ул-Фаёз), Талха ибн Умар ибн Убайдуллоҳ ибн Муъаммар (Талхат ул-Жуд), Талха ибн Абдуллоҳ ибн Халаф ал-Хузозий (Талхат ут-Талхот; бундай деб аталганининг боиси – унинг онаси Умму Талха бинти Абу Талха эканлигидир), Талха ибн Абдуллоҳ ибн Авф аз-Зухрий (Талхат ул-Хайр), Талха ибн Абдурраҳмон ибн Абу Бакр ас-Сиддик (Талхат уд-Дароҳим), Талха ибн ал-Ҳасан ибн Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳу (Талхат ул-Карам; онаси Умму Исҳоқ бинти Талха ибн Убайдуллоҳ).

Ҳикоя қилинишича, (бир куни) Куфа ва Басра аҳли (халифа) Сулаймон ибн Абдулмалик ибн Марвон (715–717) саройи дарвозаси олдида тўпланишиб, (энг хушмуомала, сахий ва шижоатли кишилар хусусида) ўзаро тортишишиди, сўнг (қози) Айюб ибн Сулаймоннинг хузурига боришиб: “Бизнинг ўртамизни ажрим қилиб берингиз, (энг хушмуомала, сахий ва шижоатли кишилар куфаликлардами ё басраликлардами?)” – дейишди. Шунда Айюб ибн Сулаймон уларга: “Мен Ҳазрат Амирул-муъминийн (халифа)ни четлаб бу хусусда сизларга ҳукм чиқариб бермасман! Аммо, неки арзингиз бўлса, барини бир қозога ёзиб берингиз, биз уни Амирул-муъминийннинг хузурларига киритамиз ва ул жаноби олийлари унинг хусусида ўз ҳукмларини чиқаргайлар”, – деди. Шундан кейин, уларнинг қошига бир котиб ўтқазилиб, аввал Куфа аҳлидан: “Сизларнинг энг хушмуомала кишингиз ким?” – деб сўралди. Куфаликлар:

“Шабис ибн Рубъий ат-Тамимийдир”, – дейишди. Сўнг, Басра аҳлидан: “Сизларнинг энг хушмуомала кишингиз ким? – деб сўралди. Басра аҳли: “Ал-Аҳнаф ибн Қайсдир”, – дейишди. Кейин, Куфа аҳлидан: “Сизларнинг энг саховатли кишингиз ким?” – деб сўралди. Куфа аҳли: “Аттоб ибн Варқодир”, – дейишди. Сўнг, Басра аҳлидан: “Сизларнинг энг саховатли кишингиз ким?” – деб сўралди. Басра аҳли: “Талҳат ут-Талҳотдир”, – дейишди. Кейин, Куфа аҳлидан: “Сизларнинг энг шижоатли кишингиз ким?” – деб сўралди. Куфа аҳли: “Иброҳим ал-Ашгардир”, – дейишди. Сўнг, Басра аҳлидан: “Сизларнинг энг шижоатли кишингиз ким?” – деб сўралди. Басра аҳли: “Аббод ибн ал-Ҳасийндир” – деб жавоб қилишди. Шундан сўнг, (халифа) Сулаймон: “Ал-Аҳнаф (Куфа ва Басра аҳли ичида) энг хушмуомала кишидир, Талҳа (Куфа ва Басра аҳли ичида) энг саховатли кишидир. Араб, ажам ва (барча) инсу жинлар ичида энг кучли киши эса Аббод ибн ал-Ҳасийндир” – деб қоғозга муҳр босди.

Исо ибн Язид бундай дейди: “Абуласвад ад-Дуалий Талҳат ут-Талҳотнинг ҳузурига бориб, ичкарига киришга изн берилмаганидан бир неча кун сарой эшиги олдида кутиб қолди, шунда Талҳат ут-Талҳот халифанинг Сижистондаги ноиби эди. Сўнг, кутавериб безор бўлган Абуласвад ўз эътирозини изҳор қилувчи бир шеър битиб, унинг ҳузурига киритиб юборди. Талҳат ут-Талҳот шеърни ўқиб кўргач, унга изн берди. Абуласвад ичкарига кирди, шунда Талҳат ут-Талҳот кўлида икки қимматбаҳо тошни ўйнаб ўлтирганди. У Абуласвадга: “Эй Абуласвад! Булардан бирини танлайсанми ёки 20 минг дирҳамними?;” – деди. Абуласвад унга: “Оллоҳ амирни инсофга келтирди, мен 20 минг дирҳамни бир тошга алишмасман!” – деб жавоб қилди. Шунда Талҳат ут-Талҳот унга 20 минг дирҳам бермокни амр қилди. Абуласвад пулларни олгач, Талҳат ут-Талҳотга: “Аmmo, фикри ожизимча, амир жаноблари менга тошлардан бирини бермоқ ниятида эдилар, шекилли?! Қани, энди шундай қилсинлар!” – деб эди, Талҳат ут-Талҳот иккала тошни ҳам унга ирғитди-да: “Эй Абуласвад! Бу тошларни алданиб (арзонга сотиб) қўймагил! Мен улар учун юз минг дирҳам бергандирмен”, – деди. Сўнг, Абуласвад ўшал икки қимматбаҳо тошни Ирокқа олиб бориб юз минг дирҳамга сотди.

Мен Ас-Саломийнинг тарихга доир китобида куйидаги маълумотлар борлигини кўрдим: Салм ибн Зиёд (халифа) Язид ибн Муовия даврида Хуросон волийси бўлиб, Талхат ут-Талхотни Сижистонга ноиб этиб тайинлаганди. Сўнг, Салм (бир сабаб бирла) Талхат ут-Талхотдан дарғазаб бўлгач, у Сижистон исбахбади (лашкарбошиси) билан биргаликда у ердан қочганча тўғри халифа Язиднинг хузурига боради ва иккаласи саройда Язид вафот қилгунга қадар (ҳижрий 64, милодий 684) яшайди. Сўнг, исбахбад Талхат ут-Талхотга: “Сен араб йигитларининг саййидисан, мен эсам ажам (йигитлари)нинг саййидиман, мен бирлан Сижистонга юргил, бизнинг ўзаро ажралмаслигимиз шартдир”, – деди. Шу тариқа иккиси Сижистонга йўл олишди ва у ерга боргач, ишлари юришиб кетди. Талхат ут-Талхот вафот қилгунига қадар Сижистонда яшаб қолди”.

**ТАЛҲА ибн АБЗУД ибн ВАЗКОН** – (Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амакилари Аббос ибн Абдулмутталиб разияллоҳу таоло анхунинг ўғиллари) Абдуллоҳ ибн Аббоснинг озод қилган қуллари бўлиб, Самарқандда асир олинганди. У Ибн Аббосдан, ундан эса ўзининг ўғли Ал-Йасаъ ибн Талҳа ҳадис ривоят қилган. Қуйида Талҳа ибн Абзуд ривоят қилган ҳадиси шарифлар:

*Ибн Аббос разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Бирортангиз масжидга кирсангиз, икки ракъат намоз ўқимай ўлтирмангиз!” – деб марҳамат қилдилар”.*

*Ибн Аббос разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Бир бадавий масжидга кириб бавл (пешоб) қилди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир челақ сув олиб келиб, унинг пешоби устидан қуйиб юбордилар, пешобни туфроқ билан кўммадилар”.*

**ТАЛҲА ибн МУҲАММАД ибн ЖАЪФАР ибн ЯҲЁ ибн АБУ ҒАССОН ал-ЖАНОБЗИЙ ан-НИЙСОБУРИЙ** – Самарқандга келиб ҳадис ривоят қилган. Шайх Абу Хафс Умар ибн Абдуллоҳ ас-Суфий ас-Самарқандий бундай деб хабар қилади: “Абу Мансур Талҳа ибн Муҳаммад ибн Жаъфар ан-

Нийсобоурий Самарқандда бизга ҳижрий 435 (милодий 1044) йил, сафар ойининг 19-куни, сешанба кечкурун куйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилганди:

*Жарир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:*  
“Биз намоз ўқимоқ, закот бермоқ, ва ҳар бир мусулмонга насиҳат қилмоққа Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга байъат қилдик”.

**ТАЛҲА ибн ТОҲИР ибн ал-ҲУСАЙН ибн МУСЪАБ ибн ЗУРАЙҚ ибн МОҲОН** – булардан Зурайқ Талҳат ут-Талҳот ал-Хузобийнинг озод қилган кули бўлиб, Талҳа ибн Тоҳир Абдуллоҳ ибн Тоҳирнинг биродаридир. У ўз отаси Тоҳир ибн ал-Ҳусайндан ҳадис ривоят қилган. Ҳижрий 212 (милодий 828) йил, рабийъ ул-аввал ойида Самарқандга келган, сўнг (у ердан) Шош (Тошкент)га, кейин Фарғонага бориб, уларни фатҳ этган ва подшоларини қувиб чиқарган, кейин Умар ибн Абу Муқотилни Самарқанд вилоятига ноиб этиб тайинлаган.

Талҳа ибн Тоҳир ҳижрий 213 (милодий 829) йил, рабийъ ул-аввал ойининг охирида вафот этган.

**АБУЛҲУСАЙН ТОҲИР ибн МАҲМУД ибн ан-НАЗИР ибн ХУШТЁР** – асли бухоролик бўлиб, Насафда туғилган ва ўша ерда вафот этган. У Насафнинг машҳур имомларидан бўлган, ҳижрий 289 (милодий 903) йил, зулҳижжа ойидан икки кун қолганда, жумъа куни вафот этган. Абулҳусайн Тоҳир Ҳишом ибн Аммор, Муҳаммад ибн ал-Мусаффо Исо ибн Юнус ар-Рамлийдан ҳадис ривоят қилган, ундан эса Абдулмўмин ибн Яъқуб ал-Ҳорисий ҳадис ривоят қилган.

Абулҳусайн Тоҳир ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:*  
“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Агар уч киши сафс...да бўлса, иккиси учинчисидан бекитиқча сўзлашмасин!”  
– деб марҳамат қилдилар.

**АБУЛФАЗЛ ТОҲИР ибн ал-ҲУСАЙН ибн ал-МАҲЛАД ан-НАСАФИЙ ал-МАЙТАМАНОНИЙ** – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг содиқ дўстларидан



бўлиб, у Абу Яъло Абдулмўмин ибн Халаф, Саъид ибн Иброҳим ал-Маъкилий ва Муҳаммад ибн Закарийё ан-Насафийдан ҳадис ривоят қилган.

Абулфазл Тоҳир қуйидаги ҳадиси шарифни Имом ал-Бухорийдан ривоят қилган:

*Ҳазрат Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Амаллар (ишлар) бирор ният билан (қилинур). Ҳар бир кишининг бирор нияти бўлур. Кимнинг ҳижрати Оллоҳ ва унинг Расули йўлида қилинган бўлса, демак унинг ҳижрати Оллоҳ ва унинг Расули йўлида қилинган бўлур ва кимнинг ҳижрати дунё орттириш ёки бирор аёлга уйланиш учун қилинган бўлса, демак унинг ҳижрати ўша ўзи ният қилган нарса учун қилинган бўлур” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛҲАСАН ТОҲИР ибн МУҲАММАД ибн МУҲАММАД ибн ХУШНОМ ан-НАСАФИЙ ас-СУФИЙ** – Хирот, Сижистон, Самарқанд, Суғд ва Шош шайхларидан ҳадислар ёзиб олган, Абу Али ал-Ҳожибийдан “Ал-Жомий”ни тинглаган.

Абулҳасан Тоҳир ибн Муҳаммад ан-Насафий ас-Суфий Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ибн ал-Лайс ибн Шарийк ас-Самарқандийдан қуйидагини ривоят қилган:

Нуъайм ибн Баккор бундай дейди: “Қози Абу Юсуфнинг тоғаси Абу Толиб Маккада хутба қилди, шунда унинг мажлисида Ибн Журайж, Абдулазиз ибн Абу Руввод, Умар ибн Дурр ва Қурайш аҳли ҳозир эрди. Сўнг, у имомлар бирла Қурайш аҳлига бир назар ташлаб олгач: “Эй раббим! Қалбларимизда тавҳид мавжуд бўла туриб бизларни азоблайсанми? Эй раббим! Сен шундай қилурсан, деб ўйламайман. Башарти Сен бизни азоблайдирган бўлсанг, ул ҳолда биз бирлан бизлар Сени деб қарши курашган қавм ўртасида не тафовут бор?! Эй раббим! (Фиръавн) сеҳргарларининг “Барча оламларнинг Парвардигорига – Мусо ва Ҳоруннинг Парвардигорига иймон келтирдик” (“Ал-Аъроф” сураси, 121-оят) дейишгандаги ҳолати каби ҳолатга тушганларни мағфират айлагил! Сен ул сеҳргарларни мазкур сўзларни айтганлари учун мағфират қилгандирсан. Шунингдек, биз ҳам Сенга, Сенинг пайғамбарларингга, расулларингга, Мусо ва Ҳорунга

ҳамда пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга иймон келтирдик, бизни мағфират айлагил!” – деди. Шунда Абу Жаъфар Абу Толибдан эшитган бул сўзлардан гоятда мамнун бўлиб: “Эй Абу Толиб! Нақадар яхши одамсан! Сенинг бу хутбандан кейин хутба айтмоқлик бидъатдир!” – деб айтди”.

**ТОҲИР ибн ЮНУС ибн АЛИ ал-ФОНИЙ** – Самарқандда, Абулашғас уйи (хонадони) мусофирхонасида яшаган, ҳижрий 519 (милодий 1126) йил, шаввол ойининг 21-куни, панжшанба кечаси оламдан ўтган ва Қусам (ибн Аббос) разияллоҳу анҳу қабри яқинидаги Бану Ножиya мақбарасига дафн қилинган.

Тоҳир ибн Юнус шайх ва имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Қатвонийдан қуйидаги ҳадисни ривоят қилган:

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимки (келажак) умматим учун 40 та ҳадис (ёдида) сақлаб қолса, мен унга қиёмат куни шафоат қилурман” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ ЗАЙД ТУФАЙЛ ибн ЗАЙД ибн ТУФАЙЛ ибн ШАРИЙК ибн ШАММОС ибн ЗАЙД ибн ал-ҲОРИС ат-ТАМИМИЙ ан-НАСАФИЙ** – У: “Бизнинг еттинчи бобомиз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг замонларига қадар етиб келиб, Ислом(га етишгани) учун Оллоҳ таолога ҳамд айтган”, – дейди.

Абу Зайд Туфайл ибн Зайд Насафнинг энг машҳур уламо ва муҳаддисларидан бўлиб, 50 йилдан зиёд Насафда қозилик қилган, 93 йил яшаб, 73 ёшдан ошганида ҳам ўғил ва қиз кўрган. У ҳижрий 279 (милодий 893) йил, муҳаррам ойининг тўртинчи куни – чоршанба кечаси вафот этиб, панжшанба куни дафн қилинган.

Абу Зайд Туфайл ибн Зайд қуйидаги шайхлардан ҳадис ривоят қилган: Яҳё ибн Букайр ал-Мисрий, Холид ибн Язид ал-Умарий, Муҳаммад ибн Салом ал-Байқандий, Абу Саҳл Наср ибн Абдулқарим ас-Самарқандий ва бошқалар. Ундан Абу Хумом Муҳаммад ибн Халаф, Маҳмуд ибн Анбар,

Хаммод ибн Шокир, Макхул ибн ал-Фазл, Асад ибн Ҳамдуя (Ҳамдавайх), Муҳаммад ибн Толиб, Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф, Саъид ибн Иброҳим ибн Маъқил ва бошқалар ҳадис ривоят қилган.

(Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий уни улуғлаб: “Туфайл ибн Зайднинг Яҳё ибн Букайрдан ривоят қилган ҳадисларини тинглангиз!” – дер эдилар ва Насафдан чиқиб кетаётиб: “Мен илм аҳлидан бўлмиш Абдуллоҳ исмли ҳамда бўлакча исмли минглаб шайхларни кўрдим, аммо сизларнинг шайхларингиз Туфайл ибн Зайддан одоблироқ кишини кўрмадим!” – деб айтгандилар.

Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф: “Мен амаким Абу Ҳомид Зайд ибн Туфайлнинг бундай деганларини эшитдим”, – дейди: “Абу Исо Иброҳим ибн ал-Ҳакам Насаф волийси эди, у бунгача Журжон волийси бўлганди. У асли ироклик эди. У тахтдан туширилгач, (сомонийлар амири) Наср ибн Аҳмаднинг хузурига келди. Шунда Наср ибн Аҳмад ундан: “Насаф сенда қандай таассурот қолдирди?” – деб сўради. У: “Насафда мен илгари на Ирокда ва на Хуросонда кўрмаган беназир уч нарсанинг шоҳиди бўлдим”, – деди. Наср ибн Аҳмад: “Улар недир?” – деб сўради. У: “Мен Насафда Туфайл ибн Зайд исмли бир аллома муфтийни кўрдим, на Ирокда ва на Хуросонда унга тенг келадиган кишини кўрмаганман. Сўнг, салтанат аҳлидан бўлмиш Мусо ибн Салом исмли бир кишини кўрдим, унга ҳам баробар келадиган кишини кўрмаганман. Кейин, мен у ерда бир узум кўрдим, унингдек узумни бунгача сира кўрмаган эдим” – деб жавоб қилди.

(Кунлардан бир куни) Наср ибн Аҳмад: “Узумни-ку... менга келтиришади, (энди Туфайл бирлан Мусони хузуримга таклиф қилайин)”, – деди-да, бир чопарни мактуб бирла Туфайл ва Мусонинг қошига жўнатиб, уларни ўз хузурига чорлади. Тун киргач, Туфайл ўз хизматкорига: “Уйкудан турганимдан кейин бир эшак келтиргил!” – деб тайинлади. Аммо, эшак тутқич бермай, шаталоқ отиб қочиб кетди. (Бояги) чопар эртасига келиб, Туфайлни уйдан топмагач, унинг бола-чақасини жазоламоқчи бўлиб эди, улар Туфайлнинг эшак қочиб кетгани боисидан Наср ибн Аҳмаднинг хузурига боролмай қолганини айтишди, шундан сўнг у ўз

шаштидан қайтиб, уларга тегмади. Аммо Мусо бўлса, бу имкониятни ганимат билиб, чопарнинг қошига чикди, у уни ўн отлик бирла эҳтиётлаганча йўл олди. Шундай қилиб, Мусо ҳижрий 278 (милодий 892) йил, зулқайда ойининг ўн иккинчи кунига қадар обрў-эътибор, баланд мартаба ва айшу ишрат оғушида бўлди”.

Абу Зайд Туфайл ибн Зайд ат-Тамимий эллик йилдан ортиқ Насаф қозиси бўлиб, унинг Муҳаммад ибн Салом ал-Байкандий (ал-Пойкандий) дан ривоят қилган ҳадиси шарифи куйидагича:

*Уму Салама разияллоҳу таоло анҳо бундай дейдилар: Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимки бошига мусибат тушганда “Дарҳақиқат биз Оллоҳнинг бандаларимиз ва дарҳақиқат биз унинг ҳузурига қайтгувчилармиз. Эй Парвардигорим! Мусибатим туфайли менга ажру савоб ато этгайсан ва мусибатим бадалига менга хайрият инъом қилгайсан!” – деса, Оллоҳ унга ажру савоб ато этиб, мусибати бадалига хайрият инъом қилур” – деб марҳамат қилганлар”.*

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛЛОҲ ибн АБДУРРАҲМОН ибн БАҲРОМ ибн АБДУССАМАД ад-ДОРИМИЙ ал-ҲОФИЗ ас-САМАРҚАНДИЙ** – (ҳадис олимларидан бўлиб, унинг насаби) Дорим ибн Молик ибн Ҳанзала ибн Молик ибн Зайд Манот ибн Тамим ибн Мурр ибн Удд ибн Тобиха ибн Қусайй ибн Килоб ибн Муррадир.

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмонга қозилик қилмоқ таклиф қилинади, у бундан бош тортади, ҳадеб илтимос қилишавергач эса бир мартагина қозилик қилиб, сўнг истефога чиқарилмоғини илтимос қилади, истефога чиқарилиб, халифа Ал-Муътазз Биллоҳидан қозилик ёрлиғини олади. У 75 йил умр кўриб, Тарвия куни (зулҳижжа ойининг ҳожилар сув бирлан таъминланадиган 8-куни) асрдан кейин вафот қилган, сўнг Арафа куни Чокардиза қабристонига дафн қилинган. Ўша кун ҳижрий 255 (милодий 870) йилнинг жумъа куни эди. Унга Самарқанд амири Аҳмад ибн Яҳё ибн Асад жаноза ўқиган.

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ад-Доримий

Абдуллоҳ ибн Хумайд Самарқандга волий бўлиб келган куни туғилган ва шу боисдан ҳам унга “Абдуллоҳ” деб исм қўйилган. Бу воқеа (йирик муҳаддис) Абдуллоҳ ибн ал-Муборак вафот қилган хижрий 182 (милодий 799) йили содир бўлганди. Баъзилар Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Доримийни 73 ёшда оламдан ўтган, деб ҳам айтишади.

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ғоятда ақлли, вазмин, муттақий, диёнатли бўлиб, фикҳ ва тафсир илми билимдони, кучли қувваи ҳофиза соҳиби эди. Самарқандда илми ҳадис, илми осор ва илми суннани юзага чиқариб, уларни ҳимоя қилган зот айнан шу кишидир.

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад-Доримий ас-Самарқандий қуйидаги шайхлардан ҳадис ривоят қилган: Язид ибн Ҳорун ал-Воситий, Жаъфар ибн Авн, Яъло ибн Убайд ат-Танофисий, Ал-Хумайдий, Абулвалийд ат-Тайолисий, Ваҳб ибн Жарир, Абдуллоҳ ибн Солиҳ (Ал-Лайснинг котиби), Аҳмад ибн Айюб ас-Самарқандий, Аҳмад ибн Наср ал-Аткий, Зулайм ибн Хутайт ва Мовароуннаҳр, Хуросон, Ироқ, Ҳижоз, Шом шайхлари. Ундан эса қуйидаги муҳаддислар ҳадис ривоят қилган: Муҳаммад ибн Башшор Бандор, Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Ражо ибн ал-Муражжо ал-Ҳофиз ал-Марвазий, Муслим ибн ал-Ҳажжож ан-Нийсобурий, Абу Исо ат-Термизий, Муҳаммад ибн Наср ал-Марвазий, Убайдуллоҳ ибн Восил ал-Бухорий, Солиҳ ибн Муҳаммад Жазара ал-Бағдодий, Ҳошид ибн Исмоил ал-Бухорий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Баззоз ас-Самарқандий, Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Лихёний ал-Ҳофиз ас-Самарқандий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Қассом ас-Самарқандий ал-Мадийний ва Хуросон, Ироқ шайхлари.

Зулайм ибн Хутайт: “Мен Мағриб вилоятларидан қайси бирида бўлмайин, барчасида Абдуллоҳ ибн Абдурахмон (ад-Доримий)нинг Самарқанддагидан кўра машхурроқ эканлигини билдим”, – дейди.

Абд ибн Хумайд эса бундай дер эди: “Абдуллоҳ (ад-Доримий) бизнинг устозимиздир. Дунёда унингдек (аллома) мавжуд эмас”.

Аҳмад ибн Ҳанбал юртдошларимиздан бирига: “Сенинг ўшал Жаноб бирла бўлмоғинг лозим, сенинг ўшал Жаноб бирла

бўлмоғинг лозим, сенинг ўшал Жаноб бирла бўлмоғинг лозим, яъни Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон (ад-Доримий) бирла” – деганлар.

Ражо ибн ал-Муражжо ал-Ҳофиз: “Мен Ибн Ҳанбални, Исҳоқ ибн Роҳавайх, Али ибн ал-Мадийнийни, Аш-Шозикунийни ҳам кўрдим, аммо Абдуллоҳдан кўра қувваи ҳофизаси кучлироқ кишини кўрмадим” – деб айтган.

Исҳоқ ибн Роҳавайх бундай дейди: “Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ўзидаги ҳадисларни ҳам, ўзгалардаги ҳадисларни ҳам ёддан билур”.

Ибн Абу Шайба: “Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон бизни уч хусусда: ақл, қувваи ҳофиза ва вазминлик борасида енгди”, – дейди.

Абдуллоҳ: “Қалбимга нени ишониб топширмайин, у менга хиёнат қилди (яъни, қалби ўзига жо қилинган ҳадисни дарҳол элга изҳор қиларди)”, – дейди.

Абу Зуръа ар-Розий ал-Ҳофиз бундай дейди: “Менга кимларни мақташмасин, уларнинг Абдуллоҳдан бўлак барчаси мақтовга лойиқ бўлиб чиқмади. Мен Абдуллоҳнинг ўзи хусусида айтилган мақтовлардан юқори эканлигини кўрдим”.

Бир куни Яҳё ибн Аксамнинг ҳузурда Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ва Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон (ад-Доримий ас-Самарқандий) хусусида сўзлашди. Шунда Яҳё ибн Аксам: “Иккисидан қай бирини кўпроқ ҳадис ёддан билади, деб таъкидлайсизлар?” – деди. Ўша ердагилардан бири: “Муҳаммад ал-Бухорийни” – деб айтди. Яҳё (зарда билан): “Овозингни ўчир! Муҳаммад билан Абдуллоҳ ўртасида фарқ катта. Сизлар Абдуллоҳни билмайсизлар, Абдуллоҳ кўпроқ ҳадис ёддан билади”, – деди. Кутайба ибн Саъид ал-Бағлоний: “Хуросоннинг ҳадис ҳофизлари (мавқеларига кўра) қуйидаги тартибда ўрин эгаллайди: Исҳоқ ибн Роҳавайх, сўнг Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон (ад-Доримий), кейин Муҳаммад ибн Исмоил” – деб айтди. Яҳё ибн Абдуллоҳ ибн Молик (ҳам суҳбатга аралашиб) бундай деди: “Мен Абдуллоҳ (ад-Доримий)ни ҳар жиҳатдан синаб кўриб, Оллоҳ таоло йўлида унга маломатчининг маломати зарар келтира олмаслигини билдим”. Абу Шаддод (буни эшитиб): “Дарҳақиқат, Абдуллоҳ (ад-Доримий) ҳадис борасида мисоли бир денгиздир”, – деди. Шунда Али ибн Ҳаким: “Абдуллоҳ ибн

Абдуррахмон (ад-Доримий) имомлар имомидир (олимлар олимидир)”— деб қўшиб қўйди. Ражо(?) эса: “Мен Шом ерларини, Миср, Хижоз, Яман ва икки Ироқ (Куфа ва Басра)ни кезиб, Абдуллоҳ (ад-Доримий) янглиғ (олим)ни учратмадим” – деб унинг гапини қувватлади. Сўнг, Аҳмад ибн Аллуйа бундай деди: “Биз Бағдод ва Рай шаҳарларидан (сафарга) чиқиб, бирор ерга боришимиз биланок, чор-атрофдаги вилоятлардан уламолар Абдуллоҳни йўқлаб келишарди, Нийсобур (Нишопур)га биринчи бўлиб уни йўқлаб келган киши Исҳоқ ибн Роҳавайҳ эди”.

Абдуллоҳ ибн Абдуррахмон (ад-Доримий) ас-Самарқандий Муҳаммад ибн Уяайнадан қуйидаги ҳадисни ривоят қилган:

*Анас ибн Молик разияллоху таоло анху бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва салламнинг одати шарифлари шундай эдики, агар (сафарга чиқадиган) бўлсалар, (аввал) бомдодни ўқиб, (сўнг) туялари жиловини тутганча пиёда йўлга тушардилар”.*

**АБУ АБДУРРАҲМОН АБДУЛЛОҲ ИБН ХОЛИД ИБН АБДУЛЛОҲ ал-АЗДИЙ ал-ЖАХЗАМИЙ** – (асли) Марв аҳлидан бўлиб, Самарқанднинг “Сикидара” кишлоғида истиқомат қилган. У Абдуллоҳ ибн ал-Муборақдан ҳадис ривоят қилган, ундан эса самарқандликлар ҳадис ривоят қилган. Абу Абдуррахмон серсоқол бўлиб, соқолининг аксарияти оқарганди. Унинг узунлиги 17 зироъ (1 зироъ – 0,75 см) келадиган бир найзаси бўларди. Қуйидаги ҳадисни у Абу Саъддан ривоят қилган:

*Анас разияллоху таоло анху бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам ансорлардан бирининг даласи ёнидан ўтиб кетаётди: “Мана бу ерга не бўлган, нечун унга экин экишмаган?” – деб марҳамат қилдилар. Саҳобалар: “Қургоқчилик боис экин экишмади”, – дейишди. Шунда Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам: “Сизлар уруғларингизни сепаверингизлар, агар Оллоҳ таоло истаса, уни сув бирлан ҳам ундиради, истаса, уни туфроқ бирлан ҳам ундиради, истаса, уни шамол бирлан ҳам ундиради” – деб марҳамат қилдилар-да, Оллоҳ таолонинг “Сизлар экин-*

ларингиз хусусида ҳеч ўйладингизларми? Уни сизлар ундириб-ўстирурмисизлар ёхуд Биз ундиргувчимизми?!” деган ояти каримасини тиловат қилдилар” (“Ал-Воқиъа” сураси, 64-оят).

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛЛОҲ ибн СОЛИҲ ал-МУҚЪАД ас-САМАРҚАНДИЙ** – у куйидаги ҳадиси шарифни Абу Саъддан ривоят қилган:

Анас ибн Молик разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳ таолонинг “Аллазийна омануу ва амилуус-солиҳоти тубо лаҳум ва ҳусну маобин” деган ояти каримаси (“Ар-Раъд” сураси, 29-оят) хусусида сўзлаб: “У (яъни, тубо) жаннатдаги бир дарахт бўлиб, унинг илдизи Али ибн Абу Толиб (разияллоҳу анҳу)нинг уйи (ҳовлиси)дадир” – деб марҳамат қилдилар”.

(Бу оятдаги “тубо” сўзини баъзи муфассирлар “У жаннатдаги улкан бир дарахт бўлиб, унинг шохларида жаннатилар хоналари жойлашган” – деб тафсир қилсалар, баъзилари уни “муборак бир ҳол”, “хушнудлик” ёки “хузур-ҳаловат” деб тафсирлайдилар).

**АБУЛҚОСИМ АБДУЛЛОҲ ибн АЖИЙФ ал-ФАҚИҲ аш-ШУМОНИЙ** – фозил кишилардан бўлиб, (аввал) Самарқандга келган, сўнг у ердан Исбийжоб (Исфижоб)га равона бўлган. У Абу Саъд раҳимаҳуллоҳудан ривоят қилган ҳадиси шариф куйидагича:

Абу Хурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Иймон(ининг кучлилиги) жиҳатидан (кишини) гоятда ҳайратлантирадиган нарса (банда) қайсидир?” – деб марҳамат қилдилар. Саҳобалар: “Фаришталар” – деб айтишди. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қандай қилиб? Улар фалакда Оллоҳ таолонинг сизлар кўролмайдиган амрларини кўриб турсалар ҳамми?!” – деб марҳамат қилдилар. Саҳобалар: “Ул ҳолда, пайгамбарлар”, – дейишди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (яна эътироз билдириб): “Қандай қилиб? Уларга (Оллоҳ таолодан) ваҳий келиб турса ҳамми?!” – деб марҳамат қилдилар. Саҳобалар: “Ул ҳолда, бизлар”, – дейишди. Расулуллоҳ



саллаллоҳу алайҳи ва саллам (бу гал ҳам эътироз билдириб): “Қандай қилиб? “Сизларга Оллоҳ таолонинг оятлари тиловат қилинаётган ва унинг Расули орангизда бўлган ҳолда” ҳамми?!” (“Оли Имрон” сураси, 101-оят) Аммо, мендан кейин бир қавм дунёга келур, улар менга мени кўрмай туриб ҳам иймон келтирурлар. Ана ўшалар иймон (ининг кучлилиги) жиҳатидан (кишини) гоятда ҳайратлантирувчидирлар, ана ўшалар менинг биродарларимдирлар, сизлар бўлсангизлар, менинг саҳобаларимдирсизлар” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУ АБДУРРАҲМОН АБДУЛЛОҲ ибн АҲМАД ибн ШАББУЙА ал-МАРВАЗИЙ** – Самарқандга келиб, отаси ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. Қуйидаги ҳадисни у Абу Саъддан келтирган:

Абу Умома разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ашулачи хотин-қизларни на сотмоқлик ва на сотиб олмақлик ва на уларга таълим бермоқлик ва на уларнинг тижорати бирлан машғул бўлмоқлик ҳалол бўлмай, улар орқали топилган маблағ ҳаромдир!” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУ МУСО АБДУЛЛОҲ ибн МАНСУР ат-ТАВОВИЙСИЙ** – Самарқандга келиб ҳадис ривоят қилган. Унинг ривоят қилган ҳадислари (асосан) Али ибн Исҳоқ ас-Самарқандийдан бўлиб, қуйидаги ҳадисни у Абу Саъддан келтирган:

Муқотил ибн Ҳаййон бундай дейдилар: “Мен (бир кун) Журжонга – Шаҳр ибн Ҳавшабнинг ҳузурига бордим. Шунда қарасам, у пойабзалига масҳ тортаётган экан, мен унга: “Пойабзалиннга масҳ тортаяпсанми?” – дедим. У менга жавобан бундай деди: “Ҳа, шундай. Жарийр ибн Абдуллоҳ (разияллоҳу анҳу бир неча кун) меникида турганди, шунда мен унинг пойабзалига масҳ тортаётганини кўриб: “Пойабзалиннга (махсингга) масҳ тортаяпсанми?” – дедим. У менга: “Ҳа, шундай. Чунки мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг маҳсиларига масҳ тортганларини кўрганман”, – деди. Мен унга: ““Моида” сураси нозил бўлгандан кейинми?” – дедим. У менга: “Мен “Моида” сураси нозил бўлгандан кейингина мусулмон бўлганман” – деб жавоб қилди”.

**АБУ САЛМА АБДУЛЛОҲ ибн ал-МУҒИЙРА ибн ВАНУН ан-НАЖЖОР ал-КУШОНИЙ** – Абу Саъддан куйидаги ҳадисни ривоят қилган:

*Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Қалбида хардал уругича, арпа уругича, чанг донасича, бугдой доница иймони бўлган банда жаҳаннамдан чиқарилади (ва жаннатга киритилади)” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛЛОҲ ибн МУҲАММАД ибн ИБРОҲИМ ал-МАРВАЗИЙ ад-ДОҒУНИЙ** – ҳижрий 319 (милодий 932) йили Самарқандга келиб ҳадис ривоят қилган, ўшанда у “Амур” кўчасига келиб тушганди. Абу Муҳаммад Абдуллоҳ қуйидаги ҳадисни ривоят қилган:

*Оиша (онамиз) разияллоҳу таоло анҳо бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Қайси китобда “Муҳаммадга Оллоҳ таолонинг салоту саломи бўлсин!” деб ёзилган бўлса, Оллоҳ таоло ва унинг малоикалари ўшал китоб муаллифига, токи менинг исми унда сақланар экан, бараком тилаб, мақтовлар ёғдиргай” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛЛОҲ ибн ҲОМИД ибн ФОРИС ас-САМАРҚАНДИЙ** – Исмоил ибн Ҳомид ибн Форис ал-Факиҳ ас-Самарқандийнинг биродаридир. У бундай дейди: “Мен баъзи бир биродарларимизнинг Майсара ас-Санъонийдан қуйидаги ривоятни ҳикоя қилганини эшитдим: “Амир ул-муъминийн Ҳишом ибн Абдулмалик (724–743) ҳаж қилган вақтда ўз аъёнларига: “Бирор саҳобани менинг ҳузуримга олиб келингизлар, токи у менга ваъз айтсин!” – деди. Аъёнлар: “Улар (саҳобалар) нинг барчалари аллақачонлар оламдан ўтишган, бирорталари ҳам қолмаган” – деб айтишди. Ҳишом ибн Абдулмалик: “Тобъийнлардан-чи?” – деди. Аъёнлар: “Ҳов анави ерда (тобъийнлардан) бўлмиш Товус ал-Йамоний (истиқомат қилур)”, – дейишди. Ҳишом ибн Абдулмалик: “Уни менинг ҳузуримга олиб келингизлар!” – деб буюрди. Товус ал-Йамоний Ҳишом ибн Абдулмаликнинг ҳузурига келганда пойабзалини унинг (оёқлари остига тўшалган) гиламнинг четига ечиб қўйди-да, унга салом ҳам бермай,

кўлини ҳам ўпмай, ўлтиришга рухсат ҳам сўрамай тўғридан тўғри ёнига бориб ўлтирди, сўнг унга ўгирилиб: “Эй Ҳишом, қалайсан?” – деди. Шунда Ҳишом ибн Абдулмалик даргазаб бўлиб, уни қатл қилмоқчи бўлиб эди, аъёнлар: “Эй амир ал-муъминийн! Бу бир кекса киши бўлса, бунинг устига унинг подшоҳларга салом бермоқлик лозимлигига ақли етмаса... Ўзингиз бўлсангиз, Оллоҳнинг ҳарамида (Маккада, яъни қатл ножоиз бўлган бир муқаддас ерда) турган бўлсангиз...” – деб уни шаштидан қайтаришди. Ҳишом ибн Абдулмалик бироз ҳовуридан тушгач, Товус ал-Йамонийдан: “Эй Товус! Нечун бундай қилдинг, сени бунга не мажбур этди?” – деб сўради. Товус: “Мен не қилдим?” – деди. Ҳишом ибн Абдулмалик: “Сенинг ҳозирги қилмишингдан ҳам ортиқроқ айб борми?! Ахир, сен пойабзалингни менинг гиламим четига ечиб кўйиб, на менга салом бердинг ва на кўлимни ўпдинг, бунинг устига менинг ижозатимсиз ёнимга ўлтириб ҳам олдинг, сўнг менга ўгирилиб кунямни тилга олмай кибр ила: “Эй Ҳишом, қалайсан?” – дединг” – деб айтди. Товус шунда унга жавобан бундай деди: “Аммо, гиламинг четига пойабзалимни ечиб кўйганим хусусидаги гапингга келсак, мен пойабзалимни ҳар кеча-кундузда Оллоҳ таборак ва таолонинг рўпарасига беш маротаба ечиб кўяман, шунда у бу қилган ишим учун менга сира кибру ҳаво қилмайди. Кибру ҳаво қилмоқдан ўзингни сақлагил, зинҳор манманлик қилмагил! Чунки, манманлик ёлғиз Оллоҳ таолога хосдир. Аммо, сенга салом бермаганлигим ҳақидаги гапингга келсак, мўминларнинг барчаси ҳам сенинг амир (халифа) эканлигингдан рози эмаслар, бинобарин мен сенга салом бериб (итоат билдириб) ўзимнинг ёлғончи бўлиб қолмоғимдан кўрқурман, Оллоҳ таоло эса ёлғончиларни севмас. Аммо, ўпмоқлик хусусидаги гапингга келсак, эркак кишининг икки ҳолдагина ўзгани ўпмоғлиги мумкинлигини билурман, бири – ота меҳрибонлик қилиб ўз боласини ўпур, иккинчиси – эр шаҳвати кўзиб хотинини ўпур. Аммо, изнингсиз ёнингга ўлтирганим хусусидаги гапингга келсак, мен Ибн Аббос разияллоху таоло анҳунинг “Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам: *“Кимки жойи жаҳаннамда бўлмоғини истаса, йигинларда рўпарасидаги одамлар бирлан ўзи ўлтирган ва улар тик*

*турган ҳолда муомала қилаверсин!” – деб марҳамат қилганларини эшитдим” деганларини эшитганман. Аммо, сенга (кунянгни тилга олмай тўғридан-тўғри) “Эй Хишом!” деб мурожаат қилганим хусусидаги гапинга келсак, мен Оллоҳ таолонинг ўз муқарраблари (пайғамбарлари)ни “Эй Муҳаммад!”, “Эй Мусо!”, “Эй Исо!” деб ва ўз душманини “Таббат йадо Аби Лаҳабив ва табб” (“Синди Абу Лаҳабнинг икки қўли ва ҳалок бўлди ўзи”) деб атагани ҳақида эшитганман”.*

Хишом ибн Абдулмалик унинг бу (ҳикматли, насиҳатомуз) сўзларидан (ғоятда) мамнун бўлиб: “Эй яманлик биродар, менга яна бирор насиҳат қилгил!” – деди. Шунда Товус: “Мен Ҳазрат Али ибн Абу Толиб разияллоҳу таоло анҳунинг бундай деганларини эшитганман” – дея қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилди:

*“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Дарҳақиқат, Оллоҳнинг жаҳаннамда бир водийси бор. Унда баланд хурмо дарахтлари янглиг (улкан) илонлар ва семиз хачирлар каби (катта-катта) чаёнлар мавжуд бўлиб, улар ўз қўл остидагиларга адолат қилмайдиган етакчи (подшоҳ, раҳбар, ошла бошлиги ва ҳ.к.)ларни ҳамда ўз мол-дунёсидан Оллоҳ таолонинг ҳақини бермайдиганларни чақғусидир” – деб марҳамат қилдилар”.*

Товус шу гапларни айтгач, ўрнидан туриб этагини қокдида, Хишом ибн Абдулмаликка қарата: “Эй Хишом! Оллоҳ таоло сени ҳисоб-китоб қилур!” – деб уч бор такрорлади, сўнг унинг ҳузуридан чиқиб ўз йўлига равона бўлди”.

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛЛОҲ ибн ИЛЁС ибн ЯҲЁ ибн СОМОН ас-САМАРҚАНДИЙ** – Али ибн Абдулазиздан қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган:

*Ал-Аббос ибн Абдулмутталиб разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Қурайш (қабиласи) Байтуллоҳни қурди (таъмирлади). Шунда эркаклар аёллардан алоҳида бўлиб олишиб тош ташир, аёллар эса деворларни сувоқ қилишар эди. Мен бирлан Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам иккимиз эсак (барчадан) алоҳида бўлиб олиб (эркагу аёллар кўзи тушмайдиган жойларда) изорларимизни ечардик-да, тош*

(ботмасин деб) остидан елкамизга қўйиб олардик, одамларга яқинлашгач эса яна кийиб олардик. Бир вақт мен ортда, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам бўлсалар қип-ялангоч олдинда кетиб бораётган эдик, (бирдан) юз тубан йиқилдилар. Мен дарҳол елкамдаги тошни улоқтириб, олдиларига борсам, чалқанча ётганча осмонга тикилиб ётибдилар, мен ул зотга: “Сизга не бўлди?” – дедим. Ул зот ўринларидан туриб, изорларини ердан олдилар-да, (уни кийиб олгач): “Ялонгоч юрмоқдан қайтарилдим” – дедилар. Шунда мен: “Одамлар (Сизни) мажнун демасинлар, деб бу воқеани ҳеч кимга айтмасман”, – дедим”.

(Бу воқеа Исломдан илгари, ул зот тахминан 25 ёшларда бўлганларида рўй берган эди).

**АБДУЛЛОҲ ибн ал-ҲАСАН ал-КИССИЙ** – Иброҳим ибн Юсуф ал-Балхийдан куйидаги ҳадисни ривоят қилган:

*Ибн Умар разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Бу (дин) илмини ҳар бир кичик ва каттадан ва ҳар бир бой ва камбағалдан ёзиб олингизлар! Кимки илмни илм соҳибининг камбағал ёки ўзидан ёши кичик эканлиги боисидан тарк этса (ёзиб олмаса, ўрганмаса), жойини жаҳаннамдан эгаллайверсин!” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛЛОҲ ибн СОЛИҲ ибн МУСОВИР ал-БАЗЗОЗ ал-БАКРИЙ ал-МАДИЙНИЙ ас-САМАР-ҚАНДИЙ** – айгишларича, Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Солиҳ “Бану Боҳила” қабиласидан бўлиб, ҳадис толибларидан эди, тўплаган ҳадисларини ёд олар, ҳадис ҳофизлари давраларида қатнашиб, улардан ҳадислар ёзиб оларди. У Аҳмад ибн Наср ал-Аткий, Али ибн Исҳоқ ал-Ҳанзалий, Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ал-Доримий, Ражо ибн ал-Муражжо ал-Ҳофиз ал-Марвазийдан ҳадис ривоят қилган, ундан эса Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Мункадирий ҳадис ривоят қилган.

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Солиҳ ҳижрий 298 (милодий 911) йил, сафар ойининг 7-куни вафот қилган, ўша куни сешанба эди. У Али ибн Исҳоқ ал-Ҳанзалийдан куйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган:

*Анас разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам рамазон ойида Макка томон сафарга чиқдилар. Ул зотнинг ўзлари ҳам, ўзларига ҳамроҳ мусулмонлар ҳам рўзадор бўлиб, йўлнинг муайян қисми босиб ўтилгач, баъзилар (йўл ва ташналик) машаққатидан ул зотга шикоят қилди. Шунда ул зот сув келтирмоқни буюрдилар, сўнг ўзлари ҳам-огиз очдилар, ўзларига ҳамроҳ мусулмонлар ҳам огиз очиди”.*

**АБУ АБДУРРАҲМОН АБДУЛЛОҲ ИБН УБАЙДУЛЛОҲ ИБН СУРАЙЖ ИБН ХУЖР ИБН АЛ-ФАЗЛ ИБН ТАҲМОН АШ-ШАЙБОНИЙ АЛ-БУХОРИЙ** – Абу Абдуллаҳ ибн Абулайс ал-Бухорий номи билан ҳам элга танилган ҳалол, тақводор кишилардан бўлиб, дин илми фақиҳларидан бири эди. У Аҳмад ибн Наср ал-Аткий, Абдуллоҳ ибн Абдуллаҳмон, ўз отаси ва Абд ибн Хумайддан, ҳамда Самарқанд, Хуросон, Ироқ ва Шом аҳлидан ҳадис ривоят қилган, ҳижрий 307 (милодий 920) йил, жумод ал-охира ойининг 6 куни қолганда, душанба куни Самарқандда вафот қилган.

Хикоя қилишларича, у бундай деб айтган экан: “Мен 30 йилдан буён бозорга ҳам кирмайман, зиёфатга ҳам бормайман ва бировнинг омонати менда бўла туриб кечаси ухлаган эмасман”.

Абу Абдуллаҳмон Абдуллоҳ ибн Убайдуллоҳнинг Исроқ ибн Мансур ал-Марвазийдан ривоят қилган ҳадиси шарифи қуйидагича:

*Ибн Умар разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Ким имомнинг ҳузурини бўлса, хайриятдан сўзласин ёки жим ўлтирсин!” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛЛОҲ ИБН АЛИ ИБН АБДУЛЛОҲ ИБН ОСИМ ИБН МУҲАММАД ИБН САЪИД ИБН УБАЙДУЛЛОҲ АЛ-БОҲИЛИЙ АЛ-ҲОФИЗ АС-САМАРҚАНДИЙ АЛ-МАДИНИЙ АЛ-ВАЗЗОҲИЙ** – ҳижрий 382 (милодий 996) йил, рабийъ ул-оҳар ойдан 9 кун қолганда, жумъа куни намоздан бурун вафот қилган ва аср намозидан сўнг Чокардиза қабристонига дафн этилган. Абу Бакр ал-Микрозий ал-Мустамлий унга жаноза ўқиган.

У шайх Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Бакрий ас-Самарқандийдан куйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган:

*Абу Умома ал-Боҳилий разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида эдик, шунда ул зот: “Умматимнинг ёмонларига энг афзал (энг кўп яхшилик қилгувчи) одам мендирман!” – деб марҳамат қилдилар. Саҳобалар: “Ул ҳолда биродарларингизга (нисбатан) қандай одамсиз?” – дейишди. Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга жавобан: “Биродарларим бўлсалар, ўз амали солиҳлари туфайли жаннатга кирурлар, аммо умматимнинг ёмонлари эса менинг шафотим бирла жаннатга кирурлар” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛЛОҲ ибн МУҲАММАД ибн ал-ҲАСАН ал-ҚАССОМ ал-МАДИНИЙ ас-САМАРҚАНДИЙ** – ҳижрий 326 (милодий 939) йил, зулҳижжа ойининг ўрталарида вафот қилган. Унинг Абдуллоҳ ибн Абдуррахмон ад-Доримийдан ривоят қилган ҳадиси шарифи куйидагича:

*Жаноб Расулуллоҳнинг завжаи мухтарамалари Умму Ҳабиба разияллоҳу таоло анҳо бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қайси бир банда бўлмасин, Оллоҳ таоло фарз қилган намозлардан ташқари, ҳар куни ихтиёрий равишда ўн икки ракъат (нафл) намоз ўқиса, унинг учун жаннатда бир бино барпо қилинур” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛЛОҲ ибн ЯЪҚУБ ибн ал-ҲОРИС ибн ал-ХАЛИЛ ал-ҲОРИСИЙ ал-БУҲОРИЙ** – “устоз” лақаби билан машҳур бўлиб, Самарқанд, Насаф ва Хуросонда кўплаб шайхлардан ҳадис ёзиб олган. У ҳижрий 258 (милодий 873) йил, рабийъ ул-оҳар ойининг бошида, чоршанба кечаси дунёга келиб, ҳижрий 340 (милодий 952) йил, шаввол ойининг 5-куни, жумъа кечаси вафот этган.

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Яъқубнинг Саҳл ибн ал-Мутаваккилдан ривоят қилган ҳадиси шарифи куйидагича:

*Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Киши*

*биродарига, хоҳ у золим ва хоҳ мазлум бўлсин, ёрдам берсин! Агар у золим бўлса, уни зулмдан қайтарсин ва агар у мазлум бўлса, унга ёрдам берсин!” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛЛОҲ ибн МУҲАММАД ад-ДИМАШҚИЙ** – Самарқандда ҳадис ривоят қилган. У куйидаги ҳадиси шарифни Аҳмад ибн Исодан келтирган:

*Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Бошини (саждадан) имомдан илгари кўтаргувчи киши Оллоҳ таоло томонидан бошининг эшак бошига айлантириб қўйилмогидан қўрқмайдими?!” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБДУЛЛОҲ ибн МУҲАММАД ибн СОЛИҲ ибн НОФИЪ ас-САЙДАЛОНИЙ ал-БАЛҲИЙ** – Самарқандга келиб, у ерда Муҳаммад ибн ал-Фазл ал-Балхийдан ҳадислар ёзиб олган.

Абдуллоҳ ибн Муҳаммаднинг мазкур шайхдан ёзиб олган ҳадисларидан бири куйидагича:

*Анас разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Дарҳақиқат, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирор нарсани эрта учун гамлаб қўймаганлар”.*

**АБУ ОСИМ АБДУЛЛОҲ ибн МУҲАММАД ибн УБАЙ-ДУЛЛОҲ ас-СУЪАЙРИЙ ал-МАРВАЗИЙ** – Самарқандда ўзи ёддан билган ҳадисларни илм толибларига айтиб туриб ёздирган. Унинг Абу Ҳошим Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Муаззин ас-Сарахсийдан ривоят қилган ҳадисларидан бири куйидагича:

*Абдуллоҳ ибн Амр (ибн ал-Ос) разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Раҳм қилгувчиларга Раҳмон раҳм айлагай. Ер аҳлига раҳм қилингизлар, (шунда) осмон аҳли (ҳам) сизларга раҳм айлагай!” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛЛОҲ ибн ЗОҲИД ибн АБДУЛЛОҲ ибн ҒОЛИБ ибн ал-ХАТИЙБ ал-МУҒКОНИЙ ал-ФАЙЙИЙ** – Самарқанднинг Файй (ҳозирги Пойарик) деган еридан. Унинг Абу Жаъфар ал-Арбажийдан ривоят қилган ҳадиси куйидагича:



*Абу Кабша ал-Анморий разияллоҳу таоло анҳу: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга марҳамат қилиб мана бу мисолни келтирдилар”, – дейдилар: “Мисол учун тўрт кишини олайлик: уларнинг бирига Оллоҳ таоло мол-дунё ҳам, илм ҳам ато этган бўлиб, у ўз бойлигини илми тақозо қилган (хайрли) нарсаларга сарфлайди. Иккинчисига эса Оллоҳ таоло илм ато этган-у, лекин мол-дунё ато этмаган бўлиб, у: “Агар Оллоҳ таоло менга фалончига ато этган мол-дунёчалик бойлик ато этганида эди, мен ҳам унингдек иш тутган бўлур эдим!” – дейди. Бу иккисига тенг ажру савоб тегур. Энди, учинчисига келсак, Оллоҳ таоло унга мол-дунё ато этган-у, лекин илм ато этмаган бўлиб, у ул бойликдан Оллоҳ таолонинг ҳақини бермай, уни ҳаром-хариш, беҳуда нарсаларга сарфлайди. Тўртинчисига эса Оллоҳ таоло на илм ва на мол-дунё ато этган бўлиб, у: “Агар Оллоҳ таоло менга фалончига ато этганчалик мол-дунё ато этганида эди, мен ҳам унингдек иш тутган бўлур эдим!” – дейди. Бу иккиси эса тенг гуноҳкор бўлур”.*

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛЛОҲ ибн ИБРОҲИМ ибн ИСҲОҚ ибн АЙЮБ ан-НАСАФИЙ ал-ҲОФИЗ** – (Самарқанднинг) “Раъс ул-қантара” (“Кўприк боши”) деган маҳалласидан. У Абу Зуръа ар-Розийдан ҳадис ривоят қилган, ундан эса Муҳаммад ибн Закарийё ан-Насафий ҳадис ривоят қилган.

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Иброҳим ҳижрий 303 (милодий 916) йил, зулқайда ойидан 3 кун қолганда, якшанба куни вафот этган бўлиб, унинг Абу Зуръа ар-Розийдан ривоят қилган ҳадиси қуйидагича:

*Анас ибн Молик разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга бир неча (пиширилган) қуш ҳада қилиниб эди, ул зот улардан бирини хизматкор аёлга егиздилар. Сўнг, эртасига ул зот: “Бирор егулик нарсангиз борми?” – деб сўрадилар. Мен ул зотга ўшал қушлардан бирини олиб келдим. Шунда Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: “Мен сени бирор нарсани эрта учун гамлаб қўймоқдан қайтармаганмидим?! Чунки ҳар бир эртанинг ризқини Оллоҳ ато этур” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ АБДУРРАҲМОН АБДУЛЛОҲ ибн МАСЪУД ибн КОМИЛ ибн ал-АББОС ас-САМАРҚАНДИЙ ал-ФОТИ-ФАРИЙ** – “Ибн Абу Саъд аз-Заҳҳок” исми билан ҳам элга танилган. У зоҳид, фозил киши бўлиб, кўплаб ҳадисни ёддан билган, отаси ва Самарқанд шайхларидан ҳадис ривоят қилган. Отаси Масъуддан ривоят қилган ҳадиси шариф қуйидагича:

*Ибн Аббос разияллоҳу таоло анҳу: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитдим” – дейдилар: “Жаброил салавотуллоҳи алайҳи менга Оллоҳ жалла жалолуху хусусида сўзлаб бундай дедилар: “Оллоҳ таоло: “Ким менинг ҳукларимдан норози бўлса ва менинг балоларимга сабр қилмаса, ўзига мендан бўлак парвардигор изласин!” – дейди”.*

**АБДУЛЛОҲ ибн АБДУЙА (АБДАВАЙХ) ибн ан-НАЗР ибн ХУШТЁР** – асли бухоролик бўлиб, Насафда яшаган. У улуғ имом, саҳиҳ ҳадис айтувчилардан бўлиб, Бухоронинг “Қуржан” қишлоғидан эди. Унинг бобокалони Хуштёр Қутайба ибн Муслим Бухорога ғазот қилиб келган вақтда бухоролик мажусийлар (оташпарастлар) олими бўлган. Қутайба ибн Муслим Бухорони қамал қилганда шаҳар ҳокими “Менинг шаҳримда бир олим бор, мен уни сен бирлан мунозара қилмоқ ва сўзларингни тингламоқ учун ҳузурингга жўнатаётирман, агар сен даъват қилаётган нарса ҳақиқат бўлса, ул ҳолда мени ундан воқиф айлагил, токи мен шунга биноан сенга итоат қилайин. Башарти, даъватинг ботил бўлса, мен сенга итоат этмасман ва сенга қарши жанг қилурман” деган мактуб бирла Хуштёрни унинг ҳузурига юборди. Қутайба ибн Муслим Хуштёрга Ислом хусусида батафсил сўзлаб берди ва Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сифатларини тавсифлади. Шунда Хуштёр унинг даъвати ҳақ эканлигини англаб, дарҳол мусулмон бўлди. Хуштёрнинг мусулмон бўлганини эшитган Бухоро ҳокими ғоятда тушкун ҳолга келиб, кўрқувдан дағ-дағ титраганча шаҳарни ташлаб қочди. Сўнг, Қутайба ибн Муслим Бухорога кириб, шаҳар аҳли мусулмон бўлди. Кейинчалик Хуштёрнинг ўғли Ан-Назр Насафга келиб, ўша ерда муқим яшаб қолди, у ерда ували-жували бўлиб, ҳижрий 286 (милодий 900) йили вафот этди.

Абдуллоҳ ибн Абдуя ибн ан-Назр куйидаги шайхлардан ҳадис ривоят қилган: Сувайд ибн Наср, Али ибн Хужр, Дуҳайн ва бошқалар. Ундан эса Абу Исо ат-Термизий, Саҳл ибн Шозуя, Асад ибн Ҳамдуя, Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф, Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Анбар ва бошқалар ҳадис ривоят қилган.

Абдуллоҳ ибн Абдуя Наср ибн Муҳаммад ибн Абу Замра аз-Замрийдан ривоят қилган ҳадиси шариф куйидагича:

*Ваҳший разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сафарларидан бирида ул зот бирлан бирга эдик. Шунда биз якка-якка овқатланар эдик, (натихада) озиб-тўзиб, ҳолдан кетдик. Охири, шу хусусда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга айтдик. Ул зот: “Балким, сизлар якка-якка овқатланаётган бўлсангизлар керак?” – деб марҳамат қилдилар. Биз: “Ҳа, шундай” – дедик. Ул зот: “Бундай қилмангизлар, таомларингизни бир ерга жамлангизларда, Оллоҳ таолонинг исмини айтиб тановул қилингизлар!” – деб марҳамат қилдилар. Биз таомларимизни бир ерга жамлаб, Оллоҳ таолонинг исмини айтиб тановул қилиб эдик, барчамиз тўйдик”.*

Ал-Мустағфирий: “Ўша (Ваҳший разияллоҳу таоло анҳу) онамнинг онасининг онасининг онасининг онасининг отаси эдилар”, – дейди.

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛЛОҲ ибн ал-ҲАСАН ал-ФОМИЙ ан-НАСАФИЙ** – ҳижрий 324 (милодий 937) йил, рамазон ойида вафот этган. У Муҳаммад ибн Исмоилдан куйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган:

*Солим оталари разияллоҳу анҳудан ривоят қилиб бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ухлаган вақтларингизда (уйкуга ётадирган бўлганингизда) уйларингиздаги оловни (ўз ҳолига) ташлаб қўймангизлар!” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛАББОС АБДУЛЛОҲ ибн МУҲАММАД ибн ФИР-НУКДИЙК** – икки имом – Муҳаммад ал-Ҳалил ва Ал-Ҳусайн ибн ал-Ҳалил ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳларнинг бобосининг бобоси бўлиб, улар (Насафнинг) “Сиккат Вассоф” (“Вассоф кўчаси”)дандир.

Абулаббос Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Иброҳим ибн Маъкидан ривоят қилган ҳадиси шариф куйидагича:

*Умар разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Ишлар (бирор) ният билан (қилинур) ва ҳар бир кишининг (ўз ишидан) кўзлаган нияти бўлур” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛЛОҲ ИБН НАСР ИБН СУҲАЙЛ ИБН АБДУЙА ИБН ЯЗДОД ал-БАЗДАВИЙ** – Довуд ибн Насрнинг биродари бўлиб, ундан (ёши) катта эди. Улар иккиси Убайдуллоҳ ибн Амр ал-Баздавий, Абу Исо ат-Термизийдан ҳадис ривоят қилган. Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Наср укаси Довуд ибн Насрдан илгари вафот қилган, укаси эса хижрий 325 (милодий 938) йили дунёдан ўтган.

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Наср ва Абу Сулаймон Довуд ибн Наср Убайдуллоҳ ибн Амр ал-Баздавийдан ривоят қилган ҳадиси шариф куйидагича:

*Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Ос разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Дарҳақиқат, Оллоҳ маст қилгувчи ичимликни умматимга ҳаром қилди, у майсир (ҳар қандай қимор) ни ҳам, мизр (арпа ёки бугдойдан қилинадиган маст қилгувчи ичимлик)ни ҳам, кувба (шатранж ёки нард)ни ҳам, қиннийн (ишиша идишида тайёрландиган шароб)ни ҳам ҳаром қилди. Сўнг, у менга витр намозини кўшиб берди” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБДУЛЛОҲ ИБН АҲМАД ИБН МУҲТОЖ ИБН САЙЁР ИБН АБДУЛЛОҲ ан-НАСАФИЙ** – Насаф, Самарқанд ва Суғд аҳлидан ҳадис ривоят қилган. У хижрий 354 (милодий 966) йил, рамазон ойида бу дунёдан рихлаг этган.

Абулаббос: “Мен Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Муҳтожнинг китобидан унинг ўз дастхати билан битилган куйидаги ҳадисни топдим”, – дейди:

*Анас разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Нонни эъвозлангизлар! Чунки нон лаззатли (тансиқ) ризқлардан бўлиб, кимки унинг увогини хорланиб ётган еридан (бирор покиза жойга) олиб қўйса, Оллоҳ таоло унинг 50 мингта гуноҳини кечиб, ўрнига*

50 мингта савоб ёзиб кўюр ва унинг даражасини 50 минг марта юқори қилур ва кимки ул нон увогини (хорланиб ётган еридан) олгач, оғзига солиб Оллоҳ таолонинг даргоҳида неки бўлса, сўраса, Оллоҳ таоло унинг учун жаннатда узунлиги ҳам 4 фарсах, эни ҳам 4 фарсах, баландлиги ҳам 4 фарсах келадиган бир (муҳташам) бино бунёд қилур” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛЛОҲ ИБН АҲМАД ИБН АЛ-ҲУСАЙН ИБН АЛ-ҲАССОН ИБН АЛИ ИБН УФАЙР ИБН ШУЪАЙБ АЛ-ҲАССОНИЙ** – Абу Яъло, Муҳаммад ибн Али ал-Қаффол ва Насаф аҳлидан ҳадис ривоят қилган. У ҳижрий 395 (милодий 1005) йил, жумод ал-увло ойининг 9-куни, душанба кечаси вафот этган.

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Аҳмад Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Бағдодийдан ҳижрий 346 (милодий 958) йили Самарқандда ривоят қилган ҳадис куйидагича:

Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Бир бармоқ бирлан (таом) емоқлик шайтоннинг (таом) емогидир, икки бармоқ бирлан (таом) емоқлик паҳлавонларнинг (таом) емогидир, уч бармоқ бирлан (таом) емоқлик эса пайгамбарларнинг (таом) емогидир” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУЛМУЗАФФАР АБДУЛЛОҲ ИБН МУҲАММАД ИБН АБДУЛЛОҲ ИБН ЖИБРИЙЛ ИБН МАТТ АЛ-МАТТИЙ** – ҳижрий 351 (милодий 963) йили дунёга келиб, ҳижрий 412 (милодий 1022) йил, шаввол ойининг охирида, яқшанба куни туш вақтида вафот этган ва уни Ал-Мустаффирий жанозасини ўқиб дафн қилган.

Абулмузаффар Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Ҳорун ибн Аҳмад ал-Астрободийдан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Яқин келажакда одамлар туя миниб илм (дин илми) излагайлар, аммо Мадина олимидан билимдонроқ кишини тополмагайлар” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛЛОҲ ибн ЯХЁ ибн МУСО ибн ДОВУД ибн АЛИ ибн ИБРОҲИМ ибн ШЕРЗОД ас-САРАХСИЙ** – (аввал) Табаристон, сўнг Насаф қозиси бўлган, Бухоро ва Насафда Али ибн Хужур, Муҳаммад ибн Исмоил, Муслим ибн ал-Ҳажжоддан ҳадис ривоят қилган, ҳижрий 304 (милодий 917) йили вафот қилган.

Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Яхё Абулҳасан Али ибн Хужурдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: *“Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга: “Ё Расулаллоҳ! Нечун (жумъа кун) жумъа кун деб аталган?” – дейилди. Шунда ул зот: “Чунки, оталарингиз Одам салавотуллоҳи алайҳининг (таналари) шу кун лойдан жамъ қилинган ва (охиратда) шу кун одамларнинг яшин уриб (беҳуш, бежон) йиқилмоқлари ва қайта тирилмоқ содир бўлур ҳамда ким Оллоҳга дуо айтса, дуо си мустажаб бўладиган сўнги соат ёки сўнги уч соат ҳам (айнан) шу кун бўлғай” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ МАНСУР АБДУЛЛОҲ ибн МУҲАММАД ат-ТОҲИБИЙ ан-НАСАФИЙ** – Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад ал-Ҳурайзийдан қуйидаги ҳадисни ривоят қилган:

Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: *“Бир киши уйига келди-да, бола-чақасининг егуликсиз ночор аҳволда ўлтирганини кўргач, яна қайтиб кўчага чиқиб кетди. Шунда унинг хотини Оллоҳ таолога: “Эй Парвардигорим! Бизга хамир қориб нон ёнгулик ризқ ато этгил!” – деб ёлвориб эди, бирдан ёргучоқ гир айланиб (донни) ун қила бошлади, сават эса тезда янги ясалган нонларга тўлиб, тандир икки биқини лиқ тўла нонларни қизартириб пиширишга киришди. Бироздан сўнг мазкур хотиннинг эри уйига қайтиб келиб: “Бирор егулик борми?” – деб сўради. Шунда хотини: “Оллоҳ таоло ато этган ризқ бор” – деб жавоб қилди. Сўнг, у ёргучоқни турган еридан жойига олиб қўйди-да, атрофига тўкилган урпоқни супирди. Кейин, бояги киши бўлган воқеани Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга айтиб эди, ул зот: “Агар хотининг ёргучоққа тегмаганда, у то қиёмат айланаверган бўларди” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛМУЗАФФАР АБДУЛЛОҲ ибн ал-ҲУСАЙН ибн ЯҲЁ ибн ТОҲИР ал-КАСБАВИЙ** – шайх ва фақиҳ. Самарқандда ҳадис ёзиб олган ва ўша ерда фикҳ илмини ўрганган, ҳижрий 507 (милодий 1114) йил, сафар ойининг бошида, жумъа кечаси Касба (Касби)да вафот этган.

Нажмуддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий: “Мен ‘Абулмузаффар Абдуллоҳ ибн ал-Ҳусайннинг ўз дастхати билан қуйидаги ҳадисни ёзиб қўйганини кўрдим”, – дейди:

*Али разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: “Эй Али! “Ёсин”ни кўпроқ қироат қилиб тургил! Чунки, “Ёсин”нинг қироатида (қуйидаги) ўнта баракот мавжуд: оч тиловат қилса, тўйгай, ташна тиловат қилса, қонгай, ялангоч тиловат қилса, кийинтирилгай, хаста тиловат қилса, шифо топгай, маҳбус тиловат қилса, озод қилингай, ўсалнинг қошида тиловат қилинса, Оллоҳ унинг жон таслим қилмоғини осонлаштиргай, бўйдоқ тиловат қилса, уйлангай, мусофир тиловат қилса, сафарида мадад берилгай, бирор нарчасини йўқотган киши тиловат қилса, Оллоҳ уни унга қайтаргай ва у уни топиб олгай. Шунингдек, ким уни кечқурун тиловат қилса, тонггача Оллоҳнинг паноҳида бўлгай ва ким уни эрталаб тиловат қилса, кечгача Оллоҳ уни ўз паноҳида асрагай” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛҲАСАН АБДУЛЛОҲ ибн МУСО ибн ал-ҲУСАЙН ибн ИБРОҲИМ ибн КУРАЙД ас-САЛОМИЙ ал-БАҒДОДИЙ** – “Ал-Ахбор ал-ғарийба вал-ҳикойот ал-ажийба” (“Ғаройиб хабарлар ва ажойиб ҳикоялар”) номли асар муаллифи бўлиб, у Абу Бакр ибн ал-Анборий, Нифтавайх, Абу Бакр ибн Мужоҳид ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. Самарқандга келиб, бирмунча вақт у ерда яшаган. Абулҳасан Абдуллоҳ ибн Мусонинг Абу Руҳ Абдулхай ибн Абдуллоҳ ал-Бағдхазарқандий исмли ўғли ўша ерда таваллуд топган бўлиб, унга “Ал-Бағдхазарқандий” деб нисбат берилганининг боиси отасининг бағдодлик, онасининг хазарлардан эканлиги, ўзининг эса Самарқандда дунёга келганлигидир.

Абулҳасан Абдуллоҳ ибн Мусо ал-Бағдодий Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф даврида Насафга ҳам келиб, ундан ва насафлик шайхлардан ҳадислар ёзиб олганди, улар ҳам ундан ҳадислар ёзиб олишганди. Кейин, у Бухорога келиб, то дунёдан рихлат қилгунига қадар, яъни ҳижрий 374 (милодий 985) йил, 19-муҳаррам, якшанба кунигача ўша ерда яшаган. У Барака ибн ал-Муборак ал-Воъиздан қуйидаги ҳадисни ривоят қилган:

*Абдуллоҳ разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ризқ бандага, у қай тарзда ҳаёт кечирмасин, келаверади, на муттақийнинг тақвоси уни кўпайтира олур ва на фожирнинг фужури уни камайтира олур!” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ БИШР АБДУЛЛОҲ ибн МУҲАММАД ибн МУҲАММАД ибн АҲМАД ибн ҲОРУН ан-НИЙСОБУРИЙ ас-СУФЙЙ** – Самарқандга келиб, ўзи ёддан билган ҳадисларни у ердаги илм толибларига айтиб туриб ёздирган, ҳижрий 435 (милодий 1044) йил, 14-рамазон, душанба куни эрталаб вафот этиб, Чокардиза қабристонига дафн қилинган.

Шайх ва имом Абу Муҳаммад ал-Ҳасан ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Кужмисий: “Шайх Абу Бишр Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳорун ан-Нийсобурый ҳижрий 432 (милодий 1043) йил, зулкаъда ойининг жумъа кунларидан бирида Самарқандда бизга қуйидаги ҳадисни айтиб туриб ёздирган эди”, – дейди:

*Жобир разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ҳар бир яхшилик садақадир, (мўмин-мусулмон) биродарингни очиқ чеҳра бирлан кутиб олмогинг ҳам, (мўмин-мусулмон) биродарингнинг идишига ўз челагиндан (сув ёхуд бошқа бирор нарса) қуйиб қўймогинг ҳам” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛЛОҲ ибн АБУ БАКР ибн АБДУЛЛОҲ ал-ҒАЗЗИЙ ал-КАДАКИЙ** – шайх ва имом. У шайх, имом ва зоҳид Умар ал-Фароънинг куёви бўлиб, ҳижрий 471 (милодий 1079) йил, 29-шаъбон, чоршанба куни вафот этган ва Чокардиза қабристонига дафн қилинган.



Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абу Бакр ибн Абдуллоҳ ал-Ғозий (ал-Ғаззий?) Абу Тоҳир Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Буйа ал-Ҳофиз ал-Бухорийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Жоним қўлида бўлган зот ҳақи! Дарҳақиқат, банда Оллоҳ азза ва жаллага дуо айтиб ёлборади. Шунда Оллоҳ азза ва жалла (унинг қайсидир қилмишидан) газабнок ҳолда бўлади-ю, ундан юз ўгиради. Кейин, банда яна унга дуо айтиб ёлборади, у яна ундан юз ўгиради. Сўнг, банда яна унга дуо айтиб ёлборади, у яна ундан юз ўгиради. Кейин, банда яна дуо айтиб ёлборганда, Оллоҳ таоло малоикаларига: Анави бандам, қанчалар ундан юз ўгирмайин, барибир мендан бўлакка дуо айтиб ёлбормади, сизларни гувоҳ қилиб айтурманки, унинг дуосига энди ижобат қилганим бўлсин!” – дейди – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛҚОСИМ АБДУЛЛОҲ ибн ал-ҲУСАЙН ал-ЖУРЖОНИЙ** – ҳижрий 421 (милодий 1041) йили ва ундан илгари ҳам, ундан кейин ҳам Самарқанддаги “Масжид ал-манора” да ва бошқа масжидларда ҳадис ривоят қилган.

Абулқосим Абдуллоҳ ибн ал-Хусайн ал-Журжоний Абу Бакр Аҳмад ибн Иброҳим ал-Исмоилийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Салмон разияллоҳу таоло анҳу хабар қиладилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Оллоҳ таоло: “Қайси бандам бошига бало тушганда мендан эмас, балки (менинг) махлуқ(им)дан паноҳ истаса, ул ҳолда мен ўртамиздаги алоқани узиб, уни ўз ҳолига ташлаб кўюрман ва қайси бандам бошига бало тушганда махлуқимдан эмас, балки менинг ўзимдан паноҳ истаса, ул ҳолда мен унга (кўнглидаги матлабини) мендан сўрамасидан бурун ато этурман ҳамда менга дуо айтмасидан илгари унга ижобат қилурман” – дейди”.*

**АБУ АҲМАД АБДУЛЛОҲ ибн АЛИ ибн аш-ШОҲ ал-КАДИНИЙ** – ҳижрий 402 (милодий 1012) йили дунёга келиб, ҳижрий 483 (милодий 1091) йил, 22-ражаб, жумъа куни вафот этган.

Нажмуддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий:  
“Абу Аҳмад Абдуллоҳ ибн Алининг мен баъзи самарқандлик  
имомлардан эшитган гўзал ишларидан бири қуйидагича бўлиб,  
унинг ўзи шу ҳақда сўзлаб берган экан”, – дейди:

“Абу Аҳмад Абдуллоҳ ибн Али ибн аш-Шоҳ ал-Кадиний  
Самарқанд аҳли бошига уч йил пайдар-пай қурғоқчилик балоси  
тушгач, улар билан биргаликда Оллоҳ таолодан ёмғир сўрамок  
учун чўлга борди. Сўнг, минбар (бир баланд ер)га ўзи бирлан  
алавийларни ҳам олиб чиқиб, бундай деб дуо қилди: “Эй  
Парвардигорим! Дарҳақиқат, Умар разияллоҳу таоло анҳу  
Расулинг саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амакилари Аббос  
разияллоҳу таоло анхунинг номларини ўртага қўйиб Сендан  
ёмғир сўраганлар, шунда ёмғир ёкқан. Биз эса Расулинг  
саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг икки фарзандлари (яъни,  
набиралари Ҳасан ва Ҳусайн разияллоҳу таоло анҳумо) ном-  
ларини ўртага қўйиб Сендан ёмғир сўраймиз. Эй Парвар-  
дигорим! Дарҳақиқат, биз ёмон амалларимиз билан сенинг  
олдинда юзимизни шувут қилиб қўйганмиз, аммо биз ҳозир  
мажусийлар оташкадаси ёнидан ўтиб келаётганимизда улар бизга  
қараб: “Анавилар сув излагани чўлга чиқиб кетаётирлар” – дея  
ортимиздан масҳара қилиб қолишди, улар эса Сенинг душ-  
манларингдир. Эй Парвардигорим! Энди бизни Ўзингнинг ҳам  
душманларинг, бизнинг ҳам душманларимиз бўлмиш ул  
мажусийлар олдида шарманда қилмагил, деб Сенга ёлборурмиз!”.

Абу Аҳмад Абдуллоҳ ибн Али шундай деб Оллоҳ таолога  
илтижо қилгач, биз эндигина ортимизга қайтиб эрдик, бирдан  
қаттиқ ёмғир ёғиб юборди” (Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва  
саллам ҳаётлик вақтларида ўзлари Оллоҳ таолодан ёмғир  
сўраганлар. Ҳазрат Умар разияллоҳу таоло анҳу эса Жаноб  
Пайғамбаримиз вафот қилганлари боисидан ул зотнинг  
амакилари номини ўртага қўйиб ёмғир сўраганлар).

Абу Аҳмад Абдуллоҳ ибн Али шайх Абу Муҳаммад ал-  
Маккий ибн Абдурраззоқ ал-Қушмийҳанийдан ривоят қилган  
ҳадис қуйидагича:

*Жарир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:*  
“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: “Дарҳақиқат  
сен Оллоҳ таоло жисмингни ҳам гўзал қилган, хулқингни ҳам  
гўзал қилган йиғитдирсан” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛЛОҲ ибн АЛИ ибн ҲАМД ибн АЛИ ибн АБДУЛЛОҲ ибн МУҲАММАД ибн ал-ҲУСАЙН ар-РУВАЙОНИЙ ат-ТАБАРИЙ** – имом. Бухорода муқим, Самарқандда эса бирмунча вақт яшаган. Самарқандда илм толибларига ҳадислар ривоят қилган. У Абу Мансур Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Афийф ал-Бушанжийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Хузайфа ибн ал-Йамон разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг одати шарифлари шундай эдики, агар ул зот ўз ўринларига ётсалар, (ўнг) қўлларини (ўнг) ёноқлари остига қўйиб олиб, сўнг: “Эй Парвардигорим! Сенинг исминг бирлан ўлгайман ва Сенинг исминг бирлан тирилгайман” – дер эдилар. Уйгонганларида эса: “Бизни ўлдиргандан кейин (яна қайта) тирилтиргувчи ва биз қайта тирилгач, даргоҳига борадиган Оллоҳга шукр (мақтовлар) бўлсин!” – деб айтардилар”.*

**АБДУЛЛОҲ ибн АЛИ ибн АҲМАД ибн АМИЙРАК ал-КИССИЙ** – шайх ва воъиз. Самарқандда истиқомат қилиб, ҳижрий 512 (милодий 1119) йил, жумод ал-увло ойида ўша ерда вафот этган. У имом Абдулмажид ибн Юнус ибн Юсуфдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Анас разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Кимки очни тўйгизса ёки ялангочни кийинтирса ёхуд мусофирга бошпана берса, Оллоҳ таоло уни қиёмат кунининг даҳшатларидан халос этур” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛЛОҲ ибн НАСР ибн АЛИ ибн АБУЛҚОСИМ ибн НАСР ибн МАНСУР ал-КАРМИЙНИЙ** – Нажмуддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий: “Мен (шайх ва қози) Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Насрни Самарқандда кўп марта кўрганман. У ҳижрий 499 (милодий 1106) йили 62 ёшида Кармийна (Кармана)да шаҳид бўлган. Мен унинг ўз дастхати билан қуйидаги ҳадисни ёзиб қўйганини кўрганман”, – дейди:

*Анас ибн Молик разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:*

*“Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимнинг мол-дунёси бўлса, мол-дунёси билан садақа қилсин, кимнинг илми бўлса, илми билан садақа қилсин ва кимнинг куч-қуввати бўлса, куч-қуввати билан садақа қилсин!” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛЛОҲ ибн МУҲАММАД ибн САҲЛУЙА ал-БАРКДИЙЗИЙ** – Самарқандда шайх ва имом Абулҳасан Али ибн Аҳмад ас-Санкабосийдан ҳадислар тинглаган. У Абулқосим Али ибн Муҳаммад ал-Хозиндан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам аёллар кийимини киядирган эркакни ва эркалар кийимини киядирган аёлни лаънатладилар”.*

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛЛОҲ ибн МУҲАММАД ибн АБУ МУТТИЙЪ ан-НАСАФИЙ ал-ГУБАДИЙНИЙ** – ўғли шайх ва фақиҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг хабар қилишича, Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад қуйидаги ҳадисни Абу Бакр Муҳаммад ибн Сулаймон ал-Кахуштувонийдан ривоят қилган экан:

*Анас разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қайси бир мўмин ташнани сув бирла қондирса, Оллоҳ таоло уни Расулulloҳ алайҳиссаломнинг Ҳавз(и Кавсар)лари суви бирла қондиргай ва қайси бир мўмин очни тўйгазса, Оллоҳ таоло уни буюк даҳшат (қиёмат куни даҳшатлари)дан омон сақлагай” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛЛОҲ ибн АҲМАД ал-МАҒОЗИЛИЙ ан-НАСАФИЙ** – имом. Ҳижрий 425 (1033) йили дунёга келиб, ҳижрий 507 (милодий 1115) йил, рабийъ ул-аввал ойида Насафда вафот қилган. У шайх Абу Наср Аҳмад ибн Исмоил ибн Абдуллоҳ ал-Айбанукасийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Анас ибн Молик разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Оллоҳ таолонинг даргоҳида таҳсинга сазовор бўладиган ахлоқ шуки, ўзингга*

зулм айлаганни афв этасан, ўзингни махрум этганга инъом қиласан ва ўзингга силаи раҳм (қариндошлик) қилмай қўйганга силаи раҳм қиласан” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБДУЛЛОҲ ибн ҚОИД ибн АҚИЙЛ ибн ал-ҲУСАЙН ибн ал-ҲУСАЙН ибн АҲМАД ибн АЛИ ибн АҲМАД ибн ИБРОҲИМ ибн МУҲАММАД ибн ҲАМЗА ибн УБАЙДУЛЛОҲ ибн ал-ҲУСАЙН ибн АЛИ ибн ал-ҲУСАЙН ибн АЛИ ибн АБУ ТОЛИБ (разияллоху анҳум) ал-АХСИКАСИЙ** – Нажмуддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий бундай дейди: “Абдуллоҳ ибн Қоид ҳаж йўлида (ҳажга боришимда) менга ҳамроҳлик қилган бўлиб, мен билан биргаликда Ироқ ва Ҳижоз шайхларидан ҳадислар тинглаган эди. У ҳижрий 461 (милодий 1068) йил, 10-жумод ал-увло, шанба куни Ахсикас (Ахсикат)да дунёга келиб, ҳижрий 515 (милодий 1122) йилдан кейин Самарқандда вафот этган”.

У Имом Абуризо Муҳаммад ибн Али ибн Яҳёдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Ос разияллоху анху бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам: “Раҳмлиларга (раҳм қилгувчиларга) Ар-Раҳмон раҳм айлағай, (модомики шундай экан) Ер аҳлига раҳм айлангизлар, осмондагилар (осмон аҳли) ҳам сизларга раҳм айлагувсидир!” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ БАКР АБДУРРАҲМОН ибн МАЪРУФ ибн ҲАССОН ас-САМАРҚАНДИЙ** – ўз отаси ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган, ундан эса Муҳаммад ибн Қурайш ибн Абдуллоҳ ва бошқалар ҳадис ривоят қилган. У Қутан ибн Хумрондан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Ибн Масъуд разияллоху таоло анху бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам: “Одамларга яхшилик ўргатадирган (дин) олимнинг бир куни Оллоҳ таолонинг наздида ибодат қилгувчининг бир йиллик ибодатидан афзалроқ ва савоблироқдир ҳамда битта (шундай) олим киши иблис лабанахуллохуга мингта ибодат қилгувчидан ҳам кўпроқ зарар келтиривчидир. Шунингдек, одамларга яхшилик ўргатувчи (дин) олими учун тўрт нарса (гуноҳларини кечиргил, деб Оллоҳга)*

*истиғфор айтиб тургай: улар – осмонлардаги фаришталар, ердаги жонзотлар, ҳаводаги қушлар ва денгиздаги балиқлар” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБДУРРАҲМОН ибн МУСЛИМ ибн АМР ибн ҲАСИЙН ибн РАБИЙЪА ибн ХОЛИД ибн УСАЙД ибн КАЪБ ат-БОҲИЛИЙ** – Кутайба ибн Муслимнинг биродари, Кутайба қўшинининг илғор қисми (авангарди) сардори ҳамда Самарқанднинг Ислом давридаги биринчи амири. У қози Шурайҳдан, ундан эса жияни Салм ибн Кутайба ибн Муслим ҳадис ривоят қилган.

Абдурраҳмон ибн Муслим: “Мен қози Шурайҳнинг (Ҳижоз волийси) Ҳажжож ибн Юсуфга биз унинг ҳузурда эканлигимизда қуйидаги ҳадисни ривоят қилаётганини эшитдим”, – дейди:

*Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Надомат (пушаймон ҳам) тавбадир” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ МУСЛИМ (АБДУРРАҲМОН ибн МУСЛИМ ибн ШАН-ФАЙРРУЗ ал-МАРВАЗИЙ ал-ХУРОСОНИЙ)** – Абузубайр Муҳаммад ибн Муслим ибн Тадрус ал-Маккийдан ҳадис ривоят қилган. Ҳижрий 129 (милодий 746) йили Марвдан чиқиб, ҳижрий 133 (милодий 750) йили Самарқандга келган ва ҳижрий 134 (милодий 751) йили Самарқанд шаҳри атрофида (мудофаа) девори қурдирган. Аммо, баъзи муаррихларнинг айтишича, Абу Муслим бу деворни ҳижрий 135 (милодий 752) йили, (ҳалифанинг Самарқанддаги ноиби) Муқбил ибн Зиёд ибн Солиҳ (амалдан туширилган)дан кейин қурдирган. Девор (ташқари томондан) 450 та қўрғон билан ҳимояланган бўлиб, баландлиги 15 зироъ (11,25 метр), эни 7 зироъ (4,55 метр) ва айланаси (узунлиги) 90 минг зироъ (6 километру 750 метр) бўлган. Унинг 360 буржи (минораси) ва ҳар икки буржи оралиғида 250 тиргаги бўлиб, пойдевори 13 минг 200 газ (30.712,50 м<sup>2</sup>) ерни эгаллаган. Самарқанд хирожи (эса) ўша вақтда 37 минг дирҳамдан иборат эди.

Абу Муслим Абдурраҳмон ибн Муслим қуйидаги ҳадисни Имом Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Али ибн Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилган:

*Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:*  
“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қамчини аҳли байтингиз кўрадиган жойга осиб қўйингизлар!” – деб марҳамат қилдилар”.

Абу Муслим Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Али ибн Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилган ҳадис эса қуйидагича:

*Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:*  
“Бир киши Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қошларига келиб: “Ё Расулаллоҳ! Дарҳақиқат мен Усома ибн Зайдни яхши кўрурман”, – деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Бундан уни воқиф этдингми?” – деб сўрадилар. У: “Йўқ”, – деди. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Воқиф қилавер, чунки бу (ўртангиздаги) меҳру муҳаббатни янада зиёда этгай” – деб марҳамат қилдилар”.

Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Иброҳим ар-Риводий Абу Муслим хусусида бундай дейди: “Бир киши Хуросон ноиби Абу Муслимга эътироз билдириб: “Бошингдаги бу қора (салла) қаердан пайдо бўлди?!” – деди. Шунда Абу Муслим: “Абузубайр бизга Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилиб, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қора салла кийган ҳолда Маккага кириб келганларини айтиб эрди. Эй гулом! Тур ўрнингдан, манавининг бошини танасидан жудо айла!” – деди”.

**АБУ МУҲАММАД АБДУРРАҲМОН ибн ал-ФАТҲ ибн САЪИД ас-СИРОЖ ас-САМАРҚАНДИЙ** – Самарқанд жомеъ масжидида ўзи ёддан билган ҳадисларни илм толибларига айтиб туриб ёздирган. У ҳадис талабида олис-олис юртларга бориб, маҳаллий шайхлардан ҳадислар ёзиб олган ҳамда уларни тўплаш бирлан машғул бўлган олимлардан эди. У қуйидаги шайхлардан ҳадис ривоят қилган: Абу Ҳафс Умар ибн Ҳафс ал-Боҳилий, Абу Исо ат-Термизий, Муҳаммад ибн Юнус ал-Кудаймий ҳамда Хуросон ва Ироқ аҳли.

Абу Муҳаммад Абдурраҳмон ибн ал-Фатҳ Абу Ҳафс ал-Боҳилийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:* “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Ёнидаги қўшиниси оч бўла туриб, (қорнини) тўйгизаётган киши мўмин эмас!” – деб марҳамат қилганларини эшитдим”.

**АБДУРРАҲМОН ибн АЛҚАМА ал-ЛАЙСИЙ** – Самарқанд машойих ва раҳбарларидан бири, Хорун ар-Рашид лашкарбошиси Ҳарсама ибн Аъйандан куйидаги ҳадисни ривоят қилган:

*Ибн Аббос разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Энг афзал сўз “Ло илоҳа илллоҳ” ва энг афзал дуо “Алҳамду лиллоҳ” дир!” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ АБДУЛЛОҲ АБДУРРАҲМОН ибн СУМРА ибн ЯЗИД ибн ЗИЁД ал-АЗДИЙ ал-МАРВАЗИЙ** – Яхё ибн Бадр ал-Курашийдан ҳадис ривоят қилган, ҳижрий 262 (милодий 875) йили Кешнинг Ақаба деган ерига яқин Нуво(Нуй) қишлоғида вафот қилган. У ривоят қилган ҳадис куйидагича:

*Абу Зарр разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Ҳар бир тожир (тижорат қилгувчи) фақиҳ эмас (яъни, шарийъат илмидан беҳабар ёки билса ҳам, унга нописанд)дир, чунки у порахўрлик (судхўрлик) қилур” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ МУҲАММАД АБДУРРАҲМОН ибн МУҲАММАД ан-НИЙСОБУРИЙ** – кўп йиллар давомида Муҳаммад ибн Наср ал-Марвазийдан ҳадислар ёзиб олган, асосан Муҳаммад ибн Наср ал-Марвазий ва Абу Исо ат-Термизийдан ҳадис ривоят қилган. У Абулҳасан Муҳаммад ибн Ҳотим ал-Музаффарийдан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

*Сумра ибн Жундуб разияллоҳу таоло анҳу хабар қиладилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Мен бир туш кўрдим. Шунда қошимга икки киши (икки фаришта) келиб, қўлимдан етаклаганча мени бир сайхон ерга (ёки “фазога” деб айтган бўлишлари ҳам мумкин) олиб чиқишди. Биз юра-юра ниҳоят бир қоноқар дарё бўйига келдик. Шундан дарё ичида бир киши (сузиб юрган) бўлиб, унинг қиргоғида қўлида тош ушлаган бошқа бир киши (ўлтирарди). Дарёдаги киши ҳар сафар сузиб келиб, қиргоққа чиқмоқчи бўлганда боьги киши унинг оғзига тош отиб ортига қайтариб юборарди. Мен бу ҳолни кўриб: “Булар ким ўзи?” – дедим. Ҳамроҳларимдан бири: “Булар порахўр (судхўр)лардир” – деб жавоб қилди”.*



**АБУ МУҲАММАД АБДУРРАҲМОН ибн ХАЛАФ ибн МИКОИЛ ан-НАСАФИЙ ал-ЖУЙБОРИЙ** – Ҳамд ибн Муҳаммад ибн Абдуorraҳмоннинг бобоси бўлиб, ҳижрий 323 (милодий 934) йилдан кейин вафот қилган. У Иброҳим ибн Маъқилдан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

*Маъоз ибн Жабал разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:*  
“Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга Табук газотида эдик, (қаттиқ) шамол эсиб, одамлар (чанг-тўзондан пана жойларга) тарқаб кетишди. Шунда мен (атрофимга) қараб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга энг яқин жойда турган киши ўзим эканлигимни билдим-да, ичимда: “Бугун ул зотнинг холи эканликларидан бир фойдаланиб қолайин!” – деб Жаноб Пайгамбаримизга яқинроқ бордим. Сўнг: “Ё Расулаллоҳ! Мени жаҳаннамдан нари айлаб, жаннатга киритадиган амали солиҳ хусусида хабардор қилсангиз!” – дедим. Ул зот: “Ғоятда муҳим масала ҳақида савол бердинг. Бундай савол Оллоҳ таоло масрур айлаган бандага муяссар бўлур: Оллоҳга ҳеч нарсани ширк келтирмай ибодат қиласан; фарз намозларни адо этасан; фарз закотни берасан; (қудратинг етса) ҳаж қиласан ва рамазон рўзасини тутасан” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБДУРРАҲМОН ибн ҲАМЗА ибн АМР ибн АЪЙАН ал-ХУЗОЪИЙ ас-САМАРҚАНДИЙ** – отаси Ҳамза ибн Амрдан куйидаги ҳадисни ривоят қилган:

*Абу Хурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:*  
“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Вақти-вақти билан зиёрат қилиб тургил, (шунда тобора) маҳбуброқ бўлиб боргайсан” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУЛҲАСАН АБДУРРАҲМОН ибн МУҲАММАД ибн ҲОМИД ибн УҲАЙД ибн АБДУССАМАД ибн ЖАЪФАР ибн ҲАФС ибн УМАР ибн ИМРОН ибн УМАР ибн РУФАЙЪ ибн РОФИЪ ибн ХАДИЙЖ ал-АНСОРИЙ ал-ҲИРАВИЙ** – факих, муфтий ва Куръону ҳадислар ҳофизи, Имом аш-Шофиъий мазҳабиға мансуб. Насафга келиб, у ерда илм толибларига ҳадис ривоят қилган, ҳижрий 407 (милодий 1015) йил, ражаб ойида, якшанба куни Ҳиротда

вафот этган. У Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф ал-Ҳиравийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Жобир разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:* “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Майишларга қилинган яхшилик (муруват)дан афзал яхшилик йўқдир. Фақат мўмин кишигина қабрлар аҳлига яхшилик қилур” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУЛҚОСИМ АБДУРРАҲМОН ибн МУҲАММАД ибн МАРВОН ал-ЙАҒНАВИЙ ан-НАСАФИЙ** – Куръону ҳадислар ҳофизи. У Абу Амр Муҳаммад ибн Абдулазиздан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*“Абуddардоъ разияллоҳу таоло анҳу ўғилларига: “Эй болагинам! Масжид уйинг бўлсин! Чунки, мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Дарҳақиқат, масжидлар тақво аҳлининг уйларидир. Масжидлар кимларнинг уйлари бўлган бўлса, Оллоҳ таоло уларга (охиратда) раҳмат айлаб, шодлигу роҳат-фароғат ато этажагини ҳамда уларни сирот орқали жаннатга (эсон-омон) ўтказиб қўяжагини кафолатлагай” – деб марҳамат қилганларини эшитганман”, – дедилар”.*

**АБУ МУҲАММАД АБДУРРАҲМОН ибн АҲМАД ибн ЮСУФ ибн АҲМАД ибн ал-АББОС ибн ал-ЛАЙС ибн ЖАРИЙР ибн ЖУНАЙД ат-ТАМИМИЙ ас-САМАРҚАНДИЙ** – қуйидаги ҳадисни Абулҳорис Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Убода ибн Абулхаттоб ад-Димашқийдан ривоят қилган:

*Ибн Аббос разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:* “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Парвардигорингиз азза ва жалла: “Иzzатим ҳақи! Мен золимдан, эртами-кечми, албатта ўч олгайман ҳамда мазлумни кўриб, унга ёрдам бермоққа қудрати етарли бўлса-да, ёрдам бермаган кимсадан ҳам албатта ўч олгайман!” – деди” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУ САЪД АБДУРРАҲМОН ибн МУҲАММАД ибн МУҲАММАД ибн АБДУЛЛОҲ ибн ИДРИС ал-АСТРОБОДИЙ** – улуг имом ва ҳадислар ҳофизи. Самарқандда яшаб, ўша ерда вафот этган ва Чокардиза қабристонига, “Таллу асҳоб ал-ҳадис” (“Муҳаддислар тепалиги”)га дафн қилинган. У “Китоб ул-камол фий маърифат ар-рижол мин уламон

Самарқанд” (“Самарқанд уламоларидан бўлмиш кишиларни билмоққа доир етуклик китоби”) номли ва бошқа кўпгина асарлар муаллифи бўлиб, ўз замонасида ҳадис илми бобида беназир эди.

Абу Саъд Абдурраҳмон ибн Муҳаммад: “Исо ибн Мусо ибн Ғавдам ал-Кушоний ҳижрий 344 (мелодий 954) йили Самарқандда бизга ҳадис ривоят қилганди”, – дейди. Ўша ҳадис қуйидагича:

*Ибн Аббос разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қайси бирингиз бозордан нарса харид қилсангиз, уни (бирор нарса билан) ўраб олингиз!” – дедилар. Саҳобалар: “Ё Расулаллоҳ! Нечун?” – дейишди. Шунда ул зот: “Чунки, у (йўлда) ўша нарсани харид қилишга қодир бўлмаган (мўмин) биродарингга дуч келади” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБДУРРАҲМОН ибн МУҲАММАД ас-САНКАФИНИЙ** – ҳижрий 445 (мелодий 1052) йил, шаввол ойида Самарқандда шайх ва имом Али ибн Аҳмад ас-Санкабосийдан ҳадислар тинглаган, улардан бири қуйидагича:

*Саъд (Омир ибн Саъднинг отаси) разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимки эрта тонгда туриб етти дона ажва хурмоси (Мадинаи Мунавварада етиштириладиган энг олий нав хурмо)ни тановул қилса, ўша кунни унга на заҳар ва на сихр зарар келтира олади” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ НУЪАЙМ АБДУРРАҲМОН ибн ал-ҲУСАЙН ибн МУҲАММАД ал-ОМИРИЙ ан-НАСАФИЙ** – шайх. Самарқандга кўп марта келган ва у ерда бир қанча машҳур шайхлардан ҳадис тинглаган, ҳижрий 491 (мелодий 1097) йил, 24-ражаб, чоршанба кунини Насафда вафот этган. У Абулмаъболий Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Зайд ал-Бағдодийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Ос разияллоҳу таоло анҳу: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Дарҳақиқат, рўзадорнинг ифтор қилаётган вақтида айтса, рад қилинмайдиган бир дуоси бордир” – деб марҳамат қилганларини эшитдим, дейдилар.*

Абдуллоҳ ибн Абу Мулайка эса (шу хусусда): “Мен Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Осинг ифтор қилганида: “Эй Парвардигорим! Ҳар бир нарсани (ҳар бир инсон, ҳар бир жонзотни) қамраган (чексиз, битмас-туганмас) раҳматинг ҳақи, мени мағфират айлагил!” – деб айтганини эшитдим”, – дейдилар.

**АБДУРРАҲМОН ибн ҲАМЗА ас-САББОҒ ан-НАСАФИЙ** – ҳижрий 450 (милодий 1057) йил, шаъбон ойининг бошида Самарқандда шайх ва имом Абулҳасан Али ибн Аҳмад ибн ар-Рабиъ ас-Санкабосий айтиб берган ҳадисларни тинглаган. У шайх ва ҳофиз Абу Саъд ал-Идрисийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Етти (қават) осмон ҳамда улардаги ва улар тепазидаги барча (махлуқ) ва етти (қават) ер ҳамда улардаги ва улар устидаги барча (махлуқ) хор бўлган азиз, қашшоқ бўлган бой ва жаҳолат қўлида ўйинчоқ бўлган олимга (ачиниб, афсус чекиб) йиглади” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУ МУҲАММАД АБДУРРАҲМОН ибн АБДУРРАҲИМ ибн СОЛИҲ ибн МУҲАММАД ал-ҚАССОР ал-БУХОРИЙ** – кози, имом ва ҳадислар ҳофизи, Самарқандда истикомат қилган.

Нажмуддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий бундай дейди: “Мен уни ҳижрий 481 (милодий 1087) йили Кешда учратдим, аммо ундан на бирор ҳадис тингламокқа ва на уни холи топиб суҳбатлашмокқа муваффақ бўлолмадим, унинг хусусида менга ўзгалар гапириб беришди. У ҳижрий 490 (милодий 1096) йил, 29-рабиъ ул-аввал, чоршанба кечаси вафот этиб, Чокардиза қабристонига дафн қилинган”.

Абу Муҳаммад Абдурраҳмон Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ар-Рийварсунийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

Жобир разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Оллоҳ таолога энг маҳбуб таом – кўпчилик қўл узатадиган (кўпчилик билан баҳам кўриладиган) таомдир” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБДУРРАҲИМ ибн ЗАЙД ибн АҲМАД ибн ЮСУФ ад-ДОРИМИЙ ан-НАСАФИЙ** – “Сиккат уз-зуҳход” (Зоҳидлар кўчаси)даги Абу Абдурраҳмон Муъоз ибн Яъқуб ал-Косиний хонадонига мансуб. Абулаббос ал-Мустағфирийнинг ҳадис талабида Хуросонга қилган рихлати (сафари)да ҳамроҳлик қилган, ҳижрий 396 (милодий 1005) йил, 5-ражаб, якшанба куни ўттиз неча ёшида вафот этган. У қуйидаги ҳадисни Абу Али Исмоил ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ҳожибийдан ривоят қилган:

*Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Мадинанинг қайсидир тарафига борганларида у ерда қазилаётган бир қабрни кўриб: “Бу қабр ким учун?” – дедилар. Гўрков: “Ҳабашистонлик бир киши учун” – деб жавоб қилди. Шунда ул зот: “Ло илоҳа иллalloҳ! Бул одам токи ўзи яралган туфроққа дафн қилингунига қадар (жонажон) юрти ва осмонидан (бу томон) ҳайдалди” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ МУҲАММАД АБДУРРАҲИМ ибн АҲМАД ал-КАРМИНИЙ** – шайх, имом ва сайф ул-аимма (имомлар қиличи). Самарқандга кўп марта келган, ҳижрий 476 (милодий 1083) йили Бухорода вафот қилган. У ҳоким ва имом Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Куфийийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳу Муҳаммад ибн Суқадан бундай деб хабар қиладилар: “Бир киши Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг қошларига келиб: “Ё Расулalloҳ! Мен ота-онамни йиғлаётган ҳолда тарк этиб, Сиз бирлан бирга жиҳод қилгали келдим”, – деди. Шунда ул зот: “(Уйингга қайтиб) боргил-да, уларни қандай йиғлатган бўлсанг, шундай кулдиргил!” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБДУЛМАЛИК ибн УМАЙР ал-ҚУРАШИЙ ал-КУФИЙ** – куняси “Абу Амр” бўлиб, уни шундай деб ҳам аташган. У Саъид ибн Усмон разияллоҳу анҳу билан бирга Самарқандга келиб, ҳижрий 136 (милодий 752) йили вафот этган; Жобир ибн Сумра, Жундуб, Ал-Муғийра ибн Шуъба ва Абудардоъдан ҳадис ривоят қилган, ундан эса Абдуллоҳ ибн Авн, Суфён ас-Саврий ва Шуъба ибн ал-Ҳажжож ал-Ат-

кий ҳадис ривоят қилган; 130 йилдан ортиқ яшаган, баъзи манбаларда эса 164 йил умр кўрган, деб ҳам ривоят қилинади.

Абдулмалик ибн Умайр ўта фасоҳатли киши эди. Абу Умайра уни (болалигида) ўзи бирлан бирга Али ибн Абу Толиб разияллоҳу таоло анҳунинг ёнларига – минбарга олиб чиққанди. Шунда Ҳазрат Али Абдулмалик ибн Умайрнинг бошини силаб, унга Оллоҳ таолодан баракот тилаган эдилар.

Абдулмалик ибн Умайр куйидаги ҳадисни Ибн Аббос разияллоҳу таоло анҳудан ривоят қилган:

*Ибн Аббос разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга бир хачир ҳадя қилинди, уни ул зотга Кисро (Хусрав) армугон этганди. Жанoб Расулulloҳ жун арқондан жилов қилгач, хачирга миндилар, мени ҳам мингаштириб олдилар. Сўнг, шу ҳолда узоқ юргач, менга қайрилиб: “Эй бола!” – дедилар. Мен: “Лаббай, ё Расулalloҳ!” – дедим. Шунда ул зот бундай деб марҳамат қилдилар: “Оллоҳ таолони ёдингда тут, у ҳам сени ёдида тутгай. Оллоҳ таолони ёдингда тутсанг, уни (доимо) қаршингдан топасан. Яхши ҳаёт кечираётганингда Оллоҳ таолони унутмасанг, у ҳам сени машаққатли кунингда унутмагай. Агар бирор нарса сўрар бўлсанг, Оллоҳ таолодан сўра! Агар бирор мадад сўрар бўлсанг, Оллоҳ таолодан сўра! Тақдир қалами бўладирган нарсани аллақачонлар битиб қўйгандир, (уни ҳеч кимса ўзгартира олмагайдир). Агар одамлар Оллоҳ таоло сенга тақдир қилмаган нарса борасида ҳарчанд манфаат етказмоққа интилсалар ҳам, бунга қудратлари етмагай. Агар одамлар Оллоҳ таоло сенга тақдир қилмаган нарса борасида ҳарчанд зарар етказмокка ҳаракат қилсалар ҳам, бу қўлларидан келмагай. Агар (бирор нарсани) чидам бирла қилмоққа кўзинг етса, қил! Башарти бу қўлингдан келмаса, (шошма) сабр айла! Чунки, ўзинг хушламаган нарсага сабр қилмогингда бисёр хайриятлар мавжуд. Билгилки, сабр ортида зафар бордур ва яна билгилки, гаму ташвиш ортида шодлик бордур. Дарҳақиқат, (ҳар бир) машаққат ортида (қанчадан-қанча) осонлик (енгиллик) бордур”.*

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛМАЛИК ибн МАРВОН ибн ИБРОҲИМ ибн РОФИЪ ибн ШУЖОЪ ибн АБДУРРАҲИМ ибн ал-ҲАСАН ибн МАНЖОН ал-МАРВОНИЙ ан-**

**НАСАФИЙ** – Самарқандда шайхлардан ҳадис тинглаган, ҳижрий 393 (милодий 1002) йил, 7-муҳаррам, чоршанба куни вафот қилган. У Абу Али Муҳаммад ибн ал-Ҳорис ал-Луьлуьийдан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

*Анас разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Агар қудуққа сичқон тушиб кетса, ундан 20 челақ сув олиб ташланмоғи лозим” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ МАРВОН АБДУЛМАЛИК ибн САЪИД ибн ИБРОҲИМ ибн МАЪҚИЛ ибн Ал-ҲАЖЖОЖ ибн ХУРАЙШ ан-НАСАФИЙ** – илми ҳадис соҳасида ишончу обрў қозонган олимлардан. Отаси Саъид ва Абдулмўмин ибн Халафдан кўплаб ҳадислар эшитган ҳамда Абу Талҳа Мансур ибн Муҳаммад ибн Али ибн Музаййана ал-Баздавийдан Ал-Бухорийнинг “Жомеъ”ини тинглаган, у Абу Талҳадан “Жомеъ”ни ривоят қилган охири ровий саналади.

Абу Марвон Абдулмаликни отаси Абу Усмон Саъид ибн Иброҳим ҳижрий 325 (милодий 936) йили илми ҳадис ўрганмоғи учун Балх ва Тохаристонга рихлат (сафар) қилдиради. У Балх ва Тохаристонда Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Али ибн Тархон ва бошқалардан ҳадис тинглайди, кейин Бухорода Абу Саъид ал-Ҳайсам ибн Кулайбдан ҳадис эшитади. Абу Омир Аднон ибн Муҳаммад аз-Заббий амир Илик билан Насафга кирганида ундан (Абу Марвон Абдулмаликдан) ҳадис тинглаган.

Абу Марвон Абдулмалик ибн Саъид ҳижрий 311 (милодий 922) йили дунёга келиб, ҳижрий 397 (милодий 1006) йил, 19-жумод ал-увло, душанба кечаси вафот қилган. У отасидан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

*Анас ибн Молик разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Уламолар Оллоҳ таолонинг бандалари ҳузурдаги ишончли вакилларидир” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛФАВОРИС АБДУЛМАЛИК ибн ал-ҲУСАЙН ибн АЛИ ибн МУСО ибн ИМРОН ибн ИСРОФИЙЛ ибн МУСЛИМ ибн ВАҲБ ибн МУСЛИМ ал-АТТОР ан-НАСАФИЙ** –

шайхимиз ва ҳадислар ҳофизи Абу Али ал-Ҳасаннинг отаси, хижрий 368 (милодий 977) йили дунёга келиб, 84 ёшида вафот қилган. У Абу Наср Аҳмад ибн Амр ибн Муҳаммад ибн Мусо ал-Ироқийдан ривоят қилган ҳадиси шариф қуйидагича:

*Ибн Аббос разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Дарҳақиқат, тансиҳатлик ва бўш вақт (хотиржамлик) Оллоҳ таоло неъматларидан бўлмиш икки неъматдир. Кўпчилик одамлар ул иккисини қўлдан бой берадилар (қадрламайдилар)” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБДУЛМАЛИК ибн АБДУЛАЗИЗ ибн МУЖЖ ибн АҲМАД ас-САЙРОФИЙ ас-САМАРҚАНДИЙ** – фақиҳ. У Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муборак хайрлашув хутбалари (хутбат ул-видоъ)ни шайх ва имом Абдулжаббор ибн Аҳмад ал-Ҳатийб раҳимахуллоҳудан эшитган, унинг ёзма нусхаси эса менда (яъни, ушбу китоб муаллифида).

Абдулмалик ибн Абдулазиз шайх ва имом Абдулжаббор ибн Аҳмаддан ривоят қилган ҳадиси шариф қуйидагича:

*Абу Ҳурайра ва Ибн Аббос разияллоҳу таоло анҳумо бундай дейишади: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга хутбат ул-видоъ айлаб, унда: “Кимки икки киши (ёки икки қавм) ўртасини келиштириб қўймоқ қасдида йўл олса, токи ул (уйига) қайтгунига қадар фаришталар унинг шаънига эзгу тилаклар тилаб дуо қилиб турадилар ва унга Лайлат ул-Қадр ажри ато этилуру” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБДУЛМАЛИК ибн ал-АББОС ибн ал-ФАЗЛ ибн ҲОРУН ал-ҲАЖЖОЖ ал-ИСКОФ ан-НАСАФИЙ** – хижрий 424 (милодий 1032) йил, 23-зулқаъда, яқшанба куни вафот этган. У фақиҳ Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Ҳамдон ат-Тубнийдан қуйидагини ривоят қилган:

Абу Юсуф бундай дейди: “Мен тушимда Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳуни кўрдим, атрофларини дўстлари ўраган ҳолда айвонда ўлтирган эканлар. Шунда ул киши: “Менга қоғоз ва довод-қалам келтирингизлар!” – дедилар. Мен уларнинг орасидан туриб, Абу Ҳанийфа раҳимахуллоҳуга қоғоз ва



довот-қалам келтирдим. Ул киши нимадир ёза бошладилар. Мен: “Нима ёзаётирсиз?” – дедим. Ул киши: “Жаннат ахлидан бўлмиш дўстларимни ёзаётирман” – дедилар. Мен: “Уларнинг қагорига мени ҳам ёзиб қўймайсизми?” – дедим. Ул киши: “Ҳа, майли” – дедилар-да, рўйхатнинг охирига менинг исмиمنى ҳам тиркаб қўйдилар”.

**АБУ АҲМАД АБДУЛМАЛИК ибн АБДУРРАҲМОН ибн МУҲАММАД ибн БАКР ибн ҲАМД ибн ҲОРУН ибн ал-ХОҚОН ибн ДОВУД ал-ХУЗОЪИЙ ас-САФФОД ал-ХАТИЙБ ас-САМАРҚАНДИЙ** – ҳижрий 415 (милодий 1023) йил, шаввол ойида вафот этган ва Чокардиза қабристонига дафн қилинган. У қози Абу Наср Аҳмад ибн Амр ал-Ироқийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Ториқ ибн Абдуллоҳ разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: “Эй Ториқ! Ўлимга ўлимдан илгари ҳозирлик кўрингизлар!” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ МАХЛАД АБДУЛМАЛИК ибн АБДУЛЖАББОР ибн АБДУЛМАЛИК ибн АЛИ ат-ТАБАРИЙ** – закий ва тожирлар фаҳри. Бухорода муқим яшаган, баъзан Самарқандга келиб у ерда ҳадис толибларига ҳадис ривоят қилган, ҳижрий 518 (милодий 1123) йил, 29-шаъбон, жумъа куни Бухорода вафот этган.

Абу Махлад Абдулмалик ибн Абдулжаббор қози ва имом Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Мусо ал-Мутаҳҳирий ат-Табарийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Анас ибн Молик разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Дарҳақиқат, ҳожилар ҳаддан қайтсалар, фаришталар уларга пешвоз чиқишиб, туяда келаётганларига салом бергайлар, эшакда келаётганлари билан қўл бериб сўрашгайлар, пиёда келаётганларини эса қучоқлагайлар” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛҲОЛИҚ ибн АБУ МОЛИК ал-БАЛҲИЙ ас-СУФИЙ** – Самарқандга келиб, у ерда илм толибларига ҳадис ривоят қилган. У ҳижрий 448 (милодий

1055) йил, зулҳижжа ойида Самарқанддаги Масжид ал-манорада Абулхусайн Муҳаммад ибн ал-Хусайн ибн Али ибн ат-Таржумондан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Анас ибн Молик разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимки астойдил “Ло илоҳа иллаллоҳ” деса, жаннатга кирур” – деб марҳамат қилдилар. Шунда: “Ё Расулаллоҳ! Бу ҳақда хабар қилиб одамларни хушнуд этайинми?” – дейилди. Ул зот: “Мен уларнинг умид боғлашларидан (шундай десак, жаннатга кирмоғимизга кифоя қилар экан, деб Оллоҳнинг бўлак аҳкомларини бажармай қўймоқларидан) қўрқаман” – деб жавоб қилдилар”.*

**АБУ МУҲАММАД АБДУССАМАД ибн АБДУЛАЗИЗ ад-ДУРАЙБИЙ ас-САМАРҚАНДИЙ** – ҳижрий 448 (милодий 1055) йили Самарқандда шайх ва қори Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Хиравийдан қуйидаги ҳадисни ривоят қилган:

*Ҳазрат Усмон разияллоҳу таоло анҳу бир кишидан ер сотиб олдилар. Кейин, ўшал киши келиб, ўртадаги савдони бузди. Ҳазрат Усмон унинг пулини қайтариб берар эканлар: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Оллоҳ таоло мурувватли (марҳаматли) сотувчи, мурувватли харидор, мурувватли қози ҳамда мурувватли даввогар бўлган кишини жаннатга киритди(киритади)” – деб айтганларини эшитганман”, – дедилар”.*

**АБДУЛЖАЛИЛ ибн НУСАЙР ибн СОЛИҲ ибн ал-ҲОРИС ал-ХЎЖАНДИЙ раҳимахуллоҳу** – қози ва имом. Ҳижрий 494 (милодий 1100) йил, 16-жумод ал-увло, душанба кечаси вафот қилиб, Чокардиза машҳади яқинига дафн этилган. Буюк имом саййид Абу Шужоъ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳамза ал-Алавий ҳижрий 458 (милодий 1065) йили унга айтиб туриб ёздирган ҳадислардан бири қуйидагича:

*Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Кўпроқ қайси нарса туфайли одамлар жаннатга кирурлар?” – деб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўрашди. Ул зот: “Оллоҳдан тақво қилмоқлик ва яхши хулқ” – деб марҳамат қилдилар. Сўнг: “Дўзахга не киритур?” – деб сўрашди. Ул зот: “Икки бўшлиқ – оғиз ва фарж” – деб жавоб қилдилар”.*

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛВАХҲОБ** ибн ал-АШЪАС ибн **НАСР** ибн **САВДА** ибн **АРАФА** ибн **ЙАСОР** ал-**ХАНАФИЙ** ат-**ТАМИМИЙ** – Самарқанддан уч фарсах (1 фарсах – 2.250 метр) нарида жойлашган Шух яқинидаги Дахтнуй қишлоғидан, Ал-Ҳасан ибн Арафа ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. У Ал-Ҳасан ибн Арафадан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

*Жарир разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида ўлтирган эдик, ой балқиб чиқди. Шунда ул зот унга боққанча: “Сизлар келгусида раббингиз азза ва жаллага рўбарў қилинасишлар ва уни мана шу ойни кўриб турганингиздек бир-бирингизга халал бермай бемалол кўрасизлар. Агар қуёш чиқишидан ва қуёш ботишидан бурунги намозларни (шайтонга) бой бермаслик қўлингиздан келса, уларни (муттасил) ўқингиз!” – деб марҳамат қилдилар-да, (“Тоҳо” сурасидаги) “Қуёш чиқмоғидан бурун ҳам, қуёш ботмоғидан бурун ҳам раббингни мақтаб тасбиҳ айтгил!” деган (130-) ояти каримани тиловат қилдилар”.*

**АБДУЛВАХҲОБ** ибн **АЛИ** ибн **АҲМАД** ал-**АСТРОБОДИЙ** – имом ва ҳоким Али ибн Аҳмад ал-Астрободийнинг ўғли. Отаси ва бошқа уламолар ёддан айтиб берган ҳадисларни тинглаган ва Абулаббос ал-Мустаффирий хижрий 428 (милодий 1036) йил, шаъбон ойида Самарқанднинг Работ ул-мураббаъ деган ерида жамоатга ҳадислар ўқиб берган вақтда у ҳам йиғинда иштирок этган.

Абдулвахҳоб ибн Али куйидаги ҳадисни Наср ибн Аҳмаддан ривоят қилган:

*Оиша (онамиз) разияллоҳу таоло анҳо бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам “Эй қалбларни йўлдан тойдиргувчи (ва тўғри йўлга солгувчи) Парвардигорим! Қалбимни ўзинга итоаткорликда собит айлагил!” деганларидагина бошларини осмонга кўтарар эдилар”.*

**АБУЛВОСИҚ АБДУЛВАХҲОБ** ибн **АБДУЛМУЪМИН** ибн ал-**ҲАСАН** ал-**МУТАВВИЪИЙ** ар-**РОЙИЗ** – шайх, қозий ул-қузот (қозилар қозиси – бош қози) Абулҳасан Али ибн


Абдулвахобнинг отаси. У шайх ва имом Абулҳасан Али ибн Аҳмад ас-Санкабосийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Оллоҳнинг энг ёмон бандалари – ўзларини Оллоҳдан бўлакнинг паноҳига олгувчилардир” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБДУЛЖАББОР ибн НАСР ар-РОМШИЙНИЙ** – Ромшийн – Насаф кишлокларидан бири. Фақиҳ Абдулжаббор ибн Наср ҳижрий 439 (милодий 1047) йил, рабийъ ул-оҳар ойининг охирларида қози ва имом Абдулмалик ибн ал-Хусайн ан-Насафий (ёдаки) айтиб берган ҳадисларни тинглаган. У имом ва зоҳид Абу Муҳаммад Жаъфар ибн Муҳаммад ат-Тубнийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Сафвон ибн Абдуллоҳ ибн Сафвон бундай дейдилар: “Мен Шомга келиб, Абуддардоънинг уйига бордим-да, уни у ердан топмадим. Уйда хотини Уммуддардоъ бор экан, у менга: “Ҳаж қилмоқчимисиз?” – деди. Мен: “Ҳа”, – дедим. У: “(Ҳажда) Оллоҳ таолодан бизга хайрият тилаб дуо қилингиз! Чунки, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Мусулмоннинг ўз (мусулмон) биродари шаънига гойшбона қилган дуоси мустажоб бўлур ва (у дуо қилаётган чоғида) муваккал фаришта боши узра: “(Оллоҳ таоло) сенга ҳам худди шундай (хайрият ато айласин!), (Оллоҳ таоло) сенга ҳам худди шундай (хайрият ато айласин!)” – дея уни дуо қилиб тургай” – деб марҳамат қилганлар” – деди. Кейин, мен бозорга бориб, у ерда Абуддардоъни учратдим, у ҳам менга Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мазкур ҳадиси шарифларини ривоят қилиб берди”.*

**АБДУЛЖАББОР ибн МАНСУР ибн НАСР ибн АХМАД ибн АЛИ ибн МАНСУР ибн НАСР ибн АХМАД ас-САМАРҚАНДИЙ ал-ХАТИЙБИЙ** – шайх ва имом. Ҳижрий 492 (милодий 1098) йил, ражаб ойида вафот қилиб, Чокардиза қабристонига дафн этилган. Шайх ва қози Абу Наср Мансур ибн Аҳмад ал-Ғазақий ҳижрий 463 (милодий 1069) йил, жумод ал-увло ойида Ад-Дор ул-Жузжонийяда қуйидаги ҳадисни унга ривоят қилган:



*Абу Хурайра разияллоху анху бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам: “Менинг учун “Субҳоналлоҳ вал-ҳамду лиллоҳ ва ло илоҳа иллаллоҳ валлоху акбар!” демогим офтоб чиқадиган нарса (яъни, бутун ер юзи)дан маҳбуброқдир!” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛЖАББОР ибн АҲМАД ад-ДОРИЙ раҳимахуллоху** – шайх, имом хатийб ва зоҳид. Ҳижрий 448 (милодий 1055) йил, 7-зулқаъда, панжшанба куни илм толибларига сўнги бор ҳадис ривоят қилиб берган. Кейин у кўп ўтмай вафот қилиб, Ад-Дор ул-Жузжонийга дафн этилган. Қуйида у сўнги бор ривоят қилган ҳадис:

*Абу Қилоба бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам: “Яхшилик эскирмас, гуноҳ унутилмас, Ад-Дайюн (ҳисоб-китоб қилгувчи, яхшилик учун савоб ва гуноҳ учун жазо бергувчи Оллоҳ таоло) ухлмас (у доимо кўриб, эшитиб, билиб тургувчидир). Қандай бўлмогингни истасанг, шундай бўл, феъл-атворинг ва қилган амалингга яраша мукофотланасан ва жазоланасан” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛЖАББОР ибн АБУЛМУЗАФФАР ибн АБДУЛЖАЛИЛ ал-ХАФФОФ ал-МУВАТТАЪИЙ ас-САМАРҚАНДИЙ** – шайх. “Сиккат амири Наунд” (“Наунд амири кўчаси”)да яшаган, ҳижрий 510 (милодий 1115) йилдан кейин Самарқандда вафот этган. У шайх Абу Саъид Абдулрахмон ибн Абдуллоҳ ал-Фиржоний ас-Сарахсийдан қуйидаги ҳадисни ривоят қилган:

*Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоху анху бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам: “Кимки Оллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, тепасида қадаҳ айлантириб турилган дастурхонга келиб ўлтирмасин!” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛЖАББОР ибн АБДУРРАЗЗОК ибн АБДУРРАҲИМ ибн АБДУЛМАЛИК ибн БАКР ибн ТОХИР ибн ЖАЪФАР ибн МУҲАММАД ибн АБУЛҚОСИМ ибн МУҲАММАД ибн ас-СИДДИҚ ас-САҲҲОК ас-САМАРҚАНДИЙ** – ҳижрий 506 (милодий 1111) йил, 20-

жумод ал-охира, жумъа куни Самарқандда вафот этган. У шайх ва имом хатийб Абулқосим Убайдуллоҳ ибн Умар ал-Кушонийдан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

*Анас ибн Молик разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:* “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Дарҳақиқат, Оллоҳнинг “Ал-Фирдавс” номли жаннати бўлиб, унда “Жабал ун-набийи” деган бир тоғ мавжуд. Ушал тоғда “Қаср ус-сурур” номли бир қаср бор. Унинг 70 минг дарвозаси мавжуд бўлиб, ҳар бир дарвозадан (бошқа) дарвозагача бўлган масофа 500 йиллик йўлга тенг. Ул дарвозалар фақат (дин) олими қаламининг (қоғоз узра юргизилгандаги) овозига ёхуд гозий ногораси овозигагина очилур. (Дин) олими қаламининг (бир) овози эса Оллоҳ таоло наздида гозий ногорасининг 70 минг овозидан афзалдир. Гозий ногорасининг (бир) овози эса Оллоҳ таоло наздида кундузлари рўза тутиб, кечалари намоз ўқиб қилинган 70 минг йиллик ибодатдан афзалдир!” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛҒАФФОР ибн МУҲАММАД ибн ал-ХУСАЙН ал-КАСБАВИЙ ан-НАСАФИЙ** – шайх ва ҳоким. Самарқандда кўп марта бўлган, унинг машойихларидан кўплаб ҳадислар ёзиб олган. У саййид Абдулмаъолий Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Зайд ал-Бағдодийдан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

*Анас разияллоҳу анҳу бундай дейдилар:* “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ким менинг суннатимни тикласа, мени севган бўлур ва ким мени севибди, қиёмат куни мен бирла бўлур!” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛҒАФФОР ибн МУҲАММАД ибн АБДУЛМАЛИК ибн ДАВЛАТ ибн АБУ АҲМАД ал-ХУМАЙ-САНИЙ** – шайх, имом ва ҳажжож (ҳажга жўнатгувчи). У шайх ва имом Абу Муҳаммад ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ас-Сарахсийдан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

*Абу Умома разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:* “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Мени кўриб менга иймон келтирганларга бахту саодат ёр бўлсин! Мени кўрмай менга иймон келтирганларга эса етти бор (кўп) бахту саодат ёр бўлсин!” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУ ИСМАТ АБДУЛВОҲИД ибн ТОҲИР ибн МУҲАММАД ал-КАРМИЙНИЙ** – шайх, қози, имом ва шаҳид. Шайх, имом ва шаҳид Исмоил Абу ибн Наср ас-Саффорнинг мўътабар дўстларидан. Карманада бир мунча вақт илми ҳадисдан таълим берган, ҳадис толибларига ўзи билган ҳадисларни айтиб туриб ёздирган, муфтилик қилган. Сўнг, Бухорода яшаган, у ерда муайян вақт мударрислик, муфтилик, қозилик ҳамда воизлик қилган, кўп марта Самарқандга келиб кетган.

Абу Исмаат Абдулвоҳид ибн Тоҳир ҳижрий 488 (милодий 1094) йил, 16-рамазон, чоршанба куни Бухорода шаҳид бўлган. У ҳадислар ҳофизи Абу Яъқуб Юсуф ибн Мансурдан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

*Ибн Умар разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Художўйлик (Оллоҳга итоаткорлик) хазиналаридан бири – мусибатларни пинҳон тутмоқликдир” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛҚОСИМ АБДУЛВОҲИД ибн АБДУРРАҲМОН ибн ЗАЙД ибн ИБРОҲИМ ибн МУҲАММАД ибн АҲМАД ибн ҲАРБ ан-НИЙСОБУРИЙ раҳимаҳуллоҳу** – (кўпроқ) “Абулқосим ал-Ҳакийм” номи билан элга танилган, Шош вилоятидаги Шовкат деган шаҳарда 87 ёшида вафот этган ва ҳижрий 494 (милодий 1099) йил, жумод ал-охира ойининг бошида ўша ерга дафн қилинган. У ҳижрий 407 (милодий 1012) йили таваллуд топган бўлиб, Самарқанд минбаридан кўп йиллар хутба қилган.

Шайх, имом хатийб Абулқосим Абдулвоҳид ибн Абду-рахмон раҳимаҳуллоҳу куйидаги ҳадисни имом хатийб Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳдан ривоят қилган:

*Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларида безгак дарди ҳақорат қилинди. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Уни ҳақорат қилмангизлар! Жоним қўлида бўлган зот ҳақи, у мўминнинг гуноҳларини темирчининг дамгари темирни тошқолдан тозалагани каби тозалагай” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛУФУТУХ АБДУЛВОХИД ибн ИМРОН ибн ИСРОИЛ ат-ТАРОЗИЙ** – Самарқандда ҳадис тинглаган. Раис Абу Муҳаммад Абдурраҳим ибн Абдулкарим ибн Аҳмад ал-Кармийний ҳижрий 451 (милодий 1058) йил, шаввол ойида унга хабар қилган ҳадис куйидагича:

*Абу Мусо разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:*  
“Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Яхши ва ёмон суҳбатдош мисоли мушк сотгувчи ва темирчи дамгари кабидир. Бири хушбўй ҳид таратса, иккинчиси чўғ отиб туради. Мушк сотувчидан олган нарсанг димогингни чоғ этса, темирчи дамгаридан чиққан чўғ ё баданингни ёки кийимингни куйдиради ёхуд бирор ёқимсиз ҳид келтиради” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУ УМАР АБДУЛВОХИД ибн АҲМАД ибн МУҲАММАД ибн УМАР ибн АБДУРРАҲМОН ибн УМАР ибн МУҲАММАД ибн ал-МУНКАДИР ибн АБДУЛЛОҲ ибн ал-ХУДАЙР ибн МУҲАРРИР ибн АБДУЛАЗИЗ ибн ОМИР ибн ал-ҲОРИС ибн ҲОРИСА ибн САЪД ибн ТАЙМ ибн МУРРА ал-ҚУРАШИЙ ат-ТАЙМИЙ ал-МУНКАДИРИЙ** – Шош ўлкаси ҳокими. Самарқандга келиб, ҳижрий 350 (милодий 960) йили у ерда отаси ва бошқалардан ҳадислар ривоят қилган. Сўнг, Шошдан халифа хузурига, (у ердан) эса Жужжонга қайтиб, кўп йиллар Ибн Фирайғун вазирлигини бошқарган ва ҳижрий 368 (милодий 978) йили ўша ерда вафот этган.

Абу Умар Абдулвоҳид ибн Аҳмад куйидаги ҳадисни Аҳмад ибн ал-Худр ал-Марвазийдан ривоят қилган:

*Анас ибн Молик разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:*  
“Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг одати шарифлари шундай эдики, агар бир киши билан қўл бериб сўрашсалар, токи у қўлларини қўйиб юбормагунча унинг қўлини қўйиб юбормасдилар. Мен ҳарир ва дебожни ушлаб кўрганман-у, (аммо) ул зотнинг муборақ кафтларидан майинроқ бирор нарсани сира ушламаганман, шунингдек мен мушқу анбарни ҳидлаганман-у, (аммо) ул зотнинг ҳидларидан кўра хушбўйроқ ҳидни сира ҳидламаганман”.



**АБУ САҲЛ (АБУ ТОҲИР) АБДУЛВОҲИД ибн АҲМАД ибн МУҲАММАД ибн АБДУЛЛОҲ ибн ФАРАНҶДИЙК ан-НАСАФИЙ** – икки имом – Муҳаммад ва Ал-Хусайннинг отаси бўлмиш Ал-Халил ибн Аҳмаднинг биродари. Ҳадис талабида Хижоз, Шом ва Мисрга рихлат қилган, кўп мамлакатларни бошдан-оёқ кезиб чиққан, Абулфазл Муҳаммад ибн ал-Хусайн ал-Ҳаддодий, Абу Али Зоҳир ибн Аҳмад, Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Матт ал-Иштихонийдан ҳадис тинглаган ва ҳижрий 400 (милодий 999) йилдан кейин Насафга қайтган. Насафда бир неча йил яшагач, ҳажга борган, сўнг қайтишда Шомга кирган. Унинг бундан кейинги ҳаёти тарихи ханузгача маълум эмас.

Қози Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Язид ал-Ҳалабий ҳижрий 391 (милодий 990) йили Мисрнинг Фустот шаҳрида унга хабар қилган ҳадис қуйидагича:

*Абу Мусо разияллоху таоло анху бундай дейдилар: “Мен Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламнинг бир эмас, икки эмас, (кўп марта): “Кимки (соғ ва муқим чоғида) бирор амали солиҳ қилиб юрган бўлса-ю, (аммо) касаллик ёхуд сафар боисидан уни қилолмай қолган бўлса, (барибир унинг номаи аъмолига) ўша соғ ва муқим вақтида қилиб юрган амали солиҳи (қилинган ҳисобида) ёзиб қўйилaveraди” – деб марҳамат қилганларини эшитганман”.*

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛВОҲИД ибн АҲМАД ибн МУҲАММАД ибн СИЙМО ал-ҲУМОМИЙ ал-ЖУНДИЙ ас-САМАРҚАНДИЙ** – ҳижрий 448 (милодий 1055) йил, рабийъ ул-аввал ойида Самарқанднинг жомеъ масжидида (ўз бисотидаги ҳадисларни илм толибларига) айтиб туриб ёздирган. У шайх Абу Аҳмад Абдулмалик ибн Абдурахмон ал-Хатийбдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Анас разияллоху таоло анху бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам: “Бирортангиз касалликка чалингангиз учун ўзингизга ўзингиз ўлим тиламангиз! Башарти шундай қилмоқ шарт бўлса, ул ҳолда: “Эй Парвардигорим! Агар ҳаёт менинг учун бундан буён хайрли бўлса, мени тирик қолдир ва мободро менинг учун ўлим хайрли бўлса, ул ҳолда жонимни ол!” – десин!” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛМУЗАФФАР АБДУССАЙИД** ибн **АБДУССАЛОМ** ибн **МУҲАММАД** ибн **АҲМАД** ибн **КУНДУР** ибн **АБУ ШУЖОЪ** ал-**ЙОРКАСИЙ** – қори, бирмунча вақт Самарқандда, кейин узоқ вақт Қошғарда бўлган. Сўнг, ҳижрий 520 (милодий 1125) йили Самарқандга қайтган. Айтишларича, унинг бобокалони Аҳмад ибн Кундур ҳиндларга 16 марта, туркларга эса 17 марта газот қилган бўлиб, кейингилар уни асир олишган экан, шу боис у 7 йил ўшалар орасида қолиб кетган экан.

Абулмузаффар Абдуссайид ибн Абдуссалом: “Қошғарда Абу Али Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ал-Банокасий бизга (қуйидаги ҳадисни) хабар қилгани”, – дейди:

*Убай ибн Каъб разиллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:* “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам ўзлари вафот қилган йили Қуръон (тиловати)ни икки бор кўригимдан ўтказиб олдилар. Сўнг, менга: “Эй Убай! Дарҳақиқат, Ҳазрат Жаброил алайҳиссалом сенга Қуръон ўқиб бермоғимни буюрдилар, дароқеъ ул киши сенга салом айтяптилар” – деб марҳамат қилдилар”. Мен Жаноб Расулulloҳ Қуръон ўқиб берганларида: “Ё Расулalloҳ! Қуръон қироати учун махсус мени ихтиёр қилганингиз каби, Оллоҳ Қуръондан ўзингизга ўргатган ва ўзингизга аён айлаган хайриятлардан мени ҳам баҳраманд айласангиз?!” – дедим. Шунда Расулulloҳ: “Хўп, эй Убай! Қайси бир мусулмон сураи “Фотиҳа”ни тиловат қилса, гўёки Қуръоннинг учдан бирини тиловат қилган ва ҳар бир мўмин ва мўминага садақа (эхсон) айлаган бўлур” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБДУССАЙИД** ибн **МУҲАММАД** ибн **АБДУЛМАЛИК** ибн **ал-ҲУСАЙН** ибн **АЛИ** ибн **АБУ БАКР** ас-**САМАРҚАНДИЙ** ас-**СУККАРИЙ** – шайх ва имом, ҳижрий 521 (милодий 1126) йил, 20-шаъбон, чоршанба куни тушдан кейин 77 ёшида вафот этган ва Чоқардизадаги машҳад ёнига дафн қилинган. У қози, ҳофиз Абдурраҳмон ибн Абдурраҳим ал-Қассордан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Жарир ибн Абдуллоҳ разиллоҳу анҳу бундай дейдилар:* “Мен Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламга ҳар бир мусулмонга насихат қилмоқликка байъат қилдим”.

**АБДУССАЙИД ибн АБУЛҲАСАН АЛИ ибн ал-ҲУСАЙН ибн АЛИ ал-МАВДАВИЙ ан-НАСАФИЙ** – имом, (Самарқанднинг) Кушондийза кўчасида яшаб, ҳижрий 524 (милодий 1129) йил, 21-жумод ал-увло, панжшанба кечаси вафот этган ва Чокардиза қабристони рўпарасига дафн қилинган. У ривоят қилган ҳадис куйидагича:

*Ҳазрат Али разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Илми бўлмаган ҳолда одамларга фатво берган кимсани осмону ердаги (барча) фаришталар лаънатлагайлар” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ АҲМАД АБДУЛАЗИЗ ибн МУҲАММАД ибн ал-МАРЗ-БОН ибн ТУРКАШ ТАКИЙ ибн КУШАЙР ибн ТАРХУН ибн КАНОДАРАНАК ибн ҒУРАК** – булардан Ғурак жоҳилият ва Ислоҳ даврида Самарқанд ихшиди (подшоҳи) бўлган.

Абу Аҳмад Абдулазиз амакиси Абулҳусайн Убайдуллоҳ ибн ал-Марзбон ва Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Бакрий Абулфазл Найраҳдан ҳадис ривоят қилган, ундан эса ўгли Аҳмад ва бошқалар ҳадис ривоят қилган. Куйида у Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Бакрийдан ривоят қилган ҳадиси шариф:

*Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Оллоҳ таоло кимнинг умрини олтмиш ёшгача чўзган бўлса, (демак) уни шунча вақт кечириб келган” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛАЗИЗ ибн МУҲАММАД ибн ЮСУФ ибн АҲМАД ибн НАСР ибн АФЛАҲ ан-НАСАФИЙ ал-МАВДАВИЙ** – факих ва муфтий. Факих Жаъфар ат-Тубнийдан кейин Насаф аҳлига муфтийлик қилган. Фикҳ ва ҳадис илмини Самарқанд ва бошқа жойларда ўрганган, бобоси – онасининг отаси Абу Али Муҳаммад ибн Ҳошим, Абу Бакр ибн Бандор, имом Абу Бакр ал-Қалосий, қози Халил ибн Аҳмад, Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Фазл, Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исмоил ва Абулҳасан ар-Рустафғиний раҳимаҳумуллоҳудан ҳадис тинглаган.

Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад бундай дейди: “Мен Абулҳасан Али ибн Саъид ар-Рустафғинийнинг куйидаги сўзларини эшитдим: “Солиҳ кишилардан бири

тушида Абу Наср ал-Иёзийни кўрди, ул кишининг олдиларида бир лаганда гул ва бир лаганда шакар (ёки қанд) бор бўлиб, гул тўла лаганни Абулқосим ал-Ҳакиймга, шакар (ёки қанд) тўла лаганни эса Абу Мансур ал-Мотурийдийга узатдилар. Иккалалари Абу Наср ал-Иёзийнинг шогирдлари бўлиб, (келажакда) Абу Мансур ал-Мотурийдий илми ҳақиқат (илм ул-калом) ва Абулқосим ал-Ҳакийм раҳимаҳумуллоху илми хикмат билимдонлари бўлишди”.

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛАЗИЗ ибн АБДУЛЛОҲ ас-САРАХСИЙ** – собиқ Илик ҳукмронлиги даврида Насафда икки бор қозилик қилган, ҳижрий 349 (милодий 959) йили Самарқандга келиб, Исо ал-Фағнавийдан фикҳ илмини ўрганган.

Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Абдуллоҳ ас-Сарахсий бундай дейди: “Биз, яъни мен, Абулаббос ал-Маъдоний, Абулаббос ибн Абу Жаъфар ас-Сарахсий ва бошқа бир гуруҳ кишилар муҳаддис Абулҳасан ибн Ҳамшод ас-Сарахсийдан ҳадис тинглаётган эдик. Мазкур Абулҳасан ибн Ҳамшод ас-Сарахсий мутаассиб бир шайх бўлиб, мендан бўлак шогирдларига нисбатан ғоятда қаттиққўл эдилар. Ўртоқларимдан фақат менгина ул кишига мурожаат қилмоққа ботина олардим, (чунки дарсларни яхши ўзлаштираётганим учун) ул киши мендан мамнун эдилар. Шул боис ўртоқларим менга: “Абу Ҳанифа раҳимаҳуллохунинг дўстларидан бири ҳузурингизда меҳмон бўлган кеча кўрган тушингизни айтиб берсангиз, деб ул кишидан илтимос қилгин!” – дейишди. Мен ул кишидан шундай деб илтимос қилдим. Шунда ул киши “Хўп” дея қуйидагини бизга ҳикоя қилдилар: “Тунлардан бирида дўстларингиздан бири менинг ҳузуримда меҳмон бўлди. Шунда мен у билан бирга хуфтон номозини ўқидим, аммо намоздан илгари бурним қонаб кетган бўлиб, унга бу хусусда айтмагандим. Сўнг, бошимни ёстикқа қўйиб, (эндигина) уйкуга кетгандим, (тушимда) бир киши келиб: “Оллоҳ таолонинг “(Эй Муҳаммад!) Хушхабар айтингиз ул бандаларимгаки, сўзни эшитурлар ва анинг яхшироғига тобё бўлурлар” (“Аз-Зумар” сураси, 17–18-оятлар) деган қавлини кироат қилмайсанми?!” – деди. У уч бор шундай деди, ҳатто


мен ўрнимдан туриб, таҳорат олдим-да, меҳмонни уйғотиб, уни кўрган тушимдан хабардор қилдим, сўнг у бирлан бирга хуфтон номозини иода айладим (қайта ўқидим)”.

(Юқоридаги ояти шарифалар саййидуно Усмон, саййидуно Абдурахмон ибн Авф, саййидуно Саъд, саййидуно Саъид, саййидуно Талха ва саййидуно Зубайр разияллоҳу таоло анҳум ҳақларида нозил бўлган бўлиб, улар саййидуно Абу Бакрдан иймон келтирганликларини эшитиб мусулмон бўдилар).

**АБДУЛАЗИЗ ибн МУҲАММАД ибн ал-ЛАЙС ас-САМАР-КАНДИЙ** – куйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган:

*Анас ибн Молик разияллоҳу таоло анҳу Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу таоло анҳудан ривоят қиладилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “(Замон охирида) умматларим орасида ихтилоф ва фарқлиши (бўлиниши) содир бўлур. Шунда гапга чечан, феъл-атвори қабиҳ, Куръонни бўғизларидан ичкарига ўтказмай (тил учида) ўқийдиган, ўқ камондан отилгандек диндан тез чиқадиган бир қавм пайдо бўлгай. Ул қавм энг бадхулқ ва энг қабиҳ махлуқ бўлиб, уларни ўлдирган ва улар ўлдирган умматимга (охират) бахт-саодати ёр бўлсин! Ул қавм (яна шундайки), ўзлари Куръондан ҳеч вақони билмаган ҳолда (ўзгаларни) унга даъват қилурлар. Умматларимдан кимки уларга қарши жанг қилса, Оллоҳ таоло(нинг марҳамати)га энг муносиб (энг ҳақлиг) киши бўлур” – деб марҳамат қилдилар. Ул зотнинг бул муборақ сўзларини эшитган саҳобалар: “Ё Расулalloҳ! Уларнинг қиёфалари қандай бўлур?” – деб сўрашди. Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “(Сочни) қирдириб юриш” – деб жавоб қилдилар”.*

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛАЗИЗ ибн МУҲАММАД ибн МУҲАММАД ибн ОСИМ ибн АЛИ ибн АФЛАХ ал-ОСИМИЙ ан-НАСАФИЙ ал-УСТУҒДОДИЙЗАВИЙ** – улўф ҳофиз. Ёшлигида Самарқандда кўпгина шайхлардан ҳадис тинглаган ва сочи оқаргандан кейин (кексайгандан кейин) у ердаги кўплаб илм толибларига ўз бисотидаги ҳадисларни ўқиб эшиттирган, ҳадис талабида Шарку Фарбга рихлат (сафар) қилган, ҳижрий 455 (милодий 1062) йили Насафдаги Устуғдодийза кишлоғида вафот этган.



Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад қози ва имом Абулҳасан Муҳаммад ибн Абулқосим Али ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Саҳр ал-Аздийдан Самарқанд илм толибларига айтиб туриб ёздирган ҳадиси шариф қуйидагича:

Абу Масъуд ал-Бадрий разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: *“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Илгариги (дастлабки) пайгамбарликдан одамларга етиб келган калом (сўзлар)дан бири – “Агар уялмасанг, билганингни қил!” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБДУЛАЗИЗ ибн АБДУРРАЗЗОҚ ибн АБУ НАСР ибн ЖАЪФАР ибн СУЛАЙМОН ибн МАТАКОН ал-МАРҒИЙ-НОНИЙ** – шайх, имом, абул-аимма (имомлар отаси). Самарқандга икки бор келган, ҳижрий 477 (милодий 1083) йили Марғилонда 68 ёшида вафот этган. Унинг ўғли “Ал-Узқиндий” (“Ал-Ўзғандий”) нисбати билан элга машҳур шайх, қози, улуғ имом, қозий улқузот (бош қози), шамс ул-Ислом (Ислом қуёши) Маҳмуд ибн Абдулазиз ибн Абдурраззоқ раҳимаҳуллоҳу: *“Отам бизга (қуйидаги ҳадисни) хабар қилгандилар”, – дейди:*

*Ан-Нуъмон ибн Башиър (ал-Ансорий) разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Мўминлар ўзаро раҳмдиллик, меҳрибонлик ва ҳамдардлик борасида аъзоларидан бири дардга чалинганда қолган барча аъзолари бир-бирини уни ҳифзу ҳимоят айламоққа чорлаган тана янглиг бўлмоқлари даркор!” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛАЗИЗ ибн УМАР ибн АБДУЛАЗИЗ МОЗИҲ** – шайх, улуғ имом, бурҳон ул-аимма (имомлар ҳужжати.) Ҳижрий 518 (милодий 1123) йил, зулкаъда ойининг 9-куни Бухорода вафот қилган. Кўп марта Самарқандга келиб, илм толибларига ҳадис ривоят қилган ва маҳаллий шайхлар билан мунозаралар юритган. У шайх Абулҳасан Ато ибн Аҳмад ибн Жаъфар ал-Ҳиравийдан қуйидаги ҳадисни ривоят қилган:

*Сафийна разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг “Халифалик 30 йил бўлур, кейин у мулк (подшоҳлик)ка айланур” – деб марҳамат қилганларини эшитдим. Дарҳақиқат, Абу Бакр разияллоҳу таоло*


*анхунинг халифаликлари 2 йил, Умар разияллоху таоло анхунинг халифаликлари 10 йил, Усмон разияллоху таоло анхунинг халифаликлари 12 йил ва Али разияллоху таоло анхунинг халифаликлари 6 йил давом этди”.*

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛҲАМИД ибн ҲАМИД ибн НАСР ал-КИССИЙ (ал-КЕШИЙ) ал-ҚУРАШИЙ** – улуг имом. Элда “Абд ибн Ҳамид” номи билан машхур, “Ат-Тафсир” ва “Ал-Муснад” номли асарлар муаллифи. Абдурраззоқ ибн Хумом ас-Санъоний, Мусо ибн Исмоил ат-Табузаккий, Язид ибн Ҳорун ва бошқа кўпгина шайхлардан, шунингдек Яман ва Ироқ ахлидан ҳадис тинглаган, ундан эса Муслим ибн ал-Ҳажжож ал-Қушайрий, Абу Исо ат-Термизий, Ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Нуҳ ибн Суфён ас-Салмий ас-Самарқандий ҳадис ривоят қилган. Имом ал-Бухорий ўзларининг “Ат-Таърих” номли асарларида унинг хусусида эслатиб ўтганлар ва ундан ҳадис ривоят қилганлар.

Абу Муҳаммад Абдулҳамид ибн Ҳамид (Абд ибн Ҳамид) ҳижрий 249 (милодий 862) йил, рамазон ойининг 20-куни, якшанба тонгида вафот қилган. Ҳикоя қилинишига кўра, ул киши: “Мен ҳадис талабида (юртма-юрт кезиб юрган чоғларимда бировлар ерга ташлаган) қовун пўчоғларини олиб ер эдим” – деган экан. Кеш аҳли Мовароуннаҳрнинг бўлак шаҳарлари аҳли олдида ул киши билан ифтихор қилур эди ва бунга улар ҳақлиғ эди. Ўша вақтда ул кишининг ҳузурига бутун дунёдан ҳадис толиблари рихлат қилишган. Самарқанд, Бухоро ва Насаф аҳли ул кишидан ҳадис ривоят қилган, Шурайх ибн Шарға, Маҳмуд ибн Анбар ва бошқалар шулар жумласидандир.

Кунлардан бир куни Абд ибн Ҳамид уйида бетоб бўлиб ётган Яҳё ибн Абдулғаффор ал-Киссийни кўргани кирадида, йиғлаб туриб: “Эй Абу Закарийё! Оллоҳ таоло сендан кейин мени (бу дунёда) қолдирмайди”, – дейди. Буни карангки, Яҳё ибн Абдулғаффор вафот қилган куннинг эртасига соппа-соғ юрган Абд ибн Ҳамид ҳам оламдан кўз юмиб, иккаласининг тобути бир кунда кўтарилади.

Абд ибн Ҳамиднинг ўғли Муҳаммаднинг айтишича, Қутайба ибн Саъид: “Агар Термизга борсангизлар, Аҳмад



ибн ал-Ҳасаннинг этагидан маҳкам тутингизлар, агар Кешга борсангизлар, Абд ибн Ҳамиднинг этагидан маҳкам тутингизлар, агар Бухорога борсангизлар, Абдуллоҳ ибн Абдулрахмоннинг этагидан маҳкам тутингизлар ва агар Шошга борсангизлар, Абдуллоҳ ибн Абу Аробанинг этагидан маҳкам тутингизлар!” – деб айтган экан.

Абд ибн Ҳамиднинг ўгли Муҳаммад яна бундай дейди: “Асли-наслимиз Кеш кишлоқларидан бири – Ғазниёндан бўлиб, бобом Ҳамид ибн Наср Бағдодда туғилганлар, чунки бобомнинг отаси (бобокалоним) Наср халифа Абу Жаъфар ал-Мансур (? – 775) эшиги (саройи)даги муқим (элчи, вакил)лардан эдилар. Бобокалоним, Бағдоддаги муқимликлари муддати чўзилиб кетгач, оилаларини Бағдодга кўчириб олиб кетганлар. Шундай қилиб, бобом Ҳамид ўша ерда туғилиб, ўша ерда улғайганлар. Ул киши ҳар соҳада – араб тили, аруз, назм ва бошқа илмлар бобида фасоҳат соҳибларидан эдилар, шунингдек ул киши адиб, қори ҳам бўлиб, Қуръони Каримни ғоятда чиройли қироат қилур эдилар ҳамда одамларга ҳам уни тиловат қилмоқни ўргатур эдилар. Бобом Қуръони Каримни тунда бир марта ва кундузи бир марта хатм айлардилар, тахминан 30 йил давомида ҳар куни рўза тутганлар, мен ул кишининг фақат (қурбон) ҳайитининг икки куни ва ташриқ кунлари (ҳайит ўтгач, қурбонлик гўштлири офтобда қуритиладиган уч кун)гина ифтор қилганларини кўрганман, холос. Мен ул кишининг тунда ҳам, кундузи ҳам ухлаганларини сира кўрган эмасман, агар уйку голиблик қилса, ёнбошламай, ўлтирганча бироз мизғиб олардилар, уйга фақат ҳожат ва таҳорат учунгина кирар, қолган вақт узлуксиз масжидда бўлардилар, ниҳоятда тақводор эдилар. Ул кишининг тўрт ўғиллари – отам, Абу Муслим, Абу Абдуллоҳ ва Абу фалон деган яна бир фарзандлари бўлган. Ўша (мен исмини келтирмаган) тўртинчи ўғиллари рофизийликка (Абу Бакр ва Умар разияллоху анҳумони халифа деб байъат қилган саҳобаи киромларга қарши чиққан, уларни халифа деб тан олмай, Расулуллоҳ саллалллоху алайҳи ва салламдан кейин Ҳазрат Али имом бўлмоқлари лозим, дегувчи тоифага) мансубликда айбланганди. У ўлганда бобом масжидга кириб, Оллоҳ таолога тўрт рақъат шукрона намози ўқигандилар.



Бобомнинг бир кўзлари чечак туфайли, иккинчи кўзлари эса Навқаддаги узумзорларида чўп кириб кетиб кўр бўлиб қолганди”.


Абд ибн Хамид куйидаги ҳадисни Абдулраззоқдан ривоят қилган:

*Рофиъ разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга бозорга бордим. Шунда Жаноб Расулуллоҳ: “Эй савдо аҳли!” – деб хитоб айлаб эдилар, одамлар ул зотга қараб: “Лаббай, ё Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам” – деб ижобат қилишди. Кейин, Жаноб Расулуллоҳ уларга: “Дарҳақиқат, тақводор, ҳалол ва ростгўй савдо аҳлидан бўлак барча савдогарлар қиёмат кунини фожирлар (бузғунчилар) сифатида қайта тириштириладилар” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ МАНСУР АБДУЛҲАМИД ибн АБДУЛЛОҲ ибн АБДУЛВОҲИД ал-МУАЗЗИН ал-ФОРИСИЙ** – Самарқандда куйидаги ҳадиси шарифни Абу Саҳл Ҳорун ибн Аҳмад ал-Астрободийдан ривоят қилган:

*Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Оллоҳ азза ва жалла: “Агар бандам бирор амали солиҳ қилмоқчи бўлса-ю, аммо уни қилолмаса, мен унга бир амали солиҳ қилганлик савобини ёзурман, агар уни қилолса, мен унга ўндан то етти юз карра кўп савоб ёзурман ва агар бандам бирор ёмон амал қилмоқчи бўлса-ю, аммо уни қилмаса, мен унга гуноҳ ёзмайман, агар уни қилса, мен унга бир гуноҳ ёзурман” – деди” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛҲАМИД ибн МАНСУР ибн МУҲАММАД ибн ИБРОҲИМ ибн АБДУЛЛОҲ ибн МУҲАММАД ибн БАШИР ибн КОМИЛ ибн ЗАЙД ибн САЪИД ибн ал-ҲАСАН ибн АҲМАД ибн МУҲАММАД ибн МУЪТАМИР ибн АБДУЛЛОҲ ибн ЗАЙД ибн МУҲАММАД ибн ЖАРИР ибн АБДУЛЛОҲ ал-БАЛҲИЙ** разияллоҳу анҳу – шайх, ироқлик қори ва қорилар бошлиғи, ҳижрий 486 (милодий 1092) йил, зулқайда ойининг еттинчисида, чоршанба кунини тонгда вафот этган. У шайх Абу Наср ал-Ҳусайн ибн Абдулвоҳид аш-Шерозийдан ривоят қилган ҳадис куйидагича:




*Убай ибн Каъб разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:*  
*“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қайси бир муслим Қуръоннинг “Фотиҳа” сурасини тиловат қилса, унга шундай бир ажр ато этилурки, гўёки у ҳар бир мўмин ва мўминага садақа (эҳсон) қилгандек бўлур” – деб марҳамат қилдилар”.*

**НАСИЙРУДДИН АБУ МУҲАММАД АБДУЛҲАМИД ибн УМАР ибн ал-ҲУСАЙН ибн АЛИ ибн АМР ал-ҚАТВОНИЙ** – имом. Ҳижрий 523 (милодий 1128) йил, шаъбон ойининг охириги кунни, якшанбада вафот қилган ва Чокардиза қабристонига дафн этилган. У бобоси имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ал-Муфтий ал-Қатвонийдан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

*Анас разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳина гулларини ёқтирардилар, ул зот энг хуш кўрган таом – қовоқ (ширқовоқ) эди”.*

**АБУ ЯЪЛО АБДУЛМУЪМИН ибн ХАЛАФ ибн ТУФАЙЛ ибн ЗАЙД ибн ТУФАЙЛ ибн ШАРИЙК ибн ШАММОС ибн ЗАЙД ибн ал-ҲОРИС ибн МУСЛИМ ат-ТАМИМИЙ ал-УММИЙ** – Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари Ал-Ҳорис разияллоҳу анҳу авлодларидан, Шарқ ва Ғарбга рихлат қилиб, кўплаб ҳадис жамлаган, мингдан ортиқ ровийлар ундан ҳадис ривоят қилган. У ғаройиб саргузаштлар соҳиби, ишончли, ҳалол киши эди.

Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф Насаф шаҳрида бобоси Абу Зайд Туфайл ибн Зайд, тоғаси Абу Муҳаммад Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Ажнас ва бошқа насафликлардан, Бухорода Солиҳ Жазара ва бошқа тенгдошларидан, Самарқандда Имом Муҳаммад ибн Наср ал-Марвазий ва бошқалардан, Суғда Арбинжон, Ал-Косония, Ал-Дабусия ва бошқа шаҳарлар ахлидан, Кешда Муҳаммад ибн Абд ибн Ҳамиддан, Термизда Аҳмад ибн Солиҳдан, Балхда Абдуссамад ибн ал-Фазлдан, шунингдек Хуросоннинг бўлак ахлидан, Бағдодда Ал-Кудаймий ва шу кабилардан, Басрада Ал-Фазл ибн Хубоб ал-Жумахий ва шунга ўхшашлардан, Ал-Мавсилда




Абу Яъло ал-Мавсилийдан, шунингдек Восит, Ар-Раққа, Димёт ахлидан, Маккада Али ибн Абдулазиз, Бакр ибн Саҳл ад-Димёттий ва бошқалардан, Яман Санъоси ахлидан, Миср ва Шомда Ҳалаб, Ҳимс, Димашқ, Сайдо, Раъс ул-Айн, Ниссийбийн, Ҳирмилийа, Манбиж, Антокия, Ал-Масийса, Қайс, Сур, Ар-Рофика, Байрут ва бошқа шаҳарлар ахлидан ва Байт ул-Макдис, Ар-Рамла, Тарсус, Хайла ва бизда унча машҳур бўлмаган бошқа юртлар ахлидан ҳадис ёзиб олган. У ҳижрий 259 (милодий 872) йил, шаъбон ойининг ўрталарида кечаси дунёга келиб, ҳижрий 346 (милодий 957) йил, 11-жумодал-охира, панжшанба куни вафот этган бўлиб, 85 йилу 4 куни кам 10 ой яшаган.

Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халафнинг каромотларидан бири қуйидаги воқеаларда намоён бўлган:

Бир куни бир ўғри унинг уйига нақб (лаҳим) кавлаб, ичкарига киради-да, у ерда кўзига кўринган жамики нарсаларни йиғиштириб бир тугунга тугади. Сўнг, тугунни олиб лаҳим орқали кўчага чиқади ва бозорчадаги нонвой дўконига кириб, тугунни олдига қўйганча тонга қадар ўша ерда писиб ўлтиради. Тонгда одамлар кўчага чиқишиб, шайх Абу Яъло уйининг таги кавланганини кўришади-да, ўғрини ахтариб, ниҳоят уни нонвой дўконидан тугунни олдига қўйганча писиб ўлтирган ҳолда топишади. Ўғрининг оёқлари азбаройи кўрқиб кетганидан юрмоққа бўйсунмасди. Сўнг, одамлар ўғрини маҳкам ушлаб, қамоққа бормоққа мажбурлаб эдилар, унинг оёқлари итоат айлаб, у ерга ўзи юриб борди. Абу Яъло бу воқеадан хабардор қилинганч, амирга бир одамни юборади-да, ўғрининг гуноҳидан ўтиб, уни озод қилганлигини маълум қилади.

Дайлабий Насафда фитна содир бўлганда Абу Яълонинг юзига шапалок уради, унинг одамлари аҳоли уйларига бостириб кириб, уларнинг мол-мулкани талон-тарож қилади, ўша кундан эътиборан Дайлабий онти (қасами) бузилади. Сўнг, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Али ибн ал-Хусайн тушида бир кишининг Абу Яъло кўчаси бошида туриб: “Кимки мустақим йўлни хоҳласа, Абу Яълонинг этагидан маҳкам тутсин!” – дея икки қўли билан унинг уйини кўрсатаётганини кўради. Шунда Абу Яъло ҳали ҳаёт эди.

Абдулхамид ибн ал-Муътасим ан-Насафий бундай дейди:



“Абу ат-Тоййиб ал-Мусъабий султоннинг вазири бўлиб, қармаглар таассуби туфайли Абу Усмон Саъид ибн Иброҳимни султон хузурига жўнатганди. Бу воқеа рамазон ойида содир бўлган бўлиб, Абу Яъло (рамазоннинг) 27- кечаси ўз масжидида хатми Куръон қилаётганди. Одамлар унинг дуо қилмоғини ишашарди, масжидда жуда кўп одам тўпланганди. Шунда мен Абу Ғиёс Хафс ибн Амрга: “Бугун тунда шайх Абу Яъло хатми Куръон қилади. Биз билан юргил, унинг масжидига бориб, даъватини эшитайлик!” – дедим. Сўнг, у биз бирлан масжидга борди. Абу Яъло Куръони Каримни хатм қилгач, қаддини ростлади-да, дуои хатм айлади. Дуосининг охирида Абу ат-Тоййиб ал-Мусъабий хусусида зикр қилиб, унга ва қармагларга ҳалокат тилади, Абу ат-Тоййиб ал-Мусъабийни султоннинг вазири эканлигига қарамай, даҳрийлик ва худосизликда айблади. Кейин, у Абу Усмон Саъид ибн Иброҳимнинг бошига тушган балолардан халос бўлмоғини тилаб, дуо қилди. Бунини эшитиб, Абу Ғиёс ғоятда дарғазаб бўлди, агар ердан бирор тешик (ёрик) топганда, ўзининг бу ерда эканлигини бирор киши кўриб қолмаслиги учун унга кириб кетган бўлур эди. Кейин, у: “Нега мени масжидга олиб келдинг?!” – дея мени урушди.

Шу воқеадан бир-неча кун ўтмай, вазир Абу ат-Тоййиб ал-Мусъабийни ўз хизматкорлари ғоятда азоблаб ўлдиргани хусусида хабар келди. Абу Усмон эса нажот топиб, молу жони омон қолди. У Бухородан соғ-саломат қайтиб, қармагларни таг-томири билан йўқ қилгунча тинчимайди”.

Абу Жаъфар Муҳаммад ибн ал-Хусайн ибн Али ибн ал-Хусайн ан-Насафий бундай дейди: “Мен Абу Яъло вафот қилганда жанозасида қатнашдим. Унинг тобути мусалло (намозгоҳ)га қўйилган бўлиб, одамлар у билан видолашгани тўп-тўп бўлиб келишарди. Шу вақт ғойибдан уруш май-донидаги каби ноғоралар овози янграб қулоқларимизни шул қадар қоматта келтирдикки, ҳатто биз бирор кўшин келаёт-тирми, деб ўйладик, ичимизда: “Қанийди, кўшин босиб келмасидан бурун жаноза намозини ўқиб олсайдик!” – дер эдик. Одамлар тўпланиб, жаноза намозига сафланганларида бирдан бояги ноғоралар овози гўё умуман бўлмагандек бирдан жимиб қолди”.

Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф куйидаги ҳадисни Абу Бакр Муҳаммад ибн Исмоилдан ривоят қилган:

*Анас разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Оллоҳ таоло фақат амал қилинган сўзнигина қабул айлар, у фақат ният қилинган сўзу амални қабул айлар ва у фақат суннатга асосланган сўзу амалу ниятнигина қабул айлар” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ АҲМАД АБДУЛМУЪМИН ибн АБДУРРАҲМОН ал-ҒАЗЗОЛІ ас-САМАРҚАНДИЙ** – шайх. Куйидаги ҳадисни Абу Умар Абдулмалик ибн Алидан ривоят қилган:

*Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жуфти ҳалоллари Умму Ҳабиба разияллоҳу таоло анҳо бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Фаришталар кўнгириги бўлган йўловчилар ёки қарвонга ҳамроҳлик қилмаслар” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБДУЛМАЖИД ибн ЮСУФ ибн ШУЪАЙБ аш-ШАЛЖИЙКАСИЙ** – шайх ва имом. Самарқандда илми фикҳдан таҳсил олган ва ўша ерда яшаб, ҳижрий 457 (милодий 1064) йил, 19-жумод ал-охира, шанба куни тахминан 80 ёшларда вафот этган. У имом, устоз Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуorraҳмон ибн Халаф ал-Фанухийдан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

*Ҳазрат Усмон ибн Аффон разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг “Кимки Оллоҳ таоло учун масжид курса, Оллоҳ таоло ҳам унинг учун жаннатда худди шундай масжид бунёд қилур” деб марҳамат қилганларини эшитдим”.*

**АБУЛАЛО АБДУЛМАННОН ибн ХАЛАФ ибн ТУФАЙЛ ибн ЗАЙД ибн ТУФАЙЛ ибн ШАРИЙК ибн ШАММОС ибн ЗАЙД ибн ал-ҲОРИС ат-ТАМИМИЙ** – Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халафнинг биродари, Маҳмуд ибн Анбар, Асад ибн Ҳамдуйа, Муҳаммад ибн Толиб ва унинг биродаридан ҳадис тинглаган. Ундан эса ўғли Абулйуср Абдулмутаъол (Абдулмутаъолий) ибн Абдулманнон ҳадис ривоят қилган.

Абулало Абдулманнон ибн Халаф ҳижрий 340 (милодий 951) йил, ражаб ойининг бошларида, панжшанба куни аср вақтида вафот қилган, унга биродари Абу Яъло жаноза ўқиган. У куйидаги ҳадисни Абу Саъид Халаф ибн Сулаймондан ривоят қилган:

*Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдишар: “Мен Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан: “Қайси амал афзал?” – деб сўрадим. Ул зот: “Вақти бўлиши биланок ўқилган намоз” – деб марҳамат қилдишар”.*

**АБУЛҲУСР АБДУЛМУТАЪОЛ (АБДУЛМУТАЪОЛИЙ) ибн АБДУЛМАННОН ибн ХАЛАФ ибн ТУФАЙЛ ат-ТАМИМИЙ ан-НАСАФИЙ (АБУЛҲУСР ибн ал-АЛО ибн АБУ СОЛИҲ ибн АБУ ЗАЙД ал-АБД ас-СОЛИХ)** – отаси, амакиси Абу Яъло, Муҳаммад ибн Толиб, Саъид ибн Иброҳим ибн Маъқил, Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Анбар ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган, ҳижрий 358 (милодий 968) йил, 6-жумод ал-увло, шанба куни ҳаждан қайтаётиб Аскар Муқрам (Эрондаги шаҳар)да вафот этган.

Исмоил ибн Аҳмад ибн Али ибн Тоҳир ал-Жавбакий бундай дейди: “Бир куни биз Абулҳусрнинг масжидида эдик, чолғу асбобларининг овозини эшитдик. (Масжиддагилар): “Шаҳар улуғлари ва Тубан оқсоқоли фалончининг ҳовлисида ичкиликбозлик учун тўпланишган”, – дейишди. Шунда Абулҳуср ўрнидан туриб икки ракъат намоз ўқиди. Сўнг, бизга “Турингизлар, кетдик!” деган маънода ишора қилди. Аммо, Абу Али ал-Хоруний: “Менинг шапалоғу тепкига эҳтиёжим йўк” – дея биз бирлан бормоққа унамади. Кейин, Абулҳуср ва биз ўрнимиздан туриб ўша ичкиликбозлик бўлаётган хонадон эшигига қадар бордик, лекин отлару хизматкорларнинг кўплигидан ичкарига кирмоққа йўл тополмадик. Шунда Абулҳуср отлару хизматкорларни оралаб ўтди-да, эшик олдида турганча таржийъ бирлан азон айтди. У иккинчи бор “Ашҳаду алло илоҳа иллаллоҳ” деганда овозини шунчалик баланд кўтардики, ҳатто амир Абу Бакрнинг ўшанда: “Биз Абулҳусрнинг овозини эшитиб таърифлашга тил ожиз даражада даҳшатга тушдик, ҳатто менинг ичим ҳам ўтиб кетди, биз қўрқувдан ҳар томонга тумтарақай қочиб беркиндик” – деганини кейинчалик менга айтишганди.

Абулйуср (азон айтиб бўлгач, хувилаб қолган) ҳовлига кириб, чолғу асбоблари-ю, ичкилик солинган идишларга кўзи тушди. Шунда у енгидан қаламдонини чиқариб, ундан бир пичоқчани олди-да, чолғу асбобларининг торларини қирқишга тушди, биз эсақ табассум бирла уни кузатиб турардик. Кейин, у ичкилик солинган кўрғошин идишларни бирин-кетин ҳовлидаги ариқ бўйига олиб бориб, ҳаммасини тўкиб ташлади-да, ташқарига чиқиб кетди. Шу-шу бўлди-ю, ўшал тоифа қайта ичкиликбозлик қилмоққа тўшланмади.

Абулйуср Абдулмутаъол ибн Абдулманнон куйидагини Муҳаммад ибн ал-Мункадирдан ривоят қилган:

*Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Идишни тўнтарган каби Исломни тўнтарадирган энг биринчи нарса – одамларнинг тақдир хусусидаги гапларидир”.*

**АБУ АҲМАД АБДУЛКАРИМ ибн АБДУРРАҲМОН ас-САМАРҚАНДИЙ** – ҳоким. Куйидаги ҳадисларни Абулҳасан Муҳаммад ибн ал-Маккий ибн Муҳаммад ибн Ҳомид ал-Балхий ас-Сайдалонийдан ривоят қилган:

*Абдурраҳмон ибн Шибл разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Савдо аҳли бузғунчилардир” – деб марҳамат қилганларини эшитдим. Шунда: “Ё Расулаллоҳ! Оллоҳ таоло савдо-сотикни ҳалол қилган эмасми?!” – дейилди. Ул зот: “Ҳа, шундай, ҳалол қилгандир. Лекин, савдо аҳли қасам ичиб, жиноят (ғуноҳ) қилади, гапириб туриб алдайди” – деб марҳамат қилдилар”.*

*Абдурраҳмон ибн Шибл разияллоҳу таоло анҳу (яна) бундай дейдилар:*

*“Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Бузғунчилар (фосиқлар) жаҳаннам аҳлидандир” – деб марҳамат қилганларини ҳам эшитдим. Шунда: “Ё Расулаллоҳ! Бузғунчилар ким?” – дейилди. Ул зот: “Аёллар” – деб марҳамат қилдилар. Бир киши: “Ахир, улар оналаримиз, опа-сингилларимиз ва хотинларимиз эмасми?!” – деди. Ул зот: “Ҳа, шундай, улар оналаримиз, опа-сингилларимиз ва хотинларимиздир. Лекин, улар ўзларига бирор нарса ато қилинса, шукр қилмаслар ва бошларига бирор мусибат тушса, сабр айламаслар” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛКАРИМ ибн ЖАЪФАР ибн ИБРОҲИМ ибн АЛИ ал-ЖАВЗАҚИЙ ал-ҲАЖЖОЖ ас-САМАРҚАНДИЙ** – Ироқ, Ҳижоз ва Шомда кўплаб шайхлардан ҳадис ёзиб олган, Самарқандда эса шайхлардан ҳадис тинглаган ва илм толибларига ўз бисотидаги ҳадисларни ривоят қилган. У ҳижрий 455 (милодий 1062) йили Самарқандда тинглаган ҳадислардан бири куйидагича:

*Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Дарҳақиқат, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Жумъа намози (ёки жамоат бирла ўқилган намоз) ёлғиз ўқиган намозингиздан 25 марта афзал (савоблироқ)дир” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛФАЗОИЛ АБДУССОДИҚ ибн АБДУЛХОЛИҚ ибн АБДУРРАҲМОН ибн КОСИМ ибн ал-ФАЗЛ ибн АБДУРРАҲИМ ибн ал-ҲУСАЙН ибн ар-РАБИЙЪ ан-НАВҚАДИЙ** – имом ва ҳажжож (ҳажга жўнатувчи). Самарқандда ҳадис ривоят қилган, ҳижрий 450 (милодий 1057) йил, барот ойи кечаси дунёга келган. У ҳижрий 520 (милодий 1125) йил, рабийъ ул-аввал ойида Самарқандда Имом ул-Ҳарамайн Абу Абдуллоҳ ал-Ҳусайн ибн Али ат-Табарийдан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

*Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Бу дунё мўминга зиндон, кофирга жаннатдир” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛМУТАҲҲИР АБДУРРАШИД ибн АҲМАД ибн ТОҲИР ибн ИВАЗ ибн АЛИ ибн АБДУЛҚОҲИР ат-ТОҲИРИЙ ас-САМАРҚАНДИЙ** – ҳижрий 453 (милодий 1060) йил, жумод ал-охира ойи, жумъа куни дунёга келган. Самарқанд, Хуросон, Ироқ ва Шомда кўпгина шайхлардан ҳадис ёзиб олган ҳамда Самарқанддаги Дор ул-Жузжонияда Ал-Малик Наср ибн Иброҳим унга ўз бисотидаги ҳадисларни айтиб туриб ёздирган. У Шамсулмулк Наср ибн Иброҳимдан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

*Ал-Фазл разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг “Умар ибн ал-Хаттоб (разияллоҳу таоло анҳу) мен севган жойда мен*



бирлан биргадир, мен ҳам у севган жойда у бирлан биргадирман ва мендан кейин ҳақиқат Умар ибн ал-Хаттоб (разияллоҳу таоло анҳу) қаерда бўлса, ўша жойдадир” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУ МУҲАММАД АБДУЛМАНСУР ибн АБДУРРАЗЗОҚ ибн ЖАЪФАР ибн АҲМАД ибн ИСМАТ ан-НАСАФИЙ** – шайх. У қози ва имом Абулфаворис Абдулмалик ибн ал-Хусайн ан-Насафийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Пайгамбаримиз алайҳиссалом: “Бу Байтуллоҳга ҳаж қилган кимса шалоқ сўзламай, бузгунчилик қилмай, онасидан тугилган кундагидек (нок бўлиб) қайтади” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУ АБДУРРАҲМОН АБД ибн САҲЛ ибн МУҲАММАД аз-ЗОҲИД ал-ҲАДДОД ас-САМАРҚАНДИЙ** – Абулайс ал-Бухорий, Саъид ибн Ҳошим ал-Коғазий ас-Самарқандий, Умар ибн Ҳафс ал-Боҳилий ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳошим аз-Заҳабий ҳадис келтирган.

Абу Абдуллаҳмон Абд ибн Саҳлнинг калитига “Қаю инсон маломатдан қочибди, саломатлик унга бағрин очибди” деб ёзиб қўйилган экан.

Муҳаммад ибн ал-Валийд бундай дейди: “Макка зоҳидларидан бири бир нонга “Мен бунинг ҳамирини замзам сувига қорганман” деб ёзди-да, уни Абу Абдуллаҳмонга тортиқ қилди. Шунда Абу Абдуллаҳмон: “Бундан кўра бунинг уни қаердан эканлигини бизга маълум қилганда, яхшироқ бўлур эди, биз ҳалол сувни ҳов анави ердан ҳам топа олурмиз, гап унинг уни қаердан эканлигидадир” – деди-да, ўшал нонни емади.

Бир хожи Абу Абдуллаҳмонга бир қанча хурмо тортиқ қила туриб: “Булар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинада ўз қўллари бирлан эккан хурмо дарахтлари ҳосилидандир” – деб эди, у уни олмади. Хожи “олинг!” деб қисталанг қилавергач, Абу Абдуллаҳмон: “Менинг бир ҳожатимни чиқарсанг, олурман”, – деди. Хожи: “Хўп, розиман” – деб айтди. Абу Абдуллаҳмон: “Ундай бўлса,

хурмоларни қабул қилдим, ҳожатим эса мана бу ерга ўлтириб буларни ўзинг емоғингдир”, – деди. Ҳожи ул хурмолардан бир нечасини егач, Абу Абдурраҳмон: “Қанчасини единг?” – деб сўради. Ҳожи: “Йигирма бештасини”, – деди. Абу Абдурраҳмон: “Сен хурмо тановул қилаётган вақтингда мен “Қул ҳуваллоҳу аҳад”ни йигирма беш марта ўқидим. Менга айтчи, Қиёмат куни сенга қай бири афзал? Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам эккан хурмо дарахтлари мевасини еганингми ёхуд Оллоҳ таоло ўз сифатлари хусусида нозил қилган сурани тиловат қилганингми?” – деди”.

**АБУ МУҲАММАД АБД ИБН АҲМАД ал-АТТОР ас-САМАРҚАНДИЙ** – Ад-Доримийдан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса Абу Амр Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Усфурий ҳадис келтирган. У Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ад-Доримий ас-Самарқандийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Ҳазрат Али разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Сизларнинг яхшиингиз – Қуръонни ўрганиб, уни (бировга ҳам) ўргатган кишидир” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ МАНСУР АБД ИБН АҲМАД ИБН ИСҲОҚ ал-ЛУЪЛУЪИЙ ас-САМАРҚАНДИЙ** – Али ибн Исҳоқ ибн Зотйодан ҳадис ривоят қилган, у қуйидагича:

*Ибн Умар разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Сизлар “Ло илоҳа иллаллоҳ” деган кишининг ортида (яъни, унга иқтидо қилиб) намоз ўқингизлар ва “Ло илоҳа иллаллоҳ” аҳлига мансуб ўлган кимсага жаноза ўқингизлар” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБД ИБН ЯҲЁ ал-КИССИЙ (ал-КЕШИЙ)** – Самарқандда ҳадис ривоят қилган. У ҳижрий 307 (милодий 918) йили Самарқандда Муқотил ибн Абдуллоҳ ал-Киссийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Анас ибн Молик разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Бир мўминнинг ўлдирилмоғидан кўра дунёнинг йўқ бўлмоғи Оллоҳ таолога энгилроқдир” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ САҲЛ АБД ибн МУҲАММАД ибн ИБРОҲИМ ал-КОТИБ ас-САМАРҚАНДИЙ ал-МАДИЙНИЙ** – “Ҳавзу муфтий” (“Муфтий ҳовузи”) деган жой яқинида истиқомат қилган, Абд ибн Мағт номи билан элга танилган. У Абу Саъид Исмаил ибн Масъуд ас-Самарқандийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Нуъмон ибн Башир разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Дарҳақиқат, ҳалол нарсалар ҳам аниқ, ҳаром нарсалар ҳам аниқ, (аммо) уларнинг орасида (ҳалол ё ҳаромлиги) шубҳали нарсалар мавжуд. Кимки шубҳали нарсалардан тақво айласа, динини нуқсонлардан, обрўини таъналардан асраган бўлур ва кимки ўзини шубҳали нарсалардан тиймаса, ҳаромга қўл урган баробарида бўлурки, у бировнинг экини атрофида қўй боқиб юриб, (беихтиёр) қўйларига ул экиндан едириб қўйиш арафасида турган бир чўпонга ўхшайди, (чунки у шу залда давом этса, бир кун эмас бир кун ҳаромга қўл урган билмай қолур). Огоҳ бўлингизлар! Ҳар бир подшоҳнинг ўз дахлсиз нарсалари мавжуд, Оллоҳ таолонинг дахлсиз нарсалари эса, унинг ҳаром қилган нарсаларидир. Огоҳ бўлингизлар! Инсон жисмида бир парча эт бор, агар у соғ бўлса, бутун тана соғ бўлур ва агар у бузилса (айниса), бутун тана бузилур. Огоҳ бўлингизлар! У қалбдир” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБД ибн ал-БАХТАРИЙ ибн ҲАМДОН ибн ШАРОФ ибн ХУРОСОН ан-НАСАФИЙ** – Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Абдулмажид ундан қуйидаги ҳадисни ривоят қилган:

*Ибн Аббос разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир куни менга: “Ҳазрат Жаброил алайҳиссалом қувваи ҳофиза хусусида менга ўргатган бир ҳадя (дуо)ни сенга тортиқ айламайинми?” – деб марҳамат қилдилар. Мен: “Ҳа, тортиқ қилингиз, ё Расулаллоҳ!” – дедим. Шунда Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Бир жомга “Фотиҳа” сурагини, икки “Кул аъзу”ни, “Кул ҳуваллоҳу аҳад”ни ва “Ёсин” сурагини охиригача, “Воқиъа” сурагини охиригача, “Мулк” сурагини охиригача, “Ҳашр” сурагини охиригача заъфарон бирла ёзасан. Сўнг, жомга покиза сув*

қуясан. Кейин, уни уч мисқол сут, ўн мисқол оқ шакар, ўн мисқол оқ асал қўшиб наҳорга, саҳар вақтида ичасан. Уни ичганиндан кейин, икки рақъат намоз ўқийсан, ҳар рақъатида юз марта “Кул ҳуваллоҳу аҳад” ва эллик марта “Фотиҳа” сураларини тиловат қиласан. Сўнг, рўза- тутасан. Қарабсанки, қирқ кун ўтар-ўтмай, ишшоаллоҳ, ҳофиз (қувваи ҳофизанг кучли) бўласан. Бу айтганларим чин иймонли кишиларга тааллуқлидир”.

Ибн Аббос: “Биз буни синаб кўргандик, Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг айтганларидек бўлиб чиқди. Мен Ислождан кейин Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга ўргатган нарсадан қувонганчалик ҳеч нарсадан қувонмагандим”, – дейдилар.

Зухрий: “Биз буни синаб кўриб, фойдали эканлигини билдик”, – дейдилар.

Исом: “Мен (бир жомга ул зот айтганларидек) ёзиб, ичдим, ўшанда мен 55 ёшда эдим. Бир ой ўтар-ўтмас қувваи ҳофизамнинг шул қадар ортганлигини сездимки, уни тил бирла тавсифламоққа ожизман”, – дейдилар.

Шаббий: “Мен Куръони Каримни ёд олмағимга ёрдам берар деган умидда бир минг етти юзта дуони ёдладим, аммо Жаноб Расулulloҳ ўргатган нарсадан фойдалироқ нарсани топмадим” – деб зикр қилдилар.

**АБУ ЖАЪФАР АБАДА (АБДУХУ) ИБН ҚУДАЙД ИБН МАЪРУФ ас-САМАРҚАНДИЙ ас-САЪДИЙ** – улуғ шайх ва шаҳар раҳбарларидан. (Халифа Абу Жаъфар) ал-Мансур даври (754–775) да Усайд ибн Абдуллоҳдан кейин, Хумайд ибн Қаҳтабадан олдин Хуросон волийси (767) бўлган. Унинг синглиси Умму Балж бинти Қудайд аббосийлар сулоласи тарғиботчиси (тарафдори) Абу Муслим (ал-Хуросоний)нинг хотини эди.

Абу Жаъфар Абада ибн Қудайд куйидаги ҳадисни Саҳл ибн Суҳайл ибн Воқид ал-Боҳилийдан ривоят қилган:

*Оиша (онамиз) разияллоҳу таоло анҳо бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (“Оли Имрон” сурасининг) “Ул ўшал зотдирки, сиз (Муҳаммад алай-ҳиссалом)га Китоб (Куръон) нозил қилди, ундан баъзи оятлар*

*муҳама (маънолари равшан)дир” деган (7-) оятини тиловат қилдилар. Сўнг, ул зот: “Агар мазкур оятлар хусусида тортишсаётганларни кўрсангизлар, (билингизларки), улар Оллоҳ таоло (Куръонда) назарда тутган (дилларида гумроҳлик мавжуд) кишилардир, бас, сизлар улардан ҳазар қилингизлар!” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛЛАЙС УБАЙДУЛЛОҲ ибн СУРАЙЖ ибн ҲУЖР ибн УБАЙДУЛЛОҲ ибн ал-ФАЗЛ ибн ТАҲМОН ар-РУБЪИЙ аз-ЗАРИЙР ал-БУХОРИЙ** – Самарқандда яшаб, ўша ерда вафот этган. Ўз даврида Оллоҳ таолонинг энг фозил бандаларидан, илму фаҳм бобида адолатпешалардан бўлган. Унинг ҳадис ва фикҳга доир қатор тўпламлари мавжуд.

Абуллайс кўплаб шайхлардан ҳадис ривоят қилган, Абдон ал-Марвазий (Абдуллоҳ ибн Усмон), Муҳаммад ибн Салом ал-Бойқандий, Яҳё ибн Яҳё ан-Нишопурий, Абу Ҳафс ал-Бухорий ва бошқалар шулар жумласидандир. Ундан эса қуйидагилар ҳадис ривоят қилган: Наср ибн Сайёр, Иброҳим ибн Наср ва унинг ўғиллари Абу Убайд, Абу Абдурраҳмон ҳамда Абд ибн Саҳл аз-Зоҳид, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Қассом ва бошқалар.

Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ал-Доримий: “Ҳеч ким Самарқанднинг тўққизта кўчасига Абуллайсчалик (кўп) кирган эмас”, – дейди.

Абуллайс панжшанба куни тушда вафот этиб, жумъа куни дафн қилинган, амир Исмоил ибн Аҳмад ас-Сомоний (848 – 907) унга жаноза ўқиган. Бу ҳижрий 258 (милодий 871) йил, жумод ал-оҳар ойининг 14-куни бўлганди.

Абуллайснинг ўғли Абдуллоҳ бундай дейди: “Мен отам билан бирга ҳажга бориб келдим, ул кишининг (уйдан чиқиб, уйга қайтганимизга қадар бўлган муддат давомида) фақат бир мартагина ухлаганларини кўрдим. Шунда отам бирдан чўчиб уйғонган эдилар-да, менга: “Эй ўғилгинам! Буни қара, ухлаб қолибман-ку!” – деб айтгандилар.

Бир куни отам дўстларига: “Мен сизларга дин илмига доир нимаики айтган бўлсам, барини фақат Оллоҳ таолони юз-хотир қилган, унинг ризолигини истаган ҳолда айтдим”, – дегандилар”.

Абуллайс қуйидаги ҳадисни Абдон ал-Марвазийдан ривоят қилган:

*Абдуллоҳ ибн аз-Зубайр бундай дейдилар: “Мен (отам) Аз-Зубайр разияллоҳу анҳуга: “Нечун сиз Ибн Масъуд каби ҳадис айтмайсиз?” – дедим. Шунда отам: “Мен мусулмон бўлганимдан буён у билан биргаман, аммо Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимки атайлаб менинг хусусимда ёлгон гапирса, жойини жаҳаннамдан эгаллайверсин!” – деб марҳамат қилганлар”, – дедилар”.*

**АБУЛУХУСАЙН УБАЙДУЛЛОҲ ибн ал-МАРЗБОН ибн ТУРКИШ ТАҚИЙ ибн КАСИЙР ибн ТАРХУН ибн БАНОЙЖУР ибн ҒУРАК** – Ад-Доримий, Ҳаннод ибн ас-Сарий, Салм ибн Жаннода ал-Куфрий, Муҳаммад ибн Башшор ибн Бундор ал-Басрийдан ҳадис ривоят қилган, ҳижрий 278 (милодий 890) йили вафот этган. У қуйидаги ҳадисни Юсуф ибн Мусо ал-Қаттондан ривоят қилган:

*Уқба ибн Омир ал-Жужаний разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг “Эй мусулмонлар! Кофирларга қарши имконингизда бор қувватни ҳозирлангизлар!” деган ояти карима хусусида сўзлаб: “Отмоқлик” – деб айтганларини эшитдим”. (“Ал-Анфол” сураси, 60-оят).*

**АБУ АМР УБАЙДУЛЛОҲ ибн МУҲАММАД ибн МУҲАММАД ибн ал-ҲОРИС ибн ТАМИМ ал-ҲАНЗАЛИЙ ас-САМАРҚАНДИЙ ал-КАРОБИЙСИЙ** – Самарқанд шаҳристони – “Ал-Мадийна ад-доҳила”да яшаган. У Муҳаммад ибн Суҳайл ибн Воқид ал-Боҳилий ас-Самарқандийдан қуйидаги ҳадисни ривоят қилган:

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Ироқ томонга қўллари бирла ишора қилатуриб: “Аммо, дарҳақиқат, фитна ҳов анави шайтон шохи чиқадирган томонда” – деб айтганларини эшитдим” (яъни, Ҳижозга нисбатан шарқда, шайтон Куёш чиқаётган вақтда икки шохини унинг йўлига тўғрилаб турадиган ва Куёш унинг шохлари орасидан ўтаётганда куёшпарастрлар Куёшга сажда қилмоқчи бўлиб шайтонга сажда қилиб қўядиган томонда).*

**АБУ АБДУЛЛОХ УБАЙДУЛЛОХ ибн АМР ибн ХАФС ибн ИБРОҲИМ ал-БАЗДАВИЙ** – Абу Хафс Аҳмад ибн Хафс ал-Ижлий, Катбон ал-Бухорий, Муҳаммад ибн Салом ал-Бойкандий, Абу Исҳоқ ат-Толиқоний, Абдон ал-Марвазий ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса Наср ибн Суҳайлнинг икки ўғли – Абдуллоҳ ал-Баздавий ва Довуд ал-Баздавий ҳамда Муъмин ибн Абдуллоҳ ибн Ҳарб ан-Насафий ва бошқалар ҳадис ривоят қилган. Зикр қилинишича, у: “Мен илм (ҳадис) тингламоқ учун Абу Хафснинг ҳузурига 51 йил қатнадим” – деб айтган экан.

Абу Абдуллоҳ ибн Убайдуллоҳ ҳижрий 261 (милодий 874) йил, шаввол ойида вафот қилган. У Абу Мутийъ ал-Балхийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Ибн Умар разияллоху таоло анҳу бундай дейдилар: Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам: “Ичкиликбозлар бирлан бирга ўлтирмангизлар ҳам, улар касал бўлганда бориб кўрмангизлар ҳам, уларнинг жанозасида қатнашмангизлар ҳам! Дарҳақиқат, ичкиликбоз Қиёмат куни юзи қорайган, тили кўкрагигача осилган, сўлаги қорнига оқиб тушган, кўрган ҳар кимса ҳазар қилган ҳолда (Маҳшарга) келади” – деб марҳамат қилдилар”.*

**УБАЙДУЛЛОХ ибн МУҲАММАД ибн ИБРОҲИМ ибн АНИЙФ ибн ИБРОҲИМ ибн БИШР ал-МАРВАЗИЙ** – Насафда яшаган, Саъид ибн Иброҳим уни ўз рисолати даврида султонлар ҳузурига элчи қилиб юборган. У қуйидагилардан ҳадис ривоят қилган: Ал-Ажаннасий, Иброҳим ибн Маъқил. Ундан эса ўғли Абдуллоҳ ибн Убайдуллоҳ ва бошқалар ҳадис ривоят қилган. У Ал-Ҳасан ибн Наср ибн Алидан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Абдулҳамид ибн Сафий ибн Суҳайб ибн Синон ан-Нимрий отасидан, отаси бобоси разияллоху анҳудан бундай деб ривоят қилади: “Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам: “(Соқсоқолларингизни) қора бўёқ бирлан бўяб юрингизлар, чунки бу бирлан душманларингиз қалбида бағоят кўрқув, аёлларингиз қалбида эса бағоят рағбат уйғотурсизлар” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛҚОСИМ УБАЙДУЛЛОҲ ибн АҲМАД ибн АБУ  
МАНСУР ал-КУЛОНИЙ ал-БУХОРИЙ** – Самарқандга  
келиб, ҳадис ривоят қилган.

Али ибн Умар ибн Абу Бакр ал-Ҳофиз аз-Зайбий бундай дейди: “Абулқосим Убайдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Абу Мансур ал-Кулоний ал-Бухорий Самарқандга, бизнинг ҳузуримизга келди, биз Абу Саҳл ал-Мухмивайнинг хонадонида ундан ҳадис ўргандик, бу ҳижрий 415 (милодий 1037) йил, шаъбон ойида бўлганди”.

Абулқосим Убайдуллоҳ ибн Аҳмад куйидаги ҳадисни Абу Саъид Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб ар-Розийдан ривоят қилган:

*Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:*  
“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Агар бирортангиз қулингизни жазоласангиз, айбига яраша жазолангиз” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУЛҚОСИМ УБАЙДУЛЛОҲ ибн УМАР ибн МУҲАММАД  
ибн УҲАЙД ал-КУШОНИЙ** – шайх, имом хатийб. Самарқанд ва Бухорода фикҳ илмини ўрганган, Самарқанд ва Бухоро шайхларидан ҳадислар ёзиб олган, Самарқанд жомеъ масжидида илм толибларига ўз бисотидаги ҳадисларни айтиб туриб ёздирган, ҳижрий 502 (милодий 1107) йил, ражаб ойининг 16-куни вафот этиб, Чокардизадаги машҳадга дафн қилинган. У шайх, имом, зоҳид, устоз Абулҳасан Али ибн Аҳмад ибн ар-Рабийъ ас-Санкабосийдан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

*Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:*  
“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Оллоҳ таоло етти кишининг юзини қибладан тесқари томонга ўгириб қўймоқни амр қилур. Борингизлар, уларнинг қабрларини очиб кўрингизлар! Агар уларнинг юзлари қибладан тесқари томонга ўгириб қўйилганини кўрсангизлар, (айтганларим рост бўлур), акс ҳолда неки сизларга деган бўлсам, барчаси ботилдир” – деб марҳамат қилдилар. Шунда саҳобалар: “Ё Расулаллоҳ! Ул етти (тоифа) киши ким?” – дейишди. Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Улар ичкилик ичгувчи, ичкилик сотгувчи, поражўрсудхўр, олибсотар, ёлгон гувоҳлик бергувчи, (азада) дод-вой солиб йиғлагувчи аёл ва қўшмачидир. Ҳар кеча уларга (фалақдан) минг лаънат ёғилур” – деб жавоб қилдилар”.



**АБУЛВАРИЪ УБАЙДУЛЛОҲ** ибн **АБУ НАСР АҲМАД** ибн **ал-МУЗАХҲИБ** ибн **ЯЪЛО** ибн **МУСЛИМ** ибн **САЪИД** ибн **ХАТТОБ** ибн **НАСР** ал-КУШОНИЙ – имом хатийб. Самарқандга кўп маротаба келиб кетган. У: “Мен ҳижрий 402 (милодий 1010) йил, рамазон ойида дунёга келганман”, – дейди.

Абулварий Убайдуллоҳ отаси Абу Наср Аҳмад ибн ал-Музахҳибдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Калимаи шаҳодат – “Ашҳаду алло илоҳа иллаллоҳ”ни ўзингиз бирлан унинг ўртасида тўсиқ пайдо бўлмасидан (яъни, ўлар чоғингизда бунга тилингиз келмай қолишидан) бурун кўп-кўп айтиб турингизлар ва уни ўлаётган кишиларингизга ҳам айтиб турингизлар!” – деб марҳамат қилдилар”.

**УБАЙДУЛЛОҲ** ибн ал-ИМОМ **АБУ БАКР МУҲАММАД** ибн ал-ҲУСАЙН ибн **МУҲАММАД** ибн ал-ҲУСАЙН ал-ҚУДАЙДИЙ ал-БУҲОРИЙ – қози ва имом, “Ҳоҳарзода” номи билан машҳур, Самарқандга кўп марта келиб кетган. У шайхулислом Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн раҳимахуллоҳудан ривоят қилган ҳадиси шариф қуйидагича:

Барроъ разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Абу Бакр ас-Сиддиқ разияллоҳу таоло анҳу (уйимизга) келиб, (отам) Озиб разияллоҳу таоло анҳудан ўн уч дирҳамга эгар сотиб олдилар. Сўнг, Абу Бакр (отам) Озибга: “(Ўғлингиз) Барроъга буюрингиз, эгарни уйимгача кўтаришиб борсин!” – дедилар. Озиб: “Йўқ, токи Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан сиз иккалангиз Маккадан (қочиб) чиққанингизда ва мушриклар иккингишни излашганда не қилганингизни айтиб бермас экансиз, (ўғлимга бундай деб буюрмасман)”, – дедилар. Шунда Абу Бакр ас-Сиддиқ разияллоҳу таоло анҳу бундай деб ҳикоят қилдилар: “Биз (Жаноб Расулуллоҳ ва мен) иккаламиз Маккадан чиқиб, тун бўйи ва эртасига қуёш қоқ тепамизга келгунча йўл юрдик. Сўнг, мен дам олмоғимиз учун бирор соя жой бормикин, деб атрофга назар ташлаб эрдим, бир катта тош кўринди. Биз иккимиз ўша тош (харсанг) олдига бориб, тўхтадик.

Кейин, мен тош (харсанг) соясини кўздан кечирдим-да, соя тушиб турган жойни текисладим. Сўнг, ўзим бирла олиб келган пўстакни Жаноб Расулulloҳга тўшаб бердим. Кейин, мен ул зотга: “Ё Расулаллоҳ! Келингиз, мен атрофни кузатиб келгунимча ёнбошлаб турингиз!” – дедим. Бир маҳал қарасам, бир чўпон йигит биз боя соя жой қидирганимиз каби бир салқин ер ахтариб қўйларини ҳайдаганча мазкур харсанг томон келаятир. Мен унга: “Эй йигит! Сен кимнинг чўпонисан?” – дедим. У: “Қурайш қабиласига мансуб бир кишининг чўпониман” – деб унинг исмини айтди, мен уни танидим. Кейин, мен ундан: “Қўйларинг ичида сути бор совлиг борми?” – деб сўрадим. У: “Ҳа, бор”, – деди. Мен унга: “Менга бироз сут соғиб берасанми?” – дедим. У: “Майли” – деб жавоб қилди. Сўнг, мен унга ёнимдаги идишни узатдим, у унга сут соға бошлади. Шунда мен унга: “Қўйнинг елинини чангдан тозалагил!” – дедим, кейин кафтларини ҳам қоқиб ташламоғини амр қилдим. У бир кафтини иккинчисига ургач, менга бироз сут соғиб берди. Мен Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам учун бир мешчага сув тўлдириб олиб, оғзига латта тиқин тиқиб қўйгандим, мешининг тағи совиганини сезгунимча ўша сувдан сутга қўшавердим. Кейин, сутни Жаноб Расулulloҳ алайҳиссаломга олиб бордим. Қарасам, ул зот уйғонган эканлар: “Ё Расулаллоҳ! Манави сутни ичингиз!” – дедим. Ул зот уни ичдилар, мен бундан мамнун бўлдим. Сўнг, мен ул зотга: “Ё Расулаллоҳ! Йўлга тушмоқ вақти келди”, – дедим. Биз йўлга тушидик, муриқлар эса ҳануз бизни таъқиб қилиб келишмоқда эди. Ниҳоят, Суроқа ибн Молик ибн Жувшум отида бизга етиб олди. Шунда мен: “Ё Расулаллоҳ! Таъқибчилардан бири бизга етиб олди”, – дедим. Ул зот: “Ғам чекмангиз, Оллоҳ таоло биз бирлан” (“Ат-Тавба” сураси, 40-оят) – дедилар. Суроқа икки ёки уч найза бўйи бизга яқинлашгач, мен ул зотга: “Ахир, анави таъқибчи бизга етиб олди-ку!” – дедим-да, (ул зотнинг ҳаётларидан хавотир олганимдан) йиглаб юбордим. Ул зот: “Сизни йиглатган недир?” – дедилар. Мен: “Аммо, Оллоҳ таоло ҳақи! Мен ўзимнинг ҳаётимдан ташвишланиб эмас, балки Сизнинг муборақ жонингиздан хавотир олганимдан йиглаётиман”, – дедим. Шунда Жаноб Пайгамбаримиз

саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ё Парвардигоро! Ўзинг истаган йўсинда бизни ундан халос айлагайсан!” – деб Суроқани дуоئي бад қилиб эдилар, унинг оти бирдан қорнигача ерга ботиб кетиб, ўзи эгардан қулаб тушди. Кейин, Суроқа: “Эй Муҳаммад! Бу сенинг ишинг эканини билдим, Оллоҳ таолога дуоئي хайр қил, мени бу аҳволимдан қутқарсин! Мен эсам, бунинг эвазига йўлда дуч келган таъқибчига сизларни кўрмадим, деб айтаман. Манави қалқоним бирла ўқ-ёйларимни ол, кейин менинг туямни миниб фалон жойга бор, ул ерда қўйларим бор, улардан истаганингча ол!” – деди. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: “Сенинг туянг бизга керак эмас!” – дедилар-да, уни дуои хайр қилдилар, у бояги аҳволдан халос бўлиб, ўз шериклари томон қайтиб кетди. Сўнг, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва мен биргаликда йўлда давом этдик”.

**АБУ ҲАФС УМАР ибн ҲАФС ибн САЛМ ал-ФИЗОРИЙ ас-САМАРҚАНДИЙ** – биродари Салм вафотидан кейин Самарқанд қозиси этиб тайинланган. Биродари эса хижрий 211 (милодий 825) йил, сафар ойининг бошларида оламдан ўтганди.

Абу Ҳафс Умар ибн Ҳафс қозилик мансабига Талҳа ибн Тоҳир Самарқандга келгандан бир неча кун ўтгач ўлтирган бўлиб, бу хижрий 212 (милодий 826) йили содир бўлганди. Уни бу мансабга Талҳа ҳузурдаги қозилар кенгаши ўтказганди.

Абу Ҳафс Умар ибн Ҳафс хижрий 219 (милодий 833) йил, 3-зулҳижжа, шанба куни вафот этиб, унга (Самарқанд ҳокими) Нуҳ ибн Асад жаноза ўқиган.

Абу Ҳафс икки марта ҳаж қилган. Хижрий 201 (милодий 815) йили Ибн ал-Муборакдан “Китоб ус-сийом”ни ўрганган, хижрий 202 (милодий 816) йили эса Яъло ибн Убайд, Шаббоба ибн Саввор ва бошқалардан ҳадис тинглаган. Сўнг, бир қанча китоблар тасниф қилган. Ул китоблар таснифига Абд ибн Ҳамид ва Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ҳомийлик қилган. Ундан Аҳмад ибн Наср ал-Аткий, Абу Ҳафс Умар ибн Яъқуб ал-Қозий ас-Санжадийзакий, Жобир ибн Муқотил ал-Аздий ас-Самарқандий, Аҳмад ибн Хишом ал-Иштихоний, Ҳошид ибн Молик ал-Бухорий ҳамда Моваруннаҳр аҳли ҳадис ривоят қилган. У шайх ва имом Абу

Хафс Умар ибн Аҳмад аш-Шабийбийдан ривоят қилган ҳадиси шариф қуйидагича:

Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Жоним қўлида бўлган зот ҳақи! Бир кишига ўтин ҳозирламоқни амр қилсам-у, у ўтин ҳозирласа, кейин бир кишига намозга азон айтмоқни буюрсам-у, у азон айтса, сўнг бир кишига имомлик қилмоқни амр қилсам-у, у одамларга имомлик қилса, кейин мен (намозга келмаган) кишиларнинг уйларига бориб ўт қўйсам, дейман” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУ ҲАФС УМАР ибн ҲАФС ибн БИСТОМ ибн АМР ал-БОҲИЛИЙ** – ҳадис борасида ишонч қозонган муҳаддис. Ал-Ҳажжож ибн Минҳолдан ҳадис ривоят қилган, Ҳаммод ибн Салма, Кубайса ибн Уқба, Ал-Фазл ибн Дукайн, Абулвалийд ат-Тайолисий, Ал-Қуъбаний ва Ал-Лайснинг котиби Абдуллоҳ ибн Солиҳдан ҳадислар ёзиб олган. Ундан эса Муҳаммад ибн Наср ал-Марвазий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Қассом, Муҳаммад ибн Аҳмад аз-Заҳабий, Исҳоқ ибн Аҳмад ибн Халаф ал-Бухорий ва Мовароуннаҳр аҳли ҳадис ривоят қилган. У ҳижрий 269 (милодий 881) йил, зулкаъда ойининг ўрталарида, душанба куни вафот этган ва Муҳаммад ибн Ҳамза маҳалласига дафн қилинган.

Абу Ҳафс Умар ибн Ҳафс ибн Бистом ибн Амр ал-Боҳилий ас-Самарқандий қуйидаги ҳадисни Муҳаммад ибн Абдулвоҳиддан ривоят қилган:

Абу Умома разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Оллоҳ таборак ва таоло: “Эй Одам боласи! Агар ортиқча (бойлигинг)ни хайру эҳсон айласанг, ўзингга яхши бўлур ва агар уни қизганиб хайру эҳсон қилмасанг, ул ҳолда ризқи рўзингдан нолима, (чунки мен уни хасислигинг) туфайли қирқиб қўйгайман – деди” – деб марҳамат қилдилар”.

**УМАР ибн МОЖИД ал-КОТИБ ас-САМАРҚАНДИЙ** – Мовароуннаҳр ноиби амир Наср ибн Аҳмаднинг котиби. Саъид ибн Довуд аз-Зубайрийдан ҳадис ривоят қилган, ундан эса Ҳамид ибн Довуд ал-Котиб ас-Самарқандий ҳадис келтирган.

У куйидаги ҳадисни Саъид ибн Довуд аз-Зубайрийдан ривоят қилган:

*Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Али ибн ал-Хусайн ибн Али ибн Абу Толиб разияллоҳу таоло анху бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Оллоҳ таоло кимга бирор неъмат ато қилса, Оллоҳ таолога ҳамд айтсин ва ким ризқим камайиб (қирқилиб) қолди, деб ҳисобласа, Оллоҳ таолога истиғфор айтсин ва кимни бирор иш хафа қилса (ранжитса), “Ло ҳавла ва ло қуввата илло биллоҳи” десин!” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ ҲАФС УМАР ибн ЯЪҚУБ ал-ОМИРИЙ ас-САМАРҚАНДИЙ ас-САНЖАДИЙЗАКИЙ аз-ЗОҲИД** – Самарқанд қозиси Умар ибн Муқотил вафот этгач, унинг ўрнига қозилик қилган. Умар ибн Муқотил, биродари Салм, Али ибн Исҳоқ ҳамда Самарқанд ахлидан ҳадис ривоят қилган, ундан эса Муҳаммад ибн Жаноҳ ас-Санжадийзакий ҳадис келтирган. Муҳаммад ибн Жаноҳ ас-Санжадийзакий ва Самарқанд ахли унга ҳадис айтириб ёзиб олишарди. У хижрий 240 (милодий 853) йил, шаввол ойининг охирида, панжшанба куни вафот этиб, (Самарқанд ҳокими Наср ибн Аҳмаднинг отаси) Аҳмад ибн Асад ибн Сомон унга жаноза ўқиган.

Хикоя қилинишича, бир аёл Абу Ҳафсдан (бир масала хусусида) фатво сўради-да, эзмаланиб ҳадеганда кетавермади, Абу Ҳафс эса бавлини (пешобини) аранг ушлаб турганди. Шунда у бояги аёлнинг гапини бўлмоққа андиша қилганидан иштонига бавл килиб кўя қолди. Сўнг, аёлнинг саволларига жавоб бериб бўлгач, иштонини ювди.

Бир куни Абу Ҳафс фатво сўровчиларга жавоб бермоқлик учун ўрнидан туриб тушлик овқатини ўн неча марта бўлди ва яна бир куни у тунда намоз ўқимоқ ниятида уйғонди-да, йиғлаган ҳолда соқолини тутамлаб туриб: “Эй Парвардигорим! Мен ўша ўзинг биладиган Умарман, одамлар биладиган Умар эмасман” – дер эди.

Абу Саъид Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Балхий унинг хусусида: “Агар Балхдан (Самарқандга) борадиган бўлсам, фақат Абу Ҳафс ас-Санжадийзакийдан хавотир олардим (ҳайкардим)”, – дейди.

Абу Хафс куйидаги ҳадисни Исо ибн Мусо ал-Бухорийдан ривоят қилган:

Анас ибн Молик разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимки (дин) илмининг бирор соҳасини ўрганиб ўз қалбига манфаат етказмоқ ва уни ўзгага ҳам ўргатмоқ ниятида йўлга чиқса, Оллоҳ таоло унга ҳар босган қадами учун минг йил рўза тутиб, намоз ўқиб ибодат қилганлик савобини ёзади ва фаришталар (йўл бўйи) уни қанотлари ила қуршаб ҳимоя айлайдилар. Осмон паррандалари-ю, денгиз балиқлари ҳамда қуруқликдаги барча мавжудотлар унга салавот айтадилар ва унга етмиш шахид мартабаси ато этилади. Буларнинг барчаси унинг учун бутун дунёнинг ҳалол бўлмогидан ва у уни охираат тарозусига қўймогидан афзалроқ бўлади. (Дин) илмининг биргина соҳаси эса икки юз газотдан афзалдир” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУ ХАФС УМАР ибн АХМАД ибн МУҲАММАД ибн ал-ХАСАН ибн ШОҲИЙН ал-ФОРИСИЙ** – Куръон ва ҳадис ҳофизи. Самарқандда яшаган, ҳижрий 511 (милодий 1116) йил, рамазон ойининг ўрталарида вафот этиб, Чокардизадаги имомлар машҳади ташқарисига дафн қилинган. У ҳижрий 451 (милодий 1058) йили шайх Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Жобир ар-Размозийдан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

Мисвар ибн Махрама разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг минбарда туриб: “Дарҳақиқат, Бану Ҳишом ибн ал-Мугийра (қабиласи) ўз қизларини Али ибн Абу Толиб (разияллоҳу таоло анҳу)га никоҳлаб бермоқлари учун мендан ижозат сўрашди. Мен (ҳозир ҳам) рухсат бермасман, кейин ҳам рухсат бермасман, фақат Али ибн Абу Толиб (разияллоҳу таоло анҳу) қизимни талоқ қилиб, уларнинг қизини ўзига никоҳлаб олмоқни истаган тақдирдагина розилик бергайман. Чунки, қизим (Фотима разияллоҳу таоло анҳо) менинг бир бўлагим бўлиб, уни шубҳага солган нарса мени ҳам шубҳага солур, унга азият етказган нарса менга ҳам азият етказур” – деб марҳамат қилганларини эшитдим”.

**АБУ ҲАФС УМАР ибн ОЛИМ ибн БАКР ал-ФОҒИЙ раҳимахуллоҳу** – (ушбу китоб муаллифи Нажмуддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий бундай дейди:) “Мен Абу Ҳафсни ҳижрий 493(милодий 1099) йили Самарқандда учратдим, аммо ундан бирорта ҳам ҳадис тингламоққа муваффақ бўлолмадим. Мен куйидаги ҳадисни шайх Абу Муҳаммад Абдуссамад ибн Абдулазиз ад-Дурайбий ҳижрий 448 (милодий 1055) йил, рабийъ ул-аввал ойининг охирларида Самарқандда унга айтиб туриб ёздирган ҳадислардан бири деб ҳисоблайман:

*Анас ибн Молик разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:*  
“*Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Кимки (бу) дунёдан хафа (норози) бўлса, Парвардигоридан хафа бўлган бўлур, кимки бошига тушган мусибатдан нолиса (шикоят қилса), Оллоҳ таолодан нолиган бўлур, кимки бир бадавлат кишининг ўз қўлидаги ортиқча нарчасини (яъни, у берган қарзни қайтармай) ўзлаштирмоқ фикрига тушса, Оллоҳ таоло унинг учдан бир амали солиҳини ҳабата қилур ва кимки Куръонни (бирор нарса эвазига бировга) берса, жаҳаннамга тушур ҳамда Оллоҳ таоло уни ўзидан бегона айлар” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ ҲАФС УМАР ибн АБДУЛАЗИЗ ибн ИБРОҲИМ аш-ШАЪБОНИЙ ар-РОЗИЙ** – шайх. Самарқандда яшаб, ўша ерда вафот қилган. У шайх Абу Ҳафс Умар ибн Аҳмад ибн Масрурдан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

*Анас ибн Молик разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:*  
“*Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Биродарингга, у хоҳ золим ва хоҳ мазлум бўлсин, ёрдам бергил!” – дедилар. Мен: “Ё Расулalloҳ! Мазлумга-ку, ёрдам берурман, аммо золимга қандай (нечун) ёрдам бергайман?!” – дедим. Шунда ул зот: “Уни зулмдан қайтарурсан, ана шу сенинг унга қилган ёрдаминг бўлур” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ ҲАФС УМАР ибн МУҲАММАД ибн УҲАЙД ал-КУШОНИЙ** – ҳаким ва имом. Қуйидаги ҳадисни у Умар ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Хиравий ал-Муфасссирдан ривоят қилган:

*Абу Хурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:*

*“Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Дарҳақиқат, Оллоҳ таоло сўзлар ичидан “Субҳоналлоҳ вал-ҳамду лиллоҳ ва ло илоҳа иллаллоҳ валлоҳу акбар”ни танлаб олди” – дедилар. Сўнг, ул зот: “Кимки “Субҳоналлоҳ” деса, унга йигирмата савоб ёзилиб, йигирмата гуноҳи ўчирилуру, кимки “Ал-Ҳамду лиллоҳ” деса, унга ҳам худди шундай қилинур, кимки “Ло илоҳа иллаллоҳ” деса, унга ҳам худди шундай қилинур, кимки “Оллоҳу акбар” деса, унга ҳам худди шундай қилинур ва кимки чин дилдан “Ал-Ҳамду лиллоҳи роббил-олабийн” деса, Оллоҳ таоло унга ўттизта савоб ёзиб, ўттизта гуноҳини ўчируру” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ ҲАФС УМАР ибн МАНСУР ибн АҲМАД ибн МУҲАММАД ибн МАНСУР ибн МУСО ибн АФЛАҲ ибн ИМРОН ал-БАЗЗОЗ ад-ДИҲҚОН ал-БУХОРИЙ** – Куръон ва ҳадис ҳофизи. Элда “Ибн Ханаб” номи билан машҳур, ҳижрий 461 (милодий 1068) йили “Саҳоҳ ал-Бухорий” ва ҳадисга доир бўлак китобларни Самарқандга олиб бориб, уларни “Масжид ал-Манора”да илм толибларига ўқиб эшиттирган. У Бухорода оламдан ўтган.

Абу Ҳафс Умар ибн Мансур куйидаги ҳадисни имом Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Аздийдан ривоят қилган:

*Анас ибн Молик разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Агар ҳамиша таҳорат бирла юрмоқ қўлингдан келса, шундай қилгил! Чунки, ўлим фариштаси алайҳиссалом бирор банданинг жонини олсалар-у, ул таҳоратдор бўлса, унга шаҳидлик ажри ёзилур” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ ҲАФС УМАР ибн УТАЙҚ ибн АБДУЛМАЛИК ал-ВОЪИЗ ал-БУХОРИЙ** – қози. Самарқандга кўп марта келиб, у ерда илм толибларига ҳадис ривоят қилган. У шайх Абу Муҳаммад Абдулрахмон ибн Исҳоқ ар-Ранғдамуний ҳижрий 468 (милодий 1075) йил, зулҳижжа ойида айтиб туриб ёздирган куйидаги ҳадисни ривоят қилган:

*Анас ибн Молик разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Бу дин (Ислому*



дини) ўсиб турган бир дарахт янглиғдир. Иймон унинг илдизи, закот унинг шохлари, рўза унинг (баданидаги сув юрар) томирлари, Оллоҳ (таоло) йўлида биродарлик унинг (турли офатларга) чидамчилиги, гўзал ахлоқ унинг барглари, Оллоҳ (таоло) ҳаром қилган нарсалардан тийилиш унинг меваларидир. Бу дарахт фақат яхши (лаззатли) мевалар билангина мукамал бўлгани каби иймон ҳам фақат Оллоҳ (таоло) ҳаром қилган нарсалардан тийилиш билангина (мукамал) бўлур” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУ ҲАФС УМАР ибн МУҲАММАД ибн АБУННАЗР ибн МУҲАММАД ибн ЖАБРОИЛ ибн ал-ҚОСИМ ал-КАСБАВИЙ ан-НАСАФИЙ** – шайх Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Фазлдан қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган:

Анас разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Дарҳақиқат, бир жаноб бир уй қурди, сўнг зиёфат уюштириб, (унга таклиф қилмоқ учун) жарчи юборди. Жарчининг даъватига жавоб қилган кишилар ул уйга кирдилар-да, зиёфатдан тановул айлаб, жанобни ризо қилдилар. Жаноб – Оллоҳ азза ва жалла, уй – Ислому, зиёфат – жаннат, жарчи эса Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламдир” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУ ҲАФС УМАР ибн МУҲАММАД ибн МУҲАММАД ал-МУҚРИЪ ал-АСАДОБОДИЙ** – хижрий 457 (милодий 1064) йил, рабийъ ул-аввал ойида Самарқандда, шайх ва имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳамза ибн Муҳаммад ал-Хатийбнинг хонадонидан қуйидаги ҳадисни ривоят қилган:

Ҳазрат Али ибн Абу Толиб разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Сизларнинг яхшиингиз – Қуръонни ўрганиб, уни ўзгаларга ҳам ўргатган кишидир” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУ ҲАФС УМАР ибн ҲАМЗА ибн МУҲАММАД ибн ал-МАДИНИЙ** – шайх ва имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳамзанинг биродари. У шайх Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ал-Асадободийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

Абуддардоъ разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:

*“Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимки “Ал-Каҳф” сурасининг бошидан ўнта оятни ёд олса-ю, кейин унга Дажжол дуч келса, зарар келтира олмас ва кимки “Ал-Каҳф” сурасининг охиридаги оятларни ёд олса, Қиёмат куни унинг учун (йўлини ёритиб тургувчи) нур бўлур” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ ҲАФС УМАР ибн АБУ БАКР ибн АБУЛАШЪАС ибн АБУ ИСМАТ ал-ҚАРРОЪ ас-САМАРҚАНДИЙ** – шайх, имом. Ҳижрий 434 ёки 435 ёхуд 436 (милодий 1042 ёки 1043 ёхуд 1044) йил, Арафа куни дунёга келиб, ҳижрий 518 (милодий 1123) йил, жумод ал-охира ойининг 21-куни, хуфтон вақтида вафот этган ва Чокардиза қабристонига дафн қилинган. У Қуръон ва ҳадис ҳофиси Абу Ҳафс Умар ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Шоҳийн ал-Форисийдан ривоят қилган ҳадиси шариф қуйидагича:

*Анас ибн Молик разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “(Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва саҳобалар) бир жаноза ёнидан ўтишиди. Шунда саҳобалар ул маййитни мақташиди. Жаноб Расулulloҳ буни эшитиб: “Вожиб бўлди”, – дедилар. Кейин, улар яна бир жаноза ёнидан ўтишиди. Саҳобалар бу сафарги маййитни қоралашиди. Жаноб Расулulloҳ буни эшитиб яна: “Вожиб бўлди”, – дедилар. Умар ибн ал-Хаттоб хайрон бўлиб: “Нима вожиб бўлди?” – деб сўрадилар. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Дастлабки маййитни мақтадингизлар, унга жаннат вожиб бўлди. Кейингисини эса қораладингизлар, унга жаҳаннам вожиб бўлди. Сизлар (мўмин-мусулмонлар) Оллоҳ таолонинг Ердаги гувоҳларидирсизлар” – деб марҳамат қилдилар”.*

**УМАР ибн АБДУЛЛОҲ аш-ШОҲИДИЙ ан-НАСАФИЙ** – шайх. У қуйидаги ҳадисни Абулқосим Али ибн Аҳмад ал-Хузобийдан ривоят қилган:

*Анас ибн Молик разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “(Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “(Оллоҳ таоло ўз бандасига ато этадирган) уч (юксак) даража, (гуноҳларни ювувчи) уч каффорат, (кишини жаҳаннамга гирифтор қилгувчи) уч ҳалокатли ва (кишини жаннатга етаклагувчи)*

уч нажотовар амал мавжуддир: (булардан уч) каффорат хусусига келсак, бу тонгда, эт жунжикадирган вақтда ҳам яхшилаб таҳорат қилмоқлик, бир намозни ўқиб бўлгач, кейинги намозни интизорлик бирлан кутмоқлик ва жамоат бирла ўқиладирган намозлар томон (ихлосу иштиёқ бирла) қадам босмоқликдир. (Уч) даража хусусига келсак, унга очларни тўйгазмқлик, таниган-танимаганга салом бермоқлик ва кечалари, одамлар ухлаб ётган вақтда ҳам намоз ўқимоқлик (бирлан эришилур). Аммо (уч) нажотовар амал хусусига келсак, бу газабнок ҳолда ҳам адолат қилмоқлик, камбағалликда ҳам, бадавлатликда ҳам (Оллоҳ таолодан, ҳаётдан) ризолик ва умидворлик ҳамда Оллоҳ таолодан зоҳиран ҳам, ботинан ҳам қўрқмоқликдир. Аммо, (уч) ҳалокатли амал хусусига келсак, бу итлоат қилинувчи (хожа, раҳбар, ота, эр ва шу кабилар)нинг саховатсизлик қилмоғи, кишининг фаҳш ва лаззатли нарсаларга берилмоғи ҳамда ўзига бино қўймоқлигидир” – деб марҳамат қилдилар.

**АБУ ҲАФС УМАР ибн АБУ АТО МУҲАММАД ибн МУҲАММАД ан-НАСАФИЙ** – Самарқандда вафот этиб, ҳижрий 505 (милодий 1110) йил, сафар ойида Чокардиза қабристонидаги “Таллу асҳоб ил-ҳадис” (“Муҳаддислар тепалиғи”)га дафн қилинган. У Имом Абу Али ал-Ҳасан ибн Али ал-Ҳамمودийдан ривоят қилган ҳадиси шариф куйидагича:

*Анас разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “(Дин) илмининг орадан кўтарилмоғи, жаҳолат (нодонлик)нинг қарор топмоғи, ичкиликбозлик ва зинокорликнинг авж олмоғи – Қиёмат белгиларидандир” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ ҲАФС УМАР ибн АБДУРРАШИД ибн АБУ РОФИЪ МУҲАММАД ибн АБДУЛВАҲҲОБ ибн АБУЛҲУСАЙН ибн АЛИ ибн ИМРОН ибн ал-ҲАСАН ибн АБУЛФАЗЛ ал-АНСОРИЙ ал-ФУҒЛИДИЙ** – ҳижрий 519 (милодий 1124) йил, ражаб ойида Самарқандда фақиҳ Абу Али ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ал-Ҳоконийдан куйидаги ҳадисни ривоят қилган:

Ал-Ҳасан бундай дейдилар: “Жаброил салавотуллоҳи алайҳи Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қошларига келиб: “Дарҳақиқат, жинлардан бўлмиш ифрийт Сизни васваса қилгай, уйқуга ётсангиз, “Оят ал-Курсий”ни тиловат қилингиз” – дедилар”.

**УМАР ибн САЪИД ибн АБДУРРАҲИМ ибн АҲМАД ал-АСАММ ас-САМАРҚАНДИЙ** – шайх. Самарқанднинг Ёрий деган ерида яшаб, ҳижрий 525 (милодий 1130) йил, сафар ёки рабийъ ул-аввал ойида ўша ерда вафот қилган. У шайх, қози ва имом Абдурраҳмон ибн Абдурраҳим ал-Қассор ал-Бухорийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

Савбон разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “(Куръони Каримнинг “Ат-Тавба” сурасидаги) “**Олтин ва кумуш тўпловчилар**” деган (34-) оят нозил бўлганда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сафарларидан бирида ул зот бирлан бирга эдик. Шунда Жаноб Пайгамбаримизнинг саҳобаларидан бири: “Ё Расулаллоҳ! Олтин ва кумуш хусусида оят нозил қилинди. Агар билсангиз, айтингизчи, яна қандай бойлик ҳақида оят нозил бўлган? Сиз қабул қилмоқни мақбул кўрган бойлик недир?” – дедилар. Ул зот: “Бойликнинг энг афзали – (Оллоҳ таолони) зикр қилгувчи тил, (Оллоҳ таолога) шуқр қилгувчи дил ҳамда (эрнинг) иймониغا мадад бергувчи мўмина хотин” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУ ҲАФС УМАР ибн МУҲАММАД ибн АБДУЛЖАЛИЛ ибн ХУРР ибн АҲМАД ибн ЖАЪФАР ибн БАЛБОЖ ибн МУЖОҲИД ибн ҲОЗИМ ибн ҲАРСАМА ибн АЪЙАН ал-ХУЗОЪИЙ ас-САМАРҚАНДИЙ** – шайх, қози ва имом. Қуйидаги ҳадисни у Абулмаъъолий Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Зайд ал-Бағдодийдан ривоят қилган:

Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимки (дин) илми хусусида сўралса-ю, у уни яшириб (айтмаса), Қиёмат куни (оғзи) оташи жилов бирлан жиловланур” – деб марҳамат қилдилар”.

Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад (ас-Самарқандий) раҳимахуллоҳу ҳижрий 509 (милодий 1114) йил, зулҳижжа ойининг 21-куни Самарқандда вафот этган.

**АБУ ҲАФС УМАР ибн МУҲАММАД ибн ИБРОҲИМ ибн ХУЗАЙМА ибн АБДУЛЛОҲ ал-ВОБКАНДИЙ** – шайх ва имом. Хўжандда яшаб, ўша ерда қозилик қилган. Самарқандга кўп марта келиб кетган, биз (яъни, ушбу китоб муаллифи ва бошқалар) билан бирга Бухорога бориб, шайхлардан фикҳ илмини ўрганган, ҳадислар тинглаган. У ҳижрий 522 (милодий 1127) йил, зулқайда ойининг бешинчи куни Хўжандда вафот этган.

Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад шайх ва қози, садр ул-Ислом (Ислом қалқони) Абулйуср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ал-Хусайн ан-Насафий раҳимахуллоҳудан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Ҳазрат Али разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Кимки рамазон ойига соғ-саломат ва муқим ҳолда етиб келса-ю, кундузлари рўза тутиб, кечалари намоз ўқиса, жинсий аъзосини (зинодан), тилини (ғийбату бўҳтон, шалоқ сўзлардан) сақласа, кўзини (нигоҳини номаҳрамлардан олиб қочиб) қуйи қаратиб юрса, жамоат бирла ўқийдирган намозларини канда қилмаса, жумъа ҳамда ҳайит намозларига барвақт борса, бир ой (мукаммал) рўза тутган, Лайлат ул-Қадрга етишган ва Оллоҳ азза ва жалла мукофотига сазовор бўлган бўлур” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ ҲАНИФА УСМОН ибн ҲУМАЙД ад-ДАБУСИЙ** – Курайш қабиласи мавлоси (озод қилган қули) бўлиб, у Абу Ҳанифа (Нуъмон ибн Собит) раҳимахуллоҳу, Ал-Лайс ибн Саъд, Шуъба ибн ал-Ҳажжож, Ал-Валийд ибн Муслим, Хорижа ибн Мусъабдан, ундан эса ўғли Абдуллоҳ ибн Усмон, Муҳаммад ибн Суҳайл ибн Воқид ал-Боҳилий ас-Самарқандий ҳадис ривоят қилган.

Абу Ҳанифа Усмон ибн Хумайд қуйидаги ҳадисни Ал-Ҳайсам ибн Жумондан ривоят қилган:

*Анас ибн Молик разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Агар Оллоҳ таоло бир мўмин бандасидан омонатини олса, ул мўмин банданинг (елкаларидаги) икки фариштаси: “Ё Раббано! Энди бизнинг осмонга чиқиб кетмоғимизга изн бергил!” – дейишгай.*

Оллоҳ таоло: “Менинг осмоним Менга тасбиҳ айтаётган ва Менинг (ҳар қандай айбу нуқсонлардан) пок (холи) эканлигимни тавсиф қилаётган фаришталаримга лиқ тўладир”, – дегай. Икки фаришта: “Ё Раббано! Ундай бўлса, бизга изн бергил, Ерда турайлик”, – дейишгай. Оллоҳ таоло: “Менинг Ерим ҳам фаришталаримга лиқ тўладир”, – дегай. Ул иккиси: “Ундай бўлса, қаерда бўлмоғимизга изн берсанг, ўша ерда бўлурмиз”, – дейишгай. Шунда Оллоҳ таоло: “(Ўзидаги омонатимни Менга топширган анави) бандамнинг қабри устида туриб, уни қайта тирилтиргунимга қадар Менга тасбиҳ, таҳлил, ҳамд ва такбир айтингизлар ва буни унинг номаи аъмолига ёзиб қўйингизлар!” – дегай”.

**АБУ АМР УСМОН ибн МУҲАММАД ибн БУЖАЙР ибн ҲОЗИМ ибн РОШИД ал-ҲАМАДОНИЙ** – шайх Абу Ҳафс ал-Бужайрийнинг акаси бўлиб, Муаммил ибн Ҳишомдан куйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган:

Молик ибн ал-Хувайрис разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Биз бир гуруҳ улфат йиғитлар Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хузурларига келиб, у ерда йиғирма кеча тунадик. Сўнг, ул зот: “Булар ўз аҳлини соғинган бўлса керак” – деб ўйлаб, биздан уйларимизда қолдириб келган қариндошларимиз хусусида сўрадилар, биз улар ҳақида сўзлаб бердик. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам гоятда меҳрибон, раҳмдил инсон бўлиб, бизга: “Ўз аҳлларингиз ҳузурига қайтингизлар-да, уларга амри маъруф қилингизлар, дин илмини ўргатингизлар ва менинг қандай намоз ўқиганимни кўрган бўлсангизлар, шундай намоз ўқингизлар. Агар намоз вақти бўлса, бирингиз азон айтингиз, ораларингизда ёши каттангиз эса имомлик қилсин!” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУ АМР УСМОН ибн ИБРОҲИМ ибн МУҲАММАД ибн АҲМАД ибн аш-ШАЙХ ал-ИМОМ ал-АЖАЛЛ АБУ БАКР МУҲАММАД ибн ал-ФАЗЛ ибн ЖАЪФАР ибн РАЖО ибн ЗУРЪА ибн БАЙЗОБ ибн НИМРОС ибн ҲИЙВА ал-АСАДИЙ ал-ФАЗЛИЙ ал-БУҲОРИЙ** – Самарқандга кўп марта келган. Ҳижрий 426 (милодий 1034) йил, рамазон

ойида дунёга келиб, ҳижрий 508 (милодий 1113) йилдан кейин Бухорода вафот қилган. У шайх ва фақиҳ Абу Саҳл Абдулкарим ибн Абдуррахмон ал-Каллободийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Оиша разияллоҳу таоло анҳо бундай дейдилар: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилганларидан бўлак ҳолларда на бирор хизматкорни ва на бирор аёлни урганларини кўрмаганман, ул зот (одам туғул ҳатто жонсиз) бирор нарсани ҳам қўллари билан урмаганлар. Жаноб Расулуллоҳ икки ишдан фақат осонини, қайсиниси қилинса, гуноҳ бўлмайдиганини ихтиёр айлар эдилар. Агар у гуноҳовар бўлса, ундан барчадан ҳам кўпроқ ўзларини олиб қочардилар. Жаноб Расулуллоҳ шахсан ўзларига қилинган ёмонлик учун ҳеч кимдан ўч олмаганлар, ул зот фақат Оллоҳ таолонинг таъқиқлари бузилган ҳоллардагина ўч олганлар, холос”.*

**УСМОН ибн АБДУРРАҲМОН ибн НАСР ас-САЙРАФИЙ ал-КИССИЙ** – шайх, (дин) илми соҳалари бўйича етук олим. Кешда муфти бўлган, мударрислик қилган. У шайх, имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмаддан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Ханаш раҳимаҳуллоҳу бундай дейдилар: “Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу таоло анҳу бир бетоб кишининг икки қулогига (“Ал-Муъминун” сурасининг) “А фа-ҳасибтум аннамо холақнокум ғабасав ва аннакум илайно ло туржабуун” деган (115-) ояти (каримаси)ни охирига қадар тиловат қилиб, Оллоҳ таолодан унга шифо тиладилар, у дарддан халос бўлди. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ул кишига: “Не бирла шифо тиладинг?” – дедилар. Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу таоло анҳу мазкур суранинг қайси ояти бирлан шифо тилаганларини маълум қилиб эдилар, ул зот: “Жоним қўлида бўлган зот ҳақи! Агар иймони комил киши ўшал оятни тоққа ўқиса, тоғ (чидамай) йўқ бўлиб кетур эрди” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн ҲАКИМ ибн ЗОҲИР ас-САЪДИЙ ас-САМАРҚАНДИЙ** – зоҳид ва обидлардан. Ҳижоз ерида ибодатда серийғи ва тиришқоклиги боисидан “Али ал-Баккоъ”

(“Йиғлоқи Али”) деган ном бирлан машхур бўлган. У йигирма йилча Маккада таҳсил олган бўлиб, суннат ва фикҳ билимдони, фазилят ва фаҳм-фаросат соҳиби эди.

Абулҳасан Али ибн Ҳаким қуйидаги шайхлардан ҳадис ривоят қилган: Вакийъ ибн ал-Жарроҳ Абдуррахмон ал-Мухорибий, Абу Муъовия аз-Зарийр, Ибн Абу Фудайк, Имрон ибн Уяйна, унинг биродари Суфён ибн Уяйна ва бир гуруҳ ирокликлар. Ундан эса Мусо ибн Нуъайм ал-Манотиқий ас-Самарқандий, Абу Яъқуб ал-Аббор ас-Самарқандий, ал-Фатҳ ибн Убайд ас-Самарқандий ва бошқалар ҳадис ривоят қилган.

Абулҳасан Али ибн Ҳаким Бухоро (тахти) уч ой эгасиз қолган вақтда Мовароуннаҳр қозиси бўлган. Сўнг, у ҳижрий 235 (милодий 848) йил, зулҳижжа ойидан 14 кун қолганда, сешанба кунни тонгда вафот этган. Аввал унга ўзининг қариндошлари, кейин (сомонийлардан) Наср ибн Аҳмаднинг халифаси Ал-Ҳасан ибн Ҳилқом жаноза ўқиган. Наср ибн Аҳмад эса душманга (қарши урушмоқ учун кўшин бирла шаҳардан) чиқиб, Қатрондийзах (қалъаси)га бориб жойлашганди.

Абулҳасан Али ибн Ҳаким Чокардийза мазорига дафн қилинган, қабри зиёрат қилинади. Унинг ёши 70 дан ошган бўлиб, одамови, камгап киши эди, кўпинча тиззасини кучоклаб ўлтирарди. У бошига усти йўл-йўл, астари қуён мўйнасидан қилинган оддий кулоҳ кийиб юрарди. Кўйлаги ва чопони эса калта бўлиб, икки енгининг уч тарафи қийиб қўйилган каби эди. У нукул: “Кишининг тўрт хотини ва ўн ўйнаши бўлса ҳам, бу унга кўплик қилмас, аммо унга икки қари-қартаг ортиқчалик қилур” – дер эди.

Абулҳасан Али ибн Ҳаким қуйидаги ҳадисни Имрон ибн Уяйнадан ривоят қилган:

*Барро ибн Озиб разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намоз бошланса, қўлларини икки қулоқлари баробар кўтариб, тақбир айтганларини кўрганман”.*

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн ал-ҲАКИМ ал-МАРВАЗИЙ ал-АНСОРИЙ** – Самарқандда ҳадис ривоят қилган. У Марв кишлоқларидан бири – Мулжукондан бўлиб, Ҳаммод ибн



Салма, Жарир ибн Хозим, Ҳаммод ибн Зайд, Абу Увона, Абдурахмон ибн Абу аз-Зинод ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. Ҳижрий 226 (милодий 840) йили вафот этган. Муҳаммад ибн Муқотил ҳам худди шу йили оламдан ўтганди.

Абулҳасан Али ибн ал-Ҳаким ал-Мулжуконий ас-Самарқандий қуйидаги ҳадисни Рофиъ ибн Салмадан ривоят қилган:

*Ҳашраж ибн Зиёд ал-Ашжаъийнинг бувилари бундай дейдилар: “Биз (аёллар) Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга (ул зотга билдирмай) Хайбар газотига чиқдик, мен газотга чиққан ўшал олти аёлнинг олтинчиси эдим. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундан хабар топгач, бизни ҳузурларига чақирдилар, биз бориб ул зотнинг муборак юзларида газаб аломатини кўрдик. Жаноб Расулуллоҳ бизга: “Ғазотга чиқмоққа сизларни не мажбур қилди? Кимнинг буйруги билан газотга чиқдингизлар?” – дедилар. Биз: “Эркакларга ўқ-ёй узатиб турурмиз, ташиналарга сув бериб турурмиз, бунинг устига бизда ярадорлар учун дори-дармонлар ҳам бор. Сўнг, биз камонлар ипи узилса, янги ип эшиб берурмиз. Шу тариқа биз аёллар (гозиларга) Оллоҳ таоло йўлида мадад қилурмиз”, – дедик. Шунда ул зот: “Турингизлар, кетингизлар!” – дедилар. Кейин, Оллоҳ таоло ўз Расулига Хайбарни фатҳ қилиб берганда Пайгамбаримиз алайҳиссалом эркакларга ўлжалардан қанча улуш берган бўлсалар, бизга ҳам шунча улуш бердилар”.*

*Ҳашраж ибн Зиёд ал-Ашжаъий мазкур бувиларидан: “Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам сиз аёлларга ажратган улуш не эди?” – деб сўраганларида, бувилари: “Хурмо” – деб айтган эканлар.*

**АЛИ ибн ЖАМОҲИР ас-САМАРҚАНДИЙ** – Абу Бакр ибн Абу Шайба ал-Куфийдан ҳадис ёзиб олган. У қуйидагича:

*Жобир ибн Абдуллоҳ ал-Ансорий разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Менга бутун Ер юзи пок ва масжид қилиб берилди, умматимдан қайси бир киши Ер юзининг қаерида бўлмасин, намоз вақти бўлиб қолса, намоз ўқийверсин! – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛХУСАЙН АЛИ** ибн **ИСҲОҚ** ибн **ИБРОҲИМ** ибн **МУСЛИМ** ибн **МАЙМУН** ибн **РАЗИЙН** ибн **АДИЙ** ибн **МОҲОН** ал-**ҲАНЗАЛИЙ** ас-**САМАРҚАНДИЙ** – Суфён ибн Уяйна, Абдуллоҳ ибн ал-Муборак, Муҳаммад ибн ал-Фазл ибн Атиййа, Исмоил ибн Уллиййа, Абу Муовия аз-Зарийр, Исо ибн Мусо ал-Фунжор ал-Бухорий, Асад ибн Амр, Муҳаммад ибн Шужоъ ва бошқа кўпгина имомлардан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса қуйидагилар ҳадис ривоят қилган: Абу Яъқуб Юсуф ибн Али ал-Аббор, ал-Фатҳ ибн Убайд ва улардан бўлак Самарқанд ҳамда Мовароуннаҳр аҳли. У ҳижрий 237 (милодий 851) йил, 7-шаввол, шанба куни вафот этган. Баъзилар 8-шавволда, айримлар 3-шавволда оламдан ўтганлигини таъкидлайди. Абулхусайн “Муғувдийза” маҳалласида дафн қилинган бўлиб, амир Наср ибн Аҳмад унга жаноза ўқиган. Абулхусайннинг ёши 90 дан ошганди. Абулайс Убайдуллоҳ ибн Сурайж ўша (Абулхусайн вафот этган) йили Самарқандга келганди.

Абулхусайн Самарқандда дунёга келган. Отаси эса Марвда туғилган бўлиб, икки марта Самарқанд, бир марта Бухоро, Марв ва Хоразм қозиси бўлган. У Сулаймон ибн Хумайд фитнаси чоғида ўлдирилган бўлиб, Самарқанддаги ҳовлижойи талон-торож қилинганди. Абулхусайн Али ибн Исҳоқ ўша воқеа хусусида: “Мазкур талон-торож вақтида мен Ирокдан (Самарқандга) олиб келган барча китобларимдан ажрадим”, – дейди.

Абулхусайн Али ибн Исҳоқнинг онаси эса наждлик эди. Мусо ибн Нуъайм (Абулхусайн ҳақида) бундай дейди: “Абулхусайн Али ибн Исҳоқ ўлиmidан икки йил бурун ҳажга бормоқчи бўлди. Биз унга: “Ахир, ёшингиз бир жойга бориб қолган бўлса, қариб мункилаб қолган бўлсангиз, нечун ҳажга боргайсиз?” – дедик. Шунда у: “Тепамда дод-вой солиб йиғламасликлари учун шу йўлда (ҳаж йўлида) ўлмоқчиман”, – деди-да, ҳажга жўнади. Аммо, унинг истаги амалга олмади, у ҳаждан қайтиб келиб, шу ерда вафот қилди. Сўнг, унинг тепасида шу қадар дод-вой солиб йиғлашдики, гўё қиёмат бўлгандек эди”.

Абулхусайн Али ибн Исҳоқ қуйидаги ҳадисни Амр ибн Атиййа ал-Авфийдан ривоят қилган:

*Абу Хурайра разияллоҳу таоло анҳу: “Дўстим саллаллоҳу алайҳи ва саллам менга уч нарса хусусида васият қилганлар, мен уларни ўлгунимча тарқ қилмасман. Бу – ҳар ой уч кун рўза тутмогим, зуҳо намози ва уйқуга ётмогимдан бурун витр ўқимогим” – дедилар”.*

**АБУ МАНСУР АЛИ ибн МУҲАММАД ибн ҲАФС ас-САМАРҚАНДИЙ** – Муҳаммад ибн Айюб ибн Яҳё ибн Зурайсдан қуйидаги ҳадисни ривоят қилган:

*Оиша разияллоҳу таоло анҳо бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот қилгунларига қадар ҳам уч кун бўлса-да, тўйиб бугдой нони емаганлар”.*

**АБУ МАНСУР АЛИ ибн УБАЙДУЛЛОҲ ибн МУҲАММАД ибн АСЛАМ ас-САМАРҚАНДИЙ** – Аҳмад ибн Наср ал-Аткий ас-Самарқандийдан бир қанча ҳадис ривоят қилган, улардан бири қуйидагича:

*Абдуллоҳ ибн Абу Авфо разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам умра қилиб, Байтуллоҳни тавоф айладилар ва (Иброҳим алайҳиссалом) мақомлари ортида икки рақъат намоз ўқидилар. Сўнг, Сафо ва Марва орасини тавоф қилгали чиқдилар, биз Макка аҳли азият етказмасин, деб ул зотни улардан пана қилиб турдик. Шунда мен ул зотнинг аҳзобни дуои бад қила туриб: “Эй Китоб нозил қилгувчи, тез ҳисоб-китоб қилгувчи Парвардигорим! Аҳзобни мағлуб (тор-мор) этгил! Эй Парвардигорим! Уларни мағлуб этгил ва қақшатгил!” – деб айтганларини эшитдим”.*

(Аҳзоб – Абу Суфён бошлиқ Курайш, Суфён ибн Абу Шамс бошлиқ Бану Салим, Талҳа ибн Хувайлид бошлиқ Бану Асад, Уяйна бошлиқ Физора, Масъуд ибн Ражийла бошлиқ Ашжаъ, Ҳорис ибн Авф бошлиқ Бану Мурра қабилаларига мансуб ўн минг кишилик мушриклар қўшини бўлиб, улар Мадинадаги минг кишидан иборат мусулмонлар устига бостириб келган. “Аҳзоб” сўзининг маъноси эса “Кўп қабилаларга мансуб кишилар жамоаси” демакдир).

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн МУҲАММАД ибн ал-ХАТТОБ ан-НАСАВИЙ ал-МУАДДИБ** – ҳижрий 340 (милодий 950) йилдан илгари Самарқандда (мактабда) домлалик қилган. У Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Ғонимдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Ибн Умар разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:*  
“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ер юзида “Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Бу фалон ўгли фалоннинг ризқидир” деб ёзиб қўйилмаган бирор ўсимлик ҳам, бирор дарахт меваси ҳам йўқдир. Оллоҳ таолонинг мана бу қавли бунинг исботидир: “Ғайб калитлари Оллоҳ таоло қошидадир, уларни Оллоҳ таолодан бўлак ҳеч кимса билмас ва У қуруқликдаги нарсани ҳам, денгиз (сув)даги нарсани ҳам билур. Бирор барг (ўзича шохидан) узилиб тушмас, фақат Унинг истагу воқиғлигида узилиб тушур. Туфроқ остидаги ҳар бир дон, ҳар бир ҳўл ва қуруқ нарса (хусусида) Лавҳи Маҳфузда битиб қўйилгандир” (“Ал-Анъом” сураси, 59-оят).

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн ИСМОИЛ ал-ХЎЖАНДИЙ** – Самарқандга келиб, маҳаллий шайхлардан ҳадис ёзиб олган. Кутайба ибн Саъид, Али ибн Исҳоқ, Али ибн Ҳақим, Аҳмад ибн Наср ал-Аткий, Иброҳим ибн Юсуф ал-Балхий ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган, ундан эса Аъйан ибн Жаъфар ибн ал-Ашъас ас-Самарқандий ҳадис ривоят қилган. У қуйидаги ҳадисни Али ибн Исҳоқдан келтирган:

*Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:*  
“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Агар мўмин банда Оллоҳ таолонинг ҳузурини қандай азоблар борлигини билганда эди, бирор мўмин ўзининг жаннатга тушмоғига бунчалар қаттиқ умид боғламасди, агар кофир банда Оллоҳ таолонинг ҳузурини қанчалар раҳмат борлигини билганда эди, бирор кофир унинг раҳматидан умидини узмасди” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн МУҲТОЖ ал-КУШОНИЙ** – Али ибн Абдулазиздан ҳадис ривоят қилган. Ҳижрий 350 (милодий 960) йили ёки ундан бир йил бурун вафот қилган. У Али ибн Абдулазиздан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Хузайфа разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Фитначи жаннатга кирмас” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн МУҲАММАД ибн АБДУЛЛОҲ ибн ХУДАЙФАН ал-КУШОНИЙ** – Абу Закарийё Яҳё ибн Муъоз ал-Балхийдан куйидагини ривоят қилган:

Ваҳб ибн Мунаббиҳ (ал-Йамоний – тобеъийнлардан, муҳаддис, 646–733) бундай дейдилар: “Бану Исроилдаги бир йигит бир фоҳишани жимоъ қилгач, наҳсдан покланмоқ учун сувга тушди. Аммо, тўла-тўқис ғул қилиб улгурмай туриб яна бошқа бир фоҳишани жимоъ қилмоқни истаб қолди. Шунда сув жунбушга келиб, унга: “Эй йигит! Шўринг курсин! Эртага қайноқ сув бўлиб, сени куйдирмоғимдан кўркмайсанми? Хозиргина бир фоҳишани жимоъ қилиб эдинг, энди бошқасини кўнглинг тусаб қолди”, – деди. Йигит унинг бу гапидан уялиб, сувдан қочиб чиқди.

Кейин бояги йигит тоғларга бош олиб чиқиб кетиб, ўша ерларда Оллоҳга ибодат қилиб юрувчи бир қавмга бориб кўшилди. Улар ёмғир ёғмай кўйиб, қурғоқчилик бошлангунга қадар пастга тушмай Оллоҳга ибодат қилиб юришди. Сўнг, қавм: “Дарё бўйига тушиб, ўша жойда Оллоҳга ибодат қилиб юрсак, яхшироқ бўлур эрди!” – деди. Шунда бояги йигит: “Пастда менинг қилган гуноҳимдан бохабар одамлар бор, пастга тушиб уларнинг кўзига кўринмоқдан ҳаё қилурман” – дея бундан бош тортди. Кейин, қавм уни ўша жойда қолдириб, тоғдан пастга тушди-да, дарё бўйига борди. Шунда сув уларга: “Шерикларингиз қаерда қолди?” – деди. Улар: “У бу ерда ўзининг қилган гуноҳидан воқиф одамлар борлигини, уларга кўринмоқдан уялажagini айтиб, биз бирлан келмоққа унамади”, – дейишди. Сув бунни эшитиб, уларга: “Оллоҳга қасам ичиб сизларни ишонтирурманки, агар уни менинг хузуримга олиб келсангизлар, мен уни албатта яхши кўрурман, нечун уни яхши кўрмайин?! Ахир, у Оллоҳнинг аҳкомларига бўйин эгибди-ку! Бирингиз иккинчингизга бирор иш буюрсангиз-у, у итоат айлаб, амрингизни адо этса, бунинг учун сиз уни яхши кўргайсиз-ку?!” – деди. Шундан сўнг, қавм тоғда қолган мазкур йигитнинг олдига бориб, уни ялиниб-ёлбориб

настга олиб тушди. Йигит ўлим сипоҳи қошига келгунга қадар дарё бўйида Оллоҳга ибодат қилмоқ бирла машғул бўлди. У вафот қилгач, дарё қавмга: “Оллоҳ таоло ҳақи, уни менинг сувим бирла ювиб, қирғоғимга дафн қилингизлар!” – деди. Қавм уни мазкур дарё суви бирла ювиб, ўша-дарё бўйига дафн қилди. Сўнг, улар бутун тунни Оллоҳ таолони зикр айлаб, унинг қабри устида йиғлаб ўтказишди. Кейин қавм тонгда Оллоҳ таоло унинг қабридан ўн иккита сарв дарахти ундириб кўйганини кўрди. Бу сарвлар дунёда ўсиб чикқан дастлабки сарвлар эди.

Айтишларича, Бану Исроил бояги йигитнинг қабрига (муслмонлар) Байтуллоҳга ҳаж қилгани каби ҳаж қилган экан”.

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн МУҲАММАД ибн АЛИ ибн ҚУРАЙШ ал-МУАЛЛИМ ас-САМАРҚАНДИЙ** – Абу Исҳок Иброҳим ибн Наср ибн Анбар ибн Жарир аз-Зиббий ал-Кабузанжакасийдан куйидаги ҳадисни ривоят қилган:

*Ал-Ҳасан раҳимахуллоҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “(Дин) олимининг ўлими Ислолда шундай бир дарз (йўқотиш)ки, унинг ўрнини то Қиёмат тўлдириб бўлмас!” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн ал-ҲУСАЙН ибн МАЪҚИЛ ал-МУҚРИЪ ан-НАСАФИЙ** – Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Кабузанжакасий, Абу Саъид Бакр ибн ал-Марзбон ал-Иштихоний, Ибн Мужоҳид ал-Муқриъ ал-Бағдодий, Абдулмуъмин ибн Халаф ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. Хижрий 367 (милодий 977) йил, 3-жумод ал-увло, сешанба куни кечаси вафот этган. У куйидаги ҳадисни Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Кабузанжакасийдан ривоят қилган:

*Маймун ибн Миҳрон бундай дейдилар: “Мен Солим ибн Абдуллоҳ раҳимахуллоҳунинг ҳузурига кирдим, шунда узоқ вақт бир-биримизга ҳадис айтиб бериб ўлтирдик. Кейин, у менга: “Эй Абу Айюб! Сенга бир ҳадис айтиб берайин-ми, эшитганингдан кейин уни ёқтириб қолиб, ёдлаб оласан ва мендан ривоят қилиб юрасан?” – деди. Мен: “Ҳа” – дегач, у бундай деди: “Бир куни Абу Абдуллоҳ ибн Умар ибн ал-*

*Хаттоб разияллоҳу анҳумонинг ҳузурларига кирсам, бошларига салла ўраб олган эканлар. Шунда менга: “Эй болагинам! Саллани яхши кўрурсанми?” – дедилар. Мен: “Эй отажон! Сиз яхши кўрган нарсани нечун яхши кўрмайсиз?” – дедим. Ул киши: “Эй болагинам! Бошингга салла ўраб юргил, улугвор, олижаноб ва турвиқор бўлурсан, шайтон сени кўрди дегунча қочиб қолур. Эй болагинам! Мен Жаноб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг: “Салла бирлан ўқилган бир намоз, салласиз ўқилган 25 намозга тенгдир, салла бирлан ўқилган бир жумъа намози эса салласиз ўқилган 70 намозга баробардир” – деб айтганларини эшитганман. Эй болагинам! Дарҳақиқат, фаришталар жумъа намозига салла ўраб келурлар ва Қуёш ботгунга қадар салла ўраган намозхонларга яхши тилаклар қилиб турурлар” – дедилар”.*

**АЛИ ибн ЮСУФ ибн ИСМОИЛ ибн ИСҲОҚ ан-НАСАФИЙ** – Самарқандда яшаган. Муҳаммад ибн Усмон ибн Салм ас-Самарқандийдан ҳадис ривоят қилган, ундан эса Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Микрозий ас-Самарқандий ҳадис келтирган. У қуйидаги ҳадиси шарифни Абулаббос Муҳаммад ибн Усмон ибн Салм ас-Самарқандийдан ривоят қилган:

*Анас ибн Молик разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Бир-бирларингизни ёмон кўрмангизлар, бир-бирларингизга ҳасад қилмангизлар, ўзаро адоват қилиб ўртангиздаги (қариндошлик ва дўстлик) алоқаларини узмангизлар, Оллоҳ таолонинг ўзаро биродар бандалари бўлингизлар! Мусулмон учун ўз биродаридан уч кундан ортиқ аразламоғи ҳалол эмас” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн МУҲАММАД ибн ал-АББОС ат-ТОЛИБИЙ ан-НАСАФИЙ** – Аҳмад ибн Толиб ибн Алининг фарзандларидан бири. Абдулмуъмин ибн Халаф ва бошқа шайхлардан ҳадис тинглаган. Хижрий 386 (милодий 995) йил, рамазон ойида вафот этган. У қуйидаги ҳадисни Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф ибн Туфайлдан ривоят қилган:

*Абу Бурайда разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:*

*“Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам (қаергадир) пиёда кетаётган эдилар, бир киши улов етаклаб келиб қолди-да, ул зотга: “Ё Расулаллоҳ! Мана бу уловга миниб олингиз, мен кейинроқ минурман”, – деди. Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Уловингнинг белига ўзинг мenden ҳақлигроқ бўла туриб, уни менга бериб тураётурсан” – дедилар. Шунда у: “Ҳақиқатан ҳам мен уни Сизга бериб тураётирман”, – деди. Кейин, ул зот уловга миниб олдилар”.*

**АЛИ ибн МУҲАММАД ибн ЖАЪФАР ибн МУҲАММАД ибн ҲОМИД ибн ал-МУНЗИР ан-НАСАФИЙ** – Абдулмуъмин ибн Халаф ва Ал-Хусайн ибн Халаф ал-Муаддибдан ҳадис ривоят қилган. Ҳижрий 397 (милодий 1006) йил, ражаб ойининг 6 куни қолганда, сешанба куни вафот этган. У куйидаги ҳадисни Ал-Хусайн ибн Халаф ал-Муаддибдан ривоят қилган:

*Абдулазиз ибн ал-Йамон разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, агар бирор ишдан ранжисалар, намоз ўқимоққа тутинар эдилар”.*

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн АБДУРРАҲМОН ибн ИБРОҲИМ ибн МУҲАММАД ибн МАҲМУД ибн ХАЛАФ ибн ЙОНА ибн КИЛОБ ал-МАҲМУДИЙ ан-НАСАФИЙ** – Жайхун (Амударё) бўйидаги Омул шаҳри ҳокими бўлган. Самарқандда Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Иброҳим ибн ал-Хусайн ал-Фаррухоний ва бошқалардан ҳадис тинглаган. Самарқандда Абдурахмон ибн ал-Қосим ал-Қаззоздан, Бухорода шайх Абу Бакр ал-Авдийдан фикҳ илмини ўрганган. Ҳижрий 396 (милодий 1005) йил, зулҳижжа ойининг 4-куни, душанба кечаси вафот этган, 50 йил ёки ундан камроқ умр кўрган.

Абулҳасан Али ибн Абдурахмон куйидаги ҳадисни Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Иброҳим ибн ал-Хусайн ал-Фаррухонийдан ривоят қилган:

*Ибн Умар разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Абу Бакр разияллоҳу анҳу тавваллуд топган кеча раббим жалла жалолуҳу Адн жаннатига келиб: “Иززатим ва буюкликим ҳақи! Бу гўдакни севган кимсани албатта сенга киритгумдир!” – деди” – деб марҳамат қилдилар”.*



**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн ИСО ибн МУҲАММАД ибн ал-МУНЗИР ибн ХАМД ал-МУҲКОНИЙ ан-НАСАФИЙ** – шайх Ал-Лайс ибн Наср ал-Кожирийдан ҳадис ривоят қилган. Ҳижрий 412 (милодий 1020) йил ойларидан бирида оламдан ўтган. У Абу Наср ал-Лайс ибн Наср ал-Кожирийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Сизлардан бирор киши жумъа намозига келса, гусл қилиб келсин!– деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн АҲМАД ибн АЛЛУЙА ибн АБДУР-РАҲМОН ал-ҲАМАДОНИЙ** – Насафга келиб, Абдулмуъмин ибн Халаф, Саъид ибн Жумҳур аш-Шийркасий, Муҳаммад ибн Ғолиб ва бошқалардан ҳадис ёзиб олган, кейин Бухорога бориб ҳадис ривоят қилган, сўнг Самарқандга келиб, у ерда муқим яшаб қолган. Самарқандда ҳижрий 365 (милодий 975) йилдан кейин вафот қилгунига қадар илм толибларини тўплаб, уларга ўз бисотидаги ҳадисларни айтиб туриб ёздирган. Қуйида у Абу Яъло аш-Шаъронийдан ривоят қилган ҳадиси шариф:

*Усома ибн Зайд разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Мен ўзимдан кейин эркакларга аёллардан кўра зарарлироқ фитна қолдирмадим” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн ал-ҲАСАН ибн АБДУРРАҲИМ ибн ХУД ибн МУЪОЗ ибн МУҲАММАД ибн ИБРОҲИМ ал-КИНДИЙ ас-САРДАРИЙ** – бир неча бор Самарқанд ва Насаф қозиси бўлган. Ҳижрий 297 (милодий 909) йили дунёга келиб, ҳижрий 370 (милодий 980) йил, рабийъ ул-аввал ойида ундан рихлат қилган. У қуйидаги ҳадисни Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Маҳруйа ал-Қазвинийдан ривоят қилган:

*Ҳазрат Али ибн Абу Толиб разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қиёмат куни бўлса, банда (махшарга) келиши биланоқ тўрт нарса: умрини не бирла ўтказгани, ёшлигидан не мақсадда*

*фойдалангани, қай йўл бирла мол-дунё топгани ва уни қаерга сарфлагани ҳамда илмидан (ўзига ва ўзгаларга) не нафъ этказгани хусусида сўралур” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн МУҲАММАД ибн МУСО ибн ХОТИМ ибн АТИЙЙА ибн АБДУРРАҲМОН аз-ЗАНДАНИЙ ал-БУҲОРИЙ** – Насафга келиб, у ерда Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халафдан ҳадис ёзиб олган, отаси ва бобосидан ҳадис ривоят қилган. У “Байт ул-ҳадис” (“Ҳадис уйи”) аҳлидан бўлиб, кўплаб ҳадис ёд олган Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Саъид ибн Ҳотим аз-Занданийнинг амакисининг ўғли эди.

Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ҳижрий 395 (милодий 1004) йил, ражаб ойида вафот этган. У Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халафдан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

*Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Етти (қават) осмонда қиём ёки рукуъ ёхуд сажда қилиб турган фаришта бўлмаган на бир оёқ ва на бир қарич ва на бир кафт сиққудек жой йўқдир. Агар Қиёмат куни бўлса, улар бараварига: “Ё Поко-Парвардигоро, биз сенга астойдил, ҳеч нарсани ширк кетирмай ибодат айладик!” – дейишур”.*

**АБУ ТОҲИР АЛИ ибн АҲМАД ибн ал-ФАЗЛ ар-РОМИҲУРМУЗИЙ** – ҳижрий 373 (милодий 1014) йили Насафга келган. У Абулҳусайн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исҳоқ ал-Адил ал-Аҳвозийдан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

*Оиша разияллоҳу таоло анҳо бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Кимки (бир мусулмонга) олов берса, ўшал олов пиширган барча нарсани (унга) садақа қилган ҳисобида бўлур ва кимки (бир мусулмонга) туз берса, ўшал туз таъмини тотли айлаган барча нарсани (унга) садақа қилган ҳисобида бўлур ва кимки сув мавжуд жойда бир мусулмонга бир қултум сув ичирса, бир қул озод этган ҳисобида бўлур ва кимки сув мавжуд бўлмаган жойда бир мусулмонга бир қултум сув ичирса, уни тирилтирган (ўлимдан сақлаб қолган) баробарида бўлур” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн АҲМАД ибн МАҲМУД ибн МУҲАММАД ибн ИСМОИЛ ибн ИСҲОҚ ибн ИБРОҲИМ ибн ИСРОИЛ ар-РАИС ал-ИСМОИЛИЙ ал-БУХОРИЙ** – кози ва раис (қавм бошлиғи). Отаси ҳамда Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ханаб, Абу Бакр ибн Саъд, Халаф ибн Муҳаммад ал-Хаййомдан ҳадис тинглаган. Ўспиринлик чоғида, ҳижрий 367 (милодий 977) йили Насафга келиб, жумъа куни у ердаги жомеъ масжидининг ҳужраси эшиги олдида оммага ҳадис ривоят қилган. Отаси вафот этгач, Бухорода ҳам ҳадис ривоят қилган ҳамда илм толибларига ҳадис ёздирмоғи учун ҳовлиси эшиги олдида йиғин уюш-тирган. У ҳижрий 401 (милодий 1010) йил, шабон ойининг ўртаси, жумъа куни вафот қилгунига қадар ҳар жумъа кечқурун илм толибларига ўз бисотидаги ҳадисларни айтиб туриб ёздирган.

Абулҳасан Али ибн Аҳмад куйидаги ҳадиси шарифни Абу Яъқуб Исҳоқ ибн Саъид ибн ал-Ҳасан ибн Суфён ан-Насавийдан ривоят қилган:

*Анас ибн Молик разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Жаннат (Оллоҳ таоло) макруҳ қилган нарсалардан тийилганлик туфайли (жаннатиларга) тўлди, дўзах эса шаҳватларга берилганлик оқибатида (дўзахийларга) тўлди” – деб марҳамат қилдишар”.*

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн АҲМАД ибн МУҲАММАД ибн ИСҲОҚ ибн ИБРОҲИМ ат-ТАРКОТИЙ ал-БУХОРИЙ** – Абу Бакр ибн Саъддан ҳамда Бухоро шайхлари ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. Ҳижрий 404 (милодий 1012) йил, рамазон ойида Бухорога кетаётиб Насафга кириб ўтган ва ҳижрий 409 (милодий 1017) йили Балхда вафот этган.

Абулҳасан Али ибн Аҳмад куйидаги ҳадисни Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ибн Али ибн Исо аз-Зарийр ар-Розийдан ривоят қилган:

*Амр ибн Шуъайбнинг боболари разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “(Эри талоқ қилган) бир хотин Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: “Ё Расулаллоҳ! (Тўққиз ой) ўғлимни қорнимда асраб-авайлаб кўтариб юрдим, сўнг уни*

кучогимдан қўймай эмизиб тарбият айладим. Энди бўлса, унинг отаси: “Мен бу болага сендан кўра ҳақлироқман” – деб даъво қилаётир”, – деди. Шунда ул зот унга: “(Бўлак) эрга теъмагунингча сен унга ҳақлироқсан” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн АҲМАД ибн МУҲАММАД ибн МУҲАММАД ал-ЖУРЖОНИЙ** – “Ибн Абу Нуъайм” номи билан машҳур. Бухорода яшаган, ҳижрий 417 (милодий 1025) йил, ражаб ойида Насафга келган.

Абулҳасан Али ибн Аҳмад қуйидаги ҳадисни Муҳаммад ибн Молик ибн ал-Хусайн ибн Молик ас-Саъдий ал-Марвазийдан ривоят қилган:

*Оиша разияллоҳу таоло анҳо бундай дейдилар: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Эй Парвардигорим! Умматимдан кимки бирор нарсани идора қилса-ю, қўл остидагилар бошига машаққат солса, Сен ҳам унинг бошига машаққат солгин! (Эй Парвардигорим! Умматимдан кимки бирор нарсани идора қилса-ю), қўл остидагиларга мурувват айласа, Сен ҳам унга мурувват айлагил!” – деб илтижо қилганларини эшитдим”.*

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн ИСҲОҚ ибн АҲМАД ибн МУҲАММАД ибн РАЙҲОН ат-ТЕРМИЗИЙ** – ҳадислар ҳофизи. Самарқандда яшаган. У ҳадис ва устозга ғоятда бой алтома бўлиб, “Ҳоиту Кусакон” маҳалласида, Абу Абдурахмон кўчаси бошидаги масжидда илм толибларига ўз бисотидаги ҳадисларни айтиб туриб ёздирарди.

Абулҳасан Али ибн Исҳоқ қуйидаги ҳадисни ҳижрий 447 (милодий 1169) йил, шаввол ойида шайх Абу Муҳаммад ал-Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Маҳфуз ал-Банокатийдан ривоят қилган:

*Анас разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қайси бир мусулмон вафот этиб, ўзидан кейин солиҳ фарзандлар қолдирса, Оллоҳ таоло унинг фарзандлари қилган амали солиҳларга қанча ажру савоб ато этса, унга ҳам худди шунча ажру савоб ато этур ва унга ато этилган ажру савоб фарзандларига ато этилган ажру савобдан сира кам бўлмагай” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн МУҲАММАД ибн САЪИД ал-АРБИНЖАНИЙ** – Абу Наср Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Мулоҳимий (ал-Малоҳимий)дан қуйидаги ҳадисни ривоят қилган:

*Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қайси бир мусулмон бирор ўлик ерни тирилтириб, унга экин экса-ю, ҳосилидан ҳайвон ёки қуш ёхуд инсон тановул айласа, бунинг учун унга ажру савоб ато этилуру” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн МУҲАММАД ибн АЛИ ибн ИСҲОҚ ибн ИБРОҲИМ ал-ҲИРАВИЙ ал-ҚОЙИНИЙ ас-САЙДАЛОНИЙ** – ҳадислар ҳофизи. Самарқандда яшаб, у ерда ҳижрий 419 (милодий 1033) йили ва ундан илгари ҳам, кейин ҳам ҳадис ривоят қилган. У Абулҳасан Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аз-Зарийрдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Анас ибн Молик разияллоҳу таоло анҳу хабар қиладилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Парвардигорлари азза ва жалла хусусида сўзлаётиб: “Оллоҳ таоло бундай дейди”, – дедилар: “Эй Одам боласи! Уч садоқат мавжуддир. (Улардан) биринчиси (сенинг) Менга нисбатан (садоқатинг), иккинчиси (Менинг) сенга нисбатан (садоқатим), учинчиси эса Мен бирлан сен ўртамизда(ги ўзаро садоқат)дир. (Сенинг) Менга нисбатан (садоқатинг) хусусига келсак, бу сенинг Менга ҳеч нарсани ширк келтирмай ибодат қилмогингдир. Аммо, (Менинг) сенга нисбатан (садоқатим) эса, бу Менинг сен қилган амали солиҳлар учун тўла-тўқис ажру савоб ато этмогимдир. Мен бирлан сен ўртамизда(ги ўзаро садоқат) хусусига келсак, бу сенинг Менга дуо айтмоглигинг даркорлигинг, Менинг дуоингга ижобат қилмогим даркорлигингдир”.*

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн АҲМАД ибн ЖАЪФАР ибн МУҲАММАД ал-БАРДАЪИЙ ал-ҲАНИЙФИЙ** – ҳадислар ҳофизи, шайх. Самарқандда ҳадис ривоят қилган, “Дарвозача” маҳалласида, “Растуж” кўчаси охирида жойлашган “Изз” масжидида илм толиблари ундан ҳадис ўрганган. У ҳижрий 406 (милодий 1014) йил, муҳаррам ойида Абу Саҳл Хорун ибн Аҳмад ибн Хорун ибн Бундор ибн Ҳурайш ибн ал-Ҳакам ал-Астрободийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:  
“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Дарҳақиқат, рўза ва қиём Қиёмат куни бандага шафоат қилгай. Шунда рўза: “Эй Парвардигорим! Мен бу бандангни кундузлари еб-ичмоқдан маҳрум қилганман” – дегай. Қиём (тунда ухламай намоз ўқишмоқлик) эса: “Эй Парвардигорим! Мен бу бандангни тунлари уйқудан маҳрум қилганман. У мендан (ҳозир унга шафоат қилмасимдан буруноқ, ҳаётлик вақтидаёқ) шафоат қилмогимни сўрагани” – дегай. Шу тариқа иккаласи (Оллоҳ таоло қошида) унга шафоат айлагай” – деб марҳамат қилдилар”.

**АЛИ ибн УБДУС ибн АЛИ ал-ЖУРЖОНИЙ** – ҳадислар ҳофизи. Ҳижрий 404 (милодий 1048) йили Самарқандда илм толибларига ҳадис ривоят қилган. У отаси Убдус ибн Али ал-Журжоний ас-Сайдалонийдан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

Ибн Аббос разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:  
“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимки мусибат чоғида “Инно лиллоҳи ва инно илайҳи рожибуун” (“Дарҳақиқат биз Оллоҳ таолонинг бандаларимиз ва дарҳақиқат биз унинг даргоҳига қайтиб боргувчилармиз”) деса, Оллоҳ таоло унинг мусибати ўрнига хушнудлик ато этур ва охиратини бахайр айлаб, ўзини Парвардигоридан ризо солиҳ бандалардан қилур” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн АХМАД ибн ар-РАБИЙЪ ибн СОМИЪ ибн МУЪМИН ас-САНКАБОСИЙ** – шайх ва имом. Ҳижрий 452 (милодий 1067) йил, зулҳижжа ойининг 9-кунни вафот этган. У Абу Саъд Абдуррахмон ибн Муҳаммад ал-Идрисийдан ривоят қилган ҳадиси шариф куйидагича:

Анас разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кишининг “Ал-Ҳамду лиллоҳи ҳамдан касийран. тойийбан муборақан фийҳи” (“Оллоҳга кўндан-кўн, эзгу, муборак ҳамд бўлсин!”) деяётганини эшитиб: “Ҳозиргина гапирган киши ким? Мен ўн икки фариштанинг унинг шукронасини Аршга олиб чиқмоққа ўзаро талашганларини кўрдим” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн МУҲАММАД ибн АЛИ ибн МУҲАММАД ибн ДОВУД ибн ал-ВАЛИЙД ибн АБДУЛЛОҲ ибн УБАЙДУЛЛОҲ ал-ВАЛИЙДИЙ ал-БАЗЗОЗ ал-БУХОРИЙ** – ҳадислар ҳафизи. Абу Мансур ал-Валийдийнинг биродари. Ҳижрий 432 (милодий 1040) йили Самарқандга келган. Қуйида у Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исмоилдан ривоят қилган ҳадиси шариф:

*Анас разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Дарҳақиқат, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўринларига ётсалар, ўнг қўлларини ўнг ёноқлари остига қўйиб олиб: “Эй Парвардигорим! Бандаларингни қайта тириштирадиган куни мени азобингдан асрагил!” – дер эдилар”.*

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн АҲМАД ибн МУҲАММАД ибн ал-ҲАСАН ал-АСТРОБОДИЙ** – шайх, ҳоким ва имом. Самарқанднинг йирик муҳаддисларидан. У ғоятда тиришқоқ бўлиб, кун бўйи овоз чиқариб Қуръон тиловат қилиб турган ҳолда дин илмига доир рисолалар ҳам ёзарди. Бу икки ишдан бири иккинчисига сира монелик қилмасди. Агар шунда бирор киши хузурига кириб, эзмалик қилса, унинг гапини чўрт кесиб, Қуръон тиловатини давом эттираверарди. У Каъбада Оллоҳ таолодан Қуръон тиловат қилоғига етарли қувват ва фарзанд тилаган эди, икки тилаги ҳам мустажоб бўлди.

Абулҳасан Али ибн Аҳмад ҳижрий 432 (милодий 1040) йил, 8-шаввол, панҷшанба куни Самарқанддаги “Масжид ул-манора”да илм толибларига айтиб туриб ёздирган ҳадис қуйидагича:

*Анас разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қуръон қироатидан афзалроқ ибодат йўқдир” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АЛИ ибн АБДУЛВОҲИД ибн ИСМОИЛ ибн АЛИ ал-ҲАДДОД ас-САМАРҚАНДИЙ** – ҳижрий 442 (милодий 1050) йил, зулқаъда ойида Самарқанддаги “Дор ул-Жузжония”да Абу Масъуд ал-Бижлийдан ҳадис тинглаган, у қуйидагича:

*Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Муъминларнинг*

*иймон жиҳатидан энг етуги – уларнинг хулқ жиҳатидан энг гўзалидир ҳамда сизларнинг энг яхшингиз – аёлига энг кўп яхшилик қилгувчингиздир” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛАСМАР ал-ҲАСАН ибн САЛМ ас-СУКУКИЙ ас-САМАРҚАНДИЙ** – муҳаддис. У ҳижрий 384 (милодий 993) йил ойларидан бирида Абулҳасан Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Молик ал-Ожйидан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Эй Парвардигорим! Мени адовату нифоқ ҳамда бадахлоқликдан ўз паноҳингда асрагил!” – деб дуо қилур эдилар”.*

**АБУЛҚОСИМ АЛИ ибн АҲМАД ибн ал-ҲУСАЙН ибн МУҲАММАД ибн АЗРАБА ал-ФОРИСИЙ** – шайх. У ҳижрий 444 (милодий 1172) йил, 13-рабийъ ул-аввал, душанба куни “Масжид ул-манора”да Абулҳусайн Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн ал-Фазл ал-Аттордан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Зайд ал-Умий бундай деб хабар қиладилар: “Мен қирқ тобеинни кўрмоқ шарафига муяссар бўлганман. Уларнинг барчалари бизга Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари разияллоҳу анҳумдан қуйидаги ҳадисни ривоят қилишганди: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Кимки менинг барча саҳобаларимни севиб, уларни ўзига яқин тутиб, улар учун Оллоҳга истиғфор айтса, Оллоҳ азза ва жалла қиёмат куни уни улар бирлан бирга қилур” – деб марҳамат қилганлар”.*

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн МУҲАММАД ибн АБДУРРАЗЗОК ибн МУҲАММАД ибн ЖАЪФАР ал-ФОРИСИЙ** – шайх. Ҳижрий 446 (милодий 1150) йили ва ундан кейин ҳам Самарқандда ҳадис ривоят қилган. У Абу Бақр Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Маоз ибн Жабал разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Замон охирида Оллоҳ, иймон, дийну диёнатдан баралла, аммо тил учидагина*




сўзламоқлик йўлига ўтган, ўзаро ака-ука бўлиб олган бир қавм пайдо бўлурки, улар Оллоҳни ва унга бўлган иймонини дилида махфий тутгувчиларга душманлик қилгайлар” – деб марҳамат қилдилар. Саҳобалар: “Ё Расулаллоҳ! Нечун бундай бўлур?” – дейишди. Шунда ул зот: “Улардан бирининг иккинчисига ёт (бегона) эканлиги ва бирининг иккинчисидан кўрққанлиги боисидан шундай бўлур” – деб жавоб қилдилар.

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн МУҲАММАД ибн АМР ал-МУАДДИБ ал-ЙОРКАСИЙ** – шайх. “Шарҳ ул-мақомот” китобининг муаллифи, шайх Абулқосим ал-Ҳаким раҳимахуллохунинг шогирди, Самарқандда илм толибларига ҳадис ривоят қилган. У ҳижрий 412 (милодий 1020) йил, ражаб ойида Абу Саъид Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Ужайф ибн Аҳмад аш-Шумонийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

Амр ибн Мурра разияллоху таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам Абу Бакр ва Умар разияллоху таоло анҳумо ҳамда уларнинг ҳамроҳлари билан биргаликда Кубо масжиди ёнидан ўтиб кетаётиб у ердаги одамлар хусусида: “Бу қавм кимлар?” – деб сўрадилар. Қавм: “Биз ҳақиқатан мўминлармиз” – дейишди. Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам уларга: “Ҳар бир ҳақиқатнинг ҳақиқати мавжуд ва ҳар бир ҳақиқатнинг далили (исботи) бор. Бас, шундай экан, сизларнинг иймонларингизнинг ҳақиқати недур?” – дедилар. Қавм: “Қазога рози бўлурмиз, бойбадавлат чоғимизда Оллоҳга шуқр айтурмиз, бошимизга мусибат тушганда сабр қилурмиз” – деб жавоб қилишди. Шунда Жаноб Расулulloҳ саллаллоху алайҳи ва саллам: “Каъба эгаси ҳақи! Сизлар мўминдирсизлар” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн ИБРОҲИМ ибн НАСРУЯ ибн СУХТОМ ибн ҲАРСАМА ибн ИСҲОҚ ибн АБДУЛЛОҲ ибн АШКАР ибн КОКЖА ал-АРАБИЙ ал-ХАТИЙБИЙ ас-САМАРҚАНДИЙ** – шайх ва имом. Шайх ва имом Абу Исҳоқ Исҳоқ ибн Иброҳим ал-Хатийбнинг биродари, Ас-Саййид ал-Имом Абу Шужоънинг куёви ва унинг илми усул бўйича устози, ҳижрий 440 (милодий 1047) йили ёки



ундан кейин ҳажга кетаётганда Карбало яқинида хачирдан йиқилиб вафот этган. У ҳижрий 428 (милодий 1036) йил, арафа куни кечкурун Самарқанднинг “Фарохи амири Наунд” маҳалласидаги уйида Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Матт ал-Иштихонийдан ривоят қилган ҳадиси шариф куйидагича:

*Фотима разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:*  
*“Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Дарҳақиқат, Жаброил салавотulloҳи алайҳи мени Куръон тиловати бўйича ҳар йили бир марта имтиҳондан ўтказур эрдилар, энди бўлса, мени бул хусусда бир йилда икки бор имтиҳон қилдилар. Шундан билдимки, ажалим яқин экан. (Эй қизгинам!) Оллоҳдан кўрк, сабр айла! Сен хонадоним аъзоларидан биринчи бўлиб менга эргашурсан (мендан кейин вафот қилурсан)”, – дедилар. Шунда мен хўнграб йиглаб юборгандим. Кейин, ул зот (қулогимга) иккинчи бир сирни айтдилар, яъни: “Сен қиёмат куни мўминлар аёлларининг (ёки жаннат аҳли аёлларининг) саййидаси бўлиб (жаннатга кириб) келмогингга рози бўлмайсанми, ахир?!” – дедилар”.*

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн АҲМАД ибн МУҲАММАД ибн ал-ҲАСАН ибн ШОҲИЙН ал-ФОРИСИЙ** – шайх. Шайх ва ҳадислар хофизи Абу Ҳафс Умар ибн Аҳмад раҳимахуллоҳунинг биродари. У куйидаги ҳадисни мазкур биродаридан ривоят қилган:

*Али ибн Абу Толиб разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:*  
*“Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Фарзанднинг ўз ота-онасига муҳаббат бирла боқиб, уларнинг ҳола-аҳволидан хабар олиб турмоги (ҳам) ибодатдур” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн МУҲАММАД ал-ВАРРОҚ ас-САРАХСИЙ** – Самарқандда шайх, имом ва зоҳид Али ибн Аҳмад ас-Санқабосийдан ҳадислар тинглаган. У Абулқосим Али ибн Муҳаммад ал-Хозиндан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

*Мисвар ибн Махрама разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Мен Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг:*

*“Кимки ўзганинг еридан озгинасини (бўлса ҳам) ноҳақ (зулм бирлан) тортиб олса, қиёмат куни ўшал ер унинг бўйнига етти қават бўйинтуруқ қилиб осиб қўйилур” – деб айтганларини эшитдим”.*

**АЛИ ибн ал-ҲУСАЙН ибн МУҲАММАД ас-СУҒДИЙ** – шайх, қози. Ҳижрий 461 (милодий 1068) йили Бухорода вафот этган. У Ал-Ҳоким Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Куфийнийдан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

*Муҳаммад ибн Сувқа бундай дейдилар: “Бир киши Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хузурларига келиб: “Ё Расулаллоҳ! Ота-онамни (уйда) йиғлаган ҳолда қолдириб, Сиз билан биргаликда жиҳод қилгали келдим”, – деди. Шунда ул зот: “Боргил, уларни йиғлатганинг, каби, кулдиргил!” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АЛИ ибн САЪИД ал-МУТАҲҲИРИЙ** – қози ва имом. Ҳадислар ҳофизи Абу Масъуд Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Бижлийдан куйидаги ҳадисни ривоят қилган:

*Абдуллаҳ ибн Фунм разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимки Оллоҳ таолонинг ризолигини истаб бир кун рўза тутса, Оллоҳ таоло жаҳаннамни ундан энг учқур (от минган) чавандоз эллик йилда босиб ўтадиган масофага узоқ қилур” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛАСАД АЛИ ибн АБУ ИБРОҲИМ МУҲАММАД ал-УСРУҶАНИЙ** – шайх ва имом. Ҳижрий 446 (милодий 1053) йил, муҳаррам ойининг беш куни қолганда, шанба куни вафот этиб, Чокардизадаги имомлар хилхонасига дафн қилинган. У шайх Абу Абдуллоҳ Тоҳир ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ҳаддодийдан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

*Абу Бакр ас-Сиддиқ разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Дарҳақиқат, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Банданинг оёқлари Оллоҳ йўлида чанг бўлди дегунча, Оллоҳ жаҳаннамга уларни ёндирмоқни ҳаром қилур” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АЛИ ибн ШОКИР ал-БУХОРИЙ** – шайх, қози ва имом. Исмоил ибн Муҳаммад ал-Ҳожибийдан куйидаги ҳадисни ривоят қилган:

*Ҳазрат Усмон ибн Аффон разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Дарҳақиқат, сизларнинг афзалингиз – Куръонни ўрганиб, уни (ўзгаларга ҳам) ўргатган кишидир” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн АБДУЛВОҲИД ибн МУҲАММАД ибн АБДУЛАЗИЗ ибн ал-ФАЗЛ ал-МУТИЙЪ ЛИЛЛОҲИ** – шайх, олим ва лашкарбоши. Болалик чоғимизда Самарқанд ва Насафга келиб, ҳадис ривоят қилган. У Абу Мансур Аҳмад ибн Абу Бакр ал-Марвазийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Анас разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Дарҳақиқат, менинг умматим бошқа умматлар орасида юлдузлар орасидаги ой кабидир” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн МУҲАММАД ибн ал-ҲУСАЙН ибн АБДУЛКАРИМ ибн МУСО ибн ИСО ибн МУЖОҲИД ибн АБДУЛЛОҲ ал-БАЗДАВИЙ ан-НАСАФИЙ раҳимахуллоҳу** – шайх, имом ва зоҳид. Бир неча йирик асарлар муаллифи. Самарқандда мударрислик қилган. Ҳижрий 482 (милодий 1088) йил, 5-ражаб, панжшанба куни Кешда вафот этгач, Самарқандга олиб келиниб, Чокардизадаги машҳад эшиги олдига дафн қилинган. У шайх ва имом Ал-Волид Абулҳасан Муҳаммад ибн ал-Ҳусайдан ривоят қилган ҳадиси шариф қуйидагича:

*Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Оллоҳ таоло бири иккинчисини ўлдириб, жаннатга киргувчи икки кишини (рози бўлиб) табассум бирла кутиб олур”, – дедилар. Саҳобалар таажжуб бирла: “Ё Расулalloҳ! Қандай қилиб?” – дейишди. Жаноб Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам шунда: “(Ул икки кишидан бири мусулмон ва бошқаси кофир бўлиб), мусулмон (кофир томонидан ўлдирилгач), жаннатга кирур. Сўнг, Оллоҳ таоло кофирни тавба қилдириб, уни Исломга ҳидоят қилур. Кейин, у ҳам Оллоҳ таоло йўлида жиҳод айлаб, шаҳид бўлур” – деб марҳамат қилдилар”.*


**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн АБУ САҲЛ ибн ҲАМЗА ибн МАНСУР аз-ЗОМИНИЙ** – шайх, имом ва зоҳид. Самарқанднинг “Афрохи амири Наунд” маҳалласида мударрислик қилган. Ҳижрий 494 (милодий 1100) йил, жумод ал-охира ойининг охирларида вафот этиб, Чокардизадаги машҳад эшиги рўпарасига дафн қилинган. У шайх ва имом Абулҳасан Али ибн Аҳмад ибн ар-Рабиъ ас-Санкабосийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

Абу Муҳайрийн бундай дейдилар: *“Мен Абу Жумъага: “Бизга ўзингиз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитган ҳадислардан айтиб берингиз!” – дедим. Абу Жумъа: “Сенга бир ажойиб ҳадис айтиб берурман, у қуйидагича”, – дедилар: “Биз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга тушлик қилдик, Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ ҳам биз бирлан бирга эди. Шунда у: “Ё Расулаллоҳ! Биз Сизга иймон келтирган ва Сиз билан бирга жиҳод қилган бўлсак-да, биздан яхшироқ бирор киши борми?” – деди. Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга жавобан: “Ҳа, бор. Сиздан кейин бир қавм дунёга келур, улар мени кўрмаган бўлсалар-да, менга иймон келтирурлар” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн МУҲАММАД ибн ал-МУФТИЙ ал-КАТВОНИЙ** – шайх ва имом. “Илж Бун” кўчасидаги “Тоҳунат ал-муфтий” (“Муфтий тегирмони”) маҳалласида яшаган. Ҳижрий 484 (милодий 1090) йил, рамазон ойининг охирларида вафот этиб, Чокардиза қабристонига дафн қилинган. У Муҳаммад ибн Юсуфдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: *“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Бадғумон бўлмангизлар, чунки бадғумонлик энг ёлгон сўздир. Тирноқ остидан кир қидирмангизлар, гап пойламангизлар, ўзаро ўчакишмангизлар (ким ўзарлик қилмангизлар), бир-бирларингизга ҳасад қилмангизлар, бир-бирингиздан нафратланмангизлар, Оллоҳ таолонинг ўзаро биродар бандалари бўлингизлар!” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛҲАСАН ал-МОТУРИЙДИЙ** – шайх, қози ва имом. Тўлиқ номи Али ибн ал-Ҳасан ибн Али ибн Муҳаммад ибн Аффон ибн Али ибн ал-Фазл ибн Закарийё ибн Усмон ибн



Аффон ибн Холид бўлиб, Холид (Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг байроқдорлари) Абу Айюб ал-Ансорий разияллоҳу таоло анхудирлар. Абулҳасан ал-Мотурийдийнинг отасининг онаси шайх ва имом Абу Мансур ал-Мотурийдий раҳимаҳуллоҳунинг қизининг қизи бўлган. Абулҳасан ал-Мотурийдийнинг уйи (ҳовлиси) “Сиккат ал-лаббодийн” (“Наматчилар маҳалласи”)да эди. У ҳижрий 511 (милодий 1116) йил, 26-рабийъ ул-аввал, душанба куни вафот этиб, Чокардиза қабристонига, отаси шайх, қози ва имом Ал-Ҳасан ал-Мотурийдий қабри ёнига, бобоси шайх ва имом Абу Мансур ал-Мотурийдий қабри яқинига дафн қилинган. Куйидаги ҳадисни у отасидан ривоят қилган:

*Адий ибн Адий разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Дарҳақиқат, Оллоҳ таоло бир кишининг гуноҳи учун кўпчиликни азобламас, агар кўпчилик ўз орасидаги бирор кишининг қабоҳат йўлига кирганини кўра-била туриб, уни бу йўлдан қайтармоққа қудрати ета туриб, қайтармай, ўзи ҳам гуноҳкор бўлмаса. Агар кўпчилик ўз орасидаги қабоҳат йўлига кирган кишини кўра-била туриб, уни бу йўлдан қайтармоққа қудрати ета туриб, қайтармаса, ул ҳолда Оллоҳ таоло кўпчиликни ҳам, қабоҳат йўлига кирганни ҳам азобга дучор айлар” – деб марҳамат қилганларини эшитдим”.*

**АБУЛҚОСИМ АЛИ ибн АҲМАД ибн ЮСУФ ас-САНКА-БОСИЙ ас-САМАРҚАНДИЙ** – шайх. Ҳижрий 454 (милодий 1061) йили ўз масжидида, мато бўёқчилари сойи бўйидаги хонақоҳ рўпарасида ҳадис ривоят қилган. У Абулаббос ал-Фазл ибн ал-Аббос ас-Сағонийдан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

*Жобир разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Одамлар нени ният қилган ҳолда вафот қилган бўлсалар, ўшал ниятлари бирла қайта тирилтирилурлар” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛҚОСИМ АЛИ ибн АҚИЙЛ ибн ал-МУЗАФФАР ибн ал-ҲУСАЙН ибн ал-МУЗАФФАР ибн ЖАЪФАР ибн ал-МУЗАФФАР ибн ЖАЪФАР ибн МУҲАММАД ибн**

**АБДУЛЛОҲ ибн МУҲАММАД ибн УМАР ибн АЛИ ибн АБУ ТОЛИБ ал-УМАРИЙ ал-АЛАВИЙ** – саййид, имом. Ҳижрий 447 (милодий 1054) йил, ошуро куни дунёга келиб, ҳижрий 526 (милодий 1131) йил, арафа куни кечаси оламдан ўтган ва “Муж” кўчаси бошидаги саййидлар мазорига дафн қилинган.

Абулқосим Али ибн Ақийл фозил, улуғ олим бўлиб, бадавлат кишилардан эди. У ҳадислар ҳофизи Абу Ҳафс Умар ибн Мансур ибн Аҳмад ал-Бухорийдан ривоят қилган ҳадиси шариф куйидагича:

*Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Мен уйқуда эканлигимда ўзимни жаннатда кўрдим. Шунда бир қаср ёнида бет-қўлини ювиб турган бир аёлга кўзим тушиб: “Бу қаср кимники?” – дедим. (Фаришталар): “Умарники”, – дейишди. Сўнг, мен Умарнинг раишкчи эканлигини эслаб, дарҳол ортимга қайтиб кетдим” – деб марҳамат қилдилар. Ҳазрат Умар разияллоҳу таоло анҳу буни эшитиб, йиглаб юбордилар-да: “Ё Расулаллоҳ! Наҳотки, Сиздан раишк қилсам?!” – дедилар”.*

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн ҲАМЗА ибн АЛИ ибн ҲАМЗА ибн ал-ҲУСАЙН ибн ал-ҲАСАН ибн ЗАЙД ибн МУҲАММАД ибн ЖАЪФАР ибн МУҲАММАД ибн ЗАЙД ибн АЛИ ибн ал-ҲУСАЙН ибн АЛИ ибн АБУ ТОЛИБ ас-САМАРҚАНДИЙ** – уйи “Дор ул-жузжонийя” яқинида бўлган. Ҳижрий 513 (милодий 1118) йил, 21-шаввол, шанба куни эрталаб вафот қилган ва “Дор ул-жузжонийя” қабристонига дафн этилган.

Абулҳасан Али ибн Ҳамза шайх, имом Абу Абдуллоҳ ал-Хусайн ибн Али ал-Кошғарийдан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

*Али ибн Абу Толиб разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Суюкли кишингни ўта қаттиқ севмагилки, бир кунмас бир кун у сенга ёқмай қолмоғи мумкин, ёқтирмайдирган кишингдан ўта нафратланмагилки, бир кунмас бир кун у сенга суюкли бўлмоғи мумкин!” – деб марҳамат қилганларини эшитдим”.*

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн МОНКАДИЙМ ибн МУҲАММАД ибн МУҲАММАД ибн ал-ҲАСАН ибн ал-ҚОСИМ ибн ХАМЗА ибн МУҲАММАД ибн ЖАЪФАР ибн ИСО ибн АЛИ ибн ал-ҲУСАЙН ибн АЛИ ибн ал-ҲУСАЙН ибн АЛИ ибн АБУ ТОЛИБ ан-НИШОПУРИЙ** – саййид, олим. Ҳижрий 514(милодий 1119) йили Самарқандга келиб, ҳадис ривоят қилган. Зикр қилинишича, у ҳижрий 446 (милодий 1053) йил, муҳаррам ойида таваллуд топган.

Абулҳасан Али ибн Монкадийм имом Абулҳасан Али ибн Аҳмад ал-Воҳидий ан-Нишопурийдан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

*Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: ”(Зинҳор) менинг саҳобаларимни сўкмангизлар! (ҳақорат қилмангизлар!) Гарчи сизлардан қайси бирингиздир Уҳуд тоғичалик олтин садақа қилган бўлсангиз ҳам, у улардан бирининг на муддига ва на ярим муддига (яъни, менинг биргина саҳобамнинг кичик бир фазилатига ҳам, кичик бир амали солиҳига ҳам) тенг келмас!” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн ал-ҲУСАЙН ибн МУҲАММАД ал-МАРВАЗИЙ** – бир мунча вақт Самарқандда Мовароуннаҳр қозий ул-қузоти (бош қозиси) бўлган, сўнг Марвга қайтган, кейин Бухорода қозилик қилган. У ҳижрий 508 (милодий 1113) йили ёки ундан кейин ўша ерда вафот этган.

Абулҳасан Али ибн ал-Хусайн шайх, имом Абулфазл Муҳаммад ибн ал-Фазл ибн ал-Ҳорисдан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

*Абудардоъ разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Умматимнинг яхшиси унинг аввалгиси ва охиргисидир, унинг ўртасидагиси эса кадар (гам, кўнгул гашлиги, афсус-надомат)дир” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн ОЛИМ ибн БАКР ал-ФОҒИЙ ас-САМАРҚАНДИЙ ас-САККОК** – шайх, имом ва ҳоким. Ҳижрий 430 (милодий 1038) йилдан кейин дунёга келиб,



хижрий 511 (милодий 1116) йил, сафар ойида вафот қилган ва Чокардийза қабристонига, имомлар хилхонаси ёнига дафн этилган. У шайх, имом Абулҳасан Али ибн Аҳмад ас-Санкабосийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Анас ибн Молик разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Мен, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Кимки (дин) илмига доир бирор нарсани эшитиб, унинг манбаини излаб топса, уйига гуноҳлари кечирилган ҳолдагина қайтур” – деб марҳамат қилганларини эшитдим”.*


**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн УСМОН ибн ИСМОИЛ ал-ХАРРОТ ас-САМАРҚАНДИЙ** – шайх ва имом. “Работ ул-мураббаъ” (“Тўртбурчак мусофирхона”)да илм толибларини йиғиб, уларга ўз бисотидаги ҳадисларни айтиб туриб ёздирар эди. У хижрий 510 (милодий 1115) йил, шаввол ойининг ўрталарида, душанба куни вафот этиб, Чокардиза қабристонига дафн қилинган.

Абулҳасан Али ибн Усмон шайх ва имом Абулҳасан Али ибн Аҳмад ибн ар-Рабийъ ас-Санкабосийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимки бизнинг бу масжидимизга хайрият ўрганмоқ ёки хайрият ўргатмоқ мақсадида кирса, Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилган баробарида бўлур ва кимки унга бундан бўлак ниятда кирса, ўзида йўқ нарсани тамошо қилгани кирган кимса баробарида бўлур” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн МАНСУР ас-СОМОНИЙ ас-САМАРҚАНДИЙ раҳимаҳуллоҳу** – шайх ва имом. Хижрий 513 (милодий 1118) йил, ражаб ойида Фағофихдаги Муҳаммад ибн Абда мақбарасига дафн қилинган. У шайх ва имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ал-Муфтийдан ҳадислар тинглаган бўлиб, қуйидаги ҳадисни отаси шайх ва имом Мансурдан ривоят қилган:

*Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Тўғри йўл кўрсатингизлар, ўзаро аҳил қилингизлар, хушнуд қилингизлар*



ва билиб қўйингизларки, ҳеч ким қилган амали бирлан нажот топмагай!” – дедилар. Саҳобалар: “Ё Расулаллоҳ! Ҳатто Сиз ҳамми?” – дейишди. Шунда Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Агар Оллоҳ таоло мени ўз раҳмати огушига олмас экан, ҳатто мен ҳам (қилган амалим бирла нажот топмасман)” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн АБДУЛМАЖИД ибн ЮСУФ ибн ШУЪАЙБ – ХАСТОНА ўғли аш-ШАЛЖИЙ ас-САМАР-ҚАНДИЙ** – шайх ва имом. У бундай дейди: “Мазкур бобокалонимизнинг мингта зотдор отлари бўлиб, Исломга киришлари ҳаманоқ уларнинг барчасини бева-бечораларга садақа қилиб юборгандилар, сўнг чопонларини кийганча (уйдан бош олиб чиқиб кетиб) тарки дунё қилган эдилар. Шул боисдан эл ул кишини “Хастона” (“Девона”, “Ошиқ”) дер эрди”.

Шайх ва имом Абулҳасан Али ибн Абдулмажид ҳижрий 442 (милодий 1050) йил, 4-сафар, якшанба куни туғилиб, ҳижрий 523 (милодий 1128) йил, 28-шаввол, душанба куни тунда вафот қилган ва Чокардизадаги машҳад яқинига, имомлар қабрлари орасига дафн этилган. У шайх ва имом Абу Хумайя Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Жаъфар ал-Ҳанзалий ал-Хулмийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

Анас разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Табук газотидан қайтганларида: “Мадинада шундай қавмлар қолдиларки, сизлар қанчадан-қанча дара ва водийларни босиб ўтмангизлар, улар сизлар бирлан биргадурлар (яъни, сизлар топаётган ажру савобларга шерикдурлар)”, – дедилар. Саҳобалар: “Ё Расулаллоҳ! Улар (газотга бормай) Мадинада қолган бўлсалар ҳамми?!” – дейишди. Шунда ул зот: “Ҳа, шундай. Улар узрли сабаб бирла Мадинада қолгандирлар” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн АҲМАД ибн НАСР ибн МУҲАММАД ибн ИБРОҲИМ ибн ҲАМДУЙА ибн ҚАТАН ибн ФАРАЗДАҚ ибн ТАРХОН ас-СУЛЛАМИЙ ал-ҲАМДАВИЙ ал-ИШТИХОНИЙ** – шайх ва имом. У бундай

дейди: “(Юқорида зикр қилинган) Қатаннинг бир неча биродари бўлган, улардан бири – Абдурраҳмон ас-Сулламий бўлиб, у Ал-Ҳасан ва Ал-Ҳусайннинг муаллими эди, унинг қабри Суғддадир. Иккинчиси – Маҳфуз ас-Сулламий Балхда, учинчиси – Муҳаммад эса Ироқдаги Хониқийн шаҳрида яшаган. Ибн Манда ал-Исфаҳоний ўзининг тарихга доир китобида мазкур Муҳаммад хусусида эслатиб ўтган”.

Абулҳасан Али ибн Аҳмад ҳижрий 524 (милодий 1129) йил, зулқайда ойининг бошларида Иштихонда вафот этган бўлиб, 113 йил умр кўрган. Қуйидаги ҳадисни у шайх Абу Муҳаммад Абдулмалик ибн Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Фузола ибн ар-Ризо ас-Сабийрийдан ривоят қилган:

*Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Дарҳақиқат, Қуръон тиловат қилгувчи кишининг мустажоб бўладирган бир дуоиси бор. Унинг соҳиби ундан, истаса, бу дунёда ва истаса, охирада фойдаланмоғи мумкин” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн АБДУРРАҲМОН ибн АҲМАД ибн ИЛК ибн ЗОТ ас-СОВИЙ ас-САМАРҚАНДИЙ** – шайх ва имом. Самарқанд, Хуросон ва Ироқда машойихлардан ҳадис ёзиб олган, ҳижрий 525 (милодий 1130) йил, рамазон ойида Марвда вафот қилган.

Абулҳасан Али ибн Абдурраҳмон қуйидаги ҳадисни Аш-Шайх ал-Имом Абу Муҳаммад Ризкуллоҳ ибн Абдулвахҳоб ибн Абдулазиз ат-Тамимийдан ривоят қилган:

*Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “(Ҳар бир пайгамбарнинг мустажоб бўладирган ўз дуоиси бор), мен ўз дуойимни қиёмат куни умматимга шафоат қилмоғим учун асраб қўйдим” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн МУҲАММАД ибн АБДУЛЛОҲ ал-КИРМОНИЙ** – қози. Самарқандда яшаб, унинг аҳлидан ҳадислар ёзиб олган, ҳижрий 518 (милодий 1123) йили вафот қилган. Қуйидаги ҳадисни у Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Зайд ал-Бағдодийдан ривоят қилган:

*Ибн Аббос разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:*  
“Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Рўза тутганлар (қийматда қайта тирилтирилиб) қабрларидан чиқсалар, оғизларидан мушк ҳиди таралиб турур ва уларга жаннатдан (ноз-неъмат тўла) дастурхон келтирилиб, улар Арш соясида ўлтирган ҳолда ундан тановул қилурлар” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн ИБРОҲИМ ибн ИСМОИЛ ибн ИБРОҲИМ ибн ИСҲОҚ ал-КАСБАВИЙ** – қози ва имом. Бухорода яшаган. У қуйидаги ҳадисни шайх ва имом хатийб Абу Муҳаммад Исҳоқ ибн Муҳаммад ан-Нухий раҳимахуллоҳудан ривоят қилган:

*Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:*  
“Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Бирортангиз қулингизга “қулим” демангиз, балки “хизматкорим” деб айтингиз! Қул ҳам хўжайинига “эгам” демасин, балки “жанобим” десин!” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУЛҲАЙР АЛИ ибн НАСР ибн АҲМАД ибн АЛИ ал-ИСФАҲОНИЙ** – “сафиййуддин” (Ислом динининг мухлис дўсти), “закиййулмулк” (Ислом давлатининг покиза, олижаноб кишиси) деган фахрий унвонлар соҳиби. Ҳижрий 521 (милодий 1126) йил, рабийъ ул-аввал ойида бир гуруҳ улуғ кишилар билан бирга Самарқандга – Ироқ маликасининг қорахонийлардан Шамсулмулк Наср ибн Муҳаммад ибн Сулаймон раҳимахуллоҳуға никоҳланиш тўйига келган. Абулхайр Али ибн Наср: “У (Шамсулмулк Наср ибн Муҳаммад ибн Сулаймон) мендан ва мен ундан ҳадис тинглаганман”, – дейди. Қуйидаги ҳадисни у имом Абу Наср ал-Қушайрийдан ривоят қилган:

*Абу Мусо разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:*  
“Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Ўзига нисбатан айтилган ҳақоратларга Оллоҳ таолодан кўра кўпроқ сабр қилгувчи зот йўқдир! Мушиқлар: “Унинг боласи бор”– дея Оллоҳ таолога ширк келтирурлар, ваҳоланки Оллоҳ таоло уларга ризқ улашур, уларни дарду балолардан халос қилур, ширин-шакар фарзандлару мол-мулк ато қилур” – деб марҳамат қилдилар”.


**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн АБУ ТОҲИР ал-МУТАВВИҒИЙ** – шайх ва адиб. “Ажлон” кўчаси бошида (гузариди) илми одобдан дарс берган. У ҳижрий 476 (милодий 1083) йил, рамазон ҳайити кунин Самарқанд жомеъ масжидида намоз бирлан хутба орасида қуйидаги ҳадисни Абу Наср Муҳаммад ибн Ҳибатуллоҳ аз-Зарийрдан ривоят қилган:

*Ибн Аббос разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан бирга рамазон ёки қурбон ҳайити кунин ҳайит намозиди бўлдим. Шунда ул зот: “Эй одамлар! Мана, ҳайит намозини ўқиб, ажру савобга эга бўлдингизлар, энди кимки уйига кетмоқни истаса, кетаверсин ва ким бу ерда қолиб хутбани тингламоқни истаса, қолаверсин!” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн МУҲАММАД ибн ҚУТЛУҒ ал-АҒЖИЙ ас-САККОК** – шайх, фақиҳ ва имом. У улуғ саййид Абулмаолий Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Зайд ал-Хусайний ал-Бағдодийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Оллоҳ таоло раҳматни юз бўлак қилиб яратди. Сўнг, ул раҳматнинг бир бўлагини ўзаро раҳмдил бўлсинлар деб барча махлуқлари ўртасиди тарқатди. Унинг тўқсон тўққиз бўлаги эса Оллоҳ таолонинг ўзиди қолди. Агар мўмин Оллоҳ таолонинг ҳузуриди қанчалар (огир) азоб-уқубат борлигини билганда эди, ўзининг жаннатга кирмогидан бунчалар умидвор бўлмасди ва агар кофир Оллоҳ таолонинг ҳузуриди қанчалар (беҳад) раҳмат борлигини билганда эди, Оллоҳ таолога тавба қилиб, унинг раҳматидан умидини узмасди” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АЛИ ибн ал-ҲУСАЙН ибн ИБРОҲИМ ибн ИСМОИЛ ибн АБУ БАКР ал-ҚАНТАРИЙ ан-НАСАФИЙ** – шайх, фақиҳ ва имом. Отаси ҳамди Насаф ва Самарқанд шайхларидан ҳадис ёзиб олган. Ас-Саййид ал-имом Абу Шужоъ кўлиди фикҳ илмидан таҳсил олган, ўспирилик вақтиди Насафди вафот этган. Қуйидаги ҳадисни у шайх, имом хатийб Абдулжаббор ибн Аҳмаддан ривоят қилган:



*Абу Хурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:*  
“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Менинг учун  
“Субҳоналлоҳ вал-ҳамду лиллоҳ ва ло илоҳа иллаллоҳ валлоҳу  
акбар” демогим қуёш чиқадиган нарса (дунё)дан кўра  
маҳбуброқдир” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн МУҲАММАД ибн АҲМАД ас-СУННИЙ ан-НАСАФИЙ ал-КАСБАВИЙ раҳимахуллоҳу** – шайх, фақиҳ, адиб ва ҳожи. Самарқандга келиб машойихлардан ҳадис тинглаган. Ҳижрий 485 (милодий 1091) йил, рамазон ойида Хушминжакада оламдан ўтган. Қуйидаги ҳадисни у шайхи солиҳ Абу Мансур Шужоъ ибн Али ал-Исфрахонийдан ривоят қилган:

*Мутарраф ибн Абдуллоҳ ибн аш-Шахийрга бир бадавий:*  
“Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ковушларининг  
ямоғи борлигини кўрдим” – деб айтган экан.

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн АҲМАД ибн ТОҲИР ибн ЯЪЛО ибн УТАЙҚ ал-ХУРФАҒНИЙ ан-НАСАФИЙ раҳимахуллоҳу** – шайх, фақиҳ ва адиб. Самарқандга кўп марта келиб, машойихлардан ҳадис тинглаган ва ўша ерда уйланган. Ҳижрий 503 (милодий 1108) йил, сафар ойининг ўрталарида вафот этиб, Чокардиза қабристонидаги машҳад ёнига дафн қилинган. Қуйидаги ҳадисни у шайх, имом Абу Али ал-Ҳасан ибн Али ал-Маккий ал-Ҳамمودий ан-Насафийдан ривоят қилган:

*Абу Хурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:*  
“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Иймон (дарахтининг) олтмиш неча (ёки етмиш неча) шохи бўлиб, улардан энг каттаси – “Ашҳаду алло илоҳа иллаллоҳ”, энг кичиги эса одамларга азият етказувчи нарсаларни йўлдан (четга) олиб қўймоқликдир. Ҳаё ҳам иймон (дарахти) шохларидан биридир” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн АБУ НУЪАЙМ МУҲАММАД ибн НАСР ибн ИСҲОҚ ан-НАСАФИЙ** – шайх ва имом. Бир неча йил Самарқандда яшаб, ҳижрий 512 (милодий 1117) йилдан кейин ўша ерда қазо қилган. У Ал-Ҳамمودийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Анас разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам агар газот қилсалар: “Эй Парвардигорим! Сен менинг мададкорим ва ҳимоячимдирсан. Мен Сен бирлан (душманни) даф қилурман ва Сен бирлан (душманга) ташланурман ва Сен бирлан (душманга қарши) жанг қилурман” – дер эдилар”.*

**АЛИ ибн МУҲАММАД ибн ТОҲИР ал-ИРОҚИЙ аз-ЗАКИЙ** – амир ва олим. Ҳижрий 515 (милодий 1120) йили Самарқандга келган. У фозил, моҳир нотик, соҳиби хусни хат, араб тилида чечан сўзлашгувчи, турклар либоси хусусида кўплаб шеър уқоқларни ёддан билгучи, ҳазилкаш, ҳарбийча кийиниб юргувчи бир киши бўлиб, Самарқандда кўплаб шайхлардан ҳадис тинглагач, ўша йилиёқ Ироққа қайтиб кетган.

Али ибн Муҳаммад қози ва имом Муҳаммад ибн Тоҳир ал-Хужаймийдан қуйидаги ҳадисни ривоят қилган:

*Али ибн Абу Толиб разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Масжиддаги мунофиқ – қафасдаги қуш кабидир” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АЛИ ибн АБУТТОЙИИБ ибн АБДУЛЛОҲ ибн АБУ ҲАФС ар-РИЙҲШАНИЙ ал-ЙОРКАСИЙ** – шайх ва имом. Ҳижрий 520 (милодий 1125) йил, муҳаррам ойида Йорқасда вафот қилган. У шайх ва имом Абу Али ал-Ҳусайн ибн Салмон ибн Муҳаммад ал-Балхийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Ториқ бундай дейдилар: “Яҳудийлар Ҳазрат Умар разияллоҳу анҳуға: “Сиз (мусулмонлар) “Мен бугун сизларга динларингизни мукамал қилиб бердим” деган оятни (“Ал-Моида” сураси, 3-оят) тиловат қилурсизлар. Агар ўшал оят бизга нозил бўлганда эди, биз унинг нозил бўлган кунини ўзимизга байрам қилиб олган бўлур эдик”, – деди. Шунда Ҳазрат Умар уларға: “Дарҳақиқат, мен ул оят нозил бўлган жойни ҳам, қайси куни нозил бўлганини ҳам билурман. У арафа куни, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Арафотда турганларида нозил бўлгандир”, – дедилар”.*

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн НАСР ибн СУЛАЙМОН ибн ИСО ал-АРБИНЖАНИЙ** – ҳоким. Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Мусо ал-Йоводирийдан қуйидаги ҳадисни ривоят қилган:

Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу хабар қиладиларки, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилибдилар: “Мусо алайҳиссалом Парвардигорлари азза ва жалладан олтига хислат хусусида сўрадилар: Мусо алайҳиссалом дедилар: “Эй Парвардигорим! Энг тақводор банданг қайси?”. Оллоҳ таоло деди: “Мени ҳамиша ёдида сақлаб, сира унитмагувчи бандам”. Мусо алайҳиссалом дедилар: “Эй Парвардигорим! Энг тўғри йўлдан боргувчи банданг қайси?”. Оллоҳ таоло деди: “Ҳамиша тўғри йўлдан боргувчи, ундан заррача четга чиқмагувчи бандам”. Мусо алайҳиссалом дедилар: “Эй Парвардигорим! Энг адолатли ҳукм чиқаргувчи банданг қайси?”. Оллоҳ таоло деди: “Одамлар фойдасига ҳукм чиқармоқ бирлан ўз фойдасига ҳукм чиқаргувчи бандам (яъни, одамларга адолат қилмоқ бирлан ўз охиратининг бахайр бўлмоғига замин яратгувчи бандам)”. Мусо алайҳиссалом дедилар: “Эй Парвардигорим! Энг олим банданг қайси?”. Оллоҳ таоло деди: “Илмга тўймагувчи, одамларда мавжуд илмни ўрганиб, ўз илмини бойитгувчи олим бандам”. Мусо алайҳиссалом дедилар: “Эй Парвардигорим! Энг азиз банданг қайси?”. Оллоҳ таоло деди: “Иложи борича (ўзига ёмонлик қилганларни) кечиргувчи бандам”. Мусо алайҳиссалом дедилар: “Энг бадавлат банданг қайси?”. Оллоҳ таоло деди: “Ўзига ато этилган нарсага қаноат қилгувчи бандам”.

Кейин, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам яна бундай деб марҳамат қилдилар: “Мол-мулкдан вужудга келган нарса бойлик эмас, ҳақиқий бойлик – нафс тўқлигидир. Агар Оллоҳ таоло бирор бандасига яхшиликни раво кўрса, унинг нафсини тўқ қилиб, қалбига тақво жо айлар ва агар бирор бандасига ёмонликни раво кўрса, унинг қашшоқлигини икки кўзи орасига жо қилур”.

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн ал-ҲУСАЙН ибн АЛИ ибн ҲОШИМ ал-ҲОШИМИЙ ал-МАВДАВИЙ ан-НАСАФИЙ** – шайх ва имом. Ҳижрий 460 (милодий 1067) йилдан кейин



вафот қилган, 85 йилдан ортиқ умр кўрган. У куйидаги ҳадисни Абу Саҳл Муҳаммад ибн Абдурахмон аш-Шайбонийдан ривоят қилган:

Али ибн Абу Толиб разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: *“(“Оли Имрон” сурасидаги) “... ва Оллоҳнинг одамлар зиммасидаги ҳақи – Байтуллоҳни ҳаж қилмоқлик...” деган (97-) ояти карийма нозил бўлганда мўминлар: “Ё Расулаллоҳ! Ҳар йили бир маротабами?” – дейишди. Шунда Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Йўқ, агар “ҳа” деганимда (бу) вожиб бўлур эди” – деб марҳамат қилдилар. Кейин, Оллоҳ таоло “Эй иймон келтирганлар! Агар сизларга маълум қилинса, ранжимоқларингизга сабаб бўладирган нарсалар хусусида сўрамангизлар...” деган ояти кариймасини нозил қилди*” (“Ал-Моида” сураси, 101-оят).

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн МУҲАММАД ибн АЛИ ал-ХОТИРИЙ ан-НАСАФИЙ ал-ФИЙЖАКАСИЙ** – факих. Самарқандга келиб, ҳадис ривоят қилган. У имом Абу Муҳаммад Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Исо аш-Шийрақасийдан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

Анас разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: *“Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам “Қайси одам Сизга маҳбуброқ” деб сўралдилар. Ул зот: “Оиша” – деб жавоб қилдилар. Шунда “Аёллардан бирини назарда тутмадик” дейилди. Ул зот: “Ундай бўлса, унинг отаси” – деб марҳамат қилдилар*”.

**АБУЛҲАСАН АЛИ ибн АБДУЛВАҲҲОБ ибн АБДУЛМУЪМИН ибн АБУЛҲАСАН ас-САМАРҚАНДИЙ** – кози, имом, козий ул-қузот. У имом Абу Абдуллоҳ ал-Ҳусайн ибн Абулҳасан ал-Кошғарийдан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

Ҳазрат Умар разияллоҳу таоло анҳу хабар қиладилар: *“Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Оллоҳ таоло хусусида сўзлаётиб: “Оллоҳ азза ва жалла бундай дейди”, – дедилар: “Бандаларимдан қайси бири Менинг йўлимда ва Менинг ризолигимни истаб жиҳодга чиқса-ю, уни жиҳоддан омон-эсон қайтарсам, ул ҳолда уни жиҳод қилиб эришган*

*ажру савоблар ёки ўлжалар бирлан уйига қайтармогимни ва агар жиҳодда шаҳид бўлса, уни мағфират айлаб, раҳматим огушига олиб, жаннатга киритмогимни зиммамга олурман”.*

**АЛИ ибн МУҲАММАД ибн АҲМАД ибн АЛИ ибн ал-ҲАСАН ибн АБДУЛҲОЛИҚ ибн САЎИД ибн ИБРОҲИМ ибн МАЪҚИЛ ибн ал-ҲАЖЖОЖ ан-НАСАФИЙ** – Самарқандда яшаган. У отасидан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

*Анас ибн Молик разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Сизлардан бирор кимса, токи мен унга отаси, фарзанди ва барча одамлардан маҳбуброқ бўлмас эканман, мўмин бўла олмас” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АТО ибн МАЙСАРА** – элда “Ато ибн Абдуллоҳ” номи бирлан таникли бўлиб, “Абу Айюб”, “Абу Масъуд”, “Абу Усмон” деган кунялар (лақаблар)га ҳам эга. Айтишларича, у Самарқанд аҳлидан бўлган экан. Аммо, баъзилар уни журжонлик ва баъзилар балхлик деб ҳам таъкидлашади.

Абу Бакр ибн Абу Довуд ас-Сижистоний бундай дейдилар: “Ато ибн Майсара ал-Хуросоний асли Журжондан бўлиб, Байт ул-Мақдис аҳлидан бўлмиш (Хуросон ҳоқими) Язид ибн ал-Муҳаллаб (ал-Аздий)(672–720)нинг озод қилган кули эди”.

Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий бундай дейдилар: “Ато ибн Абу Муслим балхлик бўлиб, Шомда яшаган Ал-Муҳаллаб ибн Абу Суфранинг озод қилган кулидир”.

Молик эса уни “Ато ибн Абдуллоҳ ал-Хуросоний” дер эдилар.

Абу Исо ат-Термизий: “У Ато ибн Абу Муслим ал-Хуросоний ал-Балхий бўлиб, Самарқандда яшаган”, – дейдилар.

Абу Ҳотим Муҳаммад ибн Хайён бундай дейдилар: “Ато асли Балхдан бўлиб, басраликлар бирлан бирга Хуросонга келган ва у ерда узоқ вақт яшагач, Ирокқа кетган. Шул боис унга “Ал-Хуросоний” нисбати берилган”.

Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Саъид ас-Сарахсий: “Ато ибн Майсара самарқандликдир”, – дейдилар.

Ато ибн Майсара саҳобалардан Ибн Умар, Абу Хурайра, Абуддардоъ ва тобеинлардан Саъид ибн ал-Мусаййаб, Абу Салма, Нофий, Аш-Шаъбий ва Аз-Зухридан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса қуйидагилар ҳадис ривоят қилган: ўғли Усмон, Молик ибн Анас, Муъаммар ибн Рошид, Исҳоқ ибн Нофий ас-Сулламий, Утба ибн Абу Ҳакийм.

Утба ибн Абу Ҳакийм: “Биз болалигимизда Ато ал-Хуросоний ҳузурларида ўлтирганимизда: “Эй болалар! Илм ўрганингизлар, (айтган нарсаларимни) ёзиб олингизлар! Кимки ёзишни яхши билмаса, биз унга ёзиб берурмиз ва кимда қоғоз бўлмаса, унга қоғоз берурмиз” – дер эдилар”, – дейдилар.

Ибн Жобир эса бундай дейдилар: “Биз Ато ал-Хуросонийга ҳавас қилиб, ул кишига ўхшашга ҳаракат қилар эдик. Ато ал-Хуросоний тун бўйи ухламай намоз ўқир эдилар, ул киши Оллоҳ таолонинг солиҳ бандаларидан, муттақий уламоларидан эдилар. Балх аҳли тўрт киши бирлан фахрланар эди. Булар – Ато ибн Майсара, Аз-Заҳҳок ибн Музоҳим, Муқотил ибн Ҳайён ва Муқотил ибн Сулаймон бўлиб, барчалари илми тафсир бобида беназир эдилар”.

Ато ибн Майсара ҳижратнинг 50-йили дунёга келиб, 135-йили (Фаластиндаги) Арийҳо шаҳрида оламдан ўтган ва жасади Байт ул-Макдисга олиб борилиб, ўша ерга дафн қилинган.

Иброҳим ибн Адҳамдан ривоят қилинишича, Ато ал-Хуросоний бундай деган экан: “Мен Хуросондан кўчиб кетмокчи бўлганимда ул ердаги уламолардан: “Оилам бирлан қаерга бориб турмоғимни маъқул кўрурсизлар?” – деб маслаҳат сўрадим. Шунда барчалари: “Шомга бориб яшаганингиз маъқул”, – дейишди. Сўнг, мен (Ироқдаги) Куфа шаҳрига бориб, ул ердаги уламолардан ҳам: “Оилам бирлан қаерга бориб яшамоғимни маъқул кўрурсизлар?” – деб маслаҳат сўрадим. Улар ҳам: “Шомга бориб яшаганингиз маъқул” – деб айтишди. Кейин, мен Мадинаи Мунавварага бориб, ул ердаги илм аҳлидан ҳам: “Оилам бирлан қаерга бориб яшамоғимни маъқул кўрурсизлар?” – деб маслаҳат сўрадим. Шунда ҳаммалари: “Шомга бориб яшаганингиз маъқул”, – дейишди”.

Иброҳим ибн Адҳам: “Шундан сўнг, Ато ал-Хуросоний Байт ул-Макдисга кўчиб бориб, ўшал ерда маскан тутди”, – дейдилар.

Ато ибн Майсара куйидаги ҳадисни ривоят қилган:

Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Дарҳақиқат, Оллоҳ таоло қизим (Руқаййа)ни Усмон ибн Аффон разияллоҳу анҳуға никоҳлаб бермогим лозимлигини менга ваҳий орқали хабар қилди” – деб марҳамат қилдилар”.

**АТО ИБН АБДУЛЛОҲ ИБН АЛ-ҲУСАЙН АН-НАСАФИЙ** – Абулфазл Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Мардак ал-Каробийсий ал-Бухорийдан куйидаги ҳадисни ривоят қилган:

Тамийм ад-Дорий разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Беш (амали солиҳ) мавжуд бўлиб, кимки улар бирла Оллоҳ таолога рўбарў бўлса, унинг юзи жаннатдан (жаҳаннам) томонга ўгириб қўйилмас. Улар – Оллоҳ таоло йўлида, унинг Расули йўлида, унинг дийни йўлида, унинг Китоби йўлида ва мусулмонлар жамоаси йўлида насиҳат қилмоқликдир” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУ МУҲАММАД АТО ИБН МУҲАММАД ИБН МАНСУР АЛ-КУШОНИЙ** – ҳоким ва имом. Қози Абулмауаййид Маймун ибн Абулали ан-Насафий раҳимаҳуллоҳудан куйидаги ҳадисни ривоят қилган:

Анас разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимки очни тўйгазса, ялангочни кийинтирса ёки мусофирни бағрига олса, Оллоҳ таоло уни қиёмат куни даҳшатларидан қутқарур” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУЛЖУД АТО ИБН АҲМАД ИБН АС-СОДИҚ АЛ-ХОЛИДИЙ АЛ-КОСОНИЙ** – қози ва имом. (Йирик лашкарбоши, “Оллоҳнинг қиличи” деган фахрий унвон соҳиби) Халид ибн ал-Валийд разияллоҳу анҳунинг авлодларидан бўлиб, узоқ вақт Самарқандда яшаган, сўнг Косонга қайтиб, ўша ерда шаҳид бўлган.

Абулжуд Ато ибн Аҳмад куйидаги ҳадисни шайх Абу Хафс Умар ибн Насуҳ ибн Муслим ал-Ахсикасий (ал-Ахсикатий) дан ривоят қилган:

*Анас ибн Молик разияллоҳу таоло анху бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қиёмат арафасида (шундай) фитналар содир бўлурки, (ўшал кез баъзи) киши мусулмон ҳолда тонг оттириб, кечга бориб кофир бўлур ва (баъзи) киши кофир ҳолда тонг оттириб, кечга бориб мусулмон бўлур. Қавмлар ўз динларини арзимас бир матоҳга сотиб юборурлар” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛФАЗЛ ал-АББОС ибн МАҲМУД ибн АБДУРРАҲМОН** – Самарқанд волийларидан бири. Отасидан ҳадис ривоят қилган. Ҳижрий 321 (милодий 932) йил, ражаб ойининг бошларида, жумъа куни вафот этган. У: “Отам (Маҳмуд ибн Абдурахмон) бундай дегандилар”, – дейди: “Бир куни биз Мовароуннаҳр ноиби амир Наср ибн Аҳмад ибн Асаднинг ҳузурда бўлдик. Шунда саройга кўплаб уламо, лашкарбоши ва юрт шайхлари тўпланган бўлиб, Абулхусайн Убайдуллоҳ ибн ал-Марзбон амирнинг ўзига тегишли бир ер-сувни Оллоҳ таолодан ажру савоблар умидида садақа қилгани хусусидаги вақфномани ичкарига олиб кирди. Амир уни тасдиқлаб, ҳузурда тўпланганларни шунга гувоҳ қилди. Сўнг, у: “Менга отам Аҳмад ибн Асад ибн Сомон куйидаги ҳадисни ривоят қилгандилар”, – деди:

*Исмоил ибн Жаъфар ал-Мадийний бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Агар инсон вафот қилса, уч амали, яъни ўзгалар манфаатланадиган илми ёки (то қиёмат савоби тегиб турадиган) садақаи жорияси ёки Оллоҳ таолодан гуноҳини сўраб дуоийи фотиҳа қилгувчи солиҳ фарзандидан бўлак барча амалидан бенасиб бўлур” – деб марҳамат қилдилар”.*

**Ал-АББОС ибн УМАР ибн АБУ МУҚОТИЛ ас-САМАРҚАНДИЙ** – отасидан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса Муҳаммад ибн Исо ал-Ғаззол ас-Самарқандий ҳадис келтирган. У ҳижрий 244 (милодий 857) йил, рамазон ҳайитидан икки кун кейин вафот этган бўлиб, куйидаги ҳадисни отасидан ривоят қилган:

Амр ибн Шуъайбнинг боболари бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Болаларингизни етти яшар бўлганларида намозга олиб борингизлар, ўн яшар бўлганларида эса намоз ўқишмоқликни уларга вожиб қилингизлар! Агар сизлардан бирор киши чўрисини қулига турмушга берса, зинҳор чўрининг киндиги ва тиззаси оралигидаги нарсага қарамасин! Чунки, унинг киндиги ва тиззаси оралигидаги нарса авратдир” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУЛФАЗЛ ал-АББОС ибн ат-ТОЙЙИБ ас-СОҒАРЖИЙ** – Аҳмад ибн Хишом ал-Иштихонийдан қуйидаги ҳадисни ривоят қилган:

Анас ибн Молик разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимки бирор намозни унутиб, уни ўз вақтида ўқий олмай қолса ёки ухлаб қолиб, уни қазо қилиб қўйса, эсига тушгани ҳамон уни ўқиб олсин! Оллоҳ таоло: “... ва ёд қилингиз Парвардигорингизни қачон унутсангиз...” – дейди” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУЛФАЗЛ ал-АББОС ибн МУҲАММАД ибн ТОҲИР ибн АБДУЛЛОҲ ибн ТОҲИР ибн ал-ҲУСАЙН ибн ЗУРАЙҚ ибн АСЪАД ат-ТОҲИРИЙ** – ҳижрий 337 (милодий 947) йили Самарқандда вафот қилган. У Абулҳасан Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Солиҳ ибн Шайх ибн Умайра ал-Асадийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

Уқба ибн Омир ал-Жуҳаний бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни куннинг уч вақтида намоз ўқишмоғимиздан ва вафот этган кишиларимизни дафн қилмоғимиздан қайтарар эдилар: қуёш нурлари таралаётганда, қуёш тиккага келгандан то (бироз) оққунча (то бироз салқин тушгунча) ва қуёш бота бошлагандан то бутунлай ботиб бўлгунча”.

**АБУЛФАЗЛ ал-АББОС ибн ал-ФАЗЛ ибн ЯҲЁ ибн ҲАМИЙД ан-НАДБИЙ ал-БАНЖХИЙНИЙ** – Муҳаммад ибн Ҳамийд ибн Сулаймон ан-Надбий ас-Самарқандийдан қуйидаги ҳадисни ривоят қилган:

*Қатода разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Мусо ибн Имрон салавотуллоҳи алайҳи (Мусо алайҳиссалом): “Эй Парвардигорим! Ҳазбинг бирла ризолигининг аломати недур?” – дедилар. Оллоҳ таоло: “Агар сизларга энг яхшингизни ҳоким қилиб қўйсам, бу менинг (сизлардан) ризолигим аломатидир ва агар сизларга энг ёмонингизни ҳоким қилиб қўйсам, бу менинг (сизлардан) газабланганим аломатидир”, – деди”.*

**АЛ-АББОС ибн ал-ХАТТОБ ас-САМАРҚАНДИЙ** – Ал-Хаттобнинг ўғиллари – Али ва Тоҳирнинг биродари. Умар ибн Ҳорун ибн Муслим ибн Холид ва Ал-Фузайлдан ҳадис ривоят қилган, ундан эса Муҳаммад ибн Саҳл ал-Ғаззол ас-Самарқандий ҳадис келтирган. У (Моликий мазҳаби асосчиси) Имом Молик ибн Анасни кўриш шарафига муяссар бўлган ва ул кишидан ҳадис ривоят қилган. Ҳижрий 233 (милодий 846) йил, рамазон ойидан 12 кун қолганда, сешанба куни вафот этган. Баъзилар уни ҳижрий 234 (милодий 847) йили оламдан ўтган деб ҳам таъкидлайди. (Мовароуннаҳр ноиби) Наср ибн Аҳмад ибн Асад унга жаноза ўқиган.

Ал-Аббос ибн ал-Хаттоб ас-Самарқандий куйидаги ҳадисни Умар ибн Ҳорундан ривоят қилган:

*Ҳазрат Усмон ибн Аффон разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилмоқ ниятида от боғлаб қўйилган бир кун мазкур мақсадда от боғлаб қўйилмаган минг кундан яхшироқдир” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛҒАЗЛ ал-АББОС ибн ал-ҒАЗЛ ибн МУЪОЗ ибн БАРАКА ан-НАСАФИЙ** – “Бойон” маҳалласидан, Ал-Хатийб ал-Мустағфирийнинг кўшниси. Ал-Бахтарий, Зоҳир ибн Абдуллоҳ ас-Сугдий, Маҳмуд ибн Анбар ан-Насафий ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. Куйидаги ҳадисни у Зоҳир ибн Абдуллоҳ ас-Сугдийдан ривоят қилган:

*Маймуна разияллоҳу таоло анҳо бундай дейдилар: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳар сафар уйларида чикқач, юриб кета туриб икки қўлларини баланд кўтарганча: “Эй Парвардигорим! Мени бугун йўлдан*

*тоймогимдан ёки йўлдан адашмогимдан ёки бировга зулм қилмогимдан ёки бировнинг менга зулм қилмогидан ёки жоҳиллик қилмогимдан ёки менга нисбатан жоҳиллик қилинмогидан ўз паноҳингда асрагил!” – деб айтганларини кўрганман”.*

**АБУ САЪИД ИСО ибн ЯЗИД ал-ФАРОЪ ас-САМАРҚАНДИЙ ас-СУЛЛАМИЙ ал-ҲАНЗАЛИЙ** – Молик ибн Анас, Хорижа ибн Мусъаб, Абдуррахмон ибн Абу аз-Зинод, Нух ибн Абу Марям, Абу Муовия аз-Зарийр, Ибн ал-Муборак ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса қуйидагилар ҳадис ривоят қилган: Ал-Ҳайсам ибн Жунайд ал-Қозий, Абу Ҳафс ас-Санжадизакий, Абу Турба ал-Қоғадий, Самарқанд аҳли, Аҳмад ибн Ҳишом ал-Иштихоний.

Абу Саъид Исо ибн Язид етмиш йилдан ортиқ умр кўрган. У ҳижрий 203 (милодий 817) йили вафот этган бўлиб, баъзилар унинг ҳижрий 205 (милодий 819) ва баъзилар ҳижрий 209 (милодий 823) йили оламдан ўтганлигини таъкидлайди. Қуйидаги ҳадисни у Хорижа ибн Мусъабдан ривоят қилган:

*Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Киши намоз ўқимоқ ва Оллоҳ таолони ёд этмоқ учун масжидни ўзига ватан айлагани ҳаманоқ Оллоҳ таоло уни узоқ вақт уйида бўлмаган кишини уйига келганда бола-чақаси хурсандлик билан кутиб олгани каби шодона қариши олур” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ МУСО ИСО ибн АБДАК ибн ҲАММОД аш-ШОШИЙ ал-ЖАЛЛОБ** – Самарқандда яшаган. У Аҳмад ибн Наср ал-Аткий ас-Самарқандийдан ривоят қилган ҳадислар қуйидагича:

*Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Оллоҳ таоло у ёқдан бу ёққа изгиб гийбат ташувчи, дўст (иноқ, аҳил) кишилар орасини бузувчи, ҳалол (покиза) инсонларга ёмонлик кўзловчиларни ланъатлади” – деб марҳамат қилдилар”.*

*Ҳузайфа разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Киши кишига*



*(қиёфа жиҳатдан ўхшаса-да), токи хулқи хулқига ўхшамагунча, ўхшамас ва кимки ўзини (хулқ жиҳатдан) қавмга ўхшаши қилиб олса, у ўшал қавмдандир” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ АҲМАД ИСО ибн УМАР ибн ал-АББОС ибн ХАМЗА ибн АМР ибн АЪЙАН ал-ХУЗОЪИЙ ас-САМАРҚАНДИЙ** – Солиҳ ибн Умарнинг биродари. (Самарқанддаги) “Исто” қишлоғидан. У куйидаги ҳадисни Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ибн Баҳром ибн Абдуссамад ад-Доримийдан ривоят қилган:

*Жобир ибн Абдуллоҳ ал-Ансорий разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлариغا минбар ясаб берилмасидан илгари бир хурмо тўнкаси устига чиқиб хутба қилур эдилар. Минбар ясаб берилгач, ул зот унга чиқиб эдилар, мазкур хурмо тўнкаси (бўталогидан айрилган туя янглиг) шундай бир ҳазин овоз чиқардики, ҳатто биз уни эшитдик. Шунда Жаноб Расулуллоҳ муборак қўлларини тўнка устига қўйиб эдилар, у жимиб қолди”.*

**АБУ ҲАССОН ИСО ибн АБДУЛЛОҲ ибн АМР ибн МУҲАММАД ибн ЯХЁ ибн АМР ибн ХОЛИД ибн АБДУЛЛОҲ ибн АМР ибн УСМОН ибн АФФОН ал-БАСРИЙ** – “Юрткезар Бағдодий” номи билан элга танилган. Самарқанд, Бухоро ва Насафга келиб ҳадис ривоят қилган.

Абу Ҳассан Исо ибн Абдуллоҳ куйидагилардан ҳадис ривоят қилган: Иброҳим ибн ал-Валийд ал-Урдунний аш-Шомий, Мутаваккил ибн Муҳаммад ал-Масийсий, Муҳаммад ибн Масъуд ибн ат-Тарсусий, Идрис ибн Салим ал-Мавсилий, Муҳаммад ибн Ҳошим ал-Баълабаккий, Ар-Рабийъ ибн Муҳаммад ал-Лозикий ва бошқалар. У ҳижрий 320(милодий 931) йили Толикон шаҳрида вафот этган бўлиб, куйидаги ҳадисни Муҳаммад ибн Исмоил ас-Соифдан ривоят қилган:

*Анас ибн Молик разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қиёмат куни сизлардан менга энг маҳбуб ва энг яқин бўладирган киши – менга энг кўп салоту салом йўллаган киши бўлиб, кимки жумъа кечаси ёки жумъа куни менга минг марта салоту салом*

йўлласса, унинг юзта: етмишта ухравий ва ўттизта дунёвий ҳожати раво қилинур ҳамда Оллоҳ таоло ҳузурингизга товоқларда ҳадялар киритилгани каби бир фариштани унинг номидан вакил қилиб менинг қабримга киритур, ҳатто ул фаришта: “Фалон ўгли фалон Сизга салоту саломлар йўлади” – деб менга унинг исми бирлан отасининг исмини ҳам айтгай” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУ АҲМАД ИСО ибн ал-ЖУНАЙД ан-НАҲВИЙ ал-АДИЙБ ал-КИССИЙ** – “Китоб ут-тасрийф” (“Феълларнинг тусланиши”) номли асар муаллифи. Язид ибн Ҳорун, Абу Убайда Муъаммар ибн ал-Мусанний, Ҳишом ибн ал-Калбий ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган, ундан эса Абд ибн Ҳамид ва Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ҳадис келтирган.

Саҳл ибн Шозуя: “Мен Абу Аҳмад Исо ибн ал-Жунайддан ақиллироқ бирорта хуросонликни ва араб тилини ундан кўпроқ билгувчи бирорта кишини кўрмадим” – дейди.

Абу Аҳмад Исо ибн ал-Жунайд қуйидаги ҳадисни Абу Убайда Муъаммар ибн ал-Мусаннийдан ривоят қилган:

*Ан-Нуъмон ибн Башийр разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Ҳалол ҳам аниқ, ҳаром ҳам аниқ. Аммо, буларнинг орасида ҳалол ёки ҳаромлиги шубҳали нарсалар мавжуд. Кимки бу шубҳали нарсалардан ўзини олиб қочса, обрўси ва динини гоятда пок сақлаган бўлур ва кимки улардан бирортасига қўл урса, ҳаромга қўл урмоғига бир баҳя қолган ҳолатда бўлурки, у бировнинг экини атрофида қўй боқиб юриб, беихтиёр қўйларини ул экиндан ўтлатиш арафасида турган бир чўпонга ўхшайди. Дарҳақиқат, ҳар бир подшоҳнинг ўз дахлсиз нарсалари мавжуддир. Оллоҳ таолонинг ердаги дахлсиз нарсалари эса қилса гуноҳ бўладирган амаллардир” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ БАКР ИСО ибн МУСО ибн ҲУДАМ ал-КУШОНИЙ** – Жаброил ибн Мужоъ ал-Кошоний, Умар ибн Муҳаммад ибн Баҳийр, Бакр ибн ал-Аҳнаф ал-Кошоний, Шом ва Ирок аҳлидан ҳадис ривоят қилган. Ҳадис талабида Самарқандга

келиб, кўплаб шайхлардан ҳадис ёзиб олган. Ҳижрий 350 (милодий 960) йилдан кейин вафот қилган. У ҳалол ва фозил киши бўлиб, куйидаги ҳадисни Аҳмад ибн Жаъфар ал-Мукриъдан ривоят қилган:

*Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:*  
“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг менга қилган сўнги муборак насиҳатлари шу бўлдики, ул зот: “Одамларни (мўмин-мусулмонларни) тез-тез дуои хайр қилиб турунгизлар! Дарҳақиқат, банда (дуоиси) қачон мустажоб бўлмоғини ва қачон ўзига раҳм қилинмоғини билмас. Шул боисдан ҳам Оллоҳ таоло мусулмонларни бир-бирларига шафийъ (бир-бирларига куюнадирган, гамхўр, бир-бирларининг ёнини оладирган) бўлмоқларини тайинлагандир” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУ АҲМАД ИСО ибн ал-ҲУСАЙН ибн ар-РАБИЙЪ ибн ҲАММОД ибн ВАЖИЙҲ ал-КАСБАВИЙ ан-НАСАФИЙ** – “Китоб ул-дурр”, “Китоб ул-мажолис”, “Китоб ул-бустон”, “Китоб ул-ажоиб” ва “Китобу макоид иш-шайтон” (“Шайтон макрлари ҳақида китоб”) номи асарлар муаллифи, улуғ ҳофиз. Самарқанд аҳлидан бўлмиш Иброҳим ибн Наср ал-Кабузбахкасий, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Қассом ас-Самарқандий, Наср ибн ал-Фатҳ ас-Самарқандий ва Бухоро, Насаф шайхларидан ҳадис ривоят қилган, ҳижрий 370 (милодий 980) йил, зулҳижжа ойида Касбада вафот этган. Куйидаги ҳадисни у Муҳаммад ибн Абуллайс ал-Баззоз ат-Термизийдан ривоят қилган:

*Абудардоъ разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:*  
“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш кабидир, катта бўлганда олинган билим эса сув бетига ёзилган бир хат янглиғдир” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУ АМР ОМИР ибн ШАРОҲИЙЛ аш-ШАЪБИЙ ал-КУФИЙ** – Самарқандга Қутайба ибн Муслим билан бирга келган. Фақиҳ, ҳадислар ҳофизи ва шоир. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бир юз элликта саҳобаи киромларидан ҳадис ривоят қилган. Шаъбийнинг айтишича, у: “Мен беш юз ёки беш юздан ҳам зиёд саҳобани кўриш шарафига муяссар бўлганман” – деган экан.

Абу Амр Омир ибн Шароҳийл ҳижратнинг 20 (милодий 640) йили дунёга келган. “У ҳижратнинг 31 (милодий 651) йили таваллуд топган” – деб ҳам айтишади. Абу Амр Омир ибн Шароҳийл ҳижрий 104 (милодий 722) йили вафот этган бўлиб, баъзиларнинг таъкидлашича, у ҳижрий 105 (милодий 723) ва яна баъзиларнинг таъкидлашича, ҳижрий 109 (милодий 727) йили оламдан ўтган эмиш. Хуллас, у вафот этганда 82 ёшда бўлиб, айримлар унинг 86 йил умр кўрганлигини қайд этишади. Мен (яъни, ушбу китоб муаллифи Нажмуддин Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий) Мадоин қабристонларидаги қабрлардан бирига ўрнатилган тошга “Бу Омир ибн Шароҳийл аш-Шаъбийнинг қabri” деб ёзиб қўйилганини кўрганман. Айтишларича, Абу Амр Омир ибн Шароҳийл аш-Шаъбий (умавийлар халифалигининг шарқий қисмини идора этаётган) Ҳажжож ибн Юсуф (661–714)нинг таъқибидан яшириниб, (аввал) Самарқандга, сўнг Фарғонага келади. Шу аснода араб фотиҳи Қутайба ибн Муслимнинг (Мовароуннаҳрда) ўзи фатҳ қилган ерлар ва олинган ўлжалар ҳамда ул ўлжалар тақсимоти хусусида Ҳажжожга мактуб битмоғи лозиб бўлиб қолади. Унинг аъёнлари бундай мактубни қандай ёзмоқ кераклигини билмай, қийналади. Шунда ул мактубни Абу Амр Омир ибн Шароҳийл аш-Шаъбий ёзиб беради. Ҳажжож мазкур мактубни ўқиттиргач, Қутайбага жавоб хати йўллаб, унда: “Бул мактуб Абу Амр Омир ибн Шароҳийл аш-Шаъбий томонидан битилгандир, (у Бизнинг таъқибимиздан қочиб сизлар томонда яшириниб юрибди), унга қаттиқ жазо бергил!” – дейди.

Исмоил ибн Исҳоқ Албоб ал-Киссий Самарқанд жомеъ масжиди қибласи хусусида бундай дейди: “Самарқанд жомеъ масжиди қибласини (меҳробини) бир қанча саҳоба ва тобеъийнлар ўз кўзлари билан кўрган бўлиб, ул масжидда фалончилар ва Абу Амр Омир ибн Шароҳийл аш-Шаъбий намоз ўқишган. Абу Амр Омир ибн Шароҳийл озгин (қотмадан келган) киши бўлиб, унга: “Нечун бунчалар озгинсиз?” – дейилганда, у: “Онамнинг қоринларида менга жой камлик қилган (яъни, онамнинг қоринларида мен бирлан бирга яна бир бола ҳам бўлиб, у қиз эди)” – деб жавоб берганди”.

Исмоил ибн Абу Холид: “Мен Абу Амр Омир ибн Шароҳийл аш-Шаъбийнинг ҳозиргина уйга кириб кетганини кўрдим. Шунда уйдагиларнинг бирдан дод-вой солиб йиеллаганини эшитиб, ичкарига кирсам, унинг тўсатдан жон таслим қилганини айтишди”, – дейди.

Абу Амр Омир ибн Шароҳийл аш-Шаъбий бундай дейди: “Мен (халифа) Абдулмалик ибн Марвондан бўлак пировардида мен унга эмас, у менга муҳтож эканлиги аён бўлиб қолмаган бирор кишини учратмадим. Ҳақиқатан ҳам мен Абдулмалик ибн Марвонга муҳтож эдим, у менга муҳтож эмасди”.

Махҳул: “Мен Аш-Шаъбийдан билимдонрок бирор кишини кўрмадим”, – дейди.

Суфён ибн Уяйна эса: “Уч ҳақиқий олим мавжуд: Ибн Аббос ўз даврининг, Аш-Шаъбий ўз даврининг ва Суфён ас-Саврий ўз даврининг беназир олимидир”, – дейди.

Ҳикоя қилинишича, бир киши Аш-Шаъбийни тўхтамай ҳақорат қилаверибди, Аш-Шаъбий эса индамай кулоқ солиб тураверибди. Бояги киши ниҳоят жим бўлгач, Аш-Шаъбий: “Ҳақорат қилиб бўлдингми?” – дебди. У: “Ҳа” – деб жавоб қилибди. Шунда Аш-Шаъбий унга: “Агар мени қилмаган айбларим учун ҳақорат қилган бўлсанг, Оллоҳ таоло сени кечирсин ва агар мени чиндан ҳам қилган айбларим учун ҳақорат қилган бўлсанг, ул ҳолда Оллоҳ таоло мени кечирсин!” – дебди.

Абу Амр Омир ибн аш-Шаъбийнинг хабар беришича, бир киши Абу Амр (ибн ал-Ало?) разияллоҳу анҳуга: “Ўзингиз Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламдан эшитган бирор ҳадиси шарифни менга айтиб берингиз!” – дебди. Шунда Абу Амр разияллоҳу анҳу бундай деб ривоят қилибдилар: “Мен Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва салламнинг “(Ҳақиқий) мусулмон – тили ва қўлидан (бўлак) мусулмонларга зарар етмайдирган кишидир ва (ҳақиқий) муҳожир – Оллоҳ таоло қайтарган нарсалардан ҳижрат қилган (қайтган) кишидир” – деб марҳамат қилганларини эшитганман”.

**ОМИР ибн МАХЛАД ал-ҚУРАШИЙ ас-САМАРҚАНДИЙ**  
– куняси “Абулало”. Куйидаги ҳадисни у Асрам ибн Ҳавшабдан ривоят қилган:

Абу Зарр разияллоҳу анҳу: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар”, – дейдилар: “Меҳнатсиз бойлик орттирмақдан ҳазар қилингизлар! Сизлардан кимки бозорга кирса, унинг ўртасига борсин, чунки иблис лабанахуллоҳу ўша ерда бўлур. Аммо на бирор нарса харид қилмоққа ва на бирор нарса сотмоққа қўл урмасин, аввал қуйидаги дуони айтсин: “Аллоҳумма! Инний аъузу бика минал-куфри вал-фусуқи ва мин шарри мо фис-сууқи. Аллоҳумма! Инний аъузу бика мин кулли калиматин козибатин ав йамийнин фожиротин ав софқотин хосиротин. Аллоҳумма! Инний ло аждид илло мо аътойта ва ло аттақий илло мо вақойта. Иқзи лийл-хойро таборокта ва таъолайта, ло илоҳа илло анта, асъалука хойро йавмий ҳозо фароҳаҳу ва ҳудоҳу ва мағфиротаҳу” [“Эй Парвардигорим! Мени куфр ва бузуқликлардан, бозорда бўладирган ёмонликлардан ўз паноҳингда асрагил! Эй Парвардигорим! Мени ҳар қандай ёлгон сўз ёки ёлгон қасам ёхуд чув туширадирган (алданиб қоладирган) бор баракадан (савдо-сотиқдан) ўз паноҳингда асрагил! Эй Парвардигорим! Мен фақат Сен ато этган нарсагагина эга бўлурман ва фақат Сен сақлаган нарсадангина омон қолурман. Эй Парвардигорим таборак ва таъоло! Менга хайриятни раво кўргил! Сендан бўлак илоҳ йўқдир! Бу кунимни хайрият, хурсандлик ва ҳалоллик бирлан ўтказмогимни, (бугун бандалик юзасидан йўл қўядирган хато-ю, гуноҳларимни мағфират этмогингни илтижо қилурман!)”]. Кимки бозорда шундай деса, гўёки ўнта қўлни озод қилган баробарида бўлур ва унинг номаи аъмолига мингта амали солиҳ ёзилиб, мингта ёмон амали ўчирилуру ҳамда (Оллоҳнинг наздида) унинг мартабаси минг мартаба ортур. Шунингдек, у, иншоаллоҳ, ўз ишидан барака топиб, фитналардан омон бўлур”.

**ОМИР ибн ЖАМОҲИР ибн МУКОТИЛ ибн ИБРОҲИМ ибн АБДУЛЛОҲ ибн МОҲОН ал-БОҲИЛИЙ ал-МУАДДИБ ас-САМАРҚАНДИЙ** – Аҳмад ибн ал-Лайс ас-Самарқандий, Масъуд ибн Солиҳ ал-Мукриъ ас-Самарқандийдан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Ҳимм ал-Муаддиб ас-Самарқандий (Абу Раъд) ҳадис келтирган. У Масъуд ибн Солиҳ ал-Мукриъ ас-Самарқандийдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Ибн Умар разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:*  
“Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам минбарда туриб,  
“Оллоҳни ўзига муносиб қадрламадилар, ҳолбуки бутун Ер  
қиёмат куни унинг кафтида бўлур ва осмонлар унинг ўнг  
қўлида ўралган ҳолда турур...” (“Аз-Зумар” сураси, 67-оят)  
деган ояти каримани қироат қилдилар-да, “Оллоҳ таоло ўз  
қудрат қўлининг бармоғи бирлан уларни мана бундай  
қимирлатиб: “Мен Ал-Жабборман, Мен Ал-Мутакаббирман,  
Мен Ал-Малик ал-азизман, Мен Ал-Кариймман” – дея ўзини  
улуғлайди”, – дедилар. Шунда ул зот минбарни чунонам  
тебратдиларки, ҳатто биз (синдириб қўйишларидан  
ховотирланиб): “Унга ачинсалар эди!” – дедик”.

**ИМРОН ибн АБУ ИМРОН ас-САМАРҚАНДИЙ** – Молик ибн Анас ва Абу Муқотил Ҳафс ибн Салм ас-Самарқандийдан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса Ҳимм ибн Мустағфир ан-Насафий ҳадис келтирган. У Молик ибн Анасдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:* “Кимки рамазон ойидаги жумъа кунларининг ҳар бирида “Ёсин” сурасини тиловат қилмоқни ўзига одат айласа, Оллоҳ таоло қиёмат куни унинг бўйнига иймон чамбарини илиб, бошига виқор тожини кийгизур ва (маҳшар) жарчиси гувоҳлар ҳузурида: “Бу сенга рамазон ва бўлак ойларда “Ёсин” сурасини (канда қилмай) тиловат қилганинг учун Оллоҳ таолодан мукофотдир!” – деб овоза қилур”.

Қуйидаги ҳадисни эса у Абу Муқотилдан ривоят қилган:  
*Умму Ҳониъ разияллоҳу таоло анҳо бундай дейдилар:*  
“Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Умматим, модомики рамазон рўзасини (бой бермай) тутар экан, сира шармисор қилинмас” – деб марҳамат қилдилар. Бунни эшитиб, ансорлардан бири: “Ё Расулalloҳ! Умматингизнинг рамазон рўзасини бой бериб, шармисор бўлмоқлари недир?” – деди. Шунда ул зот: “Рамазон ойида Оллоҳ таоло ҳаром қилган нарсаларга қўл урмоқлик бўлиб, кимки ул ойда ёмонлик қилса ёки шароб ичса ёхуд бирор мусулмонга азият етказса, тутган рўзаси қабул қилинмай, Оллоҳ таоло ва фаришталар келаси ил рамазонгача уни лаънатлагай” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУ МУСО ИМРОН ибн АБУ ИМРОН ас-САМАРҚАНДИЙ** – Самарқанддаги “Ҳоиту Жобир”да жойлашган хонақоҳ соҳиби. Отаси Абу Имроннинг исми Мусо ибн Абдулвахҳоб. У отасидан ва Абу Зуръа ар-Розий ҳамда Самарқанд қозиси Муҳаммад ибн Асламдан ҳадис ривоят қилган, ундан эса ўгли Аҳмад ибн Имрон ва бошқалар ҳадис келтирган.

Абу Мусо Имрон ибн Абу Имрон ас-Самарқандий қуйидагини Абу Зуръа ар-Розийдан ривоят қилган: “Касийр ибн Мурра: “Келажакда “Оят ул-алам” кўрингай”, – дедилар. Одамлар: “Эй Касийр! “Оят ул-алам” недур?” – дейишди. Касийр: “(Келажакда) рамазон ойида машрикдан чиқадирган аланга (олов) устунни бўлиб, уни бутун ер юзи аҳли кўрур. Кимки ўшал кунда мавжуд бўлса, оиласига бир йиллик еб-ичгулик тайёрлаб қўйсин!” – деб жавоб қилдилар”.

Қуйидаги ҳадисни эса у Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аслам ал-Қозийдан ривоят қилган:

Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Пораҳўрлик (ва судхўрлик) етмиш икки хил гуноҳдан иборат бўлиб, улардан энг кичиги ўз онасини никоҳлаб олганлик баробаридадир” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУ МУСО ИМРОН ибн ИДРИС ибн НАЪБИЙМ ибн АБДУР-РАҲМОН ибн ал-МУҒИЙРА ат-ТАМИМИЙ ал-ИШТИХОНИЙ** – Умар ибн Абу Муқотил, Азҳар ибн Юнус, Абу Ҳафс ал-Бухорий, Муҳаммад ибн Салом ал-Байқандий ва Самарқанд аҳлидан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса Зоҳид ибн Абдуллоҳ ас-Сугдий, Иброҳим ибн Ҳамдуйа ал-Иштихоний ва бошқалар ҳадис келтирган. У қуйидаги ҳадисни Муҳаммад ибн Суҳайл ас-Самарқандийдан ривоят қилган:

Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Агар солиҳ киши тобутига ётқизилса, у: “Мени (қабримга) тезроқ олиб борингизлар!” – дейди ва агар солиҳ бўлмаган киши тобутига ётқизилса, у: “Вой шўрим! Мени қаерга олиб кетяпсизлар?” – дейди” – деб марҳамат қилдилар”.



**АБУЛҲАСАН ИМРОН ибн МУСО ибн ал-ҲАСАН ал-ҲАСАНИЙ ал-МАҒРИБИЙ ал-МОЛИКИЙ** – етук олим, котиб, шоир ва уламолар раҳнамоси. Мовароуннахрга келган, Бухоро, Самарқанд ҳамда Фарғонада бўлиб, бир қанча подшоҳларни кўрган, уламоларга раҳнамолик қилиб, фозилларга кўп нафъу фоидалар етказган. Унинг Мовароуннахрда ёзган кўплаб етук, гўзал шеърлари ҳамда мактублари мавжуд. У куйидаги ҳадисни ҳижрий 432 (милодий 1040) йил, 3-зулқаъда, якшанба куни ўзининг Самарқанддаги уйида ёддан ривоят қилган:

*Ҳаким ибн Ҳизом разияллоху таоло анху бундай дейдилар: “Дарҳақиқат, Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам: “Баланд (меҳнат қилгувчи) қўл паст (тиламчи) қўлдан яхшироқдир. Садақа (нафақа) қилмоқни аввал ўзинг боқадирганлардан бошлагил!” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АМР ибн АЪЙАН ал-ХУЗОЪИЙ** – Самарқанд аҳлидан. (Араб фотиҳи) Абу Муслим уни Самарқанд нойиби этиб тайинлаган. Кейин, у ҳижрий 135 (милодий 747) йили Марвга қайтган. Ҳижрий 142 (милодий 759) йили, (халифа) Абу Жаъфар ал-Мансур ҳукмронлиги даврида уни Хуросон ноиби Абдулжаббор ибн Абдурахмон қатл қилган. У отасидан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

*Абу Ҳурайра разияллоху таоло анху бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам: “Зиёрат қил кунора, меҳринг ортар тобора!” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ ОСИМ АМР ибн ОСИМ ал-МАРВАЗИЙ** – ҳижрий 295 (милодий 907) йили Самарқандга – амир Аҳмад ибн Исмоил ибн Аҳмаднинг ҳузурига келган ва Самарқанд илм толибларига Абу Исмаил Саъд ибн Муоз ал-Марвазий, Али ибн Ҳажар, Абу Саъид ал-Ашажж ва Абу Зуръа ар-Розийдан ҳадислар ривоят қилган. Куйидаги ҳадисни у Абу Исмаил Саъд ибн Муоздан ривоят қилган:

*Анас ибн Молик разияллоху таоло анху бундай дейдилар: “Бир киши Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва салламнинг қошларига келиб: “Ё Расулаллоҳ! Менга мустажоб бўладирган бир дуо ўргатсангиз!” – деди. Шунда Расулуллоҳ саллаллоху*

алайҳи ва саллам: “Аллоҳумма, асъалука бисмикал-Аъзам ал-Аъазз ал-Ақрам, деб айтгил!” – дедилар. У: “Ё Расулаллоҳ! Бу мустажоб бўладирган дуоми?” – деди. Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга жавобан: “Ҳа” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУ САЪИД АМР ибн ал-ҲАСАН ибн АМР ибн НАЪИЙМ ал-ҚАЙСИЙ ас-СИНЖОРИЙ ал-ЖАЗАРИЙ ас-САМАР-ҚАНДИЙ** – Синжор – Шомдаги бир қишлоқ бўлиб, Абу Саъид Амрнинг отаси Ал-Ҳасан ўша ерлик эди. Абу Саъид Амр ибн ал-Ҳасаннинг ўзи эса амир Наср ибн Аҳмаднинг ноиби Матт ибн Абднинг котиби бўлган ва (Самарқанднинг) “Майдон” маҳалласида яшаган. У олижаноб, саховатпеша шайх бўлиб, ҳижрий 262 (милодий 861) йил, рабийъ ул-оҳар ойида вафот этган.

Абу Саъид Амр ибн ал-Ҳасан Бухоро ва Насафга бориб, (илм толибларига) Ал-Лайсинг котиби Абдуллоҳ ибн Солих, Наъийм ибн Ҳаммод ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. Куйидагилар эса ундан ҳадис ривоят қилишган: Абу Яъқуб ал-Аббор, Шуъайб ибн ал-Лайс ал-Қоғазий, Бухоро аҳли, Мусо ибн Абдуллоҳ ан-Насафий ва Ар-Рабийъ ибн Ҳассон ал-Киссий. У Наср ибн Фузоладан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

Авс разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Агар рўзанинг арафа куни бўлса, фаришталар кўчаларнинг бошида туриб олишиб: “Эй мусулмонлар жамоаси! Яхшилик қилмоқни буюргувчи ва яхшилик учун мўл-кўл ажру савоб ато этгувчи меҳрибон Парвардигорга (ибодат қилмоқ учун масжидга) барвақтроқ борингизлар! Раббингиз сизларга кундузлари рўза тутмоқни амр қилиб эди, сизлар рўза тутдингизлар, унга итоат қилдингизлар. Мана энди мукофотларингизни олингизлар!” – деб нидо қилишур. Агар (мусулмонлар) ҳайит номозини ўқиб бўлишса, осмондан бир жарчи: “(Эй мусулмонлар!) Рушду ҳидоят ила уй-уйларингизга қайтингизлар, гуноҳларингиз магфират қилинди!” – деб жар солгай” – дея марҳамат қилдилар”.

**АБУ ҲАФС АМР ибн ШУЪАЙБ ас-САНКАБОСИЙ** – Иброҳим ибн Маъқил ан-Насафийдан куйидаги ҳадисни ривоят қилган:

*Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Дарҳақиқат, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам фатҳу кунни Маккага бошларига дубулга кийган ҳолда кириб келдилар”.*

**АБУ ҲАФС АМР ибн МУКАРРАМ ибн ШАБИЙБ ал-ЙУЗИЙ ан-НАСАФИЙ** – Довуд ибн Сулаймондан куйидаги ҳадисни ривоят қилган:

*Абдуллоҳ ибн Утайқ разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бир касални кўргани бориб, унинг тепасида онасининг йиглаб ўлтирганини кўрдилар. Шунда Жаноб Расулуллоҳ ул аёлга: “Нечун йиглаётирсиз?” – деди. Аёл: “Ё Расулаллоҳ! Мен бу ўғлимни Сиз билан бирга газотга бориб, шаҳид бўлмоғини (ёки Оллоҳ йўлида газот қилиб, жон таслим қилмоғини) истаб эдим”, – деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга жавобан: “Шаҳидликни фақат (газотда) ўлдирилмоқликдир, деб ҳисоблайсизларми? Демак, умматларим орасида шаҳидлар кам экан-да?! (Ундай эмас), (мўмин-мусулмоннинг) Оллоҳ йўлида ўлдирилмоғи ҳам шаҳидликдир, вабодан ўлмоғи ҳам шаҳидликдир. Шунингдек, инсон қорин оғригидан, гарқ бўлиб, ёнгиндан, бирор нарса тағида қолиб, силдан, туголмай (ёки боласи қорнида қолиб) қазо қилтурки, буларнинг бариси ҳам шаҳидликдир” – деб марҳамат қилдилар. Биз ул зотнинг мазкур муборак сўзларини бир қизил териға ёзиб олдик, у ҳозиргача биздадир”.*

**АБУ АМР АММОР ибн БАШШОР** – Самарқанд ахлидан. Али ибн Ҳаким ас-Саъдийдан ҳадислар ёзиб олган, улардан бири куйидагича:

*Ибн Умар разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам от ва (бошқа) уй ҳайвонларини бичмоқдан қайтардилар”.*

**АБУ ЗАРР АММОР ибн ҲАМД ибн МАХЛАД ибн ЖУБАЙР ибн АБДУЛЛОҲ ибн ИСМОИЛ ибн САЪД ибн РАБИЙЪА ибн КАЪБ ибн МУРРА ибн ҒОЛИБ ибн**

**САЪСАЪА ибн НОЖИЯ ибн ИҚОЛ ибн МУҲАММАД ибн СУФЁН ибн МУШОЖИЪ ибн ДОРИМ ибн МОЛИК ибн ҲАНЗАЛА ибн АМР ибн ТАМИЙМ ибн МУРРА ибн АДД ибн ТОБИҲА ибн ИЛЁС ибн МУЗАР ибн НИЗОР ибн МАЪАДД ибн АДНОН ат-ТАМИЙМИЙ ал-БАҒДОДИЙ** – зикр қилинишича, бул кишининг исми илгари “Умар” бўлган. Аммо отаси унга улгайгандан кейин “Аммор” деган бўлак исм қўйган. Чунки, у: “(Ҳазрат Умарни халифаликка кўтариб, ул кишига байъат қилган саҳобаларга қарши чиққан) рофизийлар олдида ўғлимни “Умар” деб чақирсам, мен уларни ҳақорат қилганим каби улар ҳам бундан фойдаланиб Ҳазрат Умарни ҳақорат қилмасинлар, тагин” – деган ўй бирлан шундай қилган экан.

Абу Зарр Аммор ибн Ҳамд қуйидаги шайхлардан ҳадис ривоят қилган: Абу Муҳаммад Яҳё ибн Муҳаммад ибн Соъид, Абу Убайд ал-Қосим, Абу Абдуллоҳ ал-Муҳомиллий, Абу Умар Қозий ул-Кузот ал-Муктадир, Иброҳим ибн Аблуссамад ал-Ҳошимий, Ибн Уқда ал-Ҳофиз ва бошқалар. У Миср, Шом, Жазийра, Хуросон ва Мовароуннаҳрга сафар қилган, Исфижоб, Фаргона ва турклар юртида бўлган, Самарқандга бориб, у ерда илм толибларига ҳадис ривоят қилган. Ҳижрий 346 (мелодий 956) йилдан кейин, Абу Яъло Абдулмўмин ибн Халаф ҳукмронлиги даврида эса Насафга келган ва “Абу Яъло масжиди”да икки ой истиқомат қилиб, Абу Яъло, Маҳмуд ибн Анбар, Муҳаммад ибн Закарийё ибн ал-Хусайндан ҳадислар ёзиб олган.

Абу Зарр Аммор ибн Ҳамд ўз номидан ва ўзгалар номидан 29 марта Байтуллоҳга ҳаж қилган бўлиб, ҳижрий 387 (мелодий 996) йил, 11-сафар, сешанба куни Бухорода вафот этган. У Абу Юсуф Муҳаммад ибн Юсуфдан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Анас разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Оллоҳ таоло, агар фосиқ мақталса, даргазаб бўлур” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ МУҲАММАД ОСИМ ибн АБДУРРАҲМОН ал-ХУЗОЪИЙ ас-САМАРҚАНДИЙ** – Яъло ибн Убайд ат-Танофусий, Исом ибн Юсуф ал-Балхий, Язид ибн Ҳорун ал-Воситий, Муҳаммад ибн Салом ал-Байқандий, Абу Сулаймон

ал-Жузжоний, Абу Муқотил ас-Самарқандийнинг икки ўғли – Салм ва Умар, Али ибн Ҳакийм, Али ибн Исҳоқ, Азҳар ибн Юнус ас-Самарқандий, Маъруф ибн Ҳассон ас-Самарқандийдан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса қуйидагилар ҳадис ривоят қилган: Ал-Аббос ибн ал-Фазл ан-Надбий, Масъуд ибн Комил ас-Саккок, Ан-Назр ибн Жамоҳир, Муҳаммад ибн Исо ал-Ғаззол ас-Самарқандий.

Абу Муҳаммад Осим ибн Абдуррахмон ҳижрий 256 (милодий 869) йили вафот этган. У қуйидаги ҳадисни (Абу Муоз) Маъруф ибн Ҳассондан ривоят қилган:

*Абу Мусо ал-Ашъарий разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:*  
“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Дарҳақиқат, Оллоҳ таоло ўз фаришталарига: “Бандам фарзанди жонини олдингизларми?” – дейди. Фаришталар: “Ҳа”, – дейишур. Оллоҳ таоло: “Бандамни қалб мевасидан жудо қилдингизларми?” – дейди. Фаришталар: “Ҳа”, – дейишур. Оллоҳ таоло: “Бандам не деди? – дейди. Фаришталар: “Сенга ҳамд айтиб, ўрнига яна фарзанд ато этмогингни илтижо айлади”, – дейишур. Шунда Оллоҳ таоло: “Бул бандам учун жаннатда бир уй бино қилингизлар ва уни “Ҳамд уйи” деб атагизлар!” – дейди”.

**АБУ САЪИД ИСМАТ ибн МАСЪУД ибн МАНСУР ибн ИБРОҲИМ ат-ТАМИМИЙ ас-САМАРҚАНДИЙ** – Ад-Доримий, Тамийм ибн Абдуллоҳ ал-Каробийсий ас-Самарқандий, Муҳаммад ибн Тамийм ал-Форёбий ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. Айтишларича, Абу Саъид Исмаат ибн Масъуд асли суғдлик бўлиб, “Амур” (“Аҳолиси зич”) маҳалласида яшаган. У қуйидаги ҳадисни Абу Наъийм Жобир ибн Ҳошим ал-Варроқдан ривоят қилган:

*Анас ибн Молик разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:*  
“Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг фақат кўз теккан ва хумма (чаққан) ҳолдагина дам солмоққа ижозат берганларини кўрганман. Хумма эса илон ва чаёнدير”.

**АБУ ОСИМ ИСМАТ ибн НУҲ ас-САЙРАФИЙ ас-САМАРҚАНДИЙ** – Абулаббос Муҳаммад ибн Усмон ибн Салмнинг она томондан бобоси. Али ибн Исҳоқ ал-Ҳанзалий, Яҳё ибн Аксам ал-Қозийдан ҳадис ривоят қилган.

Ундан эса Муҳаммад ибн Усмон ибн Салм ҳадис келтирган. Куйидаги ҳадисни у Муҳаммад ибн Ҳамийд ибн Сулаймон ибн Ҳамийддан ривоят қилган:

*Анас ибн Молик разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қиёмат яқинлигининг белгиларидан бири шулки, киши эрталаб ўрнидан соғ-саломат турур-да, кечга бориб қабрида ётур” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ АВН ИСОМ ибн ал-ҲУСАЙН ибн ал-ҲУСАЙН ас-САМАРҚАНДИЙ** – Жузжонон (Жузжон)да яшаб, у ерда бола-чақа орттирган ва шул боис унга “Ал-Жузжоний” деган нисбат берилган. У Язид ибн Ҳорун ал-Воситийдан, ундан эса Ад-Доримий ҳадис ривоят қилган.

Абу Авн Исом ибн ал-Ҳусайн етук шоир бўлиб, унинг Самарқанд ва Самарқанд атрофидаги жойлар фазилати хусусида кўплаб шеърлари мавжуд. Куйидаги ҳадисни у Абу Омир Абдулмалик ибн Амрдан ривоят қилган:

*Абу Рошид ал-Ҳиброний бундай дейдилар: “Биз Муовия разияллоҳу анҳу билан бирга эдик, у Абдуorraҳмон ибн Шибл разияллоҳу анҳуни чақириб келмоққа бир одамни жўнатди. Абдуorraҳмон келганларидан кейин, Муовия ул кишига: “Ўрнингиздан турингиз-да, ўзингиз Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитган ҳадислардан одамларга ривоят айлаб, уларни эъозлангиз!” – деди. Шунда Абдуorraҳмон ўринларидан туриб: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Уловдаги пиёдага, пиёда эса ўлтирганга салом бергай” – деб марҳамат қилганларини эшитганман”, – дедилар”.*

**ИСОМ ибн ал-ФАТҲ ас-САМАРҚАНДИЙ** – “Сийракас” кишлоғидан. Аҳмад ибн Наср ал-Аткий ва Ад-Доримийдан ҳадис ривоят қилган, улардан бири куйидагича:

*Ибн Умар разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимки бир биродарини “кофир” деса, иккаласидан бири кофир бўлур” – деб марҳамат қилдилар” (яъни, кофирликда айбланган киши ҳақиқатан ҳам кофир бўлса, кофирлигича қолур ва агар у ноҳақ айбланган бўлса, ул ҳолда уни “кофир” деган кишининг ўзи кофир бўлур).*

**АБУЛАББОС АҚИЙЛ ибн ал-ХУСАЙН ибн МУҲАММАД ал-МУҲАММАДИЙ ал-ФОРИСИЙ** – тўлиқ номи Саййид Абулаббос Ақийл ибн ал-Хусайн ибн Муҳаммад ибн Али ибн Исҳоқ ибн Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Али ибн Абу Толиб разияллоҳу таоло анху ал-Муҳаммадий ал-Форисий. Самарқандга кўп марта келган. Куйидаги ҳадисни у Абулхусайн Абдуллоҳ ибн Муҳаммаддан келтирган:

*Ҳишом ибн Урва оталаридан бундай деб ривоят қиладилар: “Оиша (онамиз) разияллоҳу таоло анҳо: “Ё Расулаллоҳ! Қачон (одамларга) на амри маъруф ва на наҳий мункар қилмай қўјормиз? (яъни, амри маъруф ва наҳий мункар қилмоқнинг фойдаси бўлмайдирган замон қачон келур?)” – дедилар. Шунда Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ҳасислик яхшиларингизда бўлганда, илм разилларингизда бўлганда, мунофиқлик улуғларингизда бўлганда ва бойлик кичикларингизда бўлганда” – деб марҳамат қилдилар”.*

**Ал-АЛО ал-ХУЛҚОНИЙ ас-САМАРҚАНДИЙ** – Али ибн Иброҳимдан куйидаги ҳадисни ривоят қилган:

*Маоз ибн Жабал разияллоҳу таоло анху бундай дейдилар: “Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қиёмат куни менинг умматимга мансуб бир қавм олов (аланга) устунларига маҳкамланган ҳолда маҳшарга жамъ қилинади, улар шаҳвату лаззатларга муккадан кетган ва ўз мол-мулкларидан Оллоҳ таолонинг ҳақи (закот, садақа, хайру эҳсон)ни бермаган кишилардир” – деб марҳамат қилдилар”.*

**УТАЙҚ ибн ИБРОҲИМ ибн ШАММОС ас-САМАРҚАНДИЙ** – Мишмал ва Ҳайдарнинг биродари. Отаси Иброҳимдан ҳадис ривоят қилган, ундан эса жияни Муҳаммад ибн Мишмал, Салма ибн Муҳаммад ал-Ҳазондий ҳадис келтирган. Ҳижрий 258 (милодий 871) йили, баъзиларнинг айтишича, Ҳижрий 259 (милодий 872) йили тўсатдан вафот этган. У отасидан ривоят қилган ҳадислардан бири куйидагича:

*Саҳл ибн Саъд ас-Соъидий разияллоҳу анху бундай дейдилар: “Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам:*

*“Дарҳақиқат, Оллоҳ аzza ва жалла саховатлидир, у саховатни яхши кўрур ҳамда юксак ахлоқни хуш кўриб, тубан ахлоқдан нафратланур” – деб марҳамат қилдилар”.*

**УТАЙҚ** ибн **МУСО** ибн **ШУЖОЪ** ибн **ЯХЁ** ибн **МУСО** ибн **АЛИ** ибн ал-**ҲУСАЙН** ибн **АЛИ** – Самарқандда, “Боби дoston” маҳалласидаги “Наср ибн Жобир работи”да илм толибларига ҳадис ривоят қилган. У Яхё ибн ал-Фазл ал-Варроқдан келтирган ҳадис қуйидагича:

*Абу Ҳурайра разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Жаброил алайҳиссалом қошимга келиб, менга намозни ўргатдилар”, – дедилар-да, ўринларидан туриб “Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм”ни ҳар бир рақъатда овоз чиқариб қироат қилдилар”.*

**ИКРИМА** – Абдуллоҳ ибн Аббос ибн Абдулмутталиб (разияллоҳу анҳу)нинг озод қилган қуллари. Айтишларича, (Хуросон ноиби) Махлад ибн ал-Мухаллаб ибн Абу Суфра ҳукмронлиги даврида Самарқандга келган. Мансур ибн ан-Нуъмон ҳам шундай деб хабар қилади.

*Икрима қуйидаги ҳадисни Ибн Аббос разияллоҳу анҳудан ривоят қилган: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам Ал-Фазл ибн ал-Аббос бирлан Қусам ибн ал-Аббосни (уловларига) мингаштириб олдилар. Шунда улардан бирини олдиларига, иккинчисини эса ортларига ўтқаздилар”.*

Мен (яъни ушбу китоб муаллифи) Саломийнинг тарих китобида кўрдимки, Усмон ибн Аффон разияллоҳу анҳунинг тоғаларининг ўғли Абдуллоҳ ибн Омир ибн Курайз Хуросонга (Басрага?)иккинчи марта ноиб бўлганда Ар-Рабийъ ибн Зиёдни у ерга (Хуросонга) юборган экан. Ар-Рабийъ ибн Зиёд Хуросонга келгач, Сижистонни фатҳ этиб, у ердан 40 минг кишини асир қилиб олиб кетган экан, улар орасида фақиҳ Икрима ҳам бўлган экан.

**ИЁЗ** ибн **МАСЪУД** ибн **БИШР** – (муҳаддис Абу Абдуллоҳ) ал-Фузайл ибн Иёз (?–803)нинг отаси. Анас ибн Моликдан ҳадис ривоят қилган, ундан эса ўғли Ал-Фузайл ибн Иёз ҳадис келтирган.



Ал-Фузайл ибн Иёз: “Самарқанд қишлоқларидан бири бўлмиш Жайрад – Самарқанддан бир фарсах нарида жойлашган бўлиб, у отамники эди”, – дейди.

Иброҳим ибн Шаммос бундай дейди: “Ал-Фузайл ибн Иёз мендан: “Жайрад тоғи шаҳар деворининг ташқарисидами ёки ичкарисидами?” – деб сўради. Мен унга: “Бир қисми ичкарисида ва бир қисми ташқарисидадир”, – дедим. Шунда у: “Жайрад (қишлоғи) отамники эди, мен ўша ерда туғилганман”, – деди”.

Иёз ибн Масъуд ибн Бишр қуйидаги ҳадисларни Анас ибн Молик разияллоҳу анҳудан ривоят қилган:

*Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимки бир мусулмон биродарининг ҳожатини раво қилмоқ ниятида йўлга тушса, Оллоҳ таоло унинг уйдан чиқиб то уйига қайтгунча босган ҳар бир қадами учун етмишта савоб ёзиб, етмишта гуноҳини ўчиргай. Агар ул кишига мазкур мусулмон биродарининг ҳожатини раво қилмоқлик насиб этса, ул ҳолда у онасидан тугулган кундагидек гуноҳлардан пок бўлур ва агар у шу йўлда оламдан ўтса, жаннатга кирур” – деб марҳамат қилдилар”.*

*Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Агар фосиқ мадҳ қилинса, Арш ларзага келур”.*

**ОЛИМ ибн УМАР ибн ИСҲОҚ ал-АФРОНИЙ ан-НАСАФИЙ** – ҳижрий 416 (милодий 1024) йил, рабийъ ул-оҳар ойининг бошида, сешанба куни вафот этган. У Абу Наср Аҳмад ибн Ҳомид ал-Муқриъ ан-Насафийдан қуйидаги ҳадисни ривоят қилган:

*Абдурраҳмон ибн Фунм разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “На жаввоз ва на жаъузирий ва на утулл занийм жаннатга кирмас”, – дедилар. Буни эшитиб, мусулмонлардан бири: “Ё Расулаллаҳ! Жаввоз недур? Жаъузирий недур? Утулл занийм недур?” – деди. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Жаввоз – мол-дунё тўплаб, ундан Оллоҳ таолонинг ҳақини бермаган киши бўлиб, уни жаҳаннам олови куйдирмоқ учун ўз комига тортур. Аммо, жаъузирий эса гапи дагал (қўпол) (киши) бўлиб, Оллоҳ таоло: “... агар Сиз*

қўпол, бағри тош киши бўлсангиз эрди, булар атро-фингиздан тарқалиб кетишур эрди...” (“Оли Имрон” сураси, 159-оят) – дейди. Утулл занийм хусусига келсак, бу – бадхулқ, қорни катта киши бўлиб, аниқроқ қилиб айтганда у еб-тўймас, ичкиликбоздир, яъни еб-ичишига муккасидан кетган, одамларга зулм қилгувчи кишидир” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУЛФАЗЛ УЗАЙЗ ибн СУЛАЙМ ибн МАНСУР ал-ОМИРИЙ ал-БАЗДАВИЙ** – отаси Сулайм ибн Мансур асли Басрадан бўлиб, Кутайба ибн Муслим билан бирга Мовароуннахрга келган ва Баздада яшаб қолган. Абулфазл куйидаги ҳадисни Каъб ибн Саъиддан ривоят қилган:

Абу Мусо бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Касални бориб кўрингизлар, очни тўйгазингизлар ва боши кулфатда қолганни қутқарингизлар!” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУ ТУРОБ АСКАР ибн ХУСАЙН** – уни Аскар ибн Муҳаммад ибн Хусайн ан-Насафий ал-Косаний деб ҳам аташади. Абу Абдурраҳмон ас-Сулламий ан-Нишопурий ўзининг “Табакот ус-суфиййа” китобида унинг хусусида сўзлаб бундай дейди: “Абу Туроб Хуросоннинг улуг шайхларидан бўлиб, билимдонлик, жасорат, ишонч, художўйлик ва такводорлик борасида элга таниклидир. У Абу Хотим ал-Аттор ал-Басрий ва Хотим ал-Асамм ал-Балхийга саҳобалик қилган. Хижрий 245 (милодий 858) йили уни саҳрода ваҳший хайвонлар тилка-пора этган”.

Абу Туроб Аскар ибн Хусайн куйидаги ҳадисни Ибн Нумайрдан ривоят қилган:

Жобир разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи ва саллам: “Касал кишиларингизни еб-ичмоққа мажбур қилмангизлар, чунки Оллоҳ таоло уларни едириб-ичириб турур” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУ ОМИР АДНОН ибн МУҲАММАД ибн УБАЙДУЛЛОҲ ибн МУҲАММАД ибн УБАЙДУЛЛОҲ ибн ИСҲОҚ ибн ШИМР ибн ИСО ибн УЯЙНА ибн ШУЪБА аз-ЗИББИЙ**

**ал-ҲИРАВИЙ ар-РАИС** – аввал Самарқандга келиб ҳадис ривоят қилган, кейин (иликхонлардан) Абулҳасан (Абулхусайн) Наср ибн Али тахтдан туширилган кунлари, яъни хижрий 396 (милодий 1005) йили Насафга бориб, у ерда ҳам ҳадис ривоят қилган. У Бухорода ҳам бир мунча вақт бўлиб, илм толибларига ҳадис ривоят қилганди.

Абу Омир Аднон ибн Муҳаммад Хиротда вафот этган бўлиб, қуйидаги ҳадисни Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн ал-Хусайн ал-Жабохоний ал-Балхийдан ривоят қилган:

*Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Дунё фитнасидан кўрқингизлар! Чунки, дунё бир чуқур денгиз бўлиб, кўплаб одамлар унга гарқ бўлгандир. Ул денгиздаги кеманг Оллоҳга тақводан (Оллоҳдан кўрқувдан) ясалган бўлсин ва ичи Оллоҳга шймон бирла тўлатилган бўлсин, шунда шояд нажот топсанг! (Аммо шунда ҳам) сенинг нажот топмогингга менинг кўзим етмайди” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АМРУЙА (АМРАВАЙХ) ибн ҲОМИД ибн ҲАМЗА ал-УБОБИЙ ал-БОҲИЛИЙ** – Самарқанд аҳлидан саналади. Қуйидаги ҳадисни у Абу Яъқуб Юсуф ибн Али ал-Аббор ас-Самарқандийдан ривоят қилган:

*Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимки тақдир хусусида сўзлаб, ул ҳақда тортишса, мен олиб келган нарсани (Ислом динини) рад этган ва менга нозил қилинган нарсага (Қуръонга) куфр келтирган бўлур” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ МУҲАММАД УБДУС ибн АЛИ ибн ал-АББОС ал-ЖУРЖОНИЙ** – Самарқандда истиқомат қилиб, илм толибларига ҳадис ривоят қилган. Ундан эса Ал-Идрисий ва ал-Бардабий ҳадис келтирган.

У қуйидаги ҳадисни Абу Муҳаммад Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ас-Сайдалонийдан ривоят қилган:

*Умар ибн ал-Хаттоб ва Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳумо хабар қиладилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар: “Қайси бир банда қуйидаги дуони айтса, Оллоҳ таоло унга ижобат қилгусидир.*

Мени ҳақ (дин) бирла юборган Оллоҳ таоло ҳақи! Агар қуйидаги дуо темир калитларга қарата ўқилса, улар эриб кетгусидир! Мени ҳақ (дин) бирла юборган Оллоҳ таоло ҳақи! Агар банда қуйидаги дуони оқар сувга қарата айтса, сув у ўтиб олгунича тўхтаб тургусидир. Мени ҳақ(дин) бирла юборган Оллоҳ таоло ҳақи! Агар банда очлик ва ташналикка гирифторм бўлса-ю, кейин Оллоҳ таолонинг қуйидаги гўзал исмларини зикр қилган ҳолда унга дуо-ю илтижо қилса, Парвардигор уни едириб-ичиргусидир. Мени ҳақ (дин) бирла юборган Оллоҳ таоло ҳақи! Агар бирор киши қуйидаги дуони ўзи бирлан бир жой ўртасида (тўсиқ бўлиб турган) тоққа қарата айтса, тоғ у ўзи истаган ўшал жойга ўтиб олгунига қадар ястаниб (пасайиб) тургусидир. Мени ҳақ(дин) бирла юборган Оллоҳ таоло ҳақи! Агар киши қуйидаги дуони жиннига қарата ўқиса, жинни дарддан халос бўлеусидир. Мени ҳақ (дин) бирла юборган Оллоҳ таоло ҳақи! Агар киши қуйидаги дуони туголмай қийналаётган аёлга қарата ўқиса, ул аёлга тўлғоқ дарди осон қилингусидир. Мени ҳақ (дин) бирла юборган Оллоҳ таоло ҳақи! Агар бирор киши шаҳарда эканлигида шаҳарга ўт кетса-ю, ул шунда қуйидаги дуони айтса, (гарчи) уйи ул шаҳар ўртасида бўлса-да, нажот топиб, уйи ёнгиндан омон қолгусидир. Мени ҳақ (дин) бирла юборган Оллоҳ таоло ҳақи! Кимки қирқ жумъа кечаси қуйидаги дуони ўқиса, Оллоҳ таоло унинг ўзи бирлан одамлар ўртасида содир бўлган барча гуноҳни мағфират қилгусидир. Мени ҳақ (дин) бирла юборган Оллоҳ таоло ҳақи! Кимки қуйидаги дуони айтса, Оллоҳ таоло уни дунёнинг барча ғамларидан халос қилгусидир. Мени ҳақ (дин) бирла юборган Оллоҳ таоло ҳақи! Кимки қуйидаги дуони золим подшоҳга қарата ўқиса, Оллоҳ таоло унга ижобат қилгусидир. (Мазкур дуо будир): “Аллоҳумма! Инний асалука ва ло асалу гайрака ва аргабу илайка ва ло аргабу ила гайрика, ва асалука (ё) Амонул-хоифийн ва Жорул-мустажирийн, Ал-Фаттоҳ илал-хайрот, Муқийлул-ъасарот, Мумаҳҳийус-саййиот, Котибул-ҳасанот, Рофиъуд-даражот, ва асалука би-афдалил-масоили куллиҳо ва аъзамиҳо ва анжаҳиҳо аллазий ло йанбагий лил-ъабди (лил-ъибоди) ан йасалуука илло биҳо, ё Аллоҳ! ё Раҳмон! Ва би-асмоикал-

ҳусно ва би-амсоликал-ғуллио ва ниғматикаллатий ло туҳсо  
ва би-акрами асмоика ғалайка ва аҳаббиҳо илайка ашрафиҳо  
ғиндака манзилатан, ва ақрабиҳо минка васийлатан ва  
ажзалиҳо минка савобан ва асрағиҳо минка ижобатан ва  
бисмикал-макнунил-махзун Ал-Жалиил, Ал-Ажалл, Ал-Азийм,  
Ал-Аъзам аллазий туҳиббуҳу ва тардоҳу ғамман даёока биҳи  
ва тастажийбу лаҳу дуёоаҳу ҳаққан ғалайка ан ло таҳрима  
соилака, ва би-кулли-смин лака фит-Тавроту вал-Инҷиили  
ваз-Забури вал-Фурқони, ва би-кулли-смин ҳува лака  
ғалламтаҳу аҳадан мин халқика ав лам туғаллимҳу аҳадан,  
ва би-кулли-смин даёока биҳи ҳамалату Аршика ва  
малоикатука ва асфийоука мин халқика ва би-ҳаққис-соилғина  
ғалайка вар-роғибийна илайка вал-муғаввизийна бика вал-  
мутаазарриғийна илайка, ва би-ҳаққи кулли ғабдин  
мутағаббидин лака фий баррин ав баҳрин ав саҳлин ав  
жабалин, ва адьука дуёоа ман қад иштаддат фоқатуҳу, ва  
ғазума журмуҳу, ва ашрафа ғалал-ғалака, ва зағуфат  
қувватуҳу, ва ман ло йасиқу би-шайин мин ғамалиҳи ва ло  
йажиду ли-фоқатиҳи ва ло ли-занбиҳи гофиран гайрака, ва  
ло мустағосан сивока, ҳарабту илайка муғтарифан гайра  
мустанкитин ва ло мустакбирин ған ғибодатика боисун,  
фақийрун, мустажийрун, ва асалука би-аннака анталлохул-  
лазий ло илоҳа илло анта Ал-Ҳаннон, Ал-Маннон, Бадийғус-  
самовоти вал-арзи, Зул-жалоли вал-икром, Олимул-ғайби  
ваш-шаҳода, Ар-Роҳман Ар-Роҳийм, антар-Роббу ва анал-  
ғабду ва антал-Молику ва анал-мамлуку ва антал-Азийзу  
ва аназ-залийлу ва антал-Ғанийу ва анал-фақийру ва антал-  
Ҳайу ва анал-маййиту ва антал-Боқий ва анал-фоний ва  
антал-Муҳсину ва анал-мусийу ва антал-Ғафуру ва анал-  
музниб ва антар-Роҳийму ва анал-хотиу ва антал-Холику  
ва анал-маҳлуку ва антал-Қавийу ва аназ-зағийфу ва антал-  
Муғтий ва анас-соилу ва антал-Омину ва анал-хоифу ва  
антар-Розику ва анал-марзуку ва анта Аҳаққу, ман шакавту  
илайҳи вас-тағанту биҳи ва сағалтуҳу ва ражавтуҳу ли-  
аннака кам мин музнибин қад гафарта лаҳу ва кам мин  
мусийин қад тажовазта ғанҳу фағфир лий ва тажоваз  
ғанний, ё Арҳамар-роҳимийн!”.

**ҒОЛИБ ибн МУСО** – фотиҳ Кутайба ибн Муслим билан биргаликда Самарқандга келиб, ўша ерда яшаб қолган. Ал-Идрисий: “Мен уни Басра аҳлидан деб ўйлайман”, – дейдилар.

Ғолиб ибн Мусо ҳижрий 110 (милодий 727) йили Ражо ибн Муъоз ҳомийлигида биринчи бўлиб Самарқандга қозилик қилган ва ҳижрий 126 (милодий 743) йил, ражаб ойида оламдан ўтган. Унинг ўғли Хошим ибн Ғолиб ҳам Самарқанд қозиси бўлган.

Ғолиб ибн Мусо қуйидаги ҳадисларни Обон ибн Абу Йеъшдан ривоят қилган:

*Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Оллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга: “Эй Мусо! Кимки Мен юборган балога сабр қилмаса ва Мен ато этган неъматга шукр айламаса, ўзига Мендан бўлак парвардигор топиб олсин!” – деди” – деб марҳамат қилдилар”.*

*Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга (“Ат-Такосур” сурасининг) “Кейин сўралурсизлар ул куни неъматлар хусусида” деган (8-)ояти каримаси нозил бўлганда суффа асҳоблари (масжид ҳовлисидаги супада яшовчи бечораҳол кишилар)дан бири ул зотнинг рўпараларига бориб турди-да: “Ё Расулаллоҳ! Менинг бўйнимда ҳам охиратда ҳисобини бермогим лозим бўлган бирор неъмат борми?”– деди. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга жавобан: “Ҳа, бор. (Супадек бир) бошпана, бир жуфт чориқ ва совуқ сув” – деб марҳамат қилдилар”.*

**ҒИЁС ибн ЖАБРОИЛ ал-МУАЛЛИМ ас-САМАРҚАНДИЙ** – Абу Масъуд Аҳмад ибн Али ал-Аздийдан қуйидаги ҳадисни ривоят қилган:

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Сафар чоғида рўза тутмоқлик ҳудуджўйликдан эмас” – деб марҳамат қилдилар-да, “ҳа, шундай” деган маънода муборак қўллари билан ишора қилиб қўйдилар”.*

**ФАЙЛОН ибн ТАС ибн БИШР ан-НАСАФИЙ** – кунyasi “Абу Аҳмад”, аммо уни “Абу Али” деб ҳам аташади. У адиб, фозил ва ҳалол киши бўлиб, Самарқанд шайхларидан ҳадислар ёзиб олган ва пировардида ўша ерда яшаб қолган. Шайх Муҳаммад ибн Ҳаббол ибн Ҳаммод ибн Фарқад ас-Сағоний, Ҳаммод ибн Шокир ан-Насафий, Абу Бакр ал-Варроқ ат-Термизий ва Самарқанд ҳамда Насаф ахлидан ҳадис ривоят қилган, ундан эса Муҳаммад ибн Закарийё ибн ал-Хусайн ан-Насафий, Муҳаммад ибн Фазлон ал-Журжоний, Абу Зарр Аммор ибн Муҳаммад ибн Махлад ал-Бағдодий ҳадис келтирган.

Ғайлон ибн Тас ҳижрий 343 (милодий 953) йили Самарқандда вафот этган. У куйидаги ҳадисни Муҳаммад ибн Ҳабболдан ривоят қилган:

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Иймонининг бақувватлиги жиҳатидан кишини энг ҳайратга солгувчи кимса ким?” – дедилар. Саҳобалар: “Фаришталар”, – дейишди. Ул зот: “Қандай қилиб? Ахир улар осмонда Оллоҳ таолонинг сизлар кўрмайдиган ишларини кўриб (билиб) турадилар-ку?!” – дедилар. Шунда саҳобалар: “Ундай бўлса, пайгамбарлар”, – дейишди. Ул зот: “Қандай қилиб? Ахир уларга Оллоҳ таолодан ваҳий келиб туради-ку?!” – дедилар. Саҳобалар бу сафар: “Ул ҳолда, бизлар”, – дейишди. Ул зот: “Қандай қилиб? Ахир сизларга Оллоҳ таолонинг оятлари тиловат қилиниб туради-ку?! Бунинг устига Унинг расули ҳам ораларингизда-ку?! Аммо, мендан кейин бир қавм дунёга келур, улар мени кўрмай туриб ҳам менга иймон келтирурлар. Ана ўшалар иймон жиҳатдан кишини энг ҳайратга солгувчилардир. Ана ўшалар менинг биродарларимдирлар, сизлар эсангиз менинг саҳобаларимдирсизлар” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ АЛИ ал-ФУЗАЙЛ ибн ИЁЗ ибн МАСЪУД** – уни Абу Али ал-Фузайл ибн Мансур ибн Бишр ат-Тамимий ал-Йарбуъий деб ҳам аташади. У Самарқандда дунёга келган бўлиб (онаси кешлик бўлган), Обивардда вояга етган, Куфада яшаган. Кейин, Куфадан Маккаи Мукаррамага кўчиб ўтиб, қолган умрини у ердаги Ал-Байт ал-Ҳаром (Каъба)га кўшни

бир ҳовлида риёзат, ибодат, тавба-тазарруъ, тақво ва парҳез-корликда ўтказган ва зухдиёт бобида беназир, обидликда тенги йўқ киши сифатида замондошлари орасида донғи кетган. У ҳижрий 180 (милодий 794) йил, муҳаррам ойида Маккада вафот этган. Унинг қабри Макка Батҳоси рўпарасидаги “Ал-Муъалло” мақбарасида бўлиб, машҳурдир, у мўмин-мусулмонлар томонидан зиёрат қилиб турилади. Самарқанддан бир фарсах наридаги “Жайрад” қишлоғи унинг отаси Иёзга тегишли бўлган.

Абу Али ал-Фузайл ибн Иёз қуйидагилардан ҳадис ривоят қилган: Ато ибн ас-Саййоб, Обон ибн Иёш, Салмон ибн ал-Аъмаш, Мансур ибн ал-Муътамир, Абу Муқотил ас-Самарқандий ва бошқалар. Ундан эса қуйидагилар ҳадис ривоят қилган: Суфён ибн Уяйна, Абдуллоҳ ибн ал-Муборак, Нуъайм ибн Ҳаммод, Иброҳим ибн ал-Ашъас ал-Бухорий, Иброҳим ибн Шаммос ас-Самарқандий, Саъид ибн Мансур ва бошқалар.

Абу Али ал-Фузайл ибн Иёздан ҳикоя қилинишича, у: “Мен Самарқандда бир дирҳамга ўн минг дона ёнғоқ сотилганини ҳам, бир кишининг “Нон... нон...” дея ўлиб қолганини ҳам кўрганман” – деб айтган экан.

Бир куни Абу Али ал-Фузайл ибн Иёз бетоб бўлиб қолиб, Суфён ибн Уяйна ва Яҳё ибн Салим уни кўргани боришди. Шу ҳақда Яҳё ибн Салим бундай дейди: “Абу Али ал-Фузайл ибн Иёз Куфада эканлигида бетоб бўлиб қолди. Шунда биз уни кўргани бориб эдик, у бизга: “Нечун келдингизлар?! Келмаганингиз менга маъқулроқ эди!” – деди. Сўнг, у: “Агар касалнинг ҳолидан хабар олмоқлик бўлмаганда эди, хасталик энг эзгу (савобли) нарса бўлган бўлур эди!” – деб қўшиб қўйди”.

Файз ибн Исҳоқ бундай дейди: “Мен Абу Али ал-Фузайл ибн Иёзнинг ҳузурига кирдим. Шунда ул ерда бир киши ҳам ўлтирган бўлиб, у Абу Али ал-Фузайлдан бир нарса хусусида сўради-да, жавобини айтасиз деб туриб олди. Мен чидамай ўша кишига: “Бас қилингиз! Шайхга озор бермангиз!” – дедим. Абу Али ал-Фузайл эса менга эътироз билдириб: “Кўявер, эй Файз! Ўзгаларнинг сизларга муҳтожлиги Оллоҳнинг сизларга ато этган бир неъматини эканлигини



билмайсанми?! Оллоҳнинг неъматига ношукурлик қилиб қўймоқдан сақланингиз, акс ҳолда азобга гирифтор бўл-гайсиз!” – деди”.

Абу Ҳафс ал-Бухорийга: “Нечун Абу Али ал-Фузайл ибн Иёз хусусида кўпроқ сўзлаб бермайсиз?” – дейилди. Шунда Абу Ҳафс ал-Бухорий: “Мен Абу Али ал-Фузайл ибн Иёзнинг хузурига борганман, унинг кўзлари катта-катта, оғзи ҳам катта, серийги киши эканлигини кўрганман. Йиғлаганда кўз ёшлари юзларидан думалаб оғзига кириб кетар эди, унга қараб раҳминг келарди” – деб жавоб қилди.

Муҳаммад ибн ал-Фузайл ибн Иёз отаси хусусида бундай дейди: “Мен отамни тушимда кўриб, ул кишидан: “Эй отажон! Оллоҳ таоло ғам ичра умргузаронлик қилганингиз учун сизга не қилди?” – деб сўрадим. Шунда отам: “Эй болагинам! Банда учун Оллоҳ таолодан кўра хайриятпешароқ зотни кўрмадим” – деб жавоб қилдилар”.

Саъид ибн Мансур Абу Али ал-Фузайл ибн Иёзга: “Бизга ҳадис айтиб берингиз, бунинг учун сиз мукофотли бўлурсиз”, – деди. Шунда Абу Али ал-Фузайл ибн Иёз бундай деди: “Не ҳақда? Ҳали сизлар ана шу йўл билан мажлисларда шайхларни гапга соласизларми?! (Эшитинглар!) Барча яхшиликлар бир уйга жамланиб, унинг эшигидаги қулфга бу дунёда парҳезкор бўлмоқлик калит қилингандир ва барча ёмонликлар ҳам бир уйга жамланиб, унинг эшигидаги қулфга бу дунёда мол-дунё, зеб-зийнат ҳамда лаззатларга нисбатан рағбат калит қилингандир. Парҳезкорлик Оллоҳ таолонинг Китобида икки тарафлама баён қилинган бўлиб, у қуйи-дагичадир: “...токи эриша олмаган нарса учун ғам чекман-гизлар ва берилган нарса учун шодланиб (ҳаволаниб) кет-мангизлар...” (“Ал-Ҳадийд” сураси, 23-оят)”.

Абу Али ал-Фузайл ибн Иёз ўғлига бундай деган экан: “Менга шундай бир уй излаб топгилки, у қорилар (уйларидан) йироқ бўлсин! Менинг уларга ҳеч қандай хусуматим йўқ, аммо улар менда ўзларига нисбатан бирор устунлик борлигини билсалар, менга ҳасад қилурлар ва агар мендан бирор хатолик топсалар, мени элга шарманда қилурлар”, – деди. Агар душманинг сендан фақат ёмонлик кутаётган бўлса, демак сенда яхшилик бўлмай, ул ҳолда нечун дўстинг ҳам сенинг

ёмонлигингдан хавотирда бўлмасин?! Агар сен ўзингда мавжуд нарса хусусида зикр қилмоқни хуш кўрсанг, демак сенда яхшилик бўлмай, ул ҳолда қандай қилиб сен ўзингда йўқ нарса хусусида ҳам зикр қилмоқни хуш кўрмаслигинг мумкин?!”.

Бир куни ҳадис асҳоблари Абу Али ал-Фузайл ибн Иёзнинг эшиги олдида тўпланишди. Шунда Абу Али ал-Фузайл ибн Иёз юм-юм йиғлаган, соқоли титраган бир ҳолда дарчадан уларга қараб: “Қуръон ўқингизлар, Байтуллоҳни тавоф қилингизлар, Оллоҳ таолога ибодат айлангизлар! Шўрингиз курсин! Бу замон ҳадис айтмоқ ва ҳадис эшитмоқ бирла машғулик замони эмас, балки дил-дилдан йиғлаб, Парвардигорга тавба-тазарруъ айламоқ, унга бўйин эгиб, ғарқ бўлаётган кимса янглиғ ёлбормоқ замонидир. Бу замон шундай замонки, тилингни тийиб юр, масканингни пинҳон тут, қалбингни муолажа айлаб, у эътироф қилган нарсани қил-у, инкор қилган нарсани қилма!” – деди”.

Айтишларича, Абу Али ал-Фузайл ибн Иёз ҳатто халифа Ҳорун ар-Рашид кўргани келганда ҳам хузурига кирмоғига ижозат бермаган экан. Шунда у ноилож ортига қайтиб кетган экан.

Абу Али ал-Фузайл ибн Иёздан: “Ўғлингиз Али не сабабдан вафот этди?” – деб сўрашганда, у: “Тун бўйи Қуръон тиловати бирлан машғул бўлиб, тонгни Оллоҳ таолога жон таслим қилмоқ бирла қарши олди”, – дебди.

Иброҳим ибн ал-Ашъас ал-Бухорий бундай дейди: “Мен Абу Али ал-Фузайл ибн Иёзнинг асрдан кейин масжидда ёлғиз эканлигини кўриб, ёнига бориб ўлтирдим. Шунда у менга: “Бирор бўлмағур гапни айтиб кўнглингни ёзмоқчимисан?” – деди. Мен: “Йўқ”, – дедим. У: “Ул ҳолда бировни гийбат қилиб кўнглингни ёзмоқчимисан?” – деди. Мен: “Йўқ”, – дедим. У: “Бўлмаса, ўзаро мақтанчоқлик қилиб кўнгил ёзмоқчимисан?” – деди. Мен: “Йўқ” – дедим. У: “Ундай бўлса, тур, мени холи кўйгил!” – деди”.

Абу Али ал-Фузайл ибн Иёз: “Агар тун бўлса, “Парвардигорим бирла ёлғиз ўзим қоладиган бўлдим” деб хурсанд бўлур эдим ва агар тонг отганини кўрсам, “Ана халос! Ҳозир мени раббимнинг зикридан чалғитадирган бирор кимса келиб колмасайди!” деб мени ғам босар эди” – дер эди.

Абу Али ал-Фузайл ибн Иёз қўйидаги ҳадисни Мансур (ибн ал-Муътамир)дан ривоят қилган:

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб марҳамат қилдилар” – дейдилар: “Оллоҳ таоло жаннат аҳлини жаннатга киритмоқни ирада қилганда бир фариштани уларнинг қошларига жўнатур. Мазкур фаришта сизлар каби (яъни, сизларнинг тилингизда) сўзлашур. У (жаннат аҳли қошига) бориб тўхтар, унда Раббул-оламин ҳада қилиб юборган ўнта жаннат узуги бўлиб, у уларни жаннат аҳли бармоқларига тақиб қўюр. Ул узуклардан биринчисига “... **Хуш келдингизлар! Энди жаннатга қирингизлар токи унда абадий қолмоқларингиз учун**” (“Аз-Зумар” сураси, 73-оят) деб ёзиб қўйилган. Иккинчисига “**Қирингизлар жаннатга салом қилмоқ ила, бу кун абадий (жаннатда) қоладирган кундир!**” (“Қоф” сураси, 34-оят), учинчисига “**Ғаму ташвишлар энди сизларни тарк этди**” деб ёзиб қўйилган, тўртинчисига “**Либосларингиз зеб-зийнату (байрамона) ҳуллалар (бутун баданни ёпиб тургувчи янги кийимлар) бўлур**” деб ёзиб қўйилган, бешинчисига “**Биз сизларни (жамоли кишини ҳайрону лол қолдирадиган, кўзининг қораси ўта қора, оқи эса ўта оқ) Ал-Хур ул-ғийнларга уйлантириб қўйдик**” деб ёзиб қўйилган, олтинчисига “**Ҳақиқатан ҳам Мен бугун уларга сабр-қаноат қилганлари эвазига шундай бир мукофот ато этдимки, албатта шулардирлар муродларига етгувчилар!**” (“Ал-Муъминун” сураси, 111-оят) деб ёзиб қўйилган, еттинчисига “**Ёшардингизлар (ёш йигит қиёфасига киритилдингизлар), энди сира ҳам қаримассизлар!**” деб ёзиб қўйилган, саккизинчисига “**Хавф-хатарсиз бўлдингизлар, энди сира ҳам кўркмассизлар (хавф-хатарда қолмассизлар)**” деб ёзиб қўйилган, тўққизинчисига “**Мен сизларни пайгамбарлару шаҳидларга ҳамдам (улфат) айладим**” деб ёзиб қўйилган, ўнинчисига эса “**Мен сизларга қўшниларга озор бермайдиганлар ёнидан жой бердим**” деб ёзиб қўйилган. Кейин, ул фаришта (жаннат аҳлига): “**Қирингизлар бу ерга салом ила хотиржам бўлиб!**” (“Ал-Ҳижр” сураси, 46-оят) деб айтур. Жаннат аҳли эса ўзларига тегишли уйларга кирганларидан сўнг: “**Биздан ғаму ташвишни аритган Оллоҳга ҳамду санолар бўлсин!**” (“Ал-Фотир” сураси, 34-оят) – деб айтишур”.

**АБУЛҚОСИМ ал-ФУЗАЙЛ ибн МУҲАММАД ибн НАСР ал-БАЛХИЙ** – Самарқандда Абдуссамад ибн ал-Фазл ал-Балхий ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. У Абдуссамад ибн ал-Фазл ал-Балхийдан ривоят қилган ҳадислардан бири куйидагича:

*Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Кимки озиқ-овқат молларини кейинчалик қимматга сотиш мақсадида харид қилиб, уларни омборларга гамлаб қўйиб, мусулмонларнинг ҳаётини қийин аҳволда қолдирса, Оллоҳ таоло уни мохов ҳамда қашшоғу хор айлар” – деб марҳамат қилганларини эшитдим”.*

**Ал-ФАЗЛ ибн ҚАЙС ал-МУКРИЪ ас-САМАРҚАНДИЙ** – Суфён ибн Уяйнадан ҳадис ривоят қилган, ундан эса Яҳё ибн Аҳмад ибн Довуд ал-Жавҳарий ас-Самарқандий ҳадис келтирган. У ҳижрий 242 (милодий 855) йил, ражаб ойининг 8-куни вафот этган.

Ал-Фазл ибн Қайс ал-Мукриъ ас-Самарқандий Суфён ибн Уяйнадан ривоят қилган ҳадислардан бири куйидагича:

*Умар разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ишлар бирор ният бирлан қилинур ва ҳар бир кишининг ўз нияти бор” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛАББОС ал-ФАЗЛ ибн МАНСУР ал-ФАКИХ (ал-ФАҒИЙДАЗАКИЙ) ас-САМАРҚАНДИЙ** – Фағийдаза аҳлидан. Умар ибн Абу Муқотил ас-Самарқандийдан ҳадис ривоят қилган, ундан эса Яҳё ибн Бадр ал-Кураший ҳадис келтирган. У ҳижрий 265 (милодий 878) йил, рабийъ ул-аввал ойидан тўққиз кун қолганда, жумъа куни эрталаб Фағийдазада вафот этиб, асрдан кейин ўша ерга дафн қилинган.

Абулаббос ал-Фазл ибн Мансур ал-Фақиҳ ал-Фағийдазакий ас-Самарқандий куйидаги ҳадисни Кутайба ибн Саъиддан ривоят қилган:

*Абу Бурда оталаридан бундай деб ривоят қиладилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Фақат валий*

*иштирокидагина никоҳ қилинур” – деб марҳамат қилдилар”.*  
(Яъни, қиз етим бўлса, фақат унга ҳомийлик қилгувчи киши иштирокида, етим бўлмаса, фақат унинг яқин қариндоши иштирокида никоҳ битими тузилур).

**Ал-ФАЗЛ ибн АХМАД ал-КОҒАДИЙ** – Абу Тавба Саъид ибн Ҳошим ал-Коғадий ва Ал-Ҳасан ибн Арафадан ҳадис ривоят қилган, ундан эса Иброҳим ибн Ҳамдуя ал-Иштихоний ҳадис келтирган. У Ал-Ҳасан ибн Арафадан ривоят қилган ҳадис қуйидагича:

*Айюб ибн Абу Ҳинд ал-Музаний разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимники Қуръон тузатмабди, демак уни Оллоҳ ҳам тузатмас!” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛАББОС ал-ФАЗЛ ибн АХМАД ибн ИСМОИЛ ибн АБДУРРАҲМОН ал-МАЗНАВИЙ** – заминдор. Иштихон билан Самарқанд оралиғидаги “Мазнаво” қишлоғидан. Али ибн Хашрам, Абу Саъид ал-Ашажждан ҳадис келтирган, ундан эса Муҳаммад ибн Жаъфар ал-Кабузбахкасий, Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абоъ ал-Хузоъий ас-Самарқандий ҳадис ривоят қилган. У қуйидаги ҳадисни Али ибн Хашрамдан ривоят қилган:

*Абдуллоҳ ибн Нафийъ бундай дейдилар: “Араб қавмларидан бири бутларга сизинишар эди. Бир куни улар ўзларига тегишли бутлардан бирига атаб нон, ёғ ва сут юборишди. Қул бул нарсаларни бут қошига олиб келиб қўйди-да, ўзига ўзи: “Бир оз кутиб қарайчи, олиб келган нарсаларимга не бўлар экан?!” – деди. Сўнг, у бир ерга ўлтириб кузата бошлади. Шунда икки тулки келиб, бояги нон ва ёғни ейишди, кейин сутни ичиб бўлишгач, бутга пешоб қилиб кетишди. Буни кўрган қул қуйидаги байтни айтди:*

*“Тангри бошига сиярму икки тулки тик туриб?!  
Бўлди расво тулкилар устига сийган ул фириб”.*

*Кейин у қўллари меъеридан узун қилиб ясалган ул бутга қарата яна қуйидаги уч сатр шеърни айтди:*

*“Сенга мен банда эмасман, эй қўли ҳаддан узун!  
Биз яралганмиз, билиб қўй, сен яралмасдан бурун.  
Қўйдим ўт тош кўксингга бу сўз ила, ёнсин бутун!”.*

*Сўнг, қул Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хузурларига бориб, бўлган воқеани сўзлаб берди. Шунда ул зот унга: “Кўрганларингдан одамларни хабардор қил!” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛАББОС ал-ФАЗЛ ибн ВАНХОН ас-САМАРҚАНДИЙ** – заминдор. Салм ибн Абу Муқотил ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган, ундан эса Яҳё ибн Бадр ал-Қураший ҳадис келтирган. У ҳижрий 254 (милодий 867) йил, зулкаъда ойида вафот этган бўлиб, қуйидаги ҳадисни Абу Саъид ал-Фароъ Исо ибн Язид ас-Самарқандийдан ривоят қилган:

*Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимки гозийга гамхўрлик қилса, Оллоҳ таоло ҳам унга қиёмат куни гамхўрлик қилеусидир ва кимки гозий қурол-аслаҳа ва бўлак анжомлари ила кетаётганда унга ёрдамлашса, ўша гозийга ато этиладиган ажру савобчалик мукофотга молик бўлур ва кимки Оллоҳ таолонинг исми зикр қилинадиган бир масжид қурса, Оллоҳ таоло ҳам унга жаннатда бир уй бунёд этур” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛАББОС ал-ФАЗЛ ибн ХУМАЙД ал-МУАДДИБ ал-БУХОРИЙ** – Самарқанд аҳлидан. Ўша ерда яшаб, ўша ерда ҳадис ривоят қилган. У Ал-Аткий ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган, ундан эса Али ибн ан-Нуъмон ал-Кабузбаҳкасий, Муҳаммад ибн Мугийс ал-Кабуданжикасий ҳадис келтирган.

Абулаббос ал-Фазл ибн Хумайд қуйидаги ҳадисни Абу Бакр Аҳмад ибн Наср ал-Аткийдан ривоят қилган:

*Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Эй қалбу кўзларни ўзгартирувчи (Парвардигорим!) Қалбимни дийнингда барқарор айлагил!” – деб такрор-такрор айтар эдилар”.*

**АБУЛАББОС ал-ФАЗЛ ибн НАСР ал-МОЙМАРҒИЙ ас-САМАРҚАНДИЙ** – Самарқанддан уч фарсах нарида жойлашган “Моймарғ” (русток) аҳлидан бўлиб, у куйидаги ҳадисни Ал-Аббос ибн Абдуллоҳ ибн Усома ал-Алавий ал-Ироқийдан ривоят қилган:

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам, агар жаноза ўқисалар, биринчи такбирда икки қўлларини юқори кўтарар, сўнг ўнг қўлларини чап қўллари устига қўяр (қўл боғлар) эдилар”.*

**АБУЛҚОСИМ ал-ФАЗЛ ибн ЯХЁ** – балхлик котиб. Самарқандда яшаган. У куйидаги ҳадисни Абдуссамад ибн ал-Фазл ал-Балхийдан ривоят қилган:

*Абдуллоҳ ибн Абу Авфо разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаи киромларидан бирига: “Бизга (суб бирла сутни) аралаштириб бергил!” – дедилар, шунда Қуёш ботган вақт бўлиб, ул зот рўзадор эдилар. Саҳоба: “Ҳали ёруғ-ку?! Яна бироз қоронғу тушмогини кутсангиз, бўлармиди?!” – дедилар. Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ул саҳобага такроран: “Уловингдан тушиб, (суб бирлан сутни) аралаштириб бергил!” – дедилар. Саҳоба уловларидан тушиб, (суб бирлан сутни) аралаштириб бердилар. Жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уни ичиб, огиз очгач: “Агар туннинг ҳов анави томондан (кундуз устига) босиб келаётганини кўрсангизлар, рўзадор огиз очаверади” – деб кун чиқар томонга муборак қўллари ила ишора қилдилар”.*

**Ал-ФАЗЛ ибн МАҚТУЙА ас-САМАРҚАНДИЙ** – Фарғонада ҳадис ривоят қилган. Куйидаги ҳадисни у Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ас-Сижзийдан ривоят қилган:

*Анас разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам аралаш-қуралаш овқатланмоқдан қайтардилар”.*

**АБУ АҲМАД ал-АФЗАЛ ибн МУҲАММАД** – ҳадислар ҳофизи Абдуллоҳ ибн Абдуррахмон ад-Доримийнинг жияни бўлиб, Муҳаммад ибн Исҳоқдан куйидаги ҳадисни ривоят қилган:

Умму Салама разияллоҳу анҳо бундай дейдилар: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Бало, қод жоатки ойотий, фа-казабти би-ҳо вастакбарти ва кунти минал-кофирийн” (“Ҳа, шундай! Сенга Менинг оятларим келиб эди ва сен уларни ёлгон деб, кибр қилиб, кофирлардан бўлдинг”) (“Аз-Зумар” сураси, 59-оят) – деб барча (февълларни) касра билан (яъни, улар “нафс-жон” сўзига тааллуқли эканлиги боисидан бирлик, 2-шахс ва муаннас жинсида) тиловат қилганларини эшитдим”.

**Ал-ФАЗЛ ибн ал-МУБОРАК ал-БАЛҲИЙ** – Насафга келиб, Маҳмуд ибн Анбар ва унинг тенгдошларидан ҳадис тинглаган, куйидаги ҳадисни отасидан ривоят қилган:

Абу Саъид ал-Худрий разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимки астойдил “Ло илоҳа иллаллоҳу” деса, жаннатга киргусидир” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУЛАББОС ал-ФАЗЛ ибн МУҲАММАД ибн АБДУЛЛОҲ ибн МУҲАММАД ибн АБДУЛЛОҲ ибн БИШР ибн МУҒАФФАЛ ибн ҲАССОН ибн АБДУЛЛОҲ ибн МУҒАФФАЛ ал-МУЗАНИЙ** – юқоридаги аждодларидан Муғаффал ал-Музаний Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламга саҳобалик қилган.

Абулаббос ал-Фазл ибн Муҳаммад куйидагилардан ҳадис ривоят қилган: Абу Абдуллоҳ ал-Молийний Аҳмад ибн Форис ал-Адийб ва бошқалар. У Насафга келиб, бир мунча вақт яшаган, у ерда ҳадис ривоят қилган. Аҳмад ибн Абдулазиз ва бошқа илм толиблари ҳижрий 370 (милодий 980) ва ундан кейинги йилларда Абулаббос ал-Фазл ибн Муҳаммаддан ҳадис тинглаган.

Абулаббос ал-Фазл ибн Муҳаммад 397 (милодий 997) йил, сафар ойидан уч кун қолганда, жумъа куни Самарқанд жомеъ масжидида намозда сажда қилган ҳолда тўсатдан вафот этган. У куйидаги ҳадисни Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Иброҳим аш-Шофиъийдан ривоят қилган:



*Умар ибн ал-Хаттоб разияллоҳу анҳу бундай дейдилар:*  
*“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Дарҳақиқат, амаллар (ишлар) ниятларга боғлиқдир (яъни, ҳар бир ишнинг савоби унинг қай ниятда қилинганига боғлиқдир)” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛАББОС ал-ФАЗЛ ибн АҲМАД ибн СУЛАЙМОН ас-САРАХСИЙ** – умр бўйи Кисс (Кеш)да яшаган. Ҳижрий 351 (милодий 964) йили дунёга келиб, ҳижрий 425 (милодий 1033) йил, жумод ал-охира ойининг бошларида Кисс (Кеш)да оламдан кўз юмган.

Абулаббос ал-Фазл ибн Аҳмад куйидаги ҳадисни Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Тамим ас-Сарахсийдан ривоят қилган:

*Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу бундай дейдилар:*  
*“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Шайтон одамзодга нисбатан бир бўри янглиғ бўлиб, бўри подачига итоатсиз, подадан адашган ва подадан ажраган қўйлар кушандасидир. (Демак), масжидлардан, жамоатдан ва оммадан айрилмангизлар!” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУЛАББОС ал-ФАЗЛ ибн ал-АББОС ибн УМАР ал-ҲАНИЙФИЙ ас-САҒОНИЙ** – имом. Самарқандга келиб, унинг ахлидан ҳадис ёзиб олган. У Абу Исҳоқ ибн Иброҳим ас-Самарқандийдан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

*Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анҳу бундай дейдилар:*  
*“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муборак кўзлари таҳорат қилаётган бир қавмга тушди. Шунда ул зот қавм товоңларининг яғир эканлигини кўриб: “Яхшилаб таҳорат қилингизлар! Жаҳаннам оташидан (яғир) товоңларнинг ҳоли вой бўлур!” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ НАСР ФАЗЛУЛЛОҲ ибн аш-ШАЙХ ал-ИМОМ АБУ БАКР ал-ФОРИСИЙ** раҳимаҳуллоҳу – шайх ва имом. Ҳижрий 521 (милодий 1126) йил, шаъбон ойининг биринчи куни, жумъа куни аср вақтида вафот этиб, Чокардийзага, ҳадис асҳоблари тепалигига дафн қилинган. У отаси шайх ва имом Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад ибн ал-Фазл ал-Форисийдан ривоят қилган ҳадис куйидагича:

*Ибн Аббос разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Етти қават осмон, етти (қават) Ер ва улардаги жамики махлуқотлар уч кишига ачинаб йиғлагай: қавмининг азиз кишиси йўлдан озса, бадавлат киши қашшоқлашса ва олим жаҳолат қўлида ўйинчоқ бўлиб қолса” – деб марҳамат қилдилар” (Оллоҳ таоло ҳалол молдунё ато этган мўмин-мусулмон, агар бойлигини Парвардигор буюрган нарсаларга сарф қилганда эди, янада бойиб, сира қашшоқ бўлмас эди).*

**АБУ МУҲАММАД ФАЗЛУЛЛОҲ ибн МУҲАММАД ибн ИСМОИЛ ибн МУҲАММАД ал-ХАТИЙБИЙ ад-ДАНДОНАҚОНИЙ** – фақиҳ ва имом. Самарқандда яшаб, бир мунча вақт у ердаги “Ал-Манора” масжидида ҳадис асхоблари мударрисига халифалик қилган. У бобоси шайх, имом хатийб Абулқосим Исмоил ибн Муҳаммад ад-Дандонақонийдан қуйидаги ҳадисни ривоят қилган:

*Салама (ибн ал-Ақваъ) разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Ҳазрат Али Хайбар газотига Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан кечикиброқ чиққан эдилар. Чунки, кўзлари оғриб қолган бўлиб, ўшанда: “Мен (Хайбарга) Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан кечикиброқ чиқурман” – деб айтгандилар. Кейин, Ҳазрат Али йўлга тушиб, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга етиб олгандилар. Оллоҳ таоло тонггида (Хайбарни) фатҳ қилиб берган кечанинг (куннинг) кечки пайти бўлганда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Эртага байроқни Оллоҳ таоло ва унинг Расули севган кишига берурман”, – дедилар ёҳуд: “Эртага байроқни Оллоҳ таолони ва унинг Расулини севган киши олур, Оллоҳ таоло унинг қўли бирлан (Хайбарни) фатҳ қилур”, – дедилар. Кейин, (эртасига) энди Али келмасалар керак, деб турганимизда одамлар: “Ана, Али келдилар” – деб қолишди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ байроқни Алига бердилар, Оллоҳ таоло ул кишининг қўллари билан (Хайбарни) фатҳ қилди”.*

**Ал-ФАТҲ ибн АБУ ҲАФС ал-МОТУРИЙДИЙ** – Самарқанд аҳлидан. Абд ибн Саҳл аз-Зоҳид ундан ҳадис ривоят қилган. У Муҳаммад ибн Нумайр ал-Қатъийдан қуйидаги ривоятни

келтирган: Ҳақимлардан бири бундай дегандир: “Энг яхши сафар озиги – тақво. Энг яхши мерос – адаб. Энг яхши бойлик – қаноат. Энг яхши касб – ҳалол (меҳнат). Энг яхши ҳазина – кишининг ўз қўллари билан ишлаб топган нарсалари. Энг улуғ одам – ўзгалар ҳожатини чиқаргувчи киши. Энг саховатли инсон – (мўмин-мусулмон) биродарига мол ва маблағ билан кўмаклашгувчи киши. Энг олижаноб одам – сўзи билан иши бир киши”.

**АБУ НАСР ал-ФАТҲ ибн МУҲАММАД ас-САМАРҚАНДИЙ** – (Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон) ал-Доримийдан ҳадис ривоят қилган, у қуйидагича:

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга имомлик қилиб аср намозини ўқидилар, шунда ул зот (“Ал-Фотиҳа” сурасига) икки “қул аъзу”ни (зам қилиб) қироат қилдилар”.*

**Ал-ФАТҲ ибн МАСЪАДА ибн ЯҲЁ ал-БАКРИЙ** – Ан-Назр ибн Масъада ал-Бакрийнинг биродари. Қуйидаги ҳадисни Ҳамид ибн Сулаймон ан-Надбийдан ривоят қилган:

*Ал-Муставрид разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Мол-дунё киши охиратга олиб кетолмайдиган шундай бир бевафо нарсадан ўзгаси эмаски, бу бирортангиз бармогингизни денгизга тиқиб олиб, сўнг: “Бирор нарса илаштириб чиқдимикан?” – деб унга қараганингизга ўхшайди” – деб марҳамат қилганларини эшитдим”.*

**АБУ НАСР ал-ФАТҲ ибн МУҲАММАД ибн ан-НАЗР ибн МУҲАММАД ибн ҚАЙС ал-ЛУЪЛУЪИЙ ас-САМАРҚАНДИЙ ал-БАКРИЙ** – лақаби “Барнкол”. Бобокалони Муҳаммад ибн Қайс (Мовароуннаҳрга) араб фотиҳи Қутайба ибн Муслим билан бирга келганлардан.

Абу Наср ал-Фатҳ ибн Муҳаммад қуйидагилардан ҳадис ривоят қилган: Абу Саъид ал-Аткий, Муҳаммад ибн Яъқуб ал-Мукриъ, Али ибн Исҳоқ ал-Ҳанзалий, Аҳмад ибн Харб ва бошқалар. Ундан эса қуйидагилар ҳадис ривоят қилган: Абд ибн Саҳл аз-Зоҳид, Масъуд ибн Комил, Ҳимм ибн Ҳамид

ал-Хулқоний. У ҳижрий 200 (милодий 814) йили дунёга келиб, ҳижрий 281 (милодий 892) йил, рабийъ ул-оҳар ойи, чоршанба куни вафот қилган. Қуйидаги ҳадисни у Али ибн Яҳё ал-Фароъдан келтирган:

*Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу бундай дейдилар:* -“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Дарҳақиқат, Парвардигор таборак ва таоло Қиёмат куни: “Таҳорату намозни чала адо этган, оламлар эгаси Оллоҳга ҳамду санони кам айтган ул ўзлари ҳам, амаллари ҳам нуқсонлилар қани?!” – деб нидо қилур” – дедилар”.

**АБУ НАСР ал-ФАТҲ ибн ҚУРРА** – асли бағдодлик. Самарқандда яшаган ва шул боис унга “Ас-Самарқандий” деб нисбат берилган. У Хуросон ноиби Исмоил ибн Аҳмаднинг надими ва кўплаб ҳадис ёзиб олиб, уларни жамлаган олим бўлиб, Ад-Доримий, Яъқуб ибн Юсуф ал-Луълуъий, Умар ибн Ҳафс ал-Боҳилий, Абд ибн Ҳамид ҳамда Самарқанд аҳлидан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса “Мужж” лақаби билан машҳур Самарқанд лашкарбошиси Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ҳадис келтирган. У қуйидаги ҳадисни Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурахмон, Абу Ҳафс ал-Боҳилий ва Аҳмад ибн Саъид ал-Жаммолдан ривоят қилган:

*Ибн Умар разияллоҳу анҳу бундай дейдилар:* “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳатто қиймати уч дирҳам бўлган қалқонни ўғирлагани учун ўғрининг қўл-оёғини кестириб жазолаганлар”.

**АБУ НАСР ал-ФАТҲ ибн ШАХРАФ ибн ДОВУД ал-КИССИЙ** – зоҳид, обид ва сайёҳлардан бўлиб, Абд ибн Ҳамид, Исо ибн Холид, Жаъфар ибн Абдулвоҳид ал-Хошимий, Ар-Рабийъ ибн Сулаймон ал-Жийзийдан ҳадис ривоят қилган, ундан эса Муҳаммад ибн ал-Мунийр ал-Аргийний, Закарийё ибн ал-Хусайн ан-Насафий ҳадис келтирган.

Закарийё ибн ал-Хусайн ан-Насафий: “Абу Наср ал-Фатҳ ибн Шахраф менга Бағдоддан бир қанча ҳадис ёзиб юборди”, – дейди.

Аҳмад ибн Ҳанбал бундай дейдилар: “Хуросондан Абу Наср ал-Фатҳ ибн Шахрафдек қаноатли киши чиқмаган. Абу Наср ал-Фатҳ ибн Шахраф ўн икки йил Бағдодда яшаб, шу муддат давомида мутлақо нон истеъмол қилмаган, у Шомдан – Антокиядан келтирилган бугдой (ёки арпа) уни гардидан бир сиқим тановул қилмоқлик билан кифояланар эди. Абу Наср Бағдодда вафот этиб, ўша ерга дафн қилинган”.

Ал-Жарийрий бундай деб кўшимча қилади: “Биз Абу Наср ал-Фатҳ ибн Шахрафнинг жасадини ювдик, шунда унинг биқинида “Ло илоҳа иллаллоҳ” деган ёзув мавжудлигини кўриб, уни инсон кўли билан битилган деб ўйладик. Кейин, қарасак, унинг ўшал ёзув битилган терисининг ичи терлаб кетибди”.

Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Ҳоний эса бундай дейди: “Абу Наср ал-Фатҳ ибн Шахраф вафот этиб, тобути жаноза ўқиладиган жойга олиб бориб кўйилганда 33 гуруҳ одам келиб, ҳар бири ўзи алоҳида унга жаноза ўқиб кетди. Жанозада қатнашганларнинг сони 15 мингдан 30 мингга етди”.

Абу Наср ал-Фатҳ ибн Шахраф қуйидаги ҳадиси шарифни Жаъфар ибн Абдулвоҳид ал-Ҳошимийдан ривоят қилган:

*Восила ибн ал-Асқаъ разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимки бир мусулмон асирни мушриклар қўлидан озод этса, гўёки ўшал асир мен бўлиб, у мени озод этган баробарида бўлур”.*

Абу Наср ал-Фатҳ ибн Шахраф бундай дейди: “Мен тушимда Ҳазрат Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳуни кўриб: “Эй Ҳасаннинг падари бузруквори! Менга насихат қилингиз!” – дедим. Шунда ул киши: “Бойларнинг Оллоҳ таолодан савоб олмоқ истагида ўзларини камбағаллар даврасида тавозеъ бирла тутмоқлари қандай яхши! Аммо, Оллоҳ таолодан савоб олмоқ умиди борасида камбағалларнинг бойларга нисбатан ўзларини мағрур тутмоқлари бундан ҳам гўзалдир!” – дедилар, сўнг қафтларини очиб эдилар, унга қуйидаги сатрларнинг нур бирла битиб кўйилганини кўрдим:

“Йўқ эдинг, йўқдан бино қилди сени Қодир Худо,  
Тез арода йўқ бўлурсан, бошинга келгай қазо.

Фони дунё ичра қил беэҳтиёж муҳтож уйин,  
Бу ила Дор ул-Бақода ўзинга кургил бино!”.

**АБУЛҲАСАН ФОИҚ** ибн **АБДУЛЛОҲ** ал-**ХОССА** ал-**АНДАЛУСИЙ** – амир. Илгари амир Муҳаммад Нух ибн Насрининг озод қилган кули бўлган. Куфада Абу Аҳмад Муҳаммад ибн Қурайш ибн Сулаймон, Абу Бакр ибн Абу Дорим ал-Куфийдан, Маккада Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Фавокиҳийдан, Бухорода Ал-Ҳорис ва Абу Ҳафс ал-Ижлийдан ҳадис ривоят қилган. Ундан эса Бухоро аҳлу ғураболари ҳадис келтирган. Абулҳасан Фоиқ амир Ас-Садийд билан биргаликда икки бор Насафга келиб кетган ва ҳижрий 387 (милодий 996) йил, 6-рабийъ ул-аввал, шанба куни Самарқандга ноиб бўлиб келган. У ҳижрий 389 (милодий 998) йил, 13-рамазон, душанба куни тунда Бухорода оламдан ўтган.

Амир Абулҳасан Фоиқ ибн Абдуллоҳ қуйидаги ҳадисни Абулаббос Аҳмад ибн Иброҳим ан-Наҳвийдан ривот қилган:

*Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу бундай дейдилар:*  
“*Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қуйидаги олти тоифа киши олти гуноҳ учун жаҳаннамга киради: амирлар зулм учун, араблар таассуб учун, заминдорлар (вилоят, қишлоқ раҳбарлари) кибр учун, савдо-сотик аҳли хиёнат (алдов) учун, қишлоқ (вилоят) аҳли жаҳолат учун ва уламолар ҳасад учун” – деб марҳамат қилдилар.*

**АБУ ЖАЪФАР ҚУСАМ** ибн ал-**АББОС** ибн **АБДУЛМУТГА**-**ЛИБ** ибн **ҲОШИМ** ибн **АБДУ МАНОФ** ибн **ҚУСАЙЙ** ибн **КИЛОБ** ибн **МУРРА** ибн **КАЪБ** ибн **ЛУАЙ** ибн **ҒАЛИБ** ибн **ФИҲР** ибн **МОЛИК** ибн ан-**НАЗР** ибн **КИНОНА** ибн **ХУЗАЙМА** ибн **МУДРИКА** ибн **ИЛЁС** ибн **МУЗАР** ибн **НИЗОР** ибн **МАЪАДД** ибн **АДНОН** – Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амакилари Ал-Аббос разияллоҳу анҳунинг ўғиллари. Муовия ибн Абу Суфён разияллоҳу анҳумо халифалиги даври (661–680) да Саъид ибн Усмон

ибн Аффон разияллоху анхумо билан бирга Мовароуннахрни фатх этмоққа келиб, Самарқандда шаҳид бўлганлар, қабрлари ўша ерда бўлиб, зиёрат қилинади. Баъзиларнинг айтишича, ул киши Марвда вафот этиб, ўша ердаги “Абу Хумра ас-Суккарий” маҳалласи қабристонига дафн қилинган эмишлар.

Мен (яъни, ушбу китоб муаллифи Ан-Насафий) эсам Ҳамдуйа ибн ал-Ҳаттоб, Салмуйа Абу Солих, Яхё ибн Муъийн, Абдуллох ибн ал-Муборак, Абдулазиз ибн Абу Ризма ва Аҳмад ибн Саъид ибн Маъдонларнинг ҳар бирининг келтирган далилига таяниб: “Қусам ибн ал-Аббос Марвда вафот этиб, ўша ерга дафн қилинганлар”, – дейман. Солих ибн Муҳаммад ал-Бағдодий, Абу Ражо, Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Аҳмад ибн Сайёр, Муҳаммад ибн Аслам ал-Қозий, Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ад-Дағулий, Абу Иброҳим ал-Боб Киссий ва Мусъаб ибн Абдуллохлар эса ул кишининг Самарқандда шаҳид бўлиб, ўша ерга дафн этилганликларини таъкидлашади.

Абдуллох ибн ал-Аббосдан ривоят қилинишича, Қусам ибн ал-Аббос ярадор бўлган чоғларида Абдуллох ибн ал-Аббосга вафот этажаклари хусусида хабар қила туриб: “Туғилган ерим вафот этаётган жойимдан нақадар узок, Маккада туғилиб, Самарқандда вафот этаётирман” – деб айтган эканлар.

Ал-Қатабий бундай дейди: “Тафсир китоби муаллифи Абу Солих: “Биз ҳеч бир она ўғиллари қабрларининг аббосийлардан бўлмиш Умулфазл ўғиллари қабрларичалик туғилган еридан узокда эканлигини сира кўрмадик. Ал-Фазл Шомда вафот этди, Абдуллох Тоифда вафот этди, Убайдуллох Мадинада вафот этди, Қусам Самарқандда вафот этди, Маъбад эса Иффрикия (Африка)да ўлдирилди”, – деди”.

Қусам ибн ал-Аббос разияллоху анху мавжуд (дафн қилинган) масжид деворида (қуйидаги ёзувлар) бор эди:

“Саъид ибн Усмон разияллоху анху ҳижрий 43 (милодий 662) йили Хуросонга келиб, Самарқанд дарвозасига яқинлашганларида ортларидан Қусам ибн ал-Аббос етиб келдилар. Шунда Саъид ибн Усмон Қусам ибн ал-Аббосни отларидан тушириб, у кишига иззат-икром кўрсатдилар, ул кишининг ташрифларидан мамнун бўлдилар. Сўнг, иккалалари биргаликда Самарқандни фатх этишди. Саъид ибн Усмон Қусам ибн ал-Аббос билан биргаликда Усрушонани фатх этмоқ

учун йўл олишиб, Сийракасга етишганда ул ерда тўхтаб бир неча кун дам олишди. Кейин, Қусам ибн ал-Аббос разияллоху анху вафот этиб, Саъид ибн Усмон ва лашкар ул кишига жаноза ўқишди. Сўнг, Саъид ибн Усмон Қусам ибн ал-Аббоснинг тобутларини шаҳарга жўнатдилар”.

Қусам ибн ал-Аббоснинг оналари Лубоба ал-Кубро (Уммулфазл) мўминлар онаси Маймуна бинти ал-Ҳориснинг сингиялари бўлиб, Аббос ибн ал-Мутталиб разияллоху анхунинг жуфти ҳалоллари эдилар. Ул муҳтарама Аббос ибн ал-Мутталибга олти ўғил туғиб берганлар. Улар қуйидагилар: Ал-Фазл, Абдуллох, Убайдуллох, Қусам, Маъруф ва Абдуррахмон.

*Ал-Ҳилолий бундай дейди: “Ҳеч бир қаҳла (навжувон аёл) бирор эркак зотидан Уммулфазл туққан олти ўғлончалик саховатли ўғлон тугмаган. “Қаҳла” Лубоба ал-Кубро (Уммулфазл)нинг кунялари бўлиб, ул муҳтараманинг тўлиқ номлари Лубоба ал-Кубро бинти ал-Ҳорис ибн Ҳузн ибн Бужайр ибн ал-Ҳазм ибн Рувайба ибн Абдуллох ибн Ҳилол ибн Омирдир. Лубоба ал-Кубронинг олти ўғлонларидан Қусамнинг ҳам, Убайдуллохнинг ҳам зурриётлари йўқ. Улардан Касийр ибн ал-Аббос фақиҳ, фозил бир зот бўлиб, ул кишининг ҳам фарзандлари бўлмаган. Ул ўғлонларнинг барчалари, ҳатто оналари ҳам соғлом, голятда бақувват инсонлар бўлиб, бирорталаридан зурриёт қолмаган. Қусам ибн ал-Аббос хусусларига келсак, агар ул киши уйларидан чиқиб, масжид томон йўл олсалар, одамлар буни ул кишидан таралган муаттар ҳиддан дарҳол фаҳмлашар эди. Оталари Ал-Аббос Қусамни болалик чоғларида ўйинга тушириб бундай дер эдилар:*

*“Эй Қусамжон, эй Қусамжон, эй Қусам!  
Бурни гуллар атрига ошиқ болам!  
Сен ҳали гўдак вале лол айладиңг,  
Кўп сахо аҳлини, эй саҳибкарам!”*

*Расулуллох саллаллоху алайҳи ва саллам Арафотдан қайтдилар, шунда ул зот уловларини миниб келаётган бўлиб, ортларига Ал-Фазл ибн ал-Аббосни, олдларига эса Қусам ибн ал-Аббосни мингаштириб олган эдилар.*



Бир куни Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уловларини минганларича ўйнаб юрган бир гуруҳ болалар орасига кириб бордилар, улар ичида Убайдуллоҳ ибн ал-Аббос ва Қусам ибн ал-Аббос ҳам бор эдилар. Шунда ул зот одамларга: “Манавини (яъни, Убайдуллоҳни) олд томонимга ўтқазиб қўйингизлар!” – деб эдилар, ул кишини олд томонларига ўтқазиб қўйишди, кейин Қусамни кўрсатиб: “Манавини эса орт томонимга ўтқазиб қўйингизлар!” – деб эдилар, ул кишини орт томонларига мингаштириб қўйишди”.

Ибн Умар разияллоҳу анҳудан бундай деб ривоят қилинади: “Хотамун-набийийин саллаллоҳу алайҳи ва саллам лаҳадларига қўйилганларида Ал-Муғийра ибн Шуъба ул зотнинг муборак бармоқларидан муҳрли узукларини чиқариб олди-да, уни қабр ичига тушириб юборди. Кейин, у қўлини узатиб узукни олмоқчи бўлиб эди, Қусам ибн ал-Аббос чаққонроқ ҳаракат қилиб узукни олди-да, унга қайтариб берди. Қусам ибн ал-Аббос Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга замондошлик борасида уларнинг энг сўнггиси эди.

Ривоят қилинишича, Уммулфазл – Лубоба ал-Кубро бундай деган эканлар: “Ё Расулаллоҳ! Мен бир туш кўрдим. Унда Жанобингизнинг аъзоларингиздан бири менинг уйимда (ёки бағримда) эмиш”, – дедим. Шунда ул зот: “Фотима, иншоаллоҳ, бир ўғил тугар экан, унга гамхўрлик қилгил!” – деб марҳамат қилдилар”.

Кейин, Фотима Хусайнни тугди, Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам уни Уммулфазлга топширдилар, у уни Қусам ибн ал-Аббос эмаётган кўкраклари сути бирлан эмизди.

Уммулфазл яна бундай деб давом этадилар: “Кейин, бир куни мен у бирлан Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни кўргани бориб эдим, кўкракларига (бағрларига) сийиб қўйди. Шунда мен уни Жаноб Расулulloҳдан олиб эдим, ул зот менга: “Секинроқ, Оллоҳ таоло ярлақагур! Болажонимни урунтириб қўйдинг-ку!” – дедилар. Мен ул зотга: “Изорингизни менга ечиб берингиз, уни ювиб берайин!” – дедим. Ул зот: “Йўқ, унинг устидан сув қўйиб юбор, чунки ўғил бола сийдиги устидан сув қўйиб юборилса, кифоя қилур, аммо қиз бола сийдиги ювилгай” – деб марҳамат қилдилар”.

Кусам ибн ал-Аббос бундай деб ривоят қиладилар: “Хотамун-набийийин саллаллоҳу алайҳи ва саллам Жаъфар ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳуға: “Дарҳақиқат, Оллоҳ таоло менга ваҳий йўллаб, ул орқали тўрт хислатинг учун сенга ташақкур изҳор айладики, сен Парвардигор мени пайгамбар қилиб юбормасидан бурун уларни ўзингда барқарор сақлаган экансан. Айтгил, улар қайси хислатлар?” – дедилар. Шунда Жаъфар: “Ота-онам Сизга фидо бўлсинлар, Ё Расулаллоҳ! Агар Оллоҳ таоло ул хислатларим хусусида Сизга хабар қилмаганда эди, ўзимча улар ҳақида айтмасдим, улар қуйидагилар: Бутларга ибодат қилмоқдан нафратланар эдим, чунки уларнинг зарари ҳам, фойдаси ҳам йўқ, деб ҳисоблар эдим; маст қилгувчи ичкилик ичмоқдан нафратланар эдим, чунки мен ичкиликни ақлимга нуқсон етказди, деб ҳисоблар эдим, ақлимга нуқсон етказганимдан кўра уни янада зиёда қилмоғим менга яшироқдир; зино қилмоқдан нафратланар эдим, чунки ўзимни ўзим ҳалокатга гирифторман айламоғимни истамасдим; ёлгон сўзламоқдан нафратланар эдим, чунки мен буни тубанлик, деб ҳисоблар эдим” – деди”.

Кусам ибн ал-Аббос разияллоҳу анҳумо яна бундай деб ривоят қиладилар: “Расулаллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Лутфу марҳаматни Оллоҳ таолонинг раҳмдил бандалари даргоҳидан излангизлар, улар паноҳида тирикчилик қилингизлар!” – деб марҳамат қилдилар”.

Ривоят қилинишича, Ҳазрат Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳу Маккадаги омиллари (солиқ йиғувчилари) Қусам ибн ал-Аббос разияллоҳу анҳуға мактуб йўлладилар, унда бундай деб ёзилган эди: “Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм, аммо баъд: одамларга ҳаж уюштир, уларга Оллоҳ таолонинг муайян кунларда ҳаж қиломқни амр қилганини эслат, икки кун улар учун ўлтириб, фатво сўрагувчиларга фатво бер, Макка аҳли орасидаги жохил (нодон)ларга таълим бер, (Маккада) муқим яшагувчилардан зинҳор тўлов олма! Чунки, Оллоҳ таоло: “... **Биз уни (Ал-Масжид ал-Харомни) барча учун – ундаги муқим учун ҳам, хориждан келган учун ҳам баробар (саждагоҳ) қилгандурмиз...**” (“Ал-Ҳаж” сураси, 25-оят) – деб айтгандир. Оятдаги “ал-окиф” сўзи “муқим” ва “ал-бод” сўзи “хориждан келиб ҳаж қилгувчи”ни англатадир. Барчамиз Оллоҳга бўйин эгдик! Сизларга эса Оллоҳнинг инояти ва омонлик бўлсин!”.

Абу Солих: “Мен Қусам ибн ал-Аббос разияллоху анхунинг бундай деганини эшитдим”, – дейдилар:

“Чин биродар – дардингга ҳамдари киши,  
Тарк этар ул кез сени номард киши.  
Кимки ёнингга эмас гап чоғида,  
Ул биродар бўлмагай - муртад киши”.

Ҳишом ибн Исом ал-Килобий бундай деб ривоят қиладилар: “Мен Қусам ибн ал-Аббос ибн Абдулмутталибнинг ҳузурига тез-тез кириб, у ерда бирор шеър ўқиб турар эдим. Бир куни одатдагидек Қусамнинг ҳузурига кирмоқ ниятида ичкарига қараб эдим, унинг шоҳона бир зарчопон кийиб олганини кўрдим. Шунда мен ўзимча унинг нарҳини юз динор, деб баҳоладим. Кейин, ортимга – даҳлизга қайтдим-да, у ерда тўрт байт шеър битгач, Қусамнинг ҳузурига кириб, дудуклана-дудуклана уни ўқишга киришдим. Қусам бундан ҳайрон бўлиб менга: “Эй Ибн Исом! Мендан не содир бўлдики, дудукланаётирсан?” – деди. Мен унга: “Эй Расул-ulloхнинг амакиларининг ўғли! Мен кеча бир туш кўриб эдим, ҳозир дилим ўшал бирла машғул бўлди”, – дедим. Қусам: “Қандай туш кўрдинг?” – деди. Шунда мен қуйидаги шеърни ўқидим:

Мен Абу Жаъфарни кўрдим, туш эди, ёдда ҳамон,  
У менга кийдирди бир шоҳона, янги зарчопон.  
Таъбирин бир улфатимдан сўрадим, менга деди:  
“Ул сабаб келгай ҳалоқат, бўлғуси охир замон”.  
Ҳошимий аҳли сахога дўсти содик, ошно,  
Тақдир илги айлаган эҳсон талаб бир нотавон.  
Дилда борин кимки айтса, эътироз этма унга,  
Бош эгиб унга қулоқ сол, арзини қилсин баён!

Кейин, у зарчопонининг енги бирлан менга “Бери кел!” деган маънода ишора қилиб: “Бунга энгимдан ечиб ол!” – деди, мен уни ечиб олдим. Сўнг, қарасам, у зарчопон остидан бир қўйлақ ҳам кийиб олган экан, мен ўзимча унинг нарҳини эллик динор деб баҳоладим-да: “Оллоҳ таоло сени камбағал

қилиб қўймоғимни истамаган шекилли?! Тўғриси айтсам, тушимда бул қўйлакни ҳам кўрган эдим-у, лекин унитибман”, – дедим. Қусам бул гапимни эшитгач, шул қадар қаттиқ қаҳ-қаҳ отиб кулиб юбордики, ҳатто кўлу оёқлари ҳаракатга кириб кетди. Сўнг, у фуломига: “Менга иккита оддий эскирган кийим келтир!” – деди. Фулом иккита оддий, эскирган кийим келтиргач, Қусам иккаласини кийиб олди-да, устидаги қимматбаҳо қўйлакни ечиб, уни ҳам, зарчопонни ҳам менга инъом қилди. Қимматбаҳо қўйлак ҳам, зарчопон ҳам меники бўлгач, мен унга: “Оллоҳ таоло сени камбағал қилиб қўймоғимни истамаган шекилли?! Сўз бирла эришган ютуғим ҳар қандай мукофотдан ажабтовурдир”, – дедим. Қусам: “Буни қандай тушунмоқ керак?” – деди. Мен унга: “Бундан буён ҳар сафар тунда бирор туш кўрсам, тонг отиши биланок унинг таъбирини сенга айтаман”, – дедим. Шунда Қусам: “Ё Субҳоналлоҳ! Сен тунда бирор туш кўрасан-у, тонг отиши биланок келиб мени шилиб оласанми?! Демак, сенга на Шом ва на Ироқ тўқувчилари чидамас экан-да?! Лекин, яна шундай туш кўришинг зарур бўлиб қолса, фақат бир бор ёзда ва бир бор қишда кўргил! Башарти (биз таъйин қилган вақтдан ташқари) яна шундай туш кўрадирган бўлсанг, ул ҳолда биз ҳам сенга атаб ана шундай бир туш кўриб кўюрмиз”, – деди”.

**АБУ ҲАФС ҚУТАЙБА ибн МУСЛИМ ибн АМР ибн ҲУСАЙН (ҲАСИЙН) ибн РАБИЙЪА ибн ХОЛИД ибн УСАЙД ибн КАЪБ ал-БОҲИЛИЙ** – халифа Ал-Валийд ибн Абдулмалик даврида, Ал-Ҳажжож ибн Юсуф Ироқда ноиб эканлигида Хуросон томон юриб, Мовароуннахр ва Самарқандни фатҳ этган, ҳижрий 94 (милодий 712) йили Самарқанд ихшиди Фурак билан сулҳ тузиб, ўша ерда яшаб қолган. У ҳижрий 96 ёки 97 (милодий 714 ёки 715) йил, зулҳижжа ойининг 3 куни қолганда, халифа Сулаймон ибн Абдулмалик даврида Фарғонада ўлдирилган. Ўшанда уни Вакийъ ибн Абу Суд ал-Гуддоний ат-Тамимий ўлдирганди, чунки Қутайба уни Тамим қабиласига бошчилик қилмоқдан четлатган эди. Қутайба ҳижрий 49 (милодий 668) йили дунёга келган бўлиб, тўққиз йилу етти ой Хуросонда ноиблик қилган.

Мен (яъни, ушбу китоб муаллифи Насафий) “Таъриху ас-Саломий”да Наҳор ибн Юсуф ал-Лайсийнинг, Язид ибн ал-Муҳаллаб Хуросон ноиблигидан туширилиб ўрнига Қутайба тайинланганда, (аламидан) Қутайба хусусида ёзган бир назмини кўрдим, у қуйидагича:

“Язид чоғи Хуросоним тотув хонадон эрди,  
Ҳамиша бағри очик, яхшилар жонажон эрди.  
Язид ўрнига келди бир қашамшам, баджаҳл,  
Юзи сирка сочилгандек чўтир, норавон эрди”.

Язид ибн ал-Муҳаллаб (ноиблик вақтида) Хуросондаги ҳовлисида бир боғ бунёд қилган эди. Қутайба унинг ўрнига Хуросонга ноиб бўлгач, мазкур боғни туяси турадиган жой қилди-да: “Менинг отам туябоқар бўлган, Язиднинг отаси эса боғбон эди”, – деди, (шунда у туябоқар сўзини “шўтўрбон” ва боғбон сўзини “бўстонбон” деб форсча айтди).

Қутайба ҳижрий 85 (милодий 703) йили Бойқандни, кейин Бухоро, Кеш, Насаф, Суғд, Самарқанд, Хоразм, Кобул ва Нисони фатҳ этди. Сўнг, у ҳижрий 95 (милодий 711) йили Фарғонани фатҳ этди. Ал-Ҳажжож Фарғонада вафот этгач, Қутайба Марвга қайтди. Кейин, халифа Ал-Валийд ибн Абдулмалик Қутайбага мактуб йўллаб, унга кўп яхшиликлар қилажаги ҳақида ваъдалар берди. Шундан сўнг, Қутайба Фарғонага қайтиб, у ердаги жангларда ғайридинлардан бир қанчасини ўлдирди, кўплаб кишиларни асирга туширди ва талайгинасини гаров тариқасида ўзи билан олиб кетди. У Кушмиҳан деган жойга етганда халифа Ал-Валийд ибн Абдулмаликнинг вафот этгани хусусида хабар келди. Омир аш-Шаъбий, Абдуллоҳ ибн Бурайда ибн ал-Ҳасийбдан ривоят қилинишича, Қутайба умрида биринчи бор чиққан минбар – Рай минбари бўлиб, у шу вақтда Хуросон ноиби эди. Шунда у минбарга чиққан ҳаманоқ кўлидаги таёкни тушириб юборгани ва бунга ёмонликка йўйиб, “Бунинг менга бирор касри урмасайди!” - деб хавотир олгани. Кейин, бир кишининг шу хусусда ёзган шеърини эслаб, уни минбарда турганча айтгани-да, бояги иримига шу тарика кўл силтаб ўзига ўзи таскин берган эди. Ул шеър қуйидагича:

Фолчи ерга фол таёгин ташлабон,  
Ўзга такдирини қилди ҳал шу он.  
Завжи қайтгандек сафардан бус-бутун,  
Балқиди хотин юзи ойдек чунон.

Қутайба Самарқандни қамал (қилмоққа қарор) қилганда одамлар унга: “Самарқандни фатҳ қилувчи киши сен эмассан, у (сенга) таслим бўлмас, чунки уни “Болон” исмли бир киши фатҳ этажак”, – дейишди. Шунда Қутайба: “Оллоху акбар! Парвардигор ҳақи, ўша Болон мендирман! Мен Самарқандни фатҳ этаман!” – деди. Кейин, у Суғд тоғидан ошиб ўтиб, Самарқандга яқинлашганда (унинг гўзаллигини кўриб) ҳамроҳларига: “Кани, Самарқандни бир таърифлаб кўрингизлар-чи!” – деди. Улар: “Эплай олмаймиз”, – дейишди. Шунда Қутайбанинг ўзи уни бундай деб васф қилди: “У ям-яшил боғу роғларга чўмган бир осмон янглиғдир, қасрлари порлоқ юлдузлар монанддир, дарёси эса (фалак узра) Сомон йўлига ўхшайди!”.

Ал-Асмаъий бундай дейди: “Қутайба ибн Муслим ҳар сафар тушлик қилаётганда энг охири дастурхонга пиширилган бир улоқча тортилар ва унга унинг ўзидан бўлак бирор киши қўл узатмас эди. Бир куни Басрадаги Боҳила қабиласи улуғларидан бўлмиш бир шайх бу ҳақда хабар топгач, атайлаб унинг ҳузурига келди. Кейин, тушлик маҳали бўлганда одатдагидек пиширилган улоқча келтирилди-да, дастурхон атрофида ўлтирганлардан бирортаси ҳам унга қўл узатмади. Шунда бояги шайх ул улоқчани пичоқ бирла нимталаб, дастурхон атрофидагиларга улаша бошлади. Буни кўриб Қутайба шайхга: “Нима, бу улоқчанинг онаси сени сузганми, дейман?!” – деди. Шайх эса унга жавобан: “Йўк, ундай эмас. Менимча, бу улоқчанинг онаси сени эмизган бўлса керак?!” – деб жавоб қилди.

Қутайбанинг узуги муҳрида “Ниймал-қодир – Аллоху!” (“Энг қудратли зот – Аллохдир!”) деган ёзув мавжуд эди.

Қутайба бир аёлнинг боласи, эри ва биродарини қатл этганда, одамлар ул аёлдан: “Сенинг Қутайбадан ҳам ёмонроқ душманинг борми?” – деб сўрашибди. Шунда аёл: “Ҳа бор, ул душман мендан муттасил таом талаб қилувчи (кўзга кўринмас) балои нафсим бўлиб, (бўлак) душманларим эса кўзим ўнгидадир” – деб жавоб берибди.

Кутайба ибн Муслим, ривоят қилинишича, яна бундай деб айтган экан: “Ўзимни бирор иш ташвишга солгани ҳамоноқ Муҳаммад ибн Восийга мурожаат қилардим, кейин Оллоҳ таоло унинг дуоси туфайли мени ташвишдан халос қиларди. Муҳаммад ибн Восийнинг душман тўқнаш келганда лашкарларимни дуо қилгани менинг учун улар сафига яна юз миғ отлик келиб қўшилганидан афзалроқдир. Муҳаммад ибн Восийнинг баракоти нақадар буюк! Унинг менга теккан буюк баракотларидан бири шуки, у бир куни ҳузуримга келиб менга Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умардан қуйидаги бир ҳадисни ривоят қилиб берди:

*“Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимки бозорлардан бирига кирса, “Ло илоҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу, ло шарийка лаҳу, лаҳул-мулкү ва лаҳул-ҳамду, йўхийй ва йумийту ва ҳува ҳаййун, ло йамуту, би-йадиҳил-хойру ва ҳува ала кулли шайъин қодийр” деб айтсин! Шунда Оллоҳ таоло унга минг-минг амали солиҳ ёзиб, унинг минг-минг ёмон амалини ўчирур ва унинг учун жаннатда бир уй барпо қилиб қўюр” – деб марҳамат қилдилар”.*

Мен мазкур ҳадисни эшитганимдан бери уни ёдимдан чиқарганим йўқ, (бирор ерга борганим ҳамоноқ дарҳол) отимга миниб, бозорга бораман-у, (ўшал дуони ўқийман), бундан бўлак иш қилмайман”.

Юнус ибн Убайд бундай дейди: “Кутайба ибн Муслим Марвга қози тайинламоқчи бўлганда унга Абдуллоҳ ибн Бурайданинг муносиб эканлигини айтишди. Кейин, Кутайба Абдуллоҳ ибн Бурайдадан шу хусусда илтимос қилиб эрди, у бош тортиб: “Отам менга ривоят қилган бир ҳадисни эшитганим учун ҳам қозилик курсисига ўлтирмасман. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Қозилар уч тоифа бўлур, улардан иккитаси жаҳаннамга ва бири жаннатга кирур. Била туриб ноҳақ ҳукм чиқарган қози ҳам, билмай ноҳақ ҳукм чиқарган қози ҳам жаҳаннамга тушур, адолатли ҳукм чиқарган қози эса жаннатга кирур” – деб марҳамат қилганлар”, – деди”.

Салм ибн Кутайба эса: “Мен отам Кутайбанинг қуйидагича ривоят қилганларини эшитганман”, – дейди: “Ал-Ҳажжож ибн Юсуф бизга хутба қилди, шунда у қабр хусусида эслади-

да: “Қабр ваҳшату ғурбат уйидир, қабр охират манзилларидан энг сўнггисидир” – деб ҳадеб такрорлайвердики, пировардида ўзи ҳам йиғлаб юборди, атрофидагиларни ҳам йиғлатди. (Юқоридаги “Қабр охират манзилларининг энг сўнггисидир” деган жумладаги “энг сўнггисидир” ибораси ўрнида “энг дастлабкисидир” деган ибора бўлиши лозим эди. Чунки, қабр охиратдаги инсон борадиган энг дастлабки манзилдир. Бизнингча, матнда “аввал” сўзи ўрнига “охир” сўзи хато ёзилиб қолган бўлса керак). Кейин, мен (яъни Қутайба) мўминлар амири Абдулмалиқдан отаси Марвондан келтирган куйидаги ривоятни ҳам эшитдим:

*“Отам Марвон бундай дер эдилар: “Усмон ибн Аффон разияллоҳу анҳу бизга хутба қилаётиб дедилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бирор қабрга кўзлари тушди дегунча ёхуд қабр хусусида элаганлари ҳамоноқ кўзларига ёш олар эдилар. Бир куни биз: “Ё Расулаллоҳ! Сиз жаҳаннамни элаганингизда ҳам, охиратни элаганингизда ҳам йиғламайсиз-у, аммо нечун қабрлар хусусида элаганингиз ҳамоноқ кўзларингизга ёш олурсиз?” – дедик. Шунда ул зот: “Эй Усмон! Чунки мен қабрдан кўра даҳшатлироқ нарсани кўрмаганман, қабр эса (бу) дунёнинг инсон борадиган манзилларидан энг сўнггисидир. Кимки қабрда саодатга эришса, демак у бундан кейин ҳам саодатманд бўлур ва кимки қабрда бадбахт қилинса, демак у бундан кейин ҳам бахти қаро бўлур. Қабр аро ҳар бир маййитга жаннатдаги ёки дўзахдаги жойи эртаю-кеч кўрсатиб турилур” – деб марҳамат қилдилар”.*

Ривоят қилинишича, бир куни Мирдос ибн Хаззом ал-Асадий Қутайба ибн Муслимнинг ҳузурига кириб, унга куйидаги шеърни айтибди:

Кўл чўзиб мен келмадим мисли гадо,  
Қилмагум қондошлигим пеш мутлақо.  
Сен сахийсан, бунга комилдир ишонч,  
Эҳтиёж аҳлига ҳар дам жон фидо.  
Гар иноят айласанг, раҳмат сенга,  
Ёки қилсанг ваъда, этгунгдир вафо.



Тору мор қилганда ҳам муҳтожлик,  
Урмагум макруҳга қўл, шоҳид Худо.  
Неча бибурд, эй Қутайба, охири,  
Қавлида турмай юзи бўлди қаро.  
Қўл ювиб қўлтиққа урди осмон,  
Хатто у бўлди хасисдан норизо.

Кейин, Қутайба унга беш минг дирҳам бермоқни ғуломига амр қилгач: “Ундай бўлса, Биз сенга ўз шаъну эътиборимизга муносиб вафо қилурмиз!” – деди.

Бир куни бир киши Қутайбанинг хузурига келди-да, унга: “Эй Қутайба ибн Муслим! Мен сенинг хузурингга шундай бир ҳожат бирла келдимки, уни сенинг қошингга келмасимдан бурун Оллоҳ таолога изҳор қилгандим. Агар Парвардигор ҳожатимнинг сенинг қўлларинг бирла раво қилинмоғига изн берса, сендан миннатдор бўлурман, башарти изн бермаса-ю, сен менга эҳсон қилмасанг, ул ҳолда мен сени маъзур тутурман”, – деди. Шунда Қутайба унга ўн минг дирҳам бериб юбормоқни буюрди.

**ҚУТАЙБА ибн МУҲАММАД (АБУ ас-САМҲНИНГ ОТАСИ)**  
– Самарқанд аҳлидан. Қуйидаги ҳадисни ривоят қилган:

*Маъоз разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Фожир (бузуқ, ифлос одам) хушнамо, доно деб қабул этилмагунга қадар, хусуматчи дўст тутилмагунга қадар ва адолатпарвар ожиз, қўли калта қилинмагунга қадар Қиёмат бўлмас” – деб марҳамат қилдилар. Шунда саҳобалар: “Ё Расулаллоҳ! Бу Қиёмат аломатлариданми?” – дейишди. Ул зот: “Ҳа, агар ўшал замон аҳли садақани (эҳсонни) бекорчи сарф деб, ибодатни одамлар елкасидаги ортиқча юк деб ва омонатни ўлжа деб уйласа. Ул даврда имомлар шарийъатга зид, фатво сўрагувчилар манфаатига мос фатволар берурлар ва қозилар сотилурлар” – деб жавоб қилдилар”.*

**АБУ ҲАФС ҚУТАЙБА ибн АҲМАД ибн СУРАЙЖ ибн УС-МОН ал-БУХОРИЙ** – Насафда муқим яшаган. “Ат-Тафсир ал-Кабийр” (“Қатта тафсир”) китоби муаллифи. Убайдуллоҳ ибн Восил ал-Бухорий, Муҳаммад ибн аз-Зувъ ал-Карминий,

Али ибн Абдулазиз, Муҳаммад ибн Юнус ал-Кудаймийдан ҳадис ривоят қилган, Ал-Кудаймийдан Нусуҳ ибн Восил ал-Варозонийнинг тафсирини тинглаб, уни ўз кўли билан ёзиб олган. Ҳижрий 306 (милодий 917) йили Насафда вафот этган.

Абу Ҳафс Кутайба “Ал-Хулқониййун” масжидида ўлтириб одамларга ҳадис ривоят қилган, бу Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф замонида бўлганди. У қуйидаги ҳадисни Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Биртийдан ривоят қилган:

*Анас разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Дарҳақиқат, Оллоҳ таоло Куръонни сизлар учун қисмларга бўлиб қўйган, “Кул ҳуваллоҳу аҳад” эса Куръоннинг учдан бир қисмига тенгдир” – деб марҳамат қилдилар”.*

**АБУ РАЖО ҚУТАЙБА ибн МУҲАММАД ибн МУҲАММАД ибн АҲМАД ибн УСМОН ал-УСМОНИЙ ан-НАСАФИЙ** – шайх, ҳофиз. Шайх ва имом ал-хатийб Абулаббос Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Мустағфирийнинг набираси. Самарқандда кўплаб шайхлардан ҳадис тинглаган ва ўзи ҳам умрининг охирида кўплаб илм толибларига ҳадис ривоят қилган, Насафдаги жомеъ масжиди айвонига кираверишда одамларни тўплаб, уларга ҳадис ёздирган. У ҳижрий 474 (милодий 1071) йил, рабийъ ул-оҳар ойининг 9-куни 65 ёшида вафот қилган.

Абу Ражо Кутайба ибн Муҳаммад ривоят қилган ҳадислардан бири қуйидагича:

*Маъоз ибн Жабал разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Дарҳақиқат, менинг саҳобаларим одамлар орасида бамисоли осмондаги юлдузларга ўхшайдилар. Кимки (осмондаги) ул юлдузлардан бирига эргашса, (кўзлаган манзилига олиб борадирган тўғри) йўлдан борур ва кимки саҳобаларимдан бирига эргашса, (Оллоҳнинг висолига етказувчи) ҳидоят йўлини топиб олур” – деб марҳамат қилдилар”.*

**ҚАЙСАР ибн АБДУЛЛОҲ** – фақиҳ. Самарқанд ахлидан. Муҳаммад ибн Қайсарнинг отаси ва Абу Умар ҳамда Ал-Қайсарийнинг бобоси. У Суфён ибн Уяйнадан қуйидаги ҳадисни ривоят қилган:

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Кимки бирор жанозада (жаноза) намози ўқиса, унга бир қийрот савоб ёзилур ва кимки жаноза маросимининг бошидан охирига қадар иштирок этса, унга икки қийрот савоб ёзилур. Ул қийротлардан биттаси (ёки энг кичиги) Уҳуд тоғичадир” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУ ШИБЛ ҚУРАЙШ ибн ал-ҲАЖЖОЖ ал-БУХОРИЙ** – Насафда яшаган. Маъруф ибн Ҳассон ва Исҳоқ ибн Бишрдан ҳадис ривоят қилган, ундан эса Абу Исҳоқ Иброҳим ибн ал-Фазл ибн Ҳайдар ал-Касбавий ҳадис келтирган. У куйидаги ҳадисни Маъруф ибн Ҳассондан ривоят қилган:

Абу Хурайра разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Бирор банда, токи мен унинг учун фарзанди ва ота-онасидан ҳам маҳбуброқ бўлмас эканман, (чинакам) мўмин бўла олмас!” – деб марҳамат қилдилар”.

**Ал-ҚОСИМ ибн ИСОМ ас-САМАРҚАНДИЙ** – Муҳаммад ибн Яхё Абу Умар ал-Аданийдан куйидаги ҳадисни ривоят қилган:

Ибн Умар разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ислом (дини) беш нарсага асосланади, улар куйидагилар: “Оллоҳдан бўлак илоҳ йўқ, Муҳаммад эса унинг Расули” деб калимаи шаҳодат айтмоқлик, (беш вақт) намоз ўқимоқлик, закот бермоқлик, Рамазон ойида рўза тутмоқлик ва (қудрати этса, умрида бир марта) ҳаж қилмоқликдир” – деб марҳамат қилдилар”.

**АБУ МУҲАММАД ал-ҚОСИМ ибн АБДУЛЛОҲ ибн МУҲАММАД ибн АМР ал-ҚАТТОН ас-САМАРҚАНДИЙ** – Мадинадаги бир тор кўчада истиқомат қилган. Юсуф ибн Али ал-Аббордан ҳадис ривоят қилган, ундан эса Муҳаммад ибн Исом ал-Қатвоний ҳадис келтирган. Куйида у ривоят қилган ҳадислардан бири:

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “Ё Расулаллоҳ! Қачон (одамларга) на амри маъруф ва на наҳий мункар қилмай қўюрмиз?” – дейилди. Жаноб Расулуллоҳ: “Бану Исроилда бўлган нарса сизларда ҳам бўлса”, – дедилар. Одамлар:

*“Ўшал нарса недур, ё Расулаллоҳ?” – дейишди. Шунда ул зот: “Мунофиқлик (тили бирлан дили боиқалик) яхшиларингизда, бузуқлик ёмонларингизда, бойлик кичикларингизда ва фиқҳ (шарийъат ҳукмларига доир илм) разилларингизда бўлганда” – деб марҳамат қилдилар”.*
